


Ж.Нурматов, Н.А.Халилов, Ў.Қ.Толивов

# ИССИКЛИК ТЕХНИКАСИ



Ж. НУРМАТОВ, Н. А. ҲАЛИЛОВ, Ҳ. Қ. ТОЛІПОВ

# ИССИҚЛИК ТЕХНИКАСИ

*Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус  
табтиим вазирлиги олий ўқув юргизари тағаббаларни  
учун ўқув қўлинима сифатида тавсия этган*

ТОШКЕНТ «ЎҚИТУВЧИ» 1998

Ушбу ўқув құлланма олий ўқув юртлари талабалари учун мұл-  
жаллашған бўлиб, унда асосий әътибор термодинамикашынг қонун  
на қоңдаларига ва улар асосида қурилған иссиқтік машиналарида  
содир бўлладиган термодинамик жараёнларга қаратилған. Иссиқтік  
энергиясини машиналар ёрдамисиз электр энергияга аллантириш ма-  
саалалари фан ва техника эришган ютуқларга таянған ҳолда ёритил-  
гани. Советиш қурилмалари эса китоб охирида иловада қўришишида  
баён қилинган.

Құлланмадан олий ўқув юртларининг «Умумтехника фанлари»  
үқитиладиган факультетлар ҳамда айрим ўрта маҳсус билім юрт-  
ларин талабалари ҳам фойдаланышлари мүмкни.

Тақризчилар: доц. Р. Г. Исянов, доц. С. Х. Ҳакимов,  
доц. А. Н. Исокулов, доц. Э. К. Қурбонов.

AND. M II.  
1567  
- 11 -

2203010000—05

© «Уқитувчи» нашриёти,  
«Зиё-Ношир» КШК, 1998

## СУЗ БОШИ

**Мустақил Узбекистон Республикасининг равнақи кўп жиҳатдан олий ва ўрта махсус билим юртлари етиштириб берадиган мутахассисларнинг билими ва савиаси билан чамбарчас боғлиқ. Чунки бу кадрлар ёш авлодни ўқитишдан тортиб то турли технологик жараёнларни бошқаришгача бўлган мураккаб ва масъуллиятли вазифаларни бажарадилар.**

Республикадаги энергетик манбалардан тўғри фойдаланиш, қурилмаларнинг самарадорлигини ошириш, атроф-муҳитни экологик жиҳатдан ҳимоялаш масалаларини фан ва техника ютуқлари асосида ўргатиш, албатта, ўқитувчи ва муҳандислар зиммасига юкланди.

Энергетик манбалар асосини ўрганишда термодинамика фани ва унинг амалий қисми бўлган иссиқлиқ техникаси асосий ўрин эгаллайди. Термодинамика қонунларини билиш иссиқлиқ машиналарини ҳаётга тўғри татбиқ қилиш ва ишлатиш ҳамда янгиларини яратиш билан боғлиқ бўлган масалаларни ҳал этишда муҳим амалий аҳамиятга эга.

Мазкур ўқув қўлланма муаллифларнинг А. Қодирий номли Жиззах давлат педагогика ва Тошкент кимё-технология институтларида ўқйлган кўп йиллик маърузалари асосида ёзилган бўлиб, унда термодинамика қонунлари ва улар асосида яратилган иссиқлиқ машиналари циклидаги термодинамик жараёнлар баён этилган.

*Муаллифлар*

## МУҚАДДИМА

Иссиқлик техникаси иссиқлик машиналари, аппаратлари ва қурилмалари ёрдамида иссиқлик ҳосил қилиш, уни бошқа турдаги энергияга айлантириб бериш, тақсимлаш, узатиш усулларини назарий ва амалий жиҳатдан қамраб олган ва ўрганадиган умумтехникаға наидир.

Термодинамика ва унинг амалий қисми бўлган иссиқлик техникасининг фан сифатида шаклланишида XVIII—XIX аср олимларидан Р. Майер, Ж. Жоуль, М. В. Ломоносов, Г. Гельмгольц, С. Карно, Р. Клаузис, В. Кельвин, В. Нернст, Д. Максвелл, Д. Бернулли, Л. Больцман, Д. Гиббс, Д. И. Менделеев, Э. Х. Ленц, А. Г. Столетов, К. Э. Циолковский ва бошқа олимлар илмин тадқиқотлари билан ўз ҳиссаларини қўшганлар.

Иссиқлик энергиясини меҳаник энергияга ва меҳаник энергияни электр энергиясига айлантириш усулларининг яратилиши, унинг ҳалқ хўжалигига татбиқ этилиши натижасида электр энергиясини масофага узатиш ҳамда уни меҳаник энергияга айлантириш масалалари ҳал этилди. Ер юзининг кўпгина минтақаларидан катта қувватдаги ГЭС, ИЭС, АЭС ва бошқа турдаги энергетик марказларнинг қурилиши натижасида ишлаб чиқариш механизациялаштирилди ва автоматлаштирилди.

Мамлакатимизда иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш ва уни бошқа турдаги энергияга айлантириш усулларининг самарадорлиги, бирор минтақанинг иқтисодий даражасини кўтаришга таъсир кўрсатиш билан бирга, аҳолининг майший ва маданий шароитининг яхшиланишига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Энергетик бойлик заҳирасидан тўғри фойдаланиш мамлакатни энергетик инқизордан сақлади. Ҳозирги даврда энергия бойлигидан самарали фойдаланиляпти деб бўлмайди. Иссиқлик энергиясининг кўп қисми асбоб-ускушалардан но-

түғри фойдаланиш, самарасиз ускуналарнинг қўлланиши ва шу кабилар оқибатида исроф бўлаяпти. Масалан, Ер юзидағи аҳолининг жон бошига ўртача ҳар суткада 25 кг сифатли (1980 йил) кўмир ёқилади, бу кўрсаткич йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Инсоният фойдаланидиган энергиянинг асосий қисми (90—92%) нефть ва табиий газдан олинади. Узбекистонда эса асосий энергия манбай бўлиб табиий газ ҳисобланади, ундан кейин оз миқдорда нефть ва тошкўмир, дарёларнинг потенциал энергиясидан фойдаланилади.

Энергетика захираларидан түғри фойдаланилмаслик оқибатида Ердаги экологик мувозанат ёмонлашиб бормоқда.

Атом энергетикаси сунъий энергетик манбалардан энг қувватлиси бўлиб, жаҳон бўйича унинг қурилмаларини такомилластириш ҳисобига радиоактив моддаларнинг атроф-муҳитга тарқалмаслик ва ишлатиб бўлинган уран ёқиљисини сақлаш муаммоларининг ечими изланадиган. Европа мамлакатларида энергетик захиралар тугаб бормоқда. Замонавий ишлаб чиқаришнинг энергияга бўлган талаби эса ортиб бормоқда.

Экологик жиҳатдан тоза бўлган Қуёш энергияси, шамол, сув тўлқини, гейзерлар каби энергетик манбалардан фойдаланиш кейинги йилларда сезиларли тараҷада ривожланмоқда. Келажакда экология талабларига жавоб берувчи сунъий энергетик манбалар орасида бошқарплайдиган термоядро синтези реакциялари асосида ишлайдиган эксергетик марказлар инсониятга хизмат қиласди, гидро, гелио, гео, шамол, сув тўлқини энергиялари асосий энергия манбалари бўлиб қолади.

## I бөб. ТЕРМОДИНАМИКА, АСОСИЯ ТУШҮНЧАЛАР

### 1.1. Иссиқлик техникаси фаны, унинг мақсад ва вазифалари

Термодинамика (грекча *therme* — иссиқлик, куч) иссиқлик эфектлари ҳисобига содир бўладиган турли жараёнлардаги энергиянинг бир турдан иккинчи турга айланишини, моддаларнинг ички тузилишини ўтиборга олмаган ҳолда, иисбатлар орасидаги муносабатларни ўрганадиган фандир. Термодинамика табиатнинг универсал қонуқдан (энергиянинг айланиши ва сақланиши) фойдаланиб, иссиқликнинг техникада қўлланилишида содир бўладиган термодинамик жараёнлар ечимини ҳал этади. Термодинамика фанининг мақсади бир неча содда қоидалар — термодинамика қонунлари ёрдамида очиб берилади.

Дастлаб термодинамика иссиқлик двигатели энергияси асосларини ўрганиш жараёнида таълимот сифатида пайдо бўлди. Кейинчалик иссиқлик жараёнларида рўй берадиган ҳодисаларни ҳам амалий, ҳам назарий жиҳатдан ўрганиш натижасида жадал ривожланди.

Ҳозир термодинамика қонунлари асосида қурилган мураккаб ва мукаммал асбоб-ускуналар инсон фаолият кўрсатадиган турли хил соҳаларда ишлатилмоқда. Бунга иссиқлик энергиясини механик энергияга айлантирувчи буғ машиналари, ички ёнув двигателлари ва ҳ. к. мисол бўла олади.

Фан ва техника тараққиётининг маҳсули — техникий термодинамика XIX асрнинг охирида фан сифатида майдонга келди. Техникий термодинамика иссиқлик энергияси ёрдамида ишлайдиган машиналар назариясими ўрганади. Бундай машиналарга буғ турбинаси, буғ машинаси мисол бўла олади. 1597 йилда Галилей биринчи термометрни ясаган, шу вақтни техникий термодинамиканинг пайдо бўлган ва ривожлана бошлаган вақти деб ҳисобласа бўлади.

Термодинамиканинг фан бўлиб майдонга келишида Роберт Майер (1842 й.), Жон Жоуль (1843—46 й.й.), Э. Х. Ленц (1844 й.),\* Г. Гельмгольц (1847 й.) каби

\* Илмий мақола эълон қилинган йиллар.

олимлар энергия сақланиши қонунининг моҳиятини назарий жиҳатдан очиб берганлар. Уз навбатида С. Карно (1824 й.), Р. Клаузис (1854 й.) ва В. Томсон — лорд Кельвин (1856 й.) термодинамиканинг иккичи қонунини яратиши. Орадан ярим аср ўтгандан сўнг В. Нэрнст (1906 й.) термодинамиканинг учунчи қонуни теоремасини таърифлаб берди.

Термодинамик жараёнлардаги иссиқлик ҳодисаларини молекуляр-кинетик назария асосида тушунтиришда Д. Бернулли (1738 й.), М. Ломоносов (1758 й.), Д. Максвелл (1860 й.), Л. Больцман (1877 й.), Д. Гиббс (1880 й.), Д. И. Менделеев (1860 й.) ва бошқа олимларнинг ишлари муҳим ўрин тутади.

Термодинамиканинг тараққиётига рус олимларидан Э. Х. Ленц (электр энергиясининг иссиқлик энергияси га айланиш қонуни), А. Г. Столетов (конвектив ва радиация иссиқлик алмашинуви қонунияти), К. Э. Циolkовский (кўп босқичли ракета двигателида иссиқлик энергиясининг механик энергияга айланиши), М. В. Кирличев ва А. А. Глухманлар (термомоделлаш назарияси) жуда катта ҳисса қўшдилар.

Фан ва техниканинг жадал тараққиёти натижасида жаҳонда жон бошига тўғри келадиган энергия миқдори йил сайин ортиб бормоқда. Аммо бундай энергияни ёқилғилар ҳисобига ишлаб чиқариш узоқ вақт давом этиши мумкин эмас. Чунки Ер остидаги тошкўмир, нефть, газ захиралари тобора камайиб бормоқда. Янги энергия манбаларини яратиш, борларидан эса унумли фойдаланиш зарур. Ҳозирги кунда планетамиздинг йиллик энергетик бойлиги тақрибан қуйнадагича: тошкўмир —  $997 \cdot 10^{14}$  кВт·соат, нефть —  $153 \cdot 10^{13}$  кВт·соат, торф —  $439 \cdot 10^{13}$  кВт·соат, ядро энергиясини олишида ишлатиладиган парчаланувчи кимёвий элементлар ( $U^{235}$ ,  $U^{238}$ ,  $Pu^{239}$  ва ш. к.) —  $547 \cdot 10^{15}$  кВт·соат, Қуёш энергияси —  $79 \cdot 10^{17}$  кВт·соат, шамол энергияси —  $601 \cdot 10^{14}$  кВт·соат, дарёлар энергияси —  $23 \cdot 10^{12}$  кВт·соат. Ернинг ички иссиқлик энергияси —  $232 \cdot 10^{12}$  кВт·соат.

Қуёш энергиясининг таъсирида планетамизда ҳосил бўлган торф, тошкўмир, антрацит, газ, нефтларни Қуёш энергиясининг аккумулятори деб аташ мумкин. Чунки Ернинг 1 м<sup>2</sup> юзасига тушадиган Қуёш нурининг энергияси тақрибан бир киловаттга тенг. Қуёш энергиясини электр энергиясига айлантириш асбобларининг фик кичиклиги сабабли инсоният ундан тўлалигича фойда-

лана олмаяпти. Агарда, қүёш энергиясига электр энергиясига айлантириш муаммоси ҳал бўлса, инсоният энергетик қаҳатчиликка учрамайди.

Иссиқлик техникаси соҳасида ишлаётган олумларнинг баракали ижоди натижасида паст сифатли (қўнғир кўмир, ёнувчи сланецлар, торф ва ҳ. к.) ёқилғилардан унумли фойдалана оладиган қурирлмалар яратилди. Кейинги чорак аср мобайнида иссиқлик техникаси аппаратуралари қаторига сунъий ва табиий газ ёқилғисидан фойдаланиладиган, ФИК юқори бўлган асбоб-ускуналар, қурилмалар қўшилди. Шамол энергетикасидан ҳам жаҳоннинг жуда кўп мамлакатларида фойдаланилмоқда. Қўёш энергетикаси ҳам самарали ривожлана бормоқда. Ерда и ва космонавтикаларни иссиқлик техникаси қурилмаларида (иссиқхоналар, иштгич ускуналари, электр токини ишлаб чиқаришда ва ш. к.) Қўёш нуридан самара иш фойдаланилмоқда.

Энергетиканинг яна бир чегараланган соҳаси атом энергетикаси, иш. Активондлар гуруҳидаги  $U^{235}$ ,  $U^{238}$ ,  $Ti^{132}$   $Pu^{239}$  элементлар ядролари, молекулаларнинг иссиқлик Энергияси даражасидаги Энергияга эга бўлган ва жадал нейтронлар таъсирида парчаланади. Бу ядро реакциялари вақтида атом реакторларида ҳосил бўладиган иссиқликдан Энергетикада кенг фойдаланилади. Ер пўстлогидаги атом ёқилғиси захираси жуда кўп эмас. Ундан инсоният узоқ йиллар фойдаланиб, ўзининг энергетик талабини тўла қондира олмайди. Атроф-муҳитни муҳофаза қилишда, яъни экологик тозаликни таъминлашда Энергиянинг бу манбай айrim қийинчиликларни туғдиради. Шундай бўлса-да, ҳозирги кунда ривожланган мамлакатларда атом энергетикасидан тинч ва ҳарбий мақсадларда фойдаланилмоқда. Келажак Энергетикаси Қўёш энергиясига ва бошқариладиган термоядро синтези реакциясига асосланган. Термоядро синтези Энергетикаси йўналиши 1954 йилдан кеинин бошланган бўлиб, олимлар бу соҳада айrim ижобий натижаларга эришишган.

Иссиқлик машиналари, қурилма ва ускуналари қўлланиладиган техниканинг ҳамма тармоқларида ва уларнинг иш жараёнларида иссиқлик техникаси қонун-қондаларига риоя қилинмаса, иссиқлик машинасидан фойдаланиб бўлмайди, улар тез ишдан чиқади. Шунинг учун ҳам иссиқлик техникаси фан сифатида майдонга

келган ва тараққий этяпти. Халқ хўжалигининг ҳамма соҳасида иссиқлик машиналари, аппаратлари, ускуналари ва комплексларидан фойдаланиб келиммоқда. Улар уй-рўзгор иситгич аппаратларида ҳам кенг қўлланилади.

Маълумки, машина ва механизмлар деталлари ҳаракати вақтида уларнинг сирпаниш нуқталари орасида ҳосил бўладиган ишқалашин натижасида иссиқлик пайдо бўлади. Иssiқликини ҳисоблашда, ички ёнувдвигателларида ёниш жараёнини тўғри ростлашда, улардаги ортиқча иссиқликни ташқарига чиқаришда, материаллар мустаҳкамлигининг ва электр қаршилигишинг температурага боғлиқлигини, электр ва магнит майдонлари қийматларининг пўлат ўзак температурасига боғлиқлигини ўрганишда иссиқлик техникаси фани умум машинашунослик курсида муҳим ўринни эгаллайди. Бу жараёнларни билмасдан туриб ўқувчиларга политехник меҳнат таълими тўғрисида билим ва тарбия бериб бўлмайди. Шунинг учун ҳам иссиқлик техникаси фанини, машинашунослик фанларининг бири сифатида, педагогика, техникавий олий ва ўрта маҳсус ўқув юртлари талабалари ўргапади.

## 1.2. Иссиқлик машиналарининг иш жисми ва уларнинг асосий параметрлари

Иssiқлик энергиясини механик энергияга айлантирувчи қурилма иссиқлик машинаси дейилади. Иссиқлик машиналарига буғ машиналари, ички ёнувдвигателлари, буғ турбинаси, турли хил ракеталар (КРД — кимёвий ракета двигатели, ЯРД — ядро ракета двигатели, ЭРД — электродинамик ракета двигатели) киради. Иссиқлик машиналарининг ишлаши даврий равишда такрорланиб турадиган термодинамик жараёнларга асосланган. Бундай даврий жараёнларда иссиқлик аввал системага узатилади, у ташки кучларга қарши маълум иш бажаргандан сўнг, қолдиқ иссиқлик миқдори системадан чиқарилади.

Айланма жараёнда иш жисмига узатилган иссиқлик миқдорининг фойдали ишга тенг қисмининг узатилган тўла иссиқлик миқдорига нисбати билан ўлчанадиган каттамлик иссиқлик машинасининг термик ФИК дейилади ва у ҳар доим бирдан кичик бўлади:

$$\eta_t = \frac{A}{q_1} = \frac{q_1 - q_2}{q_1} = 1 - \frac{q_2}{q_1} < 1.$$

**Иссиқлик** — материя ҳаракатининг бир шаклидир. Моддани ташкил этган заррачалар ва майдонлар мажмуси материя ҳисобланади. Модданинг таркибий қисмига кирган электрон, атом, молекула, заррача, кристалл панжара түгунларида жойлашган атомларнинг мураккаб ҳаракати натижасида пайдо бўладиган энергия — иссиқлиkdir.

Молекуляр-кинетик назария нуқтаи назаридан тушунирилган бу ғояни XVIII асрда Д. Бернулли ва Вальтер ривожлантириди. XIX асрга келиб иссиқлик ҳақидаги ғояни Р. Майер, Ж. Жоуль, Р. Клаузис, Д. Максвелл яна ҳам ривожлантирилар.

Иссиқлик энергияси жисмларнинг ўзаро таъсиrlашуви (контакти) натижасидир. Конвекция ва радиация (нур чиқариш усуllibарida жисмлар орасида температура фарқи мавжуд бўлгандагина иссиқлик ўтади. Чунки, иссиқлик термодинамик системада кечадиган жараёнларда қатнашадиган заррачаларнинг муҳит билан механик ва иссиқлик таъсиrlашувининг энергетик тавсифи ҳисобланади. Системалараро температуralар фарқи ўринли бўлсагина иссиқлик энергия сифатида биринчи системадан иккинчисига ўтади, яъни  $T_1 > T_2$ , иккала системанинг температуralари бир хил, яъни  $T_1 = T_2$  бўлса, иссиқлик узатилмайди; совуқ модда (система) дан иссиқ жисмга иссиқлик узатилмайди, яъни  $T_1 < T_2$  бўлиши мумкин эмас.

**Иш жисми** — энергияни бир турдан бошқа турга айлантириш жараённда иш бажарадиган моддалардир. Иш жисми деганда ёқилғининг (бензин, мазут, керосин, соляр мойи, газ ва газлар аралашмаси, порох, сувбуғи, зарралар ёки плазма оқими) ҳар хил турлари тушунилади. Масалан, ички ёнув двигателларида бензин буғи билан ҳаво аралашмаси иш жисми ҳисобланади. Иш жисми ҳисобига иссиқлик ҳосил қилинади, узатилади ва юртиқчаси совитгичга чиқарилади ҳамда маълум миқдорда иш бажарилади. Бу иссиқлик миқдорининг катталиги иш жисмининг иссиқлик бериш хусусиятига боғлиқ.

Техникада қуйидаги газлар энг кўп ишлатилади:  $O_2$  — кислород,  $N_2$  — азот,  $H_2$  — водород,  $CO$  — углерод оксиди,  $CO_2$  — карбонат ангидрид,  $CH_4$  — метан (бот-

қоқ газы),  $H_2O$  — сув буғи, табиий ва сунъий газ, газлар аралашмасы — атмосфера ҳавоси.

Ҳар қандай иссиқлик двигателининг иш жараёнида иситгичнинг температураси  $T_1$  советгичнинг төмператураси  $T_2$  дан катта, яъни  $T_1 > T_2$  шарт бажарилганда ва ўринли бўлганда иш бажариш мумкин.

Иссиқликнинг узатилиш қонуниятига мувофиқ иситгич сирт совитгич сиртга бевосита тегиб, маълум иссиқлик миқдорини узатиб тургандагина  $q_1$  иссиқлик миқдори совитгичга ўтади, аммо иш бажарилмайди. Иш бажарилиши учун иш жисми бўлиши шарт. Иситгич сифатида ёқилғининг ёниш маҳсулидан фойдаланилади. Кўпчилик ҳолатларда атмосфера ҳавоси ёки буғ машиналарида конденсатор совитгич вазифасини бажаради.

**Термодинамик система.** Узаро ва бошқа жисмлар билан энергия ва модда алмаша оладиган жисмлар мажмун термодинамик система дейилади. Бирорта термодинамик система берилган бўлсин. Масалан, термодинамик система сифатида цилиндрдаги поршень каллаги устида жойлашган идеал газни ёки ҳаво ва ёқилғи аралашмасини олиш мумкин. Бундай термодинамик система параметрларини ўзаро таъсирилашув натижасида оз миқдорда бўлса ҳам ўзгартира оладиган жисм ташки мұхит дейилади. Қелтирилган мисолимизда идеал газни (иш жисмини) ўраб турган цилиндр деворлари ва поршень каллагининг устки юзаси ташки мұхит бўла олади. Термодинамик системадаги жаҳаён назорат сиртида юз беради. ИЕД (ички ёнуб двигателли) цилиндрни девори билан поршень каллагининг устки юзасидан ташкил топған сирт бунга мисол бўла олади. Термодинамик система назорат ҳажмидаги жойлашади ва шу ҳажмда термодинамик жараён (иш аралашмасининг ёниши) содир бўлади.

Термодинамик системада содир бўладиган ва унинг ҳолат параметрларидан ҳеч бўлмагандаги биттаси ўзгариши билан боғлиқ бўлган ҳар қандай ўзгариш термодинамик жараён дейилади. Ташки мұхит билан термодинамик системанинг ўзаро таъсирилашуви натижасида ўрганилаётган системанинг ҳолат параметрлари ўзгариди. Системанинг ҳолат параметрларини ифодалашда ҳолат параметрлари деб аталадиган физик катталниклар қабул қилинган.

Ҳолат параметрларига солиштирма ҳажм, босим ва температура ( $P, V, T$ ) киради.

Берилган ҳажмдаги газга ташқаридан иссиқлик миқдори узатилса ёки ундан чиқарылса, системанинг бирданига учала параметри ёки бирортағы ўзғариши мүмкін. Узатилиши зарур бўлган иссиқлик миқдори ўрнига газ эгаллаган ҳажмни камайтириб ё кенгайтириб, газнинг ҳолат параметрларини ўзгартириш мүмкін. Чунки газ сиқилса исийди, аксинча, кенгайтирилса — совийди.

Идеал газ қонунларини ўрганишда баъзан идеал изолятор (мутлақо иссиқлик энергиясини ўтказмайдиган материал) тушунчасидан фойдаланилади.

**Босим.** Суюқлик ва газ молекулаларининг, плазма ё зарралар оқимининг идиш деворининг юза бирлигига узатган таъсир кучи катталиги босим дейилади:

$$P = \frac{F}{S} \left| \frac{H}{m} \right| \quad (2)$$

Газ молекулалари хаотик (тартибсиз) ҳаракатланishi натижасида улар идиш деворларини узлуксиз бомбардимон қилиб, маълум куч импульсини (таъсирини) ҳосил қиласиди ҳамда иссиқлик мыйқдорини идиш деворларига узатиб ёки ундан чиқариб туради. Ҳар қандай газ ўзи жойлашган ҳажмни тўлдириб, шу ҳажм ҳосил қилган идиш деворларига нормал йўналишда таъсир кўрсатади, яъни деворга босим беради. Босим СИ ўлчев бирлиги системасида паскалда ( $1 \text{ Па} = 1 \text{ Н}/\text{м}^2$ ;  $1 \text{ кПа} = 10^3 \text{ Па}$ ;  $1 \text{ МПа} = 10^6 \text{ Па}$ ) ўлчанади. Физика курсидан маълумки, молекуляр-кинетик назария нуқтаи пазаридан газ босими  $P = \frac{2}{3} n \frac{mv^2}{2}$ . бунда  $n$  — бирлик ҳажмдаги молекулалар сони;  $m$  — молекулалар массаси;  $v$  — молекулаларининг илгариланма ҳаракатидаги ўртача квадратик тезлик.

Термодинамик система параметри сифатида қабул қилинган босим абсолют босимдир. Энергияни бир турдан бошқа турга айлантиришда газ молекулаларининг нормал йўналишда таъсир узата олиш хоссасидан фойдаланиб, ундан иш жисми сифатида фойдаланилади. Шу мақсадда суюқлик олингандан унинг молекулалари тифиз жойлашганилиги сабабли, таъсир газларга нисбатан жадалроқ узатилади.

**Температура** системанинг иссиқлик ҳолатини тавсифлайдиган асосий ҳолат параметрларидан бири. Жисм-

шинг исиганлик даражаси температура орқали ифодаланди. Жисм таркибидаги зарраларнинг тезлиги қанча катта бўлса, уларниң кинетик энергияси ҳам шунча катта қийматга етади. Демак, температура модда таркибидаги зарраларнинг кинетик энергияси ўлчовидир.

Газниң температураси газ молекулаларишинг ўртача кинетик энергияси ўлчови бўлса, унда температурани энергия ўлчов бирлигидан, яъни жоулда ўлчаш керак. Бундай ўлчов бирлигини (жоуль) техникада қўллаш ноқулай. Шу сабабли температура техникада градусда ўлчанади.

Термодинамик жараёнлардаги температура Қельвин (К) шкаласи бўйича ўлчанади. 1848 йили инглиз физиги лорд Қельвин томонидан термодинамик температура шкаласи фанга киритилди.

Л. Больцман идеал газ молекулаларишинг тезликлар бўйича тақсимотини ўрганиб, температура модда таркибидаги зарраларнинг иссиқлик ҳаракати жадаллигининг ўлчови, деган холосага келган. Шунинг учун ҳам иссиқлик ҳаракати жадаллигининг сол қиймати модда таркибидаги зарра (молекула)ларнинг ўртача кинетик энергияси билан боғлангаплигининг математик ифодасини берган:

$$\frac{mv^2}{2} = \frac{3}{2} \kappa T, \quad (3)$$

бунда,  $\kappa = 1,380662 \cdot 10^{-23}$  Ж/К — Больцман доимийсиц  $mv^2/2$  — зарраниң кинетик энергияси.

Демак, классик статистик физика қонунига мувофиқ, термодинамик мувозанат ҳолатидаги учта эрсинлик даражасига эга бўлган зарраниң ўртача кинетик энергиясини абсолют температура орқали ифодалаш мумкин:

$$T = \frac{2}{3} \frac{H}{\kappa}. \quad (4)$$

Термодинамик температура шкаласининг «ноль» нуқтаси учун идеал газ молекуласининг тартибсиз ҳаракати гўёки тўхтайдиган температура қабул қилинган бўлиб, у абсолют ноль дейлади.

Абсолют температура идеал газ қонунияти нуқтани назаридан қаралса, унда ўзгармас ҳажмдаги идеал газ босими шу газнинг абсолют температурасига мутаносибидир, яъни  $P \approx T$ . Шу ҳолат асосида газ термометр-

лари яратилган. Демак, температура бевос майдиган катталик экан. Температура бошқа физик катталикларни ўлчаш йўли билан аниқланади. Система температурасини ўлчаш — бу газ ёки суюқлик ҳажмийнинг ўзгаришини ўлчаш демакдир. Бунга газ ёки суюқлик термометрлари мисол бўла олади. Система температурасини на фақат газ ёки суюқлик термометрлари ёрдамида, балки қаттиқ (кристалл, металл ва ш. к.) жисмларнинг физик хоссаларидан фойдаланиб маълум физик катталик (масалан, ЭЮК потенциаллар айрмаси)ларни ўлчаш орқали ҳам аниқлаш мумкин. Бунга термопаралар мисол бўла олади.

Халқаро ўлчов бирлиги системасида (СИ) температура Кельвин шкаласи ( $K$ ) бўйича ўлчанади.

Кундалик ҳаётда, кўпроқ Цельсий ( $C$ ) шкаласи қўлланилади. Цельсий шкаласидан Кельвин шкаласига қўйидаги муносабат орқали үтилади:

$$T = t + 273,15.$$

Масалан, хона температураси Цельсий шкаласи бўйича  $20^{\circ}\text{C}$  бўлса, Кельвин шкаласида  $T = t + 273,15 = 20^{\circ} + 273,15 = 293,15 \text{ K}$  бўлади.

**Солиштирма ҳажм ( $v$ )** — модданинг бирлик массаси эгаллаган ҳажм. Бир жинсли модданинг массаси  $m$  бўлса, унинг солиштирма ҳажми:

$$v = \frac{V}{m} \left| \frac{\text{м}^3}{\text{кг}} \right|. \quad (6)$$

Термодинамик система устувор ва ноустувор бўлиши мумкин: системанинг вақт мобайнидаги термодинамик параметрлари ўзгармас ва ҳамма нуқталарида бир хил бўлса, бундай система устувор система дейилади; аксинча, системанинг ҳар хил нуқталаридағи параметрлари ўзгарувчан қийматларга эга бўлса, у ноустувор система дейилади.

Изоляцияланган термодинамик система ташки муҳитга иссиқлик энергиясини узатмайди ва ундан қабул қилмайди.

### 1.3 Системанинг ҳолат тенгламаси

Иш газининг ҳолати ўзгарганида унинг термодинамик параметрлари ( $P, V, T$ ) ҳам мос равишда ўзгариди, яъни термодинамик системанинг мувозанати бузи-

лади. Термодинамик системанинг мувозанати унинг параметрлари орасидаги боғланиш функцияси шаклида ифодаланади ва у термодинамик системанинг ҳолат тенгламаси дейилади. Иш жисмининг (газ, сув буғи, суюқлик ва ш. к.) ҳажми, босими, температураси орасидаги боғланиши қўйидагича ёзиш мумкин:

$$f(P, V, T) = 0. \quad (7)$$

Термодинамик система параметрининг ҳар бирни учун бу функция яна бошқачароқ ифодаланади:

$$V = \Psi(P, T); \quad P = \Psi(V, T); \quad T = \Psi(V, P).$$

Модданинг хоссаларига мос равишда термодинамик системанинг ҳолат тенгламалари ҳам ўзгариши мумкин. Шунинг учун масала ечимини топишда термодинамик системани соддалаштириб, айрим шартларни киритиш усули билан ечим қидирилади. Масалан, идеал газ ёки реал газ ҳолат тенгламалари бир-биридан катта фарқ қиласи.

Термодинамикада идеал газ сифатида, молекулалари ўзаро таъсирлашмайдиган хоссага эга бўлган модда қабул қилинган. Бундай хоссага эга бўлган модда зарралари моддий нуқта деб қаралади. Техникада реал газлар қўлланилади, улар паст босимларда идеал газларга ўхшаб кетади. Шунинг учун айрим ҳисоблаштиарда молекулалар орасидаги ўзаро таъсирлашув кучлари ва молекула эгаллаган ҳажм эътиборга олинмайди.

Физика курсидан маълумки, газ эгаллаган  $V$  ҳажмда  $N$  та молекула жойлашса, унда ҳажм бирлигидаги молекулалар сони  $n = \frac{N}{V}$  бўлади. Шу молекулалар уйғотган босим, Больцман қонунига мувофиқ,  $P = nkT = \frac{N}{V} kT$  ёки  $\frac{PV}{T} = kN = \text{const}$  бўлади.

Идеал газнинг ҳолат тенгламасидан маълумки, 1 киломоль иктиёрий газ массаси учун  $\frac{PV_\mu}{T} = \mu K = 8314 \text{ Ж/кмоль}$  (француз физиги Б. Клапейрон тенгламаси).  $K$  — универсал газ доимийси.

Реал газдан термодинамик система сифатида фойдаланишганда газ молекулалари орасидаги тутуниш кучларини ва газ молекуласининг ҳажмини эътибордан четда қолдириб бўлмайди:

Молекулалар орасидаги тутуниш күчларини ва молекула эгаллаган ҳақиқий ҳажмни ҳисобга олиб, Вандер-Ваальс реал газларнинг ҳолат тенгламасиниң қуидагича ифодалаган:

$$P + \frac{a}{v^2} \left( V_p - b \right) = RT \quad (8)$$

бунда  $a$  — газ табиатига мөс мутаносиблик коэффициенти;  $b$  — газниң сиқилиши мүмкін бўлган ҳажми.

Бу тенглама тажрибада ҳар доим ҳам кутилган натижани бера олмайди. Бунга асосий сабаб газларда учрайдиган ассоциация ҳодисасидир.

Юқоридагилардан хулоса қилиб шуни айтиш мүмкінки, термодинамик система мувозанатининг ўзгариши унга иссиқлик миқдорининг узатилиши ёки ундан чиқарилиши ҳамда механик таъсир ҳисобига кечади. Бу берилган газ ҳолатининг ўзгаришига унга  $q$  иссиқлик миқдорининг киритилиши (чиқарилиши) ёки унинг механик сиқилиши сабаб бўлади, деганидир.

Термодинамик системанинг бир параметри ёки айрим катталиклар комплекси ўзгармаган термодинамик жараёнлари: изохорик ( $V=\text{const}$ ), изобарик ( $P=\text{const}$ ), оғотермик ( $T=\text{const}$ ), адабатик ( $S=\text{const}$ ), политроп ( $PV=\text{const}$ ) бўлиши мүмкін.

Бу жараёнларни кейинроқ қараб чиқамиз.

## II бўб. ТЕРМОДИНАМИКАНИНГ БИРИНЧИ ҚОНУНИ

### 2.1 Системанинг ички энергияси

Моддани ташкил этган зарраларнинг (атом, ион, молекула ва ш. к.) илгариламма, айланма, тебранма ҳаракатидаги кинетик ва потенциал (микрозарраларнинг ўзаро таъсиришви: атом, электрон қобиги ва унинг ядрои ичидаги) энергияларининг алгебраник йигинидин система (модда) нинг ички энергияси ҳисобланади. У модданинг термодинамик ҳолатини характерлайди. Ички энергия тушунчасини фанга 1850 йили В. Томсон киритган.

Молекуляр-кинетик назария нуқтai назаридан моддани ташкил этган зарралар шарчалар шаклида ва уларнинг радиуслари  $10^{-10}$  м тартибидаги катталики ташкил қиласи деб қарадади. Бир грамм моддадаги зарралар сони  $n=10^{22}$  тагача етади. Масалан, 1 г суда  $3.3 \cdot 10^{22}$  молекула бор. Бу зарралар тартибсиз ҳара-

катланади. Зарралар, ўз радиусида, яъни молекула ёки атомдан чиқмайдиган чегарада ҳаракатланса, уларнинг ҳаракати иссиқлик тартибидаги ҳаракат бўлади. Демак, модда зарралари энергияларининг йиғинидин нолдан фарқли бўлса, система (модда) мувозанат ҳолатдан чиққан бўлади.

Термодинамик система бир неча системачалардан ташкил топган бўлиши мумкин. Масалан, молекула ҳам ўзинга хос система бўлиб, у атомлар (системачалар)дан ташкил топган. Атом ҳам молекуладай мустақил система, чунки у (зарралар — протон ва нейтрон) атом ядрои ва электрон қобигида жойлашган электронлардан ташкил топган. Лекин термодинамиканинг макро-системасида атом ичкарисидаги (атом ички энергиясининг) ўзгаришларга эътибор берилмайди.

Зарраларнинг айланма, илгарланма, тебранма ҳаракати, яъни кинетик энергияси температуранинг функцияси бўлганлиги сабабли уларнинг ўзаро таъсирилашиш масофасининг ўзгариши модда (газ) эгаллаган ҳажмнинг ўзгаришига олиб келади. Демак, потенциал энергия ҳажмнинг функцияси экан.

Юқорида келтирилган фикрлардан модданинг ички энергиясини қўйидағича таърифлаш мумкин: ички энергия бевосита модда ҳолатининг функциясидир:

$$U=f(P, V); \quad U=f(P, T); \quad U=f(V, T). \quad (9)$$

Мураккаб системанинг солиштирма ички энергияси сифатида жисм (система) масса бирлигига тўғри келадиган энергия миқдори қабул қилинган:

$$U = \frac{W}{m} \left| \frac{\Delta}{\text{кг}} \right|. \quad (10)$$

Ички энергиянинг ўзгариши термодинамик системада кечадиган жараёнлар турига боғлиқ бўлмасдан, шу системанинг бошланғич ва охириги ҳолатларидағи энергияларига боғлиқ.

$$\Delta u = \int_1^2 du = u_2 - u_1 \quad (11)$$

Системада кечадиган термодинамик жараён айланма бўлса, унинг тўла ички энергиясининг ўзгариши нолга тенг, яъни.

$$\Delta u = 0, \quad \text{чунки } \boxed{A=0, M=1} \quad (12)$$

Модда бир термодинамик ҳолатдан ишчилисига утга-

унинг ички энергияси ўзгаради. Буни солиштирма ҳажм ва температура функцияси кўринишида ёзиш мумкин:

$$du = \left( \frac{du}{dT} \right)_V dT + \left( \frac{du}{dV} \right)_T dV. \quad (13)$$

$$d't = \left( \frac{du}{dp} \right)_V dp + \left( \frac{du}{dV} \right)_P dV$$

$$d'u = \left( \frac{du}{dp} \right)_T dp + \left( \frac{du}{dT} \right)_P dT$$

Идеал газ молекулалари орасида ўзаро таъсирлашиш кучлари мавжуд эмаслиги ҳисобга олинса, унда газнинг ички энергияси идеал газ ҳажмига ва босимига боғлиқ бўлмайди, яъни

$$\frac{du}{dV} \Big|_T = 0; \left( \frac{du}{dp} \right)_T = 0. \quad (14)$$

Демак, идеал газнинг ички энергияси унинг термодинамик параметрларидан фақат абсолют температурага боғлиқ бўлар экан. У ҳолда, идеал газнинг ички энергияси температура бўйича олинган тўла ҳосилага тенг бўлади:

$$- \left( \frac{du}{dT} \right)_p = \frac{du}{dT} \Big|_V = \frac{du}{dT} \quad (15)$$

Термодинамик система бирор  $dq$  иссиқлик миқдори таъсири натижасида ташқи кучларга қарши  $dA$  иш бажарса, у ҳолда система ички энергиясининг ўзгариши қўйидагича бўлади:

$$du = u_2 - u_1 = dq - dA. \quad (16)$$

Агар система аввалги ҳолатига қайтса, унинг ички энергияси ўзгармайди, яъни

$$dq = dA.$$

Сийраклаштирилган газ молекулалари идеал газ молекулалари сингари жуда ҳам кам таъсирлашганлиги сабабли, уларнинг ички энергияси ўзгаришини кинетик энергиясининг ўзгаришига тенг деб қабул қилиш мумкин. Шунинг учун бундай ҳолатдаги газ ички энергиясининг ўзгариши температурага боғлиқ. Шу шарт бажарилганда бир моль газнинг ички энергияси қўйидагича ифодаланади:

$$U = \frac{3}{2} kNT = \frac{3}{2} RT = C_v T, \quad (17)$$

бунда  $N$  — Авоғадро сони;  $k$  — Больцман доимийси;  $R$  — универсал газ доимийси;  $C_v$  — ўзгармас ҳажмдаги газнің солиштирма иссиқлик сиғими.

Термодинамик система сифатида танланган модданинг ички энергиясининг математик ифодасини модда турига мөсравища, турлича кўринишларда ёзиш мумкин (Физика курсига қаранг).

## 2.2. Модданинг кенгайишида бажарилған иш

Физика курсидан маълумки, системага бирор куч таъсир этганда, у ўзининг мувозанат ҳолатидан чиқади, яъни жисм бирор аниқ масофага кўчади, ўз ҳажмини ўзгартиради ва ҳ. к.

Термодинамик система сифатида цилиндрда жойлашган газ олиб, унга элементар  $dq$  иссиқлик миқдори узатилади. Узатилган  $dq$  иссиқлик таъсиридан бу газ молекулалари ҳаракати жадаллашиб  $P$  босим ҳосил қиласди ва бу босим кучи билан  $S$  юзали поршень каллагига таъсир кўрсатиб, ўз ҳажмини ўзгартириши даврида поршенинг бирор  $dl$  масофага силжитади ҳамда ташқи кучларга қарши элементар иш бажаради:

$$dA = PSdl = PdV. \quad (18)$$

Газнинг  $V_1$  ҳажмидан то  $V_2$  гача кенгайишида бажарилған тўла ишни қўйидагича ифодалаш мумкин:

$$A = \int_{V_1}^{V_2} PdV = P(V_2 - V_1). \quad (19)$$

Юқоридаги ифодадан кўриниб турибдики, ёпиқ термодинамик системада газнинг кенгайиши ҳисобига бажарилған иш босим билан ҳажм ўзаришининг кўпайтмасига тенг.

Термодинамик системанинг бажарган иши мусбат ёки манфий ишорали бўлиши мумкин. Масалан, цилиндрдаги газ ташқи кучлар таъсиридан сиқилса, яъни поршень юқорига қараб ҳаракатланса, унда бажарилған иш манфий ( $dA < 0$ ), аксинча, сиқилган газ поршенинга қараб итариши натижасида ўз ҳажмини кенгайтираса, унда система (газ)нинг бажарган иши мусбат ( $dA > 0$ ) ишорали бўлади.

Демак, молекулалар ўлчами даражасида зарралар аро, системалараро ва ташқи муҳит билан энергия алмашинувида термодинамик система иш бажармайди.

Термодинамик системани мувозанат ҳолатидан чиқариш учун унга маълум миқдордаги  $dq$  иссиқликни киритиш ёки ундан чиқариш керак. Ана шунда система параметрларидан ( $P, V, T$ ) бири ўзгариши ва система ё мусбат, ёхуд манфий ишорали иш бажаради.

СИ ўлчов бирлигига иш бирлиги қилиб Жоуль (Ж), техник системада — килограммометр (кГм) қабул қилинган.

### 2.3. Модданинг иссиқлик сифими

Турли хил моддаларни бир хил температурагача иситиш учун уларнинг ҳар бирiga турлича миқдордаги иссиқлик энергиясини узатиш зарур бўлади. Бу ҳол модданинг агрегат ҳолатига ва тузилишига боғлиқ. Модда бирлик массасини  $1^\circ$  иситиш учун зарур бўлган иссиқлик миқдори шу модданинг иссиқлик сифими дейилади. Бунда модда  $\Delta q$  иссиқлик миқдорини ютишиб натижасида унинг температураси  $T_1$  дан  $T_2$  тача ортади. Модданинг ўртача иссиқлик сифими қўйидагича ифодаланади:

$$C = \frac{\Delta q}{T_2 - T_1}. \quad (20)$$

Моддани  $1^\circ$  иситиш учун зарур бўлган иссиқлик миқдори унинг ҳақиқий иссиқлик сифими деб қабул қилинган:

$$C = \frac{\Delta q}{dT}. \quad (21)$$

Модданинг бирлик масса температурасини бир градус ўзгаририш учун зарур бўлган иссиқлик миқдори солишишима иссиқлик сифими дейилади. Солишишима иссиқлик сифимини масса, ҳажм ва бошқа ўлчов бирликларида ифодалаш мумкин.

а) солишишима масса иссиқлик сифими:

$$C_m = \frac{1}{m} \cdot \frac{\Delta q}{dT} \text{Ж/кг}\cdot\text{К}, \quad (22)$$

б) ўзгармас ҳажмдаги ( $1 \text{ м}^3$ ) моддага узатилган иссиқлик миқдорининг шу модда температурасини бир градус ўзгаришига нисбати билан ифодаланадиган физик катталик ҳажмий солишишима иссиқлик сифими дейилади:

$$C_v = \frac{1}{V} \cdot \frac{\Delta q}{dT}. \quad (23)$$

СИ ўлчов бирлигига  $C_v \text{Ж}/\text{м}^3\cdot\text{К}$  билан ўлчанади.

Үзгармас ҳажм ( $V=\text{const}$ ) да кечадиган термодинамик жараёндаги система (газ) шынг солишири маңызынан иессиқлик сиғимини шу система ички энергиядан абсолют температура бүйича олинган хусусий ҳосила шаклида ифодалаш мүмкін:

$$C_v = \left( \frac{\partial U}{\partial T} \right)_V \quad (24)$$

в) солишири маңы иессиқлик сиғими:

$$C_p = \frac{\mu}{m} \cdot \frac{\Delta q}{dT} \left| \frac{\text{Ж}}{\text{к моль.К}} \right| \quad (25)$$

Модданинг ўртача иессиқлик сиғими билан унинг ҳақиқий иессиқлик сиғими орасында боғланыш мавжудларини аниқлаш учун  $dq = CdT$  асосында ўртача иессиқлик сиғими ифодасини қуйидагича ёзамиз:

$$C_p = \frac{\int_{T_1}^{T_2} \frac{\Delta q}{T_2 - T_1}}{\int_{T_1}^{T_2} CdT} = \frac{1}{T_2 - T_1} \int_{T_1}^{T_2} CdT \quad (26)$$

Модданинг иессиқлик сиғими шу модданинг қандай термодинамик жараёнда система сиғатида қатнашувига ҳам боғлиқ. Чунки система (модда) температурасининг ўзгариши унга узатилган иессиқлик миқдори үзгармас бўлганида фақат термодинамик жараён турига боғлиқ бўлади. Шунинг учун ҳам системанинг иессиқлик сиғимини термодинамик жараён функцияси деб қараш мүмкін. Турли-туман моддаларниң бирлик масаси температурасини бир градус ортириш учун ҳар хил катталиктаги иессиқлик миқдори керак бўлади.

Бу ифодани идеал газ учун қуйидагича ёзиш мүмкін:

$$C_v = \frac{du}{dT}. \quad (27)$$

Үзгармас босимли ( $P=\text{const}$ ) газга узатилган  $\Delta q$  иессиқлик миқдорининг шу термодинамик система (газ) температурасининг ўзгаришига нисбати билан ифодалана-диган физик катталиктарниң үзгармас босимдаги модданинг солишири маңы иессиқлик сиғими дейилади.

$$C_p = \frac{\Delta q}{dT}. \quad (28)$$

Системада ютилган  $\Delta q$  иссиқлик миқдори шу система температурасининг ортиши ҳисобига система (газ) эгаллаган ҳажмнинг ўзгаришига олиб келади.

Демак, системага келтирилган иссиқлик миқдори унинг ички энергиясини ортирибгина қолмасдан, система параметрларини ҳам ўзгартиради ва маълум миқдорда фойдали иш бажаради.

P. Майер модданинг ўзгармас ҳажм ва босимда кечадиган жараёнлардаги солиштирма иссиқлик сифимлари билан универсал газ доимийси орасидаги боғланнишин ўрганиб, қўйцдаги тенгламани чиқарган:

$$C_p = C_v + R \text{ ёки } R = C_p - C_v. \quad (29)$$

Ҳар доим ўзгармас босим остида кечадиган (изобарик) жараёнда изохорик ( $V = \text{const}$ ) жараёнга нисбатан кўпроқ иссиқлик миқдори сарфланади. Изохорик жараёнда системанинг бажарган иши нолга тенг, чунки система (идеал газ) нинг ички энергияси фақат абсолют температурага боғлиқ бўлиб, ҳажмга боғлиқ эмас. Шу сабабли  $\frac{\partial u}{\partial V} \Big|_T = 0$ . Демак, изохорик жараёнда система иш бажармайди, чунки  $V = \text{const}$ , аксинча, изобарик жараёнда система фойдали иш бажаради. Шунинг учун ҳам  $C_p > C_v$ .

Реал газлар учун  $C_p - C_v > R$ , чунки  $P = \text{const}$  бўлган изобарик жараёнда система фақат ташқи кучларга қарши иш бажарибгина қолмасдан, молекулалардо мавжуд бўлган ўзаро тутуниш кучларига қарши ҳам иш бажаради.

Демак,  $P = \text{const}$  ва  $V = \text{const}$  бўлган термодинамик жараёнларда реал газ иш бажариш ва унинг ички энергиясини орттириш учун идеал газга нисбатан унга кўпроқ иссиқлик миқдори сарфланар экан.

Статистик физика методларидан фойдаланиб, кўпчилик моддаларнинг иссиқлик сифимларини назарий усул билан ҳисоблаш мумкин. Бунинг учун молекуланинг битта эркинлик даражасига тўғри келадиган  $\frac{11}{2}\kappa T$  энергиясидан фойдаланилади ва бир, икки ва кўп атомли газнинг бир моль миқдорига мос келувчи иссиқлик сифимлари топилади. Масалац, айрим моддаларнинг  $t = 0^\circ\text{C}$  да идеал газ ҳолатидаги иссиқлик сифимлари 1-жадвалда кўлтирилган.

**1-жадвал**

Газнинг номи (формуласи)	Эркинлик дараҷалари сони	Моляр иссиқлик сигнифи кция, кДж/К	$K = \frac{C_p}{C_V}$
Гелий ( $\text{He}$ )	3	12,60	1,660
Аргон ( $\text{Ar}$ )	3	12,48	1,660
Кислород ( $\text{O}_2$ )	5	20,96	1,397
Водород ( $\text{H}_2$ )	5	20,30	1,410
Азот ( $\text{N}_2$ )	5	20,80	1,400
Метан ( $\text{CH}_4$ )	6	26,42	1,315
Аммиак ( $\text{NH}_3$ )	6	26,67	1,313
Карбонат ангирид (CO <sub>2</sub> )	6	27,55	1,302

#### 2.4. Термодинамика биринчи қонунининг талқини

Физика курсидан маълумки, А. Эйнштейн қонунига ( $E=mc^2$ ) мувофиқ ҳар қандай энергия массага мутаносиб бўлиши мумкин. Буни умумийроқ қилиб масса ва энергиянинг сақланиш ва айланиш қонуни деб юритилади.

Термодинамиканинг 1-қонуни масса ва энергия сақланиш ва айланиш қонунининг иссиқлик ҳодисаларига қўлланилишининг хусусий ҳолидир. Чунки, энергия бордан йўқ бўлмайди, йўқдан бор бўлмайди, фақат бир турдан иккинчи турга айланади.

Ҳар қандай термодинамик системанинг параметлари шу системага ташқаридан маълум миқдордаги  $\Delta q$  иссиқлик миқдори киритилганида (ё чиқарилганида) ўзгаради. Система мувозанат ҳолатидан чиқади ёки мувозанат ҳолатига қайтади.

Термодинамик система (бирорта қаттиқ модда)  $\Delta q$  иссиқлик миқдорини ютгандан сўнг унинг параметларидан айримлари (босими, ҳажми, температураси) ўзгаради, яъни ҳажми  $dV$  га, температураси  $dT$  га ортади. Агар қаттиқ жисм ўрнига газ ёки суюқлик олинса, унда босим  $P$ , ҳажм  $V$  ва температура  $T$  ҳам ўзгарувчан бўлади.

Демак, системанинг температураси  $dT$  га ортса, уни ташкил этган зарраларнинг кинетик эшергияси ҳам ортади; ҳажмни  $dV$  га катталашганида зарралар орасидаги тутуниш кучлари камайса-да, потенциал энергияси ортади. Чунки зарралар оралиғидаги масофа катталаша-

ди. Системада бундай ҳолатнинг пайдо бўлиши унинг ички энергияси  $du$  ни орттиради. Ҳар қандай система ташқи мұхит таъсирида бўлади, у билан таъсиrlашади. Система мувозанат ҳолатига қайтиши учун ташқи мұхитга бирор босим  $P$  билан таъсир кўрсатиб, ташқи кучларга қарши иш бажаради.

Демак, энергиянинг сақланиш қонуни асосида термодинамиканинг биринчи қонунини қуийдагича таърифлаш мумкин: *Системага үзатилган иссиқлик миқдори шу система ички энергиясининг ўзгаришига ва ташқи кучларга қарши бажарилган фойдали ишга сарфланади.*

Термодинамика биринчи қонунининг математик ифодасини қуийдагича ёзиш мумкин:

$$\Delta q = du + \Delta A. \quad (30)$$

Системада ўтаётган термодинамик жараён турига қараб, қонунинг математик ифодасидаги учала ҳадларнинг қийматлари мусбат ва манфий ишорали ҳамда нолга тенг бўлиши мумкин. Бу тўғрида термодинамик жараёнларни ўрганаётганингизда батафсилроқ танишиб оласиз.

## 2.5. Энтропия

Энтропия (юнонча *entropia* — айланиш, ўзгариш) термодинамик системанинг ҳолат, функцияси бўлиб, у  $s$  ҳарфи билан белгиланади:

$$ds = \frac{dq}{T} \left| \frac{\dot{J}}{k} \right| \quad (31)$$

Энтропия термодинамик система билан ташқи мұхитнииг ўзаро иссиқлик алмашинуви жараёнининг кечинш йўналишини ифодалайди. Термодинамик система-нииг ташқи мұхит билан таъсиrlашувининг хусусиятига қараб квазистатик (қайтувчан, мувозанатли) жараёнларда энтропия қиймати мусбат ва манфий ишорали ҳамда нолга тенг бўлиши мумкин, яъни  $ds > 0$  — модда иситилаяпти;  $ds < 0$  — модда совитилаяпти;  $ds = 0$  — модда мувозанат ҳолатида.

Энтропия тушунчасини фанга 1865 йил Клаузис киритган. СИ ўлчов бирлигига унинг ўлчови Жоуль/К. Масса бирлигига олинган модда учун  $s$  нинг ўлчов бирлиги Жоуль/кг·К.

Энтропия ҳам термодинамик системанинг ҳолат функцияси.

цияси эканлиги сабабли уни система параметрлари ҳолатининг функцияси сифатида ифодалаш мүмкін:

$$s = \xi_1(P, V); \quad s = \xi_2(P, T) \quad s = \xi_3(V, T). \quad (32)$$

Системанинг энтропиясини шу системанинг абсолют температураси нолга иштілганды аниқлад бўлмайди. Бундай ҳолат ўринли бўлганды назарий усул билан энтропиясиниг абсолют қийматларини ҳам изожараёнларда ҳисоблаб топиш мүмкін эмас. Бундай қийинчилликдан фақат тажриба йўли билан аниқланган натижалар орқали чиқиш мүмкін.

В. Нернст (1906 й.) ўта паст температураларда моддалар хоссаларини ўрганиб, тадқиқотлар натижаларига таяниб, абсолют ноль температурада кечадиган ҳар қандай изотермик жараёндаги энтропиянинг ўзгариши нолга тенг деган хуносага келди. Бу ҳолат ўринли бўлганида системанинг параметрлари ( $P, V$  ва ш. к.) ўзгариши мүмкін.

Бунга В. Нернст принципи ёки термодинамиканинг учинчи қонуни дейилади.

Модданинг абсолют температураси нолга яқинлашса, моддани ташкил этган зарралар ҳаракати деярли тўхтайди. Демак, термодинамик системанинг абсолют температураси нолга яқинлашади, аммо мутлақо нолга эришилмайди, яъни модда ҳар қанча ўта паст температурагача соштилганида ҳам зарралариниг ҳаракати мутлақо тўхтамайди, фақат айrim назарий масалалар ечинини топишда шундай шарт қабул қилинади.

М. Планк (1912 й.) мазкур масалани статистик физика асосида ўрганиб, жараён характеристикин хоссаларига бориб тақалишини назарий жиҳатдан исботлади. Амалиётда энтропиянинг абсолют қийматидан эмас, балки унинг термодинамик жараёндаги ўзгаришидангина фойдаланилади, яъни:

$$\Delta s = s_2 - s_1 = \int_1^2 \frac{dq}{T} \quad (33)$$

Энтропия тўғрисида ҳар бир термодинамик жараёнда қатнашган система (модда) ҳолатлари ўрганилганда аниқ ва тўлароқ маълумотларга эга бўламиз.

## 2.6. Энталпия

Энталпия (юонча enthalpo — иситаман) термодинамик системанинг ҳолат функцияси бўлиб, у  $i$  ёки  $H$  ҳарфи билан белгиланади.

Термодинамик система ички энергияси и билан шу система босими  $P$  нинг ҳажм  $V$  га кўпайтмасининг йиғиндиси энталпия дейилади.

Энталпия энергия ўлчов бирлиги (Жоуль) да ўлчаниди:

$$i = u + PV. \quad (34)$$

Тенгламадан кўринниб турибдики, унга кирган катталиклар термодинамик системанинг ҳолат функцияси ҳисобланади, шунинг учун  $i$  ни ҳам функция кўринишида ҳолат параметрлари орқали ифодалаш мумкин:

$$i = f_1(P, V); \quad i = f_2(V, T); \quad i = f_3(P, T).$$

Ҳисоблашларда солиштирма энталпия ифодаси  $i = \frac{i}{m}$  дан фойдаланилади ва у СИ ўлчов бирлигига (Жоуль/кг) ўлчанади. Энталпия термодинамик системанинг ҳолат функцияси бўйланлиги учун унинг тўла дифференциали  $di$  бўлади. Демак, энталпиянинг ўзгариши система қатнашаётган жараён турига боғлиқ бўлмасдан, шу системанинг бошланғич ва охирги ҳолатларига боғлиқ бўлади, яъни

$$\Delta i = \int d\tilde{i} = \tilde{i}_2 - i_1. \quad (35)$$

Энталпия энергия нуқтаи назаридан қараб чиқилса,  $E = i$  бўлади, чунки

$$E = u + PV = i,$$

бунда  $u$  — системанинг ички энергияси;  $PV$  — система-нинг ташқи кучларга қарши бажарган иши бўлиб, система таъсир кўрсатадиган ташқи босим кучининг по-тенциал энергиясини ифодалайди.

Демак, термодинамик системанинг энталпияси шу система ички энергияси билан ташқи босим кучларининг потенциал энергиялари йиғиндисига тенг экан.

Термодинамик жараёнларда энталпиянинг эгалла-гани ўрнини изожараёнларни ўрганганимизда қараб чи-қамиш.

## 2.7. Термодинамик жараёнлар

Изожараёнларни ўрганиш асосида ҳар бир термодинамик жараёнда бажарилган ишни, система ички энергиясининг ўзгаришини, сарфланган иссиқлик миқдорини

аниқлаш билан чекланмасдан, системанинг ҳолат параметрлари орасидаги боғланиш ҳам қараб чиқилади.

**Изохорик жараён.** Системанинг ўзгармас солиштири-ма ҳажми  $V = \text{const}$  да юз берадиган термодинамик (физик ва кимёвий) ҳодисалар мажмугига *изохорик жараён* дейилади. Жараённи тасаввур қилиш ва англаш мақсадида мисол тариқасида цилиндрнинг энг юқори қисми ва поршень каллагининг юзаси билан чегараланган ҳажм (ёниш камерасига)га иш моддаси (газ ва ҳаво аралашмаси)ни киритиб, поршени қўзғалмас ҳолатда саклаймиз. Шундай вазиятда  $V = \text{const}$  бўлади (1-расм).

Ташқаридан  $q$  иссиқлик миқдори киритилғунга қадар газнинг параметрлари  $P_1, V_1, T_1$  бўлади, иссиқликни қабул қилгандан сўнг эса  $P_2, V_2, T_2$ . Икки ҳолат учун ҳолат тенгламасини тузамиш:

$$P_1 V_1 = RT_1,$$

$$P_2 V_2 = RT_2.$$


Тенгликларнинг нисбатларидан Шарль қонуни ифодаси ҳосил бўлади, чунки  $V_1 = V_2 = \text{const}$ .

$$\frac{P_1}{P_2} = \frac{T_1}{T_2} \quad \text{ёки} \quad P_1 T_2 = P_2 T_1. \quad (38)$$


Демак, изохорик жараёнларда босимлар нисбати абсолют температуralар нисбатларига тенг бўлади, яъни босим ўзгариши бу жараёндаги абсолют температура ўзгаришига тўғри мутаносибdir.

Изохорик жараён диаграммасини  $PV, TS$  координаталарида ифодалаймиз (2-расм). Жараённи термодинамиканинг биринчи қонуни асосида қараб чиқамиш. Термодинамиканинг биринчи қонунидан маълумки, система узатилган иссиқлик миқдори  $q$  шу система ички энергиясининг ўзгариши ( $u_2 - u_1$ ) га ва ташқи иш ( $A$ ) га сарф бўлади, яъни

$$q = (u_2 - u_1) + A. \quad (39)$$



1-расм. Ўзгармас ҳажмдаги газ.



2-расм.  $V=\text{const}$  бўлганда жараёнинг  $PV$  ва  $TS$  диаграммалари.

Бу тенгликни дифференциал шаклда ифодалаб, изохорик жараёнда газ бажарган элементар ишни унинг термодинамик параметрларидан фойдаланиб ёзамиш:

$$dq = du + dA = du + PdV. \quad (40)$$

Изохорик жараёнда газ ҳажмининг ўзгариши  $dV = V_1 - V_2 = 0$ , ўз навбатида  $dA = PdV = 0$  бўлганлигидан:

$$dq = du \quad (41)$$

Демак, системага берилган  $dq$  иссиқлик миқдори шу система ички энергиясининг ўзгаришига сарфланар экан.

Термодинамик системанинг изохорик жараёндаги ички энергиясининг ўзгаришини иссиқлик сифими орқали ифодалаймиз.

Маълумки, бир киломоль модда массасини  $1^\circ$  иситиш учун зарур бўлган иссиқлик миқдори шу модданинг иссиқлик сифими дейилади. Юқоридагиларни эътироф этиб, (40) га (27) ни қўйиб, изохорик жараёндаги иссиқлик миқдорини топамиз:

$$dq_V = C_V dT + PdV = C_V dT = du. \quad (42)$$

Изохорик жараёнда  $T_2 > T_1$  бўлса, иссиқлик системага узатилади  $(+q)$ ,  $T_2 < T_1$  бўлганда иссиқлик чиқади  $(-q)$ . Шу жараёндаги энтропиясининг ўзгаришини аниқлаймиз. Юқоридаги (42) тенгликни  $T$  га бўлиб, кейин

Хлапейрон тенгламасидан фойдаланиб соддалаштирамиз:

$$\frac{dq}{T} = C_V \frac{dT}{T} + P \frac{dV}{T} \quad (43)$$

$$\frac{dq}{T} = C_V \frac{dT}{T} + R \frac{dV}{V}, \quad (44)$$

тунки  $\frac{P}{T} = \frac{R}{V}$

Бунда  $\frac{dq}{T} = dS$  — термодинамик системанинг ҳолат функцияси.

$$\text{Демак, } dS = S_2 - S_1 = C_V \frac{dT}{T} + R \frac{dV}{V} \quad (45)$$

Система (газ) шинг ҳолати чексиз кичик ўзгаргандаги энтропия ўзгаришини ифодалайди.


Бу тенгликин интеграллаб, газ ҳолатининг охирги ўзгариши учун энтропия ўзгарувчалиги ифодасини ҳосил қиласиз:

$$S_2 - S_1 = C_V \ln \frac{T_2}{T_1} - R \ln \frac{V_2}{V_1}. \quad (46)$$

Изохорик жараёнда  $V=\text{const}$  бўлганлиги учун тенгликкни ўнг қомонининг иккинчи қисми нолга тенг бўлади. Унда изохорик жараёнда энтропиянинг ўзгаришини қўйидаги ча ёзамиш:

$$S_2 - S_1 = C_V \ln \frac{T_2}{T_1}. \quad (47)$$

Энди, изохорик жараёнда газ бажарган ишнинг катталигини аниқлаймиз. Термодинамика нинг биринчи қонунидан мазъулумки,  $V=\text{const}$  бўлганида  $V_2 - V_1 = 0$  ва  $PdV = 0$  бўлган. Демак, изохорик жараёнда газ иш бажармайди. Унга узатилиган  $dq$  иссиқлик миқдори термодинамик система (газ) ички энергиясининг ўзгаришига сарфланади.



З-расм.  $P=\text{const}$  бўлганда-ги газ.

**Изобарик жараён.** Ўзгармас босим остида кечадиган термодинамик ҳодисалар мажмуни изобарик жараён дейилади. Бу термодинамик жараёнда  $P=\text{const}$  бўлиб, газнинг  $V$ ,  $T$  параметрлари киритилган  $q$  иссиқлик миқдори ҳисобига ўзгариши мумкин. Юқорида келтирилган мисолдаги цилиндр поршенининг устки юзаси ва цилиндрнинг шифти билан чегараланган ҳажм (ёниш камераси) га иш жисми (газ) ни киритамиз ва унга  $q$  иссиқлик миқдорини узатамиз. Бунда газнинг ҳажми  $V_1$  дан  $V_2$  гача, температураси  $T_1$  дан  $T_2$  гача ўзгаради. Бу ўзгариш жараёнида поршень ўзининг мувозанат холатидан чиқади, яъни пастга қараб ҳаракатланади (3-расм). Ҳар иккала ҳолат учун жараённинг ҳолат тенгламаларини ёзамиш:

$$P_1 V_1 = RT_1; P_2 V_2 = RT_2.$$

Ҳолат тенгламалари нисбатидан Гей-Люссак қонунининг ифодасини ҳосил қиласиз:


$$\frac{V_1}{V_2} = \frac{T_1}{T_2} \quad \text{ёки} \quad V_1 T_2 = V_2 T_1. \quad (48)$$

Изобарик жараён диаграммасини  $PV$  ва  $TS$  координатларида тасвирлаймиз (4-расм).

Изобарик жараёнда система га узатилган иссиқлик миқдорини солиштирма иссиқлик сифими орқали изохорик жараёндагидек усулдан фойдаланиб ёзамиш:

$$q_p = C_p (T_2 - T_1). \quad (49)$$

Изобарик жараёнда энтропиянинг ўзгаришини кўриб чиқамиз. Бунда, худди изохорик жараёндаги усулдан фойдаланиб, асосий тенгламаларни топамиш.



4-расм.  $P=\text{const}$  бўлганда жараённинг  $PV$  ва  $TS$  диаграммалари.

$dq = C_V dT + PdV$  ни  $T$  га бўлиб, ҳолат тенгламаси  $PV = RT$  асосида айрим соддалаштиришлардан сўнг ёза оламиз:

$$\frac{dq}{T} = C_V \frac{dT}{T} + R \frac{dT}{T} = (C_V + R) \frac{dT}{T}. \quad (50)$$

Тенглик (50)ни интеграллаб, 1 кг газ ҳолатининг охирги ўзгариши учун энтропия ўзгарувчалигини топамиз:

$$S_2 - S_1 = C_V \ln \frac{T_2}{T_1} + R \ln \frac{T_2}{T_1} = (C_V + R) \ln \frac{T_2}{T_1} = C_p \ln \frac{T_2}{T_1} \quad (51)$$

Майер тенгламаси  $C_p - C_V = R$  дан фойдаланиб, моляр иссиқлик сигумлари айрмаси  $\mu C_p - \mu C_V = \mu R$  дан  $R_0$  — универсал газ доимиисини топиш мумкин:  $\mu R = R_0 = 8314 \text{ Ж/моль}\cdot\text{К}$ .

Изобарик жараёндаги термодинамик системанинг бажарган ишининг катталигини жараён бошланшидаги ва охирдаги ҳажмлар айрмасининг босимга кўпайтмаси шаклида ёзамиз ва уни бошланғич ва охирги ҳолатлар оралиғида интеграллаймиз:

$$A = \int_V^2 dA = \int_1^2 PdV = \int_1^2 RdT = R(T_2 - T_1). \quad (52)$$

Агар температуралар фарқи  $1^\circ$  бўлса, изобарик жараёнда термодинамик системанинг бажарган иши универсал газ доимииси қийматига тенг бўлади:

$$A = R. \quad (53)$$

Демак, изобарик жараёнда термодинамик системага узатилган иссиқлик миқдори асосан шу система ички энергиясининг ортишига ва оз қисми ташқи механик иш бажарилишига сарф бўлар экан. Бундай жараён буғ машиналарида, дизель двигателларида ва қозонларнинг ўтхоналарида учрайди.

Термодинамик системага узатилган иссиқлик миқдорини энталпия ортиримаси тушунчасидан фойдаланиб аниқлаймиз.

Системага узатилган иссиқлик миқдорини бирор икки нуқта (графикдаги) оралиғида кўриб чиқамиз ва охирги ўзгариш учун ёзамиз:

$$q = (u_2 - u_1) + \int_1^2 PdV. \quad (54)$$

Бунда  $PdV = d(PV) - VdP$  эканлиги асосида системага узатилган иссиқлик миқдорини ифодаловчи тенгликкі қуйидагида ёза оламиз:

$$\begin{aligned} \text{еки} \quad dq_p &= du + d(PV) - Vdp \\ &dq_p = d(U + PV) - Vdp. \end{aligned} \quad (55)$$

Юқоридан маълумки,  $u + PV = i$  — энталпия эканлиг асосида (55) ни изобарик ҳолат учун ёзамиз:

$$dq_p = di - Vdp \quad (56)$$


Термодинамик системага узатилган иссиқлик миқдор  $P = \text{const}$  бўлганида,  $Vdp = 0$  бўлади. Шунинг учун энталпия қийматининг катталиги иссиқлик миқдориг тенг, яъни

$$dq_p = di \quad \text{еки } q_p = i_2 - i_1. \quad (57)$$

Демак, системага узатилган иссиқлик миқдори энталпиянинг ўзгаришига тенг экан.

### *TS — диаграммада изохора ва изобаранинг жойлашуви*

Тўғри бурчакли *TS* координата системасида термодинамик система ҳолатининг график усулдаги тасвири *TS* диаграмма дейиňади. Абсцисса ўқида солиш тирма энтропия (системанинг масса бирлиги энтропияси — *S*) ва ордината ўқида — абсолют температур *T* жойлаширилади (5-расм).



5-расм. Изохора ва изобаранинг *TS* координатада жойлашу

Бундай координаталарда изохорик ва изобарик жаңеларнинг графиги юқорига қараган парабола бўлиб, тар бир-биридан фарқ қиласди, чунки дифференциал ингламалари нолдан фарқлидир, яъни

$$\left( \frac{dT}{dS} \right)_p = -\frac{T}{C_p} > 0 \text{ ва } \left( \frac{dT}{dS} \right)_v = -\frac{T}{C_v} > 0.$$

$C_p > C_v$  бўлганлиги сабабли изохора графиги изобара га ислатан тикроқ бўлади. Демак, жараёнларнинг энтропияси ҳам ўзаро фарқли бўлади, яъни

$$(S_2 - S_1)_p > (S_2 - S_1)_v$$

$S$  — диаграммалар айланма жараёнлардаги термодинамик ҳодисалар таҳлилида кенг қўлланилади.

Демак, термодинамик системаларга бир хил миқдордаги иссиқлик энергияси берилса ҳам энтропиянинг ўзарии изохорик жараёнда изобарик жараёнга нисбабан тикроқ ўзгариши.

### Изотермик жараён

Ўзгармас ( $T = \text{const}$ ) температурада содир бўладиган термодинамик жараён изотермик жараён дейилади. Бу жараёндаги термодинамик системани  $T = \text{const}$  ҳолат чун қараб чиқамиз.

Системага ташқаридан бериладиган  $q$  иссиқлик миқори унинг ҳолатини ўзгартирди, система ҳолатларининг тенгламаларини қўйидагича ёзиш мумкин:

$$P_1 V_1 = RT_1; \quad P_2 V_2 = RT_2.$$


$T = \text{const}$  бўлганлиги учун  $T_2 = T_1$ . Бойль-Мариотт қонунинг ифодаси система ҳолат тенгламаларининг нисатидан топилади:

$$\frac{P_1}{P_2} = \frac{V_2}{V_1} \text{ ёки } P_1 V_1 = P_2 V_2. \quad P_n V_n = \text{const}. \quad (59)$$

Ўзгармас температурадаги берилган газ массаси босимининг ҳажмига кўпайтмаси ўзгармас катталиkdir. Изотермик жараённинг  $PV, TS$  координатадаги диаграммаси ишерболадан (6- расм) иборат. Система ичкни энергиясининг ўзгариши  $dU = 0$ , чунки  $U = \text{const}$ . Термодинамик система га узатилган иссиқлик миқдорини термодинамиканинг биринчи қонунини ёзиб, унинг таҳлилидан аниқлайтиз:

$$dq_T = C_V dT + P dV. \quad (60)$$

Бу тенглик изотермик жараён асосида қараб чиқилса,



Б-расм. Изотермик жараённинг  $PV$  ва  $TS$  диаграммалари.

$T = \text{const}$  бўлганилиги учун система температурасининг ўзгариши  $dT = T_2 - T_1 = 0$ . Унда  $C_v dT = 0$  бўлади, чунки  $u = \text{const}$ .

Демак, системага узатилган иссиқлик миқдори  $dq$  системанинг  $P$ ,  $V$  ва  $T$  параметрларини ўзгартиради, яъни бу иссиқлик миқдори газнинг босими ва ҳажмини ўзгартириб, ташки таъсир кучига қарши механик иш баражарашга сарфланади:

$$dq_i = PdV = dA. \quad (61)$$

Ихтиёрий иккита ҳолат оралиғида газнинг кенгайинида баражарилган ишни аниқлаймиз:

$$\begin{aligned} A &= \int_{V_1}^{V_2} PdV = \int_{V_1}^{V_2} RT \frac{dV}{V} = RT(\ln V_2 - \ln V_1) \\ \text{еки} \quad A &= RT \ln \frac{V_2}{V_1} \end{aligned} \quad (62)$$

Системанинг  $P$  ва  $V$  параметрлари изотермик жараёнда  $\frac{P_1}{P_2} = \frac{V_2}{V_1}$  боғлиқликни назарга олиб, (62) тенгликни босим орқали ифодалаш мумкин:

$$\begin{aligned} A &= RT \ln \frac{P_1}{P_2} \\ \text{еки} \quad P_1 V_1 \ln \frac{V_2}{V_1} &= P_2 V_2 \ln \frac{V_1}{V_2} \end{aligned} \quad (63)$$

Изотермик жараёнда газнинг изотермик кенгайнишидаги энтропиясининг ўзгаришини (61) тенгликни аниқ ҳолатлар оралиғида интеграллаб аниқлаймиз:

$$dq_T = \int_{S_1}^{S_2} T dS = \int_{S_1}^{S_2} P dV = A$$

Еки


$$A = T \int_{S_1}^{S_2} dS = T(S_2 - S_1) \quad (64)$$

Изотермик жараёнда қисынчылыктың болжарган иши абсолюттік температура билан энтропия ўзгаришининг күпайтмасига тең экан.

### Адиабатик жариён

Иш моддаси ташқы мұхит биләп иссиқлик алмашмagan ҳолда унда кечадиган термодинамик жараён адиабатик жараён дейнләди. Бундай жараёнда иш моддаси кенгайғанда еки сиқилғанда уннинг температурасининг ўзгариши фақат системанинг ички энергиясы ҳисобига содир бўлади. Ташқаридан системага энергия узатилмайди ва ундан чиқарилмайди, яъни  $dq=0$ . Реал шароитда реал жараёнлар мувозанатда бўла олмайди, шунинг учун адиабатик жараён ҳам бўлиши мумкин эмес. Аммо тез кечадига жараёнларни адиабатик деб қараш мумкин. Маълумки, иш жисеми билан ташқы мұхит ўртасида содир бўладиган иссиқлик алмашинуви пайтидаги иссиқлик миқдорини узатиш, тез кечадиган жараёнларда, жуда ҳам кам бўлади. Шунинг учун бундай жараёнлар адиабатик деб қаралади.

Ташқаридан системага киритилган иссиқлик миқдори  $dq_A=0$  бўлғанлиги учун, шу система энтропиясининг ўзгариши  $ds = \frac{dq}{T} = 0$  бўлади. Демак, системада кечадиган жараён адиабатик бўлса, бундай термодинамик системанинг энтропияси ўзгармасди, яъни  $S=\text{const}$ . Адиабатик жараёнда термодинамик системанинг учаляп параметри  $P$ ,  $V$ ,  $T$  бирданнiga ўзгариши мумкин. Фараз қилайлик, цилиндрдаги поршень каллаги юзаси ва ёниш камерасининг шифти юзаси билан чегараланган, унчакатта бўлмаган ҳажмда (ёниш камерасида) 1 кг газ сиқилған бўлсун. Шу иш (гази) жисеми ташқы мұхитдан мутлақ изоляцияланган деб фараз қилайлик. Иш жис-



7-расм. Газ адабатик көнгайышынныг  $PV$  ва  $TS$  диаграммалары.

миннинг поршень каллагы юзасыга берган  $P$  босмын таш қын күч  $F$  га тенг ва система мувозанатда, яъни  $P=F$  бўлади.

Бу адабатик жараёнда қатнашаётган иш жисминынг бошланғич ҳолатдаги параметрлари  $P_1$ ,  $V_1$ ,  $T_1$  бўлса, босим кучи ҳисобига поршень пастга силжигандан кейинги параметрлари  $P_2$ ,  $V_2$ ,  $T_2$  бўлади (7-расм).

Адабатик жараён учун төрмодинамиканинг биринчи қонунии, газ (иш жисми) параметрларидан фойдалаб, қуйндагича ифодалаш мумкин:

$$dq_A = C_V dT + PdV.$$

Лекин  $dq_A = 0$  бўлгани учун уни қайта ёзамиш:

$$C_V dT - PdV = 0. \quad (65)$$

$dT$  ни аниқлаш учун системанинг (иш жисминынг) ҳолат тенгламасини ёзиб, сўнгра  $PV=RT$  ни дифференциаллаймиз:

$$PdV + VdP = RdT \quad (66)$$

Бундан  $dT = \frac{PdV + VdP}{R}$  ни топиб, уни (65) тенгликка қўямиз:

$$C_V \frac{PdV + VdP}{R} + PdV = 0. \quad (67)$$

$R$ —универсал газ доимийсими алмаштириш учун (67) тенглик қисмларни  $\frac{C_V}{R}$ га бўламиш ва қуйндагини ҳосил қиласмиз:

$$\left(1 + \frac{R}{C_V}\right) P dV + V dP = 0 \quad (68)$$

Майер тенгламаси ( $C_p - C_V = R$ ) дан  $R$  ни топиб, уни (68) тенгликка қўямиз ва ихчамлаймиз:

$$\begin{aligned} & \left(1 + \frac{C_p - C_V}{C_V}\right) P dV + V dP = 0, \\ & \left(1 + \frac{C_p}{C_V} - 1\right) P dV + V dP = 0, \\ & \frac{C_p}{C_V} P dV + V dP = 0, \\ & K P dV + V dP = 0, \end{aligned} \quad (69)$$

бунда  $K = \frac{C_p}{C_V}$  — ўзгармас босим остидаги иш жисми-нинг солиширма иссиқлик сифимини ўзгармас ҳажмада-гисига нисбатан неча марта катталигини кўрсатувчи ко-эффициент бўлиб, у аднабата кўрсаткичи дейилади. (69) тенгликкниң ўнг томонини  $PV$  га бўлиб, соддалаштира-миз:

$$K \frac{dV}{V} + \frac{dP}{P} = 0. \quad (70)$$

(70) тенгликни  $K = \text{const}$  шарти асосида интегратласак  $\ln V^k + \ln P = \text{const}$  ёки  $\ln PV^k = \text{const}$  ҳосил бўлади. Ка-раёнда қатнашаётган газ параметрлари орасидаги боғла-нишини ифодаловчи аднабатик жараён тенгламасини қўйида-гича ёзамиз:

$$PV^k = \text{const} \quad (71)$$

ёки газ ҳолатлари учун

$$\frac{P_1}{P_2} \left( \frac{V_2}{V_1} \right)^k, \quad (71)$$

(71)<sup>1</sup> га  $P_1$  нинг қийматини газнинг ҳолат тенгламасидан топиб ўрнига қўямиз. Унда

$$\frac{RT_1}{P_2 V_1} = \left( \frac{V_2}{V_1} \right)^k \text{ ёки } P_2 = \frac{RT_2}{V_2}$$

асосида қўйидагиларни ёзамиз:

$$\frac{RT_1}{V_1} \cdot \frac{V_2}{RT_2} = \left( \frac{V_2}{V_1} \right)^k,$$

$$\frac{T_1 V_2}{T_2 V_1} = \left(\frac{V_2}{V_1}\right)^k$$

еки

$$\frac{T_1}{T_2} = \left(\frac{V_2}{V_1}\right)^{\frac{k-1}{k}} \quad (72)$$

(71)' ва (72) тенгликларни босим учун ёзамиш:

$$\frac{T_1}{T_2} = \left(\frac{P_1}{P_2}\right)^{\frac{k-1}{k}} \quad (73)$$

(71), (72), (73) формулалар газ ҳолатининг параметрлари орасидаги боғланишни ифодаловчи аднабатик жараён тенгламаларидир.

Адиабатик жараёнда газнинг бажаргани иши каттаги иш гази ички энергиясининг ўзгаришига тенг, яъни

$$du + PdV = 0 \text{ ёки } du = -PdV. \quad (74)$$

Газ ҳажманинг ортиши натижасида унинг босими ва температураси камаяди, сиқилганда эса, аксинча. Бундай жараён фақат газ ички энергиясининг ортиши ёки камайиши ҳисобига содир бўла олади.

Системага (иш газига) узатилаётган иссиқлик  $dq=0$  бўлганлиги учун термодинамиканинг биринчи қонунини қўйидагича ёзамиш:

$$PdV = -C_V dT \quad (75)$$

(75) тенгликини жараён температуранари  $T_1$  ва  $T_2$  га мос келувчи оралиқда интеграллаймиз:

$$A = \int_{T_1}^{T_2} C_V dT = C_V (T_2 - T_1) = - \int_{V_1}^{V_2} PdV \quad (76)$$

Энди (74), (75), (76) тенгликлар асосида қўйидагини ёзамиш:

$$A = u_1 - u_2 = C_V (T_1 - T_2).$$

Чунки системанинг бошланғич ички энергияси унинг охирги ҳолатдаги энергиясидан катта ( $u_1 > u_2$ ) бўлади, яъни системанинг иш бажариши жараёнида унинг ички энергияси камайиб боради.

P. Майер тенгламаси ва адиабата кўрсаткичига, яъни  $C_V = \frac{R}{k-1}$ ,  $k = \frac{C_p}{C_V}$  ва  $C_p = kC_V$  га асосланиб, аднабатик жараён учун иш ифодасини ёза оламиш:

$$A = \frac{R}{k-1} (P_1 V_1 - P_2 V_2) = \frac{R}{k-1} (T_1 - T_2)$$


еки

$$A = \frac{1}{k-1} (P_1 V_1 - P_2 V_2) = \frac{P_1 V_1}{k-1} \left[ 1 - \left( \frac{V_1}{V_2} \right)^{k-1} \right] = \\ = \frac{P_1 V_1}{k-1} \left[ 1 - \left( \frac{P_2}{P_1} \right)^{\frac{k-1}{k}} \right].$$

### **PV ва TS диаграммаларда изотерма ва адиабатанинг жойлашуви**

Фараз қылайлик, ўлчамлари бир хил бўлган иккита цилиндрга бир хил концентрацияни газ аралашмаси (1 кг) жойлаштирилсин, уларнинг бирини изотерма, иккинчисини адиабата бўйича параметрларини ўзгартирайлик (8-расм).

PV диаграммадаги изотермик жараённи бирор ихтиёрий I нуқтага нисбатан кўриб чиқамиз. Изотермик жараён бўйича газ кепгайса, унинг босими адиабатага нисбатан секинроқ, газ сиқилганида эса, адиабатик жараёндагига нисбатан яна ҳам секинроқ ўзгарар экан. Адиабатик жараён графигининг тиклигига асоссиз сабаб, ўрганилаётган газ сиқилганда ҳам, кенгайганда ҳам, унга ташқарида иссиқлик эънергияси берилмаса ҳам газ ҳажмининг ортиши ҳисобига унинг ички энергияси камайди, яъни температураси тушади; худди шундай, газ



8-расм. PV ва TS диаграммаларда изотерма ва адиабатанинг жойлашуви.

сиқилганда, унинг ҳажмининг камайиши натижасида, газнинг ички энергияси ортади, яъни температураси кўтарилади. Шунинг учун  $P_{\text{ж}} > P_{\text{изот.}}$

Изотермик жараён  $T=\text{const}$  шартга мувофиқ ўтганилиги сабабли, унинг  $TS$  диаграммасидаги изотерма графиги абсцисса ўқига параллел бўлади (8-расм, 4 ва 5 нуқталар оралиғи). Демак, газ изотермик сиқилса (1—4 чизиги) ё кенгайса (1—5 чизиги), мос равишда унинг энтропияси ҳам ортади ёки камаяди.

Адиабатик жараёнда эса системага узатилган иссиқлик  $qd=0$  бўлганлиги сабабли қайтар жараёнда энтропиянинг ўзгариши нолга тенг бўлади, энтропия эса  $S=\text{const}$ . Шунинг учун энтропиянинг ўзгариши жараённинг  $TS$  диаграммасидаги 1 нуқтасига нисбатан график шаклда ифодаланса, газ адиабатик сиқилганда система нинг температураси 1—3 чизиги бўйича, система ички энергиясининг ўзгариши ҳисобига ортади; кенгайганда эса 1—2 чизиги бўйича камаяди. Системанинг энтропияси ўзгармасдан қолади.

### *Политроп жараён*

Система (газ) нинг солишиштирма иссиқлик сифими ( $C=\text{const}$ ) ўзгармас бўлган термодинамик жараён политроп жараён дейилади. Политроп грекча *poli* — кўп ва *tropos* — йўл сўзларидан олинган бўлиб, турлитуман бурилиш, кўп бурилиш деган маънони билдиради. Системанинг солишиштирма иссиқлик сифими ўзгармасада, унинг ҳолат параметрлари ўзгаради.

Политроп жараён тенгламаси қуйидагича ифодаланади:

$$PV^n = \text{const}, \quad (78)$$

бунда  $n = \frac{c - C_p}{c - C_V}$  — политроп кўрсаткичи;  $c$  — политроп жараёнда қатнашаётган системанинг солишиштирма иссиқлик сифими;  $C_p$  ва  $C_V$  — жараёнда қатнашаётган система (газ) нинг ўзгармас босим ва ҳажмдаги солишиштирма иссиқлик сифимлари.

Политроп кўрсаткичи  $-\infty$  дан  $+\infty$  гача бўлган қийматларни ўз ичига олади.

Политроп жараёнинг иссиқлик сифими  $c=\text{const}$  бўлгандаги ҳолати учун тёрмодинамиканинг биринчи қонунини қуйидагича ёза оламиз:

$$dq = cdT = C_V dT + PdV$$

еки

$$(c - c_V) dT = P dV. \quad (79)$$

Идеал газнинг ҳолат тенгламасини дифференциаллаймиз ва ҳосил бўлган ифодани (79) тенгликка қўйиб, қўйидагини ҳосил қиласмиш:

$$(c - c_V) \frac{P dV + V dP}{R} = P dV.$$

еки

$$(c - c_V) \frac{P dV + V dP}{R} - P dV = 0. \quad (80)$$

Айрим соддалаштиришлардан сўнг (80) тенгламани қўйидаги кўринишга келтирамиз:

$$(c - c_p) P dV + (c - C_V) V dP = 0. \quad (81)$$

(81) ифодани ҳадма-ҳад  $(c - C_V) PV$  га бўламиш ва ихчамлаймиз. Ҳосил бўлган тенгламани интеграллаб қўйидаги кўринишга келтирамиз:

$$\begin{aligned} \frac{(c - c_p) P dV}{(c - c_V) PV} + \frac{(c - c_V) V dP}{(c - c_V) PV} &= 0, \\ \frac{(c - c_p) dV}{(c - c_V) V} + \frac{dP}{P} &= 0, \\ \frac{(c - c_p)}{(c - c_V)} \ln V + \ln P &= 0. \end{aligned}$$

еки


$$PV^{\frac{c - c_p}{c - c_V}} = PV^n = \text{const}. \quad (82)$$

Топилган (82) тенглама политроп жараён тенгламаси дейилади:

$$n = \frac{c - c_p}{c - c_V} — \text{политроп кўрсаткичи}.$$

Демак, политроп жараёндаги системанинг ҳолат параметрлари ўзгарса ҳам унинг политроп кўрсаткичи ўзгармасдан қолар экан.

Политроп жараённи юқорида қараб чиқилган изожараёнларнинг умумлашган ҳоли деб қараш мумкин (9-расм). Чунки политроп кўрсаткичи қийматини  $-\infty$  дан  $+\infty$  гача оралиқда ўзgartириб, изохорик, изобарик, изотермик ва адабатик жараёнлар тенгламаларини ҳо-



9-расм. Чөлтүртөнүк жарабашынынг  $PV$  диаграммасы.

Сил қылыш мүмкүн. Буннинг учүн аввал политроп жарабашынынг солиширма иссиқлик спекциинин адиабата ва политроп күрсактичи ҳамда изохорик ва изобарик жарабашларнинг солиширма иссиқлик сигимлари билан боғланыш ифодасини топамиз:

$$n(c - c_v) = (c - c_p) \text{ ёки } nc - nc_v = c - c_p,$$

$$nc - c = nc_v - c_p, \text{ бундан, } c(c - 1) = nc_v - \frac{c_p}{c_v} \cdot c_v$$

бүлгәнлиги үзүүлүштөрдөн  $c(n - 1) = nc_v - kc_v$   
ёки

$$c(n - 1) = c_v(n - k).$$

У ҳолда

$$C = \frac{c_v(n - k)}{(n - 1)}. \quad (83)$$

Агар  $n = 0$  бўлса; унда  $c = c_v k = c_p$  бўлади. У ҳолда политроп жарабаш тенгламаси изобарик жарабаш тенгламаси кўриннишига келади:

$$PV^\alpha = \text{const} \text{ ёки } P = \text{const}, \text{ чунки } V = 1.$$

Юқоридаги (83) тенгламанинг чап ва ўнг томонларини  $c_v$  га бўламиз ҳамда соддалаштирамиз.

$$\frac{c}{c_V} = \frac{n-k}{n-1} \cdot \frac{c_V}{c_V} \text{ ёки } \frac{n-k}{n-1} - 1 = \frac{c}{c_V} - 1.$$

Унда

$$\frac{(n-k)-(n-1)}{n-1} = \frac{c}{c_V} - 1; \frac{1-k}{n-1} = \frac{c}{c_V} - 1. \quad (84)$$

Агар  $n = \infty$  бўлса,  $\frac{c}{c_V} - 1 = 0$  ёки  $c = c_V$  бўлади. У ҳолда политроп жараён тенгламаси изохора ( $V = \text{const}$ ) тенгламасига айланади. Агар  $n=1$  бўлса,  $c=\infty$  бўлади. Унда политроп жараён тенгламаси изотермик жараён тенгламаси  $PV = \text{const}$  кўрнишишга келади. Агар  $n=k$  бўлса,  $c=0$  бўлади ва жараён адабатик ҳисобланади, яъни  $PV_k = \text{const}$ .

Политроп чизигидаги исталган иккита нуқта параметрлари ( $P$ ,  $V$  ва  $T$ ) орасидаги боғланишни ифодалаш учун политроп жараён ва Клапейрон тенгламаларидан фойдаланиб, қўйидаги ифодани ёзиш мумкин:

$$\frac{P_2}{P_1} = \left( \frac{V_1}{V_2} \right)^{\frac{n}{n-1}}; \frac{T_2}{T_1} = \left( \frac{V_1}{V_2} \right)^{\frac{n-1}{n}} \frac{T_2}{T_1} = \left( \frac{P_2}{P_1} \right)^{\frac{n-1}{n}} \quad (85).$$

Бу ифодалар асосида системанинг исталган ҳолатларини ифодалаш мумкин бўлади. Политроп жараёнда система ҳолатининг ўзгариншида бажарилган ишни (62) кўринишида ёзиш мумкин. Босим ифодасини система ҳолат тенгламасидан топиб, уни (62) тенгламага қўйиб иш ифодасини қўйидагича ёзамиз:

$$A = \int_{V_1}^{V_2} P_1 V^n \frac{dV}{V^n} = P_1 V_1^n \int_{V_1}^{V_2} \frac{dV}{V^n} = \frac{P_1 V_1}{n-1} \left[ 1 - \left( \frac{V_1}{V_2} \right)^{n-1} \right] = \\ = \frac{P_1 V_1}{n-1} \left[ 1 - \left( \frac{P_2}{P_1} \right)^{\frac{n-1}{n}} \right]. \quad (86)$$

Термодинамик система сифатида идеал газ қабул қилинса, политроп жараёнда бажарилган иш тенгламасининг абсолют температура, босим ва ҳажм билан боғланган ифодасини, идеал газнинг ҳолат тенгламасидан фойдаланиб, қўйидаги кўринишишга келтириш мумкин:

$$A = \frac{R}{n-1} (T_1 - T_2) = \frac{P_1 V_1}{n-1} \left[ 1 - \frac{T_2}{T_1} \right] = \frac{1}{n-1} (P_1 V_1 - P_2 V_2) \quad (87)$$

Политроп жараёнда системага келтирилган ёки ундан чиқарилган иссиқлик миқдорини система ички энер-

гияснинг ўзгаришидан фойдаланиб аниқлаш мумкин. Бунинг учун, аввал термодинамиканинг биринчи ҳонуни ифодасидаги ички энергияни ва ишни системанинг солиштирма иссиқлик сифими ва абсолют температураси ҳамда политроп кўрсаткичи билан боғланишини ёзамиш:

$$q = C_v(T_2 - T_1) + \frac{R}{1-n}(T_2 - T_1). \quad (88)$$

Маълумки, система ички энергиясининг ифодаси (17) ни  $T_1$  ва  $T_2$  температурулари оралиғида интеграллаб, иссиқлик миқдорини аниқлаш мумкин:

$$q = C(T_2 - T_1) \quad (89)$$

Политроп жараёнда қатнашаётган идеал газнинг иссиқлик сифими ифодаси (83) ни (89) тенгламага қўйиб хосил қиласиз:

$$q = C_v \frac{n-k}{n-1}(T_2 - T_1). \quad (90)$$

Демак, политроп жараёнда система келтирилган иссиқлик миқдори шу система абсолют температурасининг ўзгаришига сарфланар экан. Шунинг учун  $C_v$ ,  $k$ ,  $n$  ўз гармас бўлганди  $C=\text{const}$  бўлади.

Политроп жараёнда энтропиянинг ўзгаришини қўйидаги тенгламаларни:

$$\left. \begin{aligned} dS &= \frac{dq}{P} = C_v \frac{dT}{T} + R \frac{dV}{V}, \\ dS &= \frac{dq}{T} = C_p \frac{dT}{T} - R \frac{dP}{P}, \\ dS &= \frac{dq}{T} = C_v \frac{dP}{P} + C_p \frac{dV}{V} \end{aligned} \right\} \quad (91)$$

Интеграллаб аниқлаш мумкини:

$$\left. \begin{aligned} S_2 - S_1 &= C_v \ln \frac{T_2}{T_1} + R \ln \frac{V_2}{V_1} \\ S_2 - S_1 &= C_p \ln \frac{T_2}{T_1} - R \ln \frac{P_2}{P_1} \\ S_2 - S_1 &= C_v \ln \frac{P_2}{P_1} + C_p \ln \frac{V_2}{V_1} \end{aligned} \right\} \quad (92)$$

Политроп жараён энтропиясининг ўзгаришини унинг солиштирма иссиқлик сифими орқали ҳам ифодалаш мумкини:

$$ds = c \frac{dT}{T} = C_v \frac{n-k}{n-1} \frac{dT}{T}.$$

Бу ифодани интегралласак, у қуйидаги күришишга келади:

$$S_2 - S_1 = C_v \frac{n-k}{n-1} \ln \frac{T_2}{T_1}. \quad (93)$$

Политроп күрсаткичи ифодасини тенгламаға қўйиб содалаштирамиз:

$$S_2 - S_1 = C_v (n - k) \ln \frac{V_1}{V_2}$$

ёки


$$S_2 - S_1 = \frac{C_v}{n} (n - k) \ln \frac{P_2}{P_1}. \quad (94)$$

Демак, жараён энтропиясининг ўзгарувчанлиги системанинг солиштирма иссиқлик сифимига, политропик ва адиабатик иссиқлик сифимига, политропик ва адиабатик күрсаткичларига ҳамда жараённинг охирги ва бошланғич параметрлари нисбатларининг логарифмларига боғлиқ экан.

### III.- б о б. ТЕРМОДИНАМИҚАНИНГ ИҚКИНЧИ ҚОНУНИ

#### 3.1. Айланма цикл

Термодинамик жараёндаги система иш бажариши учун унга даврий равища маълум миқдордаги иссиқлик энергияси ёки иш жисми узатиб турилиши ва ишга тўла айланмасдан қолган иссиқлик миқдори системадан ташқарига (совиткичга) узатилиши керак. Шунда цикл даврий равища такрорланади. Иш жисми сифатида фақат битта модда қўлланилса, у ҳолда модда аввал кенгаяди ва маълум миқдордаги ишни бажаради, сўнгра яна сиқилади, кейин бошланғич мувозанат ҳолатига қайтади. Цикл қайтадан такрорланади. Ички ёнув двигателини термодинамик жараёнлар кетма-кет ва даврий равища кечадиган иссиқлик машинасига мисол тариқасида келтириш мумкин. Бундай турдаги двигателга ҳар доим янги-янги иш моддаси ёки иссиқлик миқдори кетма-кет узатиб турилади ҳамда иссиқликнинг иш бажармаган қисми совиткичга (атмоеферага)



10-расм. Айланма цикл.

чиқарыб юборилади. Бирорта ҳам машина бир марта киритилган иш жисми билан абадий ишлайдиган иссиқлик машинасига мисол бўла олмайди. Фақат бир марта киритилган иш жисми билан узлуксиз (даврий равишда) ишлайдиган машина яратилган эмас ва бундай машинанинг бўлиши ҳам мумкин эмас.. Лекин унга яқинроқ бўлган қурималар мавжуд бўлиб, уларда иш моддасини дастлабки мувозанат ҳолатига қайтариш учун, кенгайиб иш бажариб бўлган иш моддаси ташқи куч (энергия) таъсирида қўшимча иш бажариб, сиқилади. Шунда модда дастлабки ҳолатига қайтади. Бундай цикллар айланма жараёнларда кузатилади. Бунга МГД генераторининг (берк схемаси) идеал циклини мисол тариқасида кўрсатиш мумкин. Бундай циклда, албатта, моддани сиқишиб учун сафлানган иш миқдори унинг кенгайишида бажарилган фойдали ишдан анча кичик бўлиши керак. Бундай даврий тақрорланадиган айланма жараённинг  $PV$  диаграммасини қўйидагича тасвирлаш мумкин (10-расм). Иш моддаси  $q_1$  иссиқлик миқдорини олгандан сўнг 1, 2, 3 чизиқ бўйлаб кенгайиб мусбат, 3, 4, 1 эгри чизифи бўйича эса  $q_2$  иссиқлик миқдорини системадан совиткичга чиқариш жараёнида манфий иш бажаради. Бу ишнинг миқдори  $a$ , 1, 2, 3,  $b$ ,  $a$  нуқталар билан чегараланган юзага сон қиймати жихатидан teng. Манфий

ишининг миқдори эса  $a$ ,  $1, 4, 3, \vartheta$ ,  $a$  нуқталар ҳосил қилган юзага сон қиймати жиҳатидан тенг. Демак, фойдали ишининг қиймати  $1, 2, 3, 4, 1$  нуқталар ҳосил қилган катакли майдонча юзасига сон қиймати жиҳатидан тенг бўлади, яъни

$$q_1 = \Delta u + A_1; \quad -q_2 = -\Delta u - A_2$$


ёки бу тенгламаларни ҳамда-ҳад қўшиб чиқсан

$$q_1 - q_2 = A_1 - A_2 = A_u \quad (95)$$

$A_u$  — циклнинг бажарган иши.

Жараён қайтар ва қайтмас бўлиши мумкин. Термодинамик жараёндаги асосий куч консерватив (эластик, кулон, гравитация) бўлганда жараён қайтар бўлади. Термодинамик жараённинг охирги ҳолатидан бошланғич ҳолатига тескари йўналишда кетма-кет ҳолатлар орқали ўтиши мумкин бўлган жараён қайтар жараён дейилади. Бундай жараённинг  $PV$  диаграммасида газ ҳажмининг кенгайиш графиги сиқилиш графиги билан устма-уст тушади (11-расм, а). Фақат жараёнлар йўналишлари билан фарқ қиласи. Масалан, кенгайиб иш бажариб бўлган газ, ташқи кучлар таъсирисиз, ўз ҳажмини ўз-ўзидан камайтириб бошланғич ҳолатига қайтса, бу қайтар жараён бўлади.

Демак, системага ташқаридан қанча иссиқлик миқдори берилган бўлса, шунча миқдордаги иссиқлик ташқарига чиқади. Аммо бундай жараён амалда учрақмайди. Иш жисми даврий равишда бериб турилиши ҳисобига ишлайдиган ички ёнувдвигателларидаги жараённи қайтар жараёнга мисол қилиб келтириш мумкин.



11-расм. Қайтар изотермик (а) ва адабатик (б) жараёнлар:  
ИМ — иссиқлик манбай; TM — ташқи мухит.


Үзгармас температурада кечадиган термодинамик (изотермик) жараёнда ҳамда ташқаридан иссиқлик миқдори көлтирилмайдын ва алмашилмайдын жуда сеқин кечадиган адиабатик жараён (11-расм, б) қайтар жараёнга мисол бўла олади. Бундай жараёндаги модданинг кенгайиш ва сиқилиш графиклари устма-уст тушади, йўналишлари эса қарама-қарши бўлади.

Термодинамик система ўзининг охирги ҳолатидан қайтар жараёнға тескари йўналишда, кетма-кет ҳолатлардан ўтиб ҳеч бўлмаганда битта ҳолатни ўтмасдан, бошланғич ҳолатига қайта олмаса, бундай жараён қайтмас жараён дейилади. Масалан, сув буғи кенгайиб иш бажариб бўлгандан сўнг ўз-ўзидан сиқилиб, яна ўзининг бошланғич ҳолатига кела олмайди.

### 3.2. Карно цикли

Карно цикли мантиқан устувор ва мазмунан содда бўлиб, у иккита изотерма ва иккита адиабатадан ташкил топган (12-расм).

Системага ундаги  $T_1$  температура иситгич (иссиқлик манбаи) дан  $q_1$  иссиқлик миқдори узлуксиз көлтирилиб туриши ҳисобига ўзгармас сақланади. Системада кечадиган жараён ўзгармас ( $T = \text{const}$ ) температурада содир бўлади. Қолдиқ (иш бажармаган) иссиқлик миқдори  $q_2$  системадан узлуксиз равишда ташки мухит — советкичга чиқарилади.  $q_2$  иссиқлик миқдори ҳам



12-расм. Карно цикли:  $q_1$  — системага киритилган ва  $q_2$  — ташки мухитга чиқарилган иссиқлик миқдорлари.

$T_2 = \text{const}$  температурада узатилади. Шунинг учун  $q_1$  нинг ишораси мусбат,  $q_2$  ники манфий деб қабул қилинади.

Система ҳолати кескин ўзгарганида (газ кенгайганида ёки сиқилганида) ташқи муҳитдан мутлақо изоляцияланган, яъни  $dq=0$  бўлиши шарт. Шу шарт бажарилса, системада кечадиган жараён адиабатик бўлади. Карно циклининг диаграммаси 12-расмда тасвирланган. Француз инженери Карно Никола Леонар Сади 1824 йилда «Оловнинг ҳаракатлантирувчи кучи ҳақида мулоҳазалар» асарида иссиқлик ва ишнинг ўзаро бир-бирига ўзгариши тўғрисидаги масала ечимини тўғри топган. Ҳозирги кунда ҳам бу ечим натижаси ўз кучини йўқотган эмас. Диаграммадан маълумки, 1, 2 нуқталар оралиғида системага келтирилган иссиқлик миқдори

$$q_1^+ = \int_1^2 \Delta q = \int_1^2 \Delta u + \int_1^2 PdV = RT_1 \ln \frac{V_2}{V_1} \quad (96)$$

бўлса-да, система сифатида идеал газ олинганида, унинг изотермик жараёнда ички энергиясининг ўзгариши  $du = u_1 - u_2 = 0$  бўлади. Шунинг учун газнинг бажарган иши

$$A_1 = \int_1^2 PdV = RT_1 \int_1^2 \frac{dV}{V} = RT_1 \ln \frac{V_2}{V_1} \quad (97)$$

системага киритилган  $q_1^+$  иссиқлик миқдорига тенг бўлади. Цикл диаграммасининг 3, 4 нуқталари оралиғида системадан  $q_2^-$  иссиқлик миқдори ташқи муҳит (совит-кич) га ўзгармас  $T_2$  температурада чиқарилади. Бу ҳолатда системанинг  $q_2^-$  иссиқлиги иш бажаришга сарфланади. Бу ишнинг катталиги сарфланган  $q_2^-$  иссиқлик миқдорига тенг бўлади.

$$q_2^- = \int_3^2 \Delta q = RT_2 \ln \frac{V_1}{V_3} = A_2. \quad (98)$$

Бажарилган иш ишораларини аниқлаш мақсадида циклининг 4, 1 ва 2, 3 нуқталари оралиғида кечадиган адиабатик  $\Delta q=0$  жараёнларни ҳам қараб чиқамиз.

Адиабатик жараёнда система ташқи муҳит билан иссиқлик алмашмайди. Бу ҳолат учун термодинамика биринчи қонуни ифодасини қўйидагича ёзиш мумкин:

$$C_v dT + PdV = 0. \quad (99)$$

Иш моддаси сифатида идеал газ олиниб; шу газ адиабатик сиқилса (*4, I* нұқталар), унинг ички энергияси ортади. Демак, газ таъсирида иш бажарылса, унинг ички энергияси ва абсолют температураси ортар экан.

Идеал газнинг ҳолат тенгламасидан  $T$  ни топамиз:

$$T = \frac{PV}{R} = \frac{PV}{C_p - C_v} \quad (100)$$

Соддалаштириш учун (99) тенгликни ҳадма-ҳад  $C_v dT$  та бўламиш:

$$\frac{dT}{T} + \frac{P}{C_v T} dV = 0. \quad (101)$$

Босим қийматини (100) тенгликдан топиб (101) га қўйиб, ихчамлаймиз ва  $\frac{C_p}{C_v} = k$  қилиб белгилаб қўйнадағини ҳосил қиласиз:

$$\frac{dT}{T} + (k-1) \frac{dV}{V} = 0. \quad (102)$$

(102) тенгламани интеграллаб ва потенцирлаб адиабатик жараён тенгламасини ҳосил қиласиз:

$$TV^{k-1} = \text{const} \quad (103)$$

Бу тенгламани цикл учун қўйидагича ёзиш мумкин:

$$a) T_1 V_2^{k-1} = T_2 V_3^{k-1}; \quad b) T_1 V_1^{k-1} = T_2 V_4^{k-1} \quad (104)$$

(104) тенгламаларни ҳадма-ҳад ўзаро бўлиб, қўйидаги тенгликни оламиш:

$$\frac{V_2}{V_1} = \frac{V_3}{V_4}. \quad (105)$$

Еки

$$\ln \frac{V_2}{V_1} = \ln \frac{V_3}{V_4}. \quad (106)$$

Демак, циклнинг ФИК ни юқоридаги тенгламалардан фойдаланиб қўйидагича ёзиш мумкин:

$$\eta_t = \frac{q_1^+ - q_2^-}{q_1} - 1 - \frac{q_2}{q_1} \quad (107)$$

Термик ФИК формуласи (107) ни (96), (98), (106) тенгламалар асосида системанинг абсолют температураси орқали қўйидагича ифодалаш мумкин:

$$\eta_t = 1 - \frac{T_2}{T_1}. \quad (108)$$

(108) тенглама фақат қайтар цикллар учун тўғри.

Демак, Қарно циклининг термодинамик ФИК ишлатилётган иссиқликнинг хоссаеига боғлиқ бўлмасдан фақат иссиқлик манбалари абсолют температураларининг қуи ва юқори қийматларига боғлиқ бўлар экан.

### 3.3. Термодинамика иккинчи қонунининг талқини

Термодинамиканинг иккинчи қонуни иссиқлик движателлари фикнинг  $\eta > 1$  бўла олмаслиги тўғрисида бўлиб, даврий, ягона иссиқлик манбаидан ишлайдиган абавдий (II тартибли) движателни яратиб бўлмаслигини исботлайди.

Термодинамика иккинчи қонунининг асосини Сади Карно 1824 йили ўз тадқиқотлари натижаларида баён этди. Термодинамиканинг иккинчи қонунини Р. Клаузис (1850 й.) қўйидагича таърифлади: иссиқлик энергияси ишга айланши жараёнида тўлалигича ишга айланмайди ва иссиқлик совуқ системадан иссиқ системаға ўз-ўзидан ўтга олмайди.

Система температураси иссиқликнинг узатилишини таъминлайдиган асосий термодинамик параметр ҳисобланади. Шунинг учун ҳаракатлантирувчи асосий куч сифатида температура қабул қилинади. Мана шу куч фақат температуралар фарқи бўлгандагина пайдо бўлади ва бу фарқ қанча катта бўлса, куч ҳам шунча катта бўлади. Демак, иш бажарувчи система температураси совиткичга нисбатан юқори бўлиши шарт. Системадан совиткичга чиқарилган иссиқлик миқдорини ҳеч вақт ишга айлантириб бўлмади, чунки, Р. Клаузис таърифига мувофиқ, совуқ манбадан иссиқлик энергияси иссиқ манбага ўз-ўзидан ўтмайди. Ишга айланмаган қолдиқ иссиқлик энергиясидан қайтадан фойдаланиб бўлмайди, шунинг учун ҳам иссиқлик движателига узатилган иссиқлик миқдори 100% фойдали ишга айланмайди. Иссиқлик энергиясининг асосий қисмини ишга айлантириш учун циклда ҳеч бўлмаганда битта совиткич бўлиши шарт.

## 4.1. Иссиқликнинг узатилиши ва алмашинуви

Иссиқликнинг температураси юқори бўлган жисм сиртидан температураси пастроқ бўлган жисмга ўтиш ҳодисаси иссиқликнинг узатилиши дейилади.

Термодинамиканинг иккинчи қонунига мувофиқ бу ҳодиса ўз-ўзидан содир бўлади, яъни иссиқлик иссиқроқ жисмдан совуқроқ жисмга ўтади. Бунда иссиқлик оқимининг вектори  $T_2$  дан  $T_1$  га йўналган бўлади, чунки  $T_2 > T_1$ . Иссиқ жисм муҳитга ўзининг температураси жисмларни ташкил этган зарраларнинг иссиқлик ҳаракати даражаси қийматига тенг бўлган температурага (энергия  $E=0,025$  МэВ) қадар ўзидан иссиқликни чиқараверади. Иссиқлик ҳамма турдаги муҳитда (суюқ, қаттиқ, газ, вакуум) тарқалади. Натижада иссиқ жисм совийди, совуқ жисм исийди. Бундай ҳодиса иссиқлик алмашинуви дейилади.

Демак, ҳамма жисмларда иссиқлик энергия шаклида, жисмни ташкил этган заррачалар ҳаракати ҳисобига узатилади. Бундай ҳодиса иссиқлик ўтказувчанилик дейилади. Бу зарралар ҳаракати ҳар доим паст температура томонга йўналган бўлади. Жисмларнинг турига, агрегат ҳолатига қараб, иссиқлик энергиясини ташувчи зарралар тўрлича бўлиши мумкин. Масалан, газларда — молекулаларнинг тартибсиз ҳаракати, металларда — эркин электронлар, дизэлектрикларда — кристалл панжара тугунларидаги атомларнинг тебранма ҳаракати, суюқлиқларда — зарралар ҳаракати билан биргаликда макроскопик ҳажмлар ҳаракати, вакуумда — электромагнит майдон ҳисобига иссиқлик ўтказувчанлик пайдо бўлади.

Демак, иссиқликни зарралар, уларнинг бир гуруҳи ёки электромагнит майдони ташир экан. Иссиқлик энергияси уч хил усулда алмашинади. Қуйида иссиқлик алмашинувининг турларини қараб чиқамиз.

## 4.2. Иссиқлик ўтказувчанлик

Иссиқ жисм сиртининг совуқроқ жисм сиртига текканда иссиқлик энергиясининг паст температурали жисмга ўтиш жараёни иссиқлик ўтказувчанилик дейилади. Иссиқлик ўтказувчанлик жисмлар ўрта-

сида температуралар фарқи бўлганда узлуксиз мұхитда узатилади. Бундай иссиқлик ўтказувчанликда иссиқликин зарралар ва молекулалар ташийди, деб қаралади. Иссиқлик ташувчи агент жисм ичидә, упинг қисмлари орасида, ўзаро тегиб турган иссиқ ва совуқ жисмлар орасида ҳаракатланади деб фараз қилинади.

Узатиладиган иссиқлик миқдори тегиб турган сирт катталигинга ва иссиқликнинг ўтиш вақтига боғлиқ бўлади. Термодинамикада бу катталик иссиқлик оқимининг қуввати дейилади ва у СИ ўлчов бирлиги системасида  $\text{Ж/с}$ , яъни Вт да ўлчаниди.

Ҳамма нуқталарида температураси бир хил ( $T = \text{const}$ ) бўлган сирт изотермик (юонча  $\text{isos}$  — тенг, бирдек, ўхшащ ва  $\text{fbergte}$  — иссиқлик демакдир) сирт дейилади. Температура майдонининг вектори изотермик сиртга тик йўналган бўлади. Температуранинг энг катта ўзгариши нормал (тик) йўналишда кузатилади.

Изотермик сиртга тик туширилган нормал бўйича температура ўзгаришининг  $\Delta n$  масофага иисбати температура градиенти дейилади, яъни  $\lim_{\Delta n \rightarrow 0} \frac{\Delta T}{\Delta n} / = \frac{dT}{dn} = \text{grad } T$ . Француз олим Фурье қонунига муовифиқ иссиқлик ўтказувчанлик бўйича узатилган иссиқлик оқими зичлигининг вектори температура градиентига мутаносиб:


$$q = -\lambda \text{grad } T, \quad (109)$$

бунда  $\lambda$  — жисмнинг иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти,  $\text{Вт}/(\text{м} \cdot \text{К})$ ;  $\lambda$  — коэффициент моддаларнинг иссиқлик ўтказувчанлик хоссасини ифодалайди, тенгламадаги «минус» ишораси эса иссиқлик оқими билан температура градиенти векторларининг йўналишлари қарама-қарши эканлигини билдиради, яъни температуранинг энг катта пасайиши томонга йўналганинги англашади. Иссиқлик оқимининг зичлиги  $q_n$  исталган бирор йўналишдаги  $q_n$  вектори билан нормал ўртасидаги бурчак кўпайтмасига тенг:

$$q_n = q \cos \varphi = -\lambda \text{grad } T \cdot \cos \varphi. \quad (110)$$

Маълумки,  $\text{grad } T \cos \varphi = \left( \frac{dT}{dn} \right)$  асосида ёзамиш:

$$q_n = -\lambda \left( \frac{dT}{dn} \right) \quad (111)$$



13-расм. Икки ўлчовли температура майдонида изотермик сиртларга инебатан «О» нүктада  $\text{grad}T$  ва  $q$  векторларнинг жойлашын.

Элементар  $dS$  юзадан унга перпендикуляр йўналишда ўтадиган иссиқлик оқими қуйндагига тенг бўлади:

$$\Delta q_n = q_n dS = -\lambda \left( \frac{dT}{dn} \right) dS \quad (112)$$

Бу ифодани интеграллаб исталган  $S$  юзадан ўтаётган тўлиқ иссиқлик оқимини аниқлаш мумкин:

$$q = \int_S \Delta q_n = - \int_S \lambda \left( \frac{dT}{dn} \right) dS \quad (113)$$

Моддаларнинг иссиқлик ўтказувчанлиги турлича ва ёз навбатида, уларнинг иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти  $\lambda$  кенг оралиқдаги ( $6 \cdot 10^{-3}$  Вт/м·К дан то 410 Вт/м·К гача) катталикларни қабул қиласи. Вақт бирлиги ичida юза бирлигидан ўтган иссиқлик миқдори қуийдагига тейғ:

$$dq = -\lambda \frac{dT}{dn} dS dt. \quad (114)$$

Зарраларнинг ҳаракати, яъни ўртача иссиқлик ҳаракати тезлиги  $\mu$ , уларнинг ўртача эркин югуриш йўли узунлиги  $\lambda$ , жисмнинг зичлиги  $\rho$  ва иссиқлик спіфими  $C_v$  билан  $dq$  нинг боғлиқлиги эътиборга олинса, тенгламани қўйидаги кўринишга келтириш мумкин:

$$dq = -\frac{1}{3} \mu \lambda C_v \frac{dT}{dn} ds dt. \quad (115)$$

Жисмларнинг иссиқлик ўтказувчанилиги уларнинг физик хоссаларига боғлиқ.

Агар  $\lambda < 0,2 \text{ Вт}/\text{м}\cdot\text{К}$  бўлса, бундай материаллар иссиқлик изолятори дейилади. Бундай материалларга ҳаво, енгил ғоваксимон материаллар: пенопласт, шиша толаси ва кўпчилик электр изоляторлар киради (2- жадвал).

## 2-жадвал

**Айрим материалларнинг иссиқлик ўтказувчанилик қийматлари**

Материаллар номи	$\lambda, \text{Вт}/\text{м}\cdot\text{К}$	Материаллар номи	$\lambda, \text{Вт}/\text{м}\cdot\text{К}$
<b>Металлар:</b>		<b>Изоляционн материаллар:</b>	
кумуш	410	асбест	0,1—0,2
миц.	380	қизил гил тупроқ	$6 - 10^{-3}$ $- 2 \cdot 10^{-2}$
соғ төмір	70	кигиз, пўкақ, торф	
легірланган пўлат	17—45	плитаси	$(4-12) \cdot 10^{-2}$
углеродла пўлат		ёғоч қипиги	0,07
ва ҷўян	45—60	Турли хил қаттиқ	
алюминий	200—230	материаллар:	
<b>Курилиш</b>		сув қозони қасмоги	0,7—2,3
<b>материаллари:</b>		күмір	$0,12-0,2$
бетон	1,3	қозон шлаки	0,3
пишиқ гишт	0,25	<b>Кор:</b>	
оддий шиша	0,75	яңги ёққаши	0,1
шамот гишти	0,14—0,18	зичлашгани	0,5
сувоқ материали	0,7—0,9	Карбонат ангидрид	$2 \cdot 10^{-2}$
жаре қуми (қуруқ)	0,3—0,4	<b>Ҳаво</b>	$2,5 \cdot 10^{-2}$
ёғоч (тола бўйлаб қирқилган)	0,35—0,7	Водород	0,2
	3	Сув	0,6

Фурье формуласини ясси ва цилиндрик девор учун қуйидаги күрнишда ёзиш мүмкін:

$$q = \lambda \frac{T_1 - T_2}{l} \cdot S, \quad (116)$$

бунда  $l$  — девор қалинлиги, м;  $S$  — ясси девор өзаси,  $\text{м}^2$ .

$$\begin{aligned} q &= 2\pi l \lambda (T_1 - T_2) \left( \ln \frac{d_2}{d_1} \right)^{-1} = \\ &= 0,87\pi l \lambda (T_2 - T_1) \left( \lg \frac{d_2}{d_1} \right)^{-1} \end{aligned} \quad (117)$$

$l$  — труба узунлиғи, м;  $d_1$  ва  $d_2$  — тубанинг ички ва ташқи диаметри, м;  $\lambda$  — иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти.

Демак, иссиқлик ўтказувчанлик усули, яъни жисмлар сиртлари ўзаро тегиб турганида иссиқликкинг узатилиши биргина жисмларнинг хоссаларига боғлиқ бўлмасдан уларнинг ўзаро тегиб турган сиртларининг катталигига ҳам боғлиқ бўлар экан.

### 4.3. Конвектив иссиқлик алмашинуви

Суюқ, газсимон ёки сочилювчан моддалар макроскопик қисмларининг ҳаракати вақтида уларнинг ўзаро зарралари билан аралашуви натижасида иссиқлик энергиясининг узатилиш ҳодисаси конвектив иссиқлик алмашинуви дейилади. Конвекция (лат. convection — келтириш) сочилювчан, суюқ ва газсимон моддалар қатламлари зарраларининг тартибсиз ҳаракатида намоён бўлади. Юқори температурали суюқлик (газ) массаси ҳар доим температураси пастроқ бўйдан қисмга томон узлуксиз ва тартибсиз ҳаракатланади ҳамда ўзи билан иссиқликни элтади. Газ ва суюқликкинг конвектив ҳаракати вақтида қаттиқ, суюқ ва газсимон моддаларга иссиқлик энергияси берилishi ҳодисаси иссиқликкинг конвектив узатилиши дейилади. Бунда иссиқлик оқимининг катталиги иссиқлик алмашинуви сирт юзаси билан қаттиқ жисм ва суюқлик сиртларидаги температуралар айрмаси кўпайтмасига мутаносибdir;

яъни

$$q = \alpha \cdot S (T_k - T_c). \quad (118)$$

Буни Ньютон ва Рихман қонуни дейилади. Бунда  $T_c$  ва  $T_e$  — қаттиқ ва суюқ жисмлар температураси (уларнинг абсолют қийматлари олиниади ҳамда ҳар доим уларнинг айирмаси мусбат деб қабул қилиниади, яъни катта сондан кичиги айрилади);  $\alpha$  — иссиқлик бериш коэффициенти,  $\text{Вт}/\text{м}^2 \cdot \text{К}$ .

Иссиқлик бериш коэффициенти  $L$  нинг физик маъноси иссиқлик берилиш жадаллигини билдиради. Унинг сон қиймати қаттиқ жисм сирти билан суюқлик температурандаги фарқи бир Кельвин бўлган бирлик юзадаги алмашинувчи иссиқлик оқимига тенг.

$L$  коэффициент конвектив ҳаракатдаги оқим турига ва бошқа таъсирларга боғлиқ.

Конвектив иссиқлик алмашинувидаги иссиқлик элтувчи модданинг (суюқлик, газ) ҳаракати табиний ва сунъий бўлади. Табиний конвекция ҳодисаси фақат суюқлик (газ) массасининг иссиқлик манбаи билан иссиқлик алмашинуви натижасида иссиқ сирт яқинида ўз ҳажмини ўзгартириб юқорига қараб ҳаракатланиши ҳисобига пайдо бўлади. Иссиқлик берувчи сирт яқинидаги суюқлик (газ) молекулаларининг температураси юқори бўлиб, иссиқлик манбандан узоқлашган сайнин уларнинг температураси пасайиб боради.

Физика курсидан маълумки, зичлиги кичик бўлган газ ва суюқлик ҳар доим ўзидан зичлиги катта бўлган моддага нисбатан юқори қатламда жойлашади. Бир жинсли суюқлик ёки газсимон модда қиздирилганда иссиқлик манбаига яқин бўлган қисмнинг элементар ҳажмчаларидаги модда, ютилган иссиқлик энергияси ҳисобига ўз ҳажминий ортиради ва натижада зичлиги камаяди. Шунинг учун бу ҳажмчадаги суюқлик (газ) моддаси юқорига қараб кўтарилади.

Демак, зичликлар фарқи пайдо бўлганлиги сабабли суюқлик (газ) ҳажмчасидаги моддага кўтариш кучи  $F_k$  таъсир этади. Бу кучнинг катталиги Архимед ва оғирлик кучларининг алгебраик йигинидисига тенг:

$$F_k = \rho_c g h S - mg = \rho_c g V - \rho g V = gV(\rho_c - \rho). \quad (119)$$

Ҳажм бирлигидаги суюқлик массаси олинганлиги учун  $V = 1 \text{ м}^3$  бўлади. Шунинг учун кўтариш кучи ифодасини қуйиндагича ёзамиш:

$$F_k = g(\rho_c - \rho), \quad (120)$$

бұнда  $\alpha$  — иссиқ ва совуқ суюқлик (газ) зичликлари.

Ҳажмшынг жадал кенгайиши ҳажмий кенгайыш температура коэффициенті орқали ифодаланады:

$$\beta = \frac{1}{V} \left( \frac{dV}{dT} \right)_{p=\text{const}} \quad (121)$$

Идеал газлар учун ҳажмий кенгайиш коэффициентининг тәмпературага боғлиқлiği құйындағыча ифодаланады:

$$\beta = \frac{1}{T}$$

Шүннинг учун суюқларда бу коэффициент кичиклигини әльтиборга олиб, солишинша ҳажм ҳосиласини юқори ва паст температураларға мөс келувчи ҳажмлар айрмаси күрнишида ёзиш мүмкін:

$$\beta = \frac{1}{V} \left( \frac{V - V_c}{T - T_c} \right)$$

Еки

$$\beta = \frac{\rho_c - \rho}{\rho_c(T - T_c)} \quad (122)$$

Бу теңгеликни құйындағыча ёза оламыз:

$$\beta_c(T - T_c) = \rho_c - \rho \quad (123)$$


Әнді, иссиқ ва совуқ суюқларының бирлік ҳажмчаларидаги айрмаси ифодасы (123) ни (120) га құйынб, конвектив иссиқлик алмашибинүү жараённандағы күтариш күчінинг катталығын суюқларының юқори ва құйын температуралари айрмасына ҳам боғлиқларының құйындағыча ифодалаш мүмкін:

$$F_k = \partial \beta_c(T - T_c), \quad (124)$$

бунда  $T$  ва  $T_c$  — иссиқ ва совуқ суюқлар тәмпературалари.

Исиган суюқлик (газ) массасини юқорига күтариш күчі  $F_k$  зарраларни құйын қатлады да юқорига күтариш. Бунда ташқы күч иштирок этмайды, яғни суюқларының юқори температуралари қисми ўз-ўзидан табиий күтарилады.

14-расм, б дан күрништүрилген, суюқлик массасини ташкил этган зарралар қыздырылып зонасида ламинар ҳаракат қиласылады. Үтиш зонасида уларының ҳам ламинар, ҳам турбулент ҳаракаты күзатылады. Охирғы зонада зарралар ҳаракаты турбулент болады.



14-расм. а) Табиин конвекцияда иссиқлик тащувчынынг температура бүйінча ламинар ва турбулент ҳаракатидаги тақсимоті; б) иссиқлик бериш коэффициентининг ламинар ва турбулент оқымдардаги үзгариши: I—ламинар, II—үтиш ва III—турбулент зоналар.

Иссиқликин бериш коэффициенті  $\alpha$  нинг қийматы конвектив иссиқлик алмашинуын жарағаннининг ламинар зонасыда секин-аста пасайиб боради, сүнгра үтиш зонасининг чегарасидан бошлаб то турбулент зонасигача ортади, сүнгра тургунлашади (14-расм, б).


Демек, ламинар оқымда иссиқлик вектори оқим ійналишиға перпендикуляр бўлганлиги учун унинг қиймати катта бўлмайди. Турбулент оқымда эса суюқлик (газ) уюрмали ҳаракатланади ва улар яхши аралашади ҳамда иссиқликин жадал узатади. Суюқлик (газ)

массаси паст температурали ҳажмдан насос, вентилятор ёки бирорта бошқа машина ёрдамида сүріб чиқарылып иситкічга йўналтирилса, яъни ҳаракат мажбурий (очиқ ёки берк контур бўйича) ҳосил қилинса, бундай конвекция ма ж бурий конвекция дейилади. Таşқи таъсир ҳисобига суюқлик (газ) зарралари бир текис ҳаракатланмасдан уюрма ҳаракат турига ўтади. Суюқлик тўлиқ аралashiши жараённада ўзаро ва қаттиқ девор (труба, панжара ва ҳ. к.) билан контактлашиш вақтида иссиқлик алмашади. Мажбурий конвекцияда иссиқликкниг узатилиши, асосан, иссиқлик энергияси элтувчисининг муҳитга теккан вақтида, иссиқлик ўтказувчаник бўйича содир бўлади. Фараз қилайлик, иссиқлик труба девори орқали ундаги суюқликка узатилаётган бўлсин. Унда ҳосил қилинган суюқлик оқимининг чегаравий қисмида, яъни труба ички девори билан суюқлик оралиғида юпқа парда қатлами ҳосил бўлади. Бу қатламнинг ҳаракатланиш тезлиги ү тақрибан нолга teng.

Чегаравий қатлам суюқликкниг қўши қатламлари га ишиқаланиб, уларнинг ҳам тезлигини камайтиради. Суюқликкниг бундай оқими марказида (труба ўқида) тезлик энг катта бўлади ва у ( $v = t(r)$ ) радиус функцияси дидир, яъни труба ўқидан унинг деворигача тезлик камайиб боради. Оқимининг чегаравий қатламидаги ҳаракати ламинар ва ундаги зарраларниг температураси қаттиқ девор температурасига teng бўлади. Қаттиқ девордан то турба шаклидаги оқим мәрказигача суюқлик температураси пасайиб боради. Иссиқлик алмашинуви оқимининг чегаравий қатлами орқали амалга ошади. Бу қатламда иссиқлик алмашинуви иссиқлик ўтказувчаник қонунияти бўйича кечади ва у иссиқлик оқимининг ҳаракатига қаршилик кўрсатади. Натижада, бу қатламда температура исрофи катта бўлади.

Иссиқлик алмашинувида қўлланиладиган асбоб-ускуналарниг турига, конструкциясига, материалига мувофиқ улар ҳар хил иссиқлик алмашинув жараёнларида қўлланилади. Масалан, ички ёнувдвигателининг совитиш системаларида мажбурий конвектив иссиқлик алмашинуви усули қўлланилади. Совитиш агенти (сув, антифриз) цилиндрлар блокидаги ортиқча иссиқлик миқдорини ўзининг мажбурий ҳаракати даврида совиткичга чиқаради.

Иссиқлик алмашинуви жараённада қўлланиладиган юкори ва паст температурали суюқлик оқими, йўнали-



15-расм. а) Мажбурий конвекцияда иссиқлик әлтүвчиннің ұзатыншылығы; б)  $\bar{N}_u$  — коэффициенттің оқым түріне бағытталған графиги.

### З-жадвал

**Табиғий мажбурий конвекцияда иссиқлик үзатыш коэффициенттерінің көмбейнешкілдегі мәндері**

Конвективтік иссиқлик үзатыш түрлары	Иссиқлик үзатыш коэффициенттері $a$ , Вт/м <sup>2</sup> ·К
Газлардаги табиғий конвекция	5,8—34,7
Газ трубада ё улар оралғанда ҳаракатланғанда	11,6—116
Сув буғининг трубадаги ҳаракаты	116—2320
Сувнинг табиғий конвекциясы	116—1160
Сувнинг трубадаги ҳаракаты	575—11600
Сувнинг қайнаши	2320—11600
Сув буғининг конденсациясы	4650—17500

шиға қараб тұғри, тескари ва кесишгандықтан оқымлы бұлады. Бундай оқымлар конденсаторда, экономайзерда, регенераторда құлланылады.

Иссиқлик узатиш коэффициентининг қиймати иссиқлик элтувчи ва қабул қилувчининг физик хоссаларига қараб турлича бўлади (3- жадвалга қаранг).

#### 4.4. Нур воситасида иссиқлик алмашинуви

Иссиқликнинг бир жисмдан иккинчисига нур орқали узатилиш жараёни нур (радиация) воситасида иссиқлик алмашинуви дейилади. Иссиқлик нурларининг тарқалиши бу жисм ички энергиясининг электромагнит тўлқин энергиясига айланишидир. Температураси абсолют нолдан фарқли бўлган ҳамма жисмлар нур тарқатади. Бу электромагнит нур тарқатиш (тўлқин) энергияси жадаллиги (интенсивлиги) ҳамма жисмларда бир хил эмас. Бу нурлар бошқа жисмлар билан таъсиралиши жараёнида уларнинг маълум қисми жисмда ютилади, бир қисми қайтади ва қолгани ўтиб кетади. Бундай физик ҳолат жисм хоссанига ва нур энергиясига бўғлиқ.

Нур иссиқлиги энергияси мұхит билан таъсирашиб, унда ютилса, шу мұхитнинг ички әнергияси ортади. Нур энергияси маълум тўлқин узунлигига ва частотага эга бўлиб, вакуумда ёруғлик тезлиги ( $c=3 \cdot 10^8$  м/с) да тарқалади. Нур энергиясини ташўчи зарра сифатида фотон қабул қилинган. Фотон (юнон phos (photos) — ёруғлик) ҳаракатланадиган вақтда маълум массага эга, тинч ҳолатда унинг массаси нолга teng бўлади.

Иссиқликнинг нур шаклидаги энергияси жисмлар билан  $5 \cdot 10^{-14}$  м дан  $10^4$  м гача бўлган тўлқин узунлиги оралигига таъсирашади (4- жадвалга қаранг).

Нурлар орасида кўзга кўринадиган ва инфрақизил нурлар кўп миқдорда иссиқлик энергиясини элтганлиги сабабли улар иссиқлик нурлари дейилади.

4-жадвал

Нурларнинг тўлқин узунлиги

Нурланиш түри	Тўлқин узунлиги, $\lambda$ , м
Космик нурланиш	$5 \cdot 10^{-14}$
Гамма нурлари	$5 \cdot 10^{-13}$ дан $1 \cdot 10^{-13}$ гача
Рентген нурлари	$1 \cdot 10^{-12}$ дан $2 \cdot 10^{-8}$ гача
Ультрабинафша нурлар	$2 \cdot 10^{-3}$ дан $4 \cdot 10^{-7}$ гача
Кўзга кўринадиган нурлар	$4 \cdot 10^{-7}$ дан $8 \cdot 10^{-7}$ гача
Инфрақизил нурлар	$8 \cdot 10^{-7}$ дан $8 \cdot 10^{-4}$ гача
Радиотўлқинлар	$10^{-2}$ дан $10^4$ гача

Сфера марказида жойлашган иссиқ жисм ҳамма йўналишда бир хил нур тарқатади ва температураси ортган сайни нур тарқатиш жадаллиги ҳам ортади.

Жисмнинг нур тарқатиши хусусияти аниқ температурада жисм бирлик юзасидан вақт бирлигига тарқатилган барча частоталардаги тўлқинларнинг нур энергиясининг миқдори  $E$  билан ифодаланиди:

$$q = \frac{E}{S t}. \quad (125)$$

Демак, жисм сиртига тушган нур энергияси ютилган, қайтган ва ўтган нурларнинг йигинидисига тенг бўлади:

$$E_T = E_A + E_R + E_D, \quad (126)$$

бунда  $E_T$ ,  $E_A$ ,  $E_R$  за  $E_D$  — мос равнища, жисмга тушган, унда ютилган, ундан қайтган ва ўтиб кетган нур энергияларидир. Соддалаштириш ва тенглама можиятини очиш мақсадида (126) тенгламани ҳадма-ҳад  $E_T$  га бўламиш:

$$\frac{E_A}{E_T} + \frac{E_R}{E_T} - \frac{E_D}{E_T} = \frac{E_T}{E_T},$$

Бунда  $\frac{E_A}{E_T}$ ,  $\frac{E_R}{E_T}$  ва  $\frac{E_D}{E_T}$  нисбатларни ютилиш ( $A$ ), қайтариш ( $R$ ) ва ўтказиш ( $D$ ) коэффициентлари сорқали ифодаласак, тенглама қўйидағи кўринишга келади:

$$A + R + D = 1. \quad (127)$$

Ҳосил қилинган тенглама (127) иссиқлик баланси тенгламаси дейилади. Агар  $R = D = 0$  бўлса, унда  $A = 1$ , яъни жисм сиртига тушган ҳамма тўлқин узунликларидаги нур энергияси мутлақо ютилади. Бундай жисм абсолют қора жисм дейилади. Абсолют қора жисм кўзга кўринимайди, чунки у ҳамма тўлқин узунликларидаги нурларни ютади.

Абсолют қора жисм табиатда йўқ. Аммо унга айрим хоссалари жиҳатидан яқинроқлари мавжуд. Масалан, қурум учун нур ютиш коэффициенти  $A = 0.9 - 0.96$ . Табиатда шундай жисмлар борки, улар иссиқлик нурини ютади, аммо кўзга кўринадиган нурни ўзидан яхши ўтказади ва қайтаради. Бунга мисол қилиб музни, қорни ва шицани көлтириш мумкин. Муз ва қор учун  $A = 0.95 - 0.98$  бўлса, шиша учун  $A = 0.94$ .

Агар  $A=D=0$  шарт, яъни  $R=1$  бажарилса, жиртига тушган ҳамма тўлқин узунликларида нур қайтади. Бундай жисмдан нур диффузион қайтса (diffusio — тарқалиш, оқиш) оқ жисм дейилади.

Жисм сиртига тушган нурнинг тушиш бурчаги уни қайтиш бурчагига teng бўлса, бундай жисм кўз дейилади.

Ҳар қандай жисм ўз сиртига тушаётган нурни қараш билан бирга, ўзидан ҳам нур чиқаради. Жиртидан қайтган ва жисм тарқатган нур энергиялйиғидини эффектив нурланиш дейилади:

$$E_{\text{eff}} = RE_T + E.$$

Агар  $A=R=0$  шарт, яъни  $D=1$  бажарилса, жисм сиртига тушган нур ундан ўтиб кетади. Бундай жисм солют шаффофф жисм дейилади. Шаффофф жисмлар диатермик (юнонча dia thermē, dia — орқа thermē — иссиқлик), яъни иссиқлик нурлари ютмайдиган жисмлар дейилади. Бир ва иккита атомли газлар диатермик ҳисобланади. Кўп атомли газлар эса иссиқлик энергиясини нур кўрининишида тарқатди ва ютади.

Юқорида баён қилинган фикр ва мулоҳазалард мавъумки, табнатда мутлақо қора, оқ ва шаффофф жисмлар бўлмасдан, фақат уларга яқинроқ бўлганиларни маҷуд. Нур воситасида иссиқлик алмашинуви асос М. Планк, В. Вин, Стефан-Больцман, Кирхгоф қонутири ёрдамида батафсил тушунтирилади.

Маълум температурадаги жисм ўзидан фақат яго тўлқин узунликдаги нурларни (электромагнит тўлқини) атроф-муҳитга нурлантирамасдан, кенг оралиқдаги тўқинларни тарқатади. Тарқалаётган тўлқинларининг жадаллиги (интенсивлиги) ҳар хил тўлқин узунликлари турлича бўлади.

Бирор аниқ тўлқин узунлигидаги нур оқими спектр зичлигининг жадаллиги қуйидагича ифодаланади:

$$I_{\lambda} = \frac{dE}{d\lambda}. \quad (12)$$

бунда  $dE$  — ажратилган маълум тўлқин узунлиги  $d\lambda$  даги нурланадиган электромагнит тўлқин энергияси.

Абсолют қора жисм температураси билан нур тарқалиш оқими спектри зичлигининг тўлқин узунлиги ора-

сидаги бөгләннишни М. Планк 1900 йили асослади ва уннинг математик ифодасини берди:

$$I_{0\lambda} = \frac{C_1 \lambda^{-5}}{e^{\frac{C_2}{\lambda T}} - 1}, \quad (130)$$

бунда  $C_1 = 3,74 \cdot 10^{-16}$  Вт/м<sup>2</sup>· ва  $C_2 = 1,44 \cdot 10^{-2}$  м·К — нурланиш доимиylари;  $\lambda$  ва  $T$  — тарқалаётган нур түлкүн узунлиги ва жисмнинг нурланиш вақтидаги абсолют температураси;  $e$  — натурал логарифмлар асоси.

Бу тенглама (130) М. Планк формуласи (қонуни) дейилади.

16-расмдан күриниб турибдики, жисмнинг температураси орттирилса, уннинг нур тарқатиш жадаллигининг максимуми қисқа түлкүн томонга сиљжиди. Бу қонуниятни В. Вин 1893 йили кашф этган ва уннинг математик ифодасини берган:

$$\begin{aligned} \lambda_{\max} &= 0,0028989/T \\ \text{еки} \quad T\lambda_{\max} &= b = 2,898 \cdot 10^{-3} \text{м} \cdot \text{К}. \end{aligned} \quad (131)$$


Бу В. Виннинг сиљжиш қонуни дейилади. Сиљжиш қонунига мувофиқ жисмлар нур күринишида тарқатадиган электромагнит түлкүнларнинг жадаллиги ҳар хил тэмпературада турлича бўлади. Масалан, электр иситкичнинг  $T = 1100$  К бўлганда, у  $\lambda_{\max} = 3 \cdot 10^{-6}$  м бўлган түлкүн узунликни нурлантиради, уннинг спектри таркиби асосан инфрақизил нурдан иборат. Яна бир мисол қилиб қуёш ( $T = 5500$  К) нури түлкүнин спектрини олсак, ундаги түлкүн узунлик  $\lambda_{\max} = 5 \cdot 10^{-7}$  м га тўғри келади. Бу түлкүн узунлик  $\lambda_{\max}$  спектрнинг кўзга кўринадиган қисмига тўғри келади.

16-расмда нур тарқалиш оқими спектри зичлигининг температураларга мос равища чиқкан нурнинг түлкүн узунлигига боғлиқлиги тасвирланган.

Абсолют қора жисм сирти тарқатган нур оқимининг зичлиги қилиб нурланиш оқими спектри зичлиги  $I_{0\lambda}$  нинг шу нур түлкүн узунлиги кенглиги  $dA$  га кўпайтмаси олинган, яъни

$$dE_0 = I_{0\lambda_i} \cdot d\lambda. \quad (132)$$

(132) тёнгликни 0 билан  $\infty$  оралиғида интеграллаб, аниқ температурадаги абсолют қора жисмнинг бирлик



16-расм. Нұрланиш оқими спектри зичлигининг температураларға мөс равишида чиққан нурнинг түлқин узунлигига боялуы.

сирті вақт бирлигіда чиқарған нур оқимининг зичлигіни, яғни нур тарқатиш қобилиятын топиш мүмкін:

$$E_0 = \int_0^\infty I_{0\lambda} d\lambda = \int_0^\infty \frac{c_1 \lambda^{-5}}{C_1} \cdot d\lambda = \sigma_0 T^4 \quad (133)$$

Бу қонун Стефан-Больцман номи билан юритилади. Бунда  $\sigma_0 = 5,67 \cdot 10^{-8}$  Вт/м<sup>2</sup>·К — абсолют қора жисмнинг нурлаш доимийсі.

Демак, абсолют қора жисмнинг бирлик юзадан вақт бирлиги ичіда нур тарқатиш қобилияты (хамма түлқин узунліктердегі энергиясы) абсолют температураларнинг түртінчи даражасында мутаносиб. Бу қонуниятни 1879 йили И. Стефан тәжриба жүли билан топған ва 1884 йили А. Больцман назарий жиҳатдан исботлаб берған.

Техник масалалар ечимини топишдагы ҳисоблашларда Стефан-Больцман қонуни қуидаги күринишида ёзилади:

$$E = C_0 \left( \frac{T}{100} \right)^4, \quad (134)$$

бунда  $C_0 = \sigma_0 \cdot 10^8 = 5,67 \text{ Вт}/\text{м}^2 \cdot \text{К}^4$  — абсолют қора жисмнинг нур тарқатиш қобилияти.

Стефан-Больцман қонуни абсолют қора жисмнинг иссиқликни нурлаш (нур күринишида тарқатиш) коэффициенти  $\epsilon = \frac{E}{E_0}$  орқали реал кулранг жисмлар учун қуидагича ёзиш мумкин:

$$E = \epsilon E_0 = \epsilon C_0 \left( \frac{T}{100} \right)^4 = C \left( \frac{T}{100} \right)^4, \quad (135)$$

бунда  $C$  — кулранг жисмнинг нурлаш хусусияти.

Абсолют қора ва кулранг жисмларнинг иссиқлик нурларини ютиш ва тарқатиш хоссалари орасидаги боғланишини Г. Кирхгоф 1882 йили ўрганиб, қуидаги қониятни очган:

$$\frac{E_1}{A_1} = \frac{E_2}{A_2} = \frac{E_3}{A_3} = \dots = \frac{E_n}{A_n} = E_n(T), \quad (136)$$

бунда  $\frac{E_1}{A_1} = E_0$  — абсолют қора жисмнинг нур тарқатиш қобилияти.

*Жисмнинг нурлаш хусусиятининг нур ютиш қобилиятига нисбати жисм табнатига боғлиқ эмас ва барча жисмлар учун температура функциясидир; жисмнинг нур чиқариш қобилияти абсолют қора жисмнинг шу температурадаги нур чиқариш қобилиятига тенг.*

Демак, жисмнинг бирор температурада тарқатган нур энергиясининг нурнинг ютилиш коэффициентига нисбати жисм табнатига боғлиқ бўлмайди ва у абсолют қора жисмнинг шу температурада чиқарган нур энергиясига тенг бўлар экан. Жисм ўзидан қанча кўп нур чиқарса, шунчасини ютади, яъни ютган ва чиқарган нурнинг тўлқин узуликлари бир хил бўлади:

$$\epsilon_\lambda \quad A_\lambda \quad (136)$$

Кулранг жисмнинг нур ютиши иссиқлик манбаига ва ўзининг температурасига боғлиқ бўлмайди. Жисм сиртига перпендикуляр йўналишда тарқалган нур оқими интенсив (жадал) лиги катта бўлади. Маълум бурчак

остида (нормалга нисбатан) нур чиқариш энергияснинг катталиги:

$$E_{\tau} = E_n \cos \varphi. \quad (137)$$

Демак,  $\varphi=90^\circ$  бўлганда сирт бўйлаб нур чиқариш жадаллиги нолга интилади.

Юқорида қараб чиқилган  $\epsilon = \frac{E}{E_0}$  нисбатдан кўрина-дик, жисмнинг қоралик даражаси, яъни абсолют қора жисмга бошқа жисмнинг нур ютиш ва чиқариш хусусияти жиҳатидан яқинлашуви орқали уни термодинамик нуқтаи назардан баҳолаш мумкин. Шунинг учун кулранг жисмлар учун тааллуқли Стефан-Больцман тенгламаси қозон қурилмалари ўтхоналарининг нур тарқатиш қобилиятларини аниқлашда қўлланилади. Ўтхона деворлари ҳам нур тарқатади, ҳам нурни ютади, яъни термодинамик мувозанатда бўла олмайди. Шу сабабли ўтхонадаги нур энергиясидан нур воситасида иссиқлик алмашинувида тўлароқ фойдаланилмайди. Ўтхонадаги ўзаро параллел сиртларнинг иссиқлик алмашинувини қўйидагича ифодалаш мумкин:


$$q = SC_{0.5} \left[ \left( \frac{T_1}{100} \right)^4 - \left( \frac{T_2}{100} \right)^4 \right],$$

бунда  $\epsilon_k = \left( \frac{1}{\epsilon_1} + \frac{1}{\epsilon_2} - 1 \right)^{-1}$  — иссиқлик алмашинувида қатнашувчи жисмлар системасининг келтирилган нур чиқариш коэффициенти;  $S$  — нур чиқарувчи сирт юзаси;  $T_1$  ва  $T_2$  — биринчи ва иккинчи сиртларнинг температура-лари.

#### 4.5. Нур воситасида иссиқлик алмашинувида экранларнинг қўлланилиши

Нур иссиқлиги энергияси оқимининг жадаллиги юқори бўлганда иситкич ва совиткичлар ўртасига нур энергиясини камайтириш мақсадида турли хил геометрик шакллардаги тўсиқлар (экранлар) қўйилади. Бу билан иссиқлик техникаси асбоб-ускуналари ҳимояланади ва уларнинг яхши ҳамда узоқ муддат ишлаши таъминланади (17-расм): Ёруғлик нурини оқ рангли жилвирланган экран энг яхши қайтаради. Шунинг учун нур иссиқлиги энергиясидан иссиқлик техникаси асбоб-ускуналарини ҳимоя қилишда иссиқлик изоляцияси сифатида жилвирланган металл пластинкалар ёки металл пардалар ҳа-

ётда ва иссиқлик техникасида кенг құлланилади. Масалан, алюминий ва унинг қотишмаларидан тайёрланган пардалар, алюминий упаси иссиқлик техникасида құлланилади. Бунга асосий сабаб, алюминий упасидан тайёрланган пардалар иссиқлик нурларини юқори дарражада қайтаради ва ютади, яғни ҳам иситкічдан, ҳам ташқаридан келәйтгән иссиқлик нурларини ютади ҳамда тарқатади. Амалда технологик жараёнда бундай пластишка (парда) ларни тайёрлаш мүмкін. Уларнинг




17-расм. Икки параллел сиртларнинг нур иссиқлик алмашынуви.

қоралик даражаси  $E_{k,3} = \frac{\sigma}{\sigma_0}$  (абсолют кулранг жисм нур тарқатиши коэффициенти  $\sigma$  нинг абсолют қора жисм нур тарқатиши коэффициенти  $\sigma_0$  га нисбати)  $5 \cdot 10^{-2} - 15 \cdot 10^{-2}$  атрофида бўлади. Бундай пардасимон материаллар иссиқлик трассаларида, қозон қурилмаларида, иссиқлик изоляторлари ва қайтаргичларида кенг құлланилади.

Жилвирланган пластишка ёки пардалар экран сифатида құлланилганда, уларнинг сиртига тушган иссиқлик нурлари қисман ютилади ва қайтади. Ютилган иссиқлик энергияси экран сиртидан атроф-муҳитга ҳам тарқалади.

Демак, бирламчи иссиқлик нурлари экранда ютилиб, унинг ички энергиясини орттиргандан сўнг, экран муҳитга ўз сиртидан иккиламчи иссиқлик нурини чиқаради, яғни экран орқали иссиқлик алмашинуви деб аталацаган жараён содир бўлади.

Фараз қилайлик, нур тарқатувчи ва нурни ютувчи жисмлар сиртларининг қоралик даражаси коэффициентлари жисмнинг иссиқликни нурлантириш коэффициентига ва ўз навбатида, экраннинг қоралик даражаси коэффициентига тенг, яғни  $E_1 = E_2 = \epsilon_{k,3} = \epsilon$  бўлсин. Унда, албатта  $T_1 > T_2$  бўлади. Иссиқ ва совуқ сиртлар оралиғидати экраннинг пардасимонлигини эътиборга олсақ, у ҳолда экраннинг иккала сиртидаги температуралар бир



18-расм. Экран орқали иккى параллель сиртинг нур иссиқиши алмашинуви.

хил бўлади, яъни  $T_{s_1} = T_{s_2} = T_s$ . Шу шарт бажарилса, экраннинг термик қаршилиги  $R_n = \frac{1}{\epsilon}$  (тарқатиш коэффициентига тескари бўлган котталик) энг кичик қийматга эрпшади, яъни жисемнинг қаршилиги иссиқликнинг ўтишига нисбатан кичнидир. Биринчи девор — экран ва эълан — иккинчи девор оралқларидағи иссиқлик алмашинувининг бир хиллиги асосида улар сиртларининг қоралтик даражалари  $\epsilon_1 = \epsilon_2 = \epsilon$  бўлади. Шунинг учун келтирилган нур тарқатиш коэффициентини девор I→экран→девор II ҳолати учун қуйидагича ёзиш мумкин:

$$\epsilon_k' = \left( \frac{1}{\epsilon_1} + \frac{1}{\epsilon_2} - 1 \right)^{-1} = \left( \frac{1}{\epsilon} + \frac{1}{\epsilon} - 1 \right)^{-1} = \frac{\epsilon}{2 - \epsilon}. \quad (139)$$

Шу шарт бажарилса, иссиқ деворнинг бирлик юзасидан экраннинг бирлик юзасига қуйидаги иссиқлик миқдори узатилади:

$$q_{1..2} = \epsilon_k C_0 \left[ \left( \frac{T_1}{100} \right)^4 - \left( \frac{T_2}{100} \right)^4 \right]. \quad (140)$$

Экрандан иккинчи деворга узатилган иссиқлик миқдори қуйидагича ифодаланади:

$$q_{2..2} = \epsilon_k C_0 \left[ \left( \frac{T_2}{100} \right)^4 - \left( \frac{T_2}{100} \right)^4 \right]. \quad (141)$$

Иссиқлик алмашинуви турғун, яъни сиртлар температурулари ўзгармас бўлганда  $q_{1..2} = q_{2..2}$  бўлади. Унда (140), (141) тенгламалар асосида қуйидагини ёзамиз:

$$\left( \frac{T_2}{100} \right)^4 = \frac{1}{2} \left[ \left( \frac{T_1}{100} \right)^4 + \left( \frac{T_2}{100} \right)^4 \right]. \quad (142)$$

Экран температураси ифодасини юқоридаги тенгламаларга қўйиб, иссиқлиги алмашинувчи деворлар ўртаси-

да экран бўлган ҳолат учун биринчи девордан иккинчи деворга экран орқали ўтган нур иссиқлиги миқдори инфодасини ҳосил қиласиз:

$$q_{1,2}^3 = q_{1,3} = q_{3,2} = \frac{1}{2} \left\{ \epsilon_k C_0 \left[ \left( \frac{T_1}{100} \right)^4 - \left( \frac{T_2}{100} \right)^4 \right] \right\} \quad (143)$$

Деворлар ўртасида экран бўлганда иссиқлик алмашинуви икки марта камроқ бўлади, яъни  $q_{1,3}/q_{3,2} = 0,5$ . Экранлар сонини ортириш усули билан нур иссиқлиги алмашинувини бир неча ўн мартараб камайтириш мумкин. Нур иссиқлиги алмашинуви экран материалига ва унинг сиртинииг ҳолатига боғлиқ. Масалан, оксидланган темир тахтаси (листи) экран сифатида қўлланилса, бу экран нур иссиқлиги миқдорини 13 марта, шундай листдан учтаси қўйилса 39 марта камайтиради.

Нур иссиқлиги миқдорининг исрофини камайтириш мақсадида турли-туман материаллардан экран сифатида фойдаланилади.

#### **4.6. Газларнинг иссиқликни нур кўринишида тарқатиши (нурлаши)**

Иссиқлик машиналари камераларнда, қозон қурилмаси ўтхоналарида ва турли хил тузилишдаги ўчоқ ҳамда камераларда ёқилғини ёқишда атмосфера ҳавосидан кенг фойдаланилади. Атмосфера ҳавосининг иссиқлик нурларини тарқатиши кенг спектрга эга. Бир ва икки атомли газлар иссиқлик нурлари учун шаффоффид. Факат кўп атомли газлар (карбонат ангидрид —  $\text{CO}_2$ , сульфид ангидрид —  $\text{SO}_2$ , сув буғи  $\text{H}_2\text{O}$ , амиак —  $\text{NH}_3$  ва ш. к.) иссиқлик нурларини тарқатади ва ютади. Ёқилғининг тўларбқ ёнмаслигига асосий сабаб унинг таркибида сув (намлик) ва  $\text{CO}_2$  нинг кўплиги ёки ёниш жараёнида уларнинг ҳосил бўлишидир. Сув буғу ва карбонат ангидрид ёқилғининг ёнишидан ҳосил бўлиши маълум даражада нур иссиқлиги алмашинувини жадаллаштираса, маълум миқдорда сусайтиради. Газларнинг аксарияти, маълум тўлқин узунликдаги нурларни чиқаради, яъни чиққан нур кенг оралиқдаги тўлқин узунликларини қамрамасдан, аниқ узунликлардаги тўлқинлардан ташкил топади. Газлар тарқатган спектрининг тор оралиқдаги тўлқин узунликларидаги энергияни ютади ва чиқаради. Тарқалган нур спектрининг кўзга кўринадиган қисмида карбонат ангидрид гази ва сув буғи нур-чиқармайди ва ютмайди. Бу газлар тарқатган нур спектрининг узун тўл-

қин қисмидә қисқа түлкін қисмига нисбатан анча жадалроқ нур чиқади ва ютилади.

Атмосфера таркибидаги углерод иккى оксиди ( $\text{CO}_2$ ) миқдори йил сайн маълум даражада күпайиб бориши эҳтимоллиги ҳозирги кунда сир эмас. Бунга асосий сабаб инсон техникадан, саноат корхоналаридан тўғри фойдалана олмаяпти, яъни ёқилғининг тўла ёниши таъминланмаяпти. Атмосферадаги карбонат ангидрид гази қисқа түлкінли нурларни ёмон ва узун тўлқинлиснин яхши ютиди. Бундай ҳодиса иқлимнинг илиқ бўлиши ва «иссиқхона» эфектининг пайдо бўлишига олиб келиши мумкин.

Газларнинг температураси орттирилганида, иссиқликнинг нур тарқатиш коэффициенти камаяди ва кўпроқ қисқа түлкіндаги нурлар чиқаради. Нур тарқатиш жадаллиги газнинг зичлигига, босимига, температурасига ҳам боғиқ.

Газ ўзини ўраб турган муҳитга тарқатган нур оқимишнинг зичлигини юқорида қараб чиқилган нур тарқатиш жараёнларига хослиги асосида, қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$q_{\text{ж.м.}} = \epsilon_k C_0 \left[ \left( \frac{T_r}{100} \right)^4 - \left( \frac{T_m}{100} \right)^4 \right],$$

бунда  $\epsilon_k = \frac{\epsilon_r \cdot \epsilon_m}{\epsilon_m + \epsilon_r (1 - \epsilon_m)}$  иссиқлик алмашинувидә қатнашувчи газлар системаси тарқатган нур коэффициенти;  $\epsilon_r$  ва  $\epsilon_m$  — газ ва муҳитнинг қоралик даражасини белгиловчи коэффициентлар.

#### 4.7. Иссиқлик алмашинувидә фойдаланиледиган асбоб-ускуналар ва уларнинг таснифи


Иссиқлик элтувчи модда (сув, буғ, ҳаво, антифриз, мойлар ва ш. к.) ни иситиш ёки совитишда турли хил қурилма (мосламалар)дан фойдаланилади. Бундай қурилмага радиатор (лат. radio — нур тарқатаман), конденсатор (лат. condenso — зичлайман, суюқлантираман), ҳар хил трубалар тўплами ва ш. к. лар мисол бўла олади. Иссиқлик ташувчи модданинг иссиқлиги иссиқлик алмашинув асбоблари девори ёки иссиқ модданинг совуқ моддага аралashiши билан иккинчи модда (совиткич) га узатилади. Бунда иссиқлик ташувчининг температураси пасаяди, иссиқлик қабул қилувчи (совиткич) нинг температураси эса ортади.

**Моддалар орасида иссиқлик алмашинув усулига қараб иссиқлик алмашинув асбоблари қуйидати турларга 5 ўлинади:** аралаштиргичли, рекуперативли (лат. гесиратор — қайта олинадиган), регенеративли (лат. гегенератіо — тикланиш) ва оралиқ иссиқлик ташувчили. Ара-лаштиргичли иссиқлик алмашинуви жараёнида иссиқлик ташувчи (элтувчи) модда температураси пастроқ модда билан аралаштирилади. Масалан, қозон қурилмадан чиқадиган юқори температурали буғ ё сув совуқ ёки илиқ сув билан аралаштирилади, сүнгра истеъмолчиларга узатиласы. Аралаштиргичли иссиқлик алмашинувида асосий агент (иссиқлик ташувчи) сифатида бир-бирига аралашмайдынган модда ва материаллар ишлатылади: буғ — сув, газ—қаттық материал, сув—мой ва ҳ. к.


Рекуператив иссиқлик алмаштиргич да атмосферага чиқиб кетадиган газлар иссиқлигидан фойдаланилади. Бунда иссиқлик миқдори совиткичга оралиқ қаттық девор орқали узатиласы. Иссиқлик ташувчи ва совиткич йұналишига қараб тұғри, тескари, кесишган, аралаш оқимлы ва сиртларнинг геометрик шактига күра ясси, юмалоқ, қовурғалы рекуператорлар бўлади (19-расм).

Регенератив иссиқлик алмашинувида атмосферага (циклга қайтарилаётгай буғ) чиқарилиб юбориладын газ (ёниш маҳсулоти) таркибидаги иссиқлик миқдоридаң янгитдан киритилаётган газ, буғ, сув, ёқилғи, ёнилғи ва ҳаво аралашмасини иситишда қўлланилади. Бу асбоб регенератор дейилади.

Регенераторларда улар девори сиртининг температураси юқори ( $t > 1000^{\circ}\text{C}$ ) ва оралиқ иссиқлик ўтказувчи материал қалин бўлади. Оралиқ девор сифатида оғир металл листлар, ўтга чидамли гишт, шлак, шағалдан фойдаланилади. Металл листларнинг олд қисмига ис-



19-расм. Қувурга ўрнатилган гилофли рекуператив иссиқлик алмаштиргич: I — сув буғи; II — илиқ сув (конденсат); III — иситиладын модда; IV — исиган модда.



20-расм. Иссекликкниң иссиқтік ташуачы оралық модда — суюқлик ёрдамыда регенератив иссиқлик алмашинуви.

сүкбардош (шамот, магнезит) ғильтар териб чиқилади. Иссек газ оқими аввал иссиқбардош ғильтарга асосий иссиқтік миқдорини беради, сүнгра атмосферага ёки бошқа иссиқтік алмаштиргичга йүнәлтирилади. Ғильтады иссиқтік металл листта, у эса суюқлика иссиқтікни узатади. Оралық иссиқтік ташуачы мұхит қаттық девор, суюқлик ёки буф бўлиши мумкин. Атом реакторининг биринчи берк контурида иссиқтікни ташуачи (совиткич) сифатида оғир сув яшлатилади (20-расм), унинг актив зонасидаги иссиқтік шу сув ёрдамида ташқарига чиқарилади. Контур берк бўлганлиги сабабли, ташқи иссиқтік алмаштиргич резервуаридаги сувга иссиқтіккниң асосий қисми спиралсимон қувур деворлари орқали узатилади. Уз навбатида, иссиқтік иссиқтік алмаштиргич резервуарлари даги оддий сувга оғир сувнинг берк контури деворидан ўтади. Бу ўтган  $T_2$  иссиқтік миқдори иккинчи спиралсимон қувур деворлари орқали шу қувурдаги сувга узатилади. Демак, оғир сув — қаттық девор (I), оддий сув — қаттық девор (II) — сув кетма-кетлигидаги регенератив иссиқтік алмашинуви юз беради.

Рекуператор ва регенераторларнинг ишлаш тартиби бир-бирига жуда ўхшаш. Рекуператор сиртининг тем-

ператураси паст ( $t < 200-250^{\circ}\text{C}$ ) ва иситувчи билан исувчи моддалар ўртасида юпқа қаттиқ девор бўлади. Рекуператорга автомобиль ва трактор радиаторини, спиралсимон қувурни, бир-бирининг ичига жойлаштириладиган труба филофли найчалар дастасини мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Оралиқ қаттиқ девор ёки суюқлик (газ) орқали иссиқлик узатилаётганда иссиқлик ташувчининг агрегат ҳолати ўзгариши мумкин. Масалан, сув буғи иссиқлик алмашинуви жараёнида сувга айланади. Бу турдаги иссиқлик алмашинуви ишлаб чиқаришнинг турли тармоқларида кенг қўлланилади.

Иссиқлик алмашинув асбобларини яратишдан аввал уларнинг геометрик шакли танланади ва нур тарқатувчи сиртларининг юзалари ҳисоб-китоб қилинади. Бундай ҳисоб-китобларда энергиянинг сақланиш қонунига риоя қилиш лозим, яъни системага келтирилган энергия миқдори ундан узатилган ва исроф бўлган энергиялар йиғиндинсига тенг бўлиши керак.

Иссиқлик алмашинуви асбобларини ҳисоблашда иссиқлик баланси тенгламаси асосий ҳисобланади. Иссиқлик баланси тенгламасини система энталпиясининг ўзгариши орқали қўйнайдагича ифодалаш мумкин:

$$q_1 = i - i_2 = m_1(C'_{p_1}t_1 - C''_{p_1}t_2), \quad (145)$$

бунда  $q_1$  — системага келтирилган тўлиқ иссиқлик миқдори;

$m$  — иссиқлик элтувчи массасининг сарфи;  $C'_{p_1}$  ва  $C''_{p_1}$  ўзгармас босим остида иссиқлик элтувчи модданинг мос равишда  $t_1$  - ва  $t_2$  температуралардаги иссиқлик сифими-лари.

Иссиқлик исрофи эътиборга олинганда келтирилган иссиқлик миқдорининг иккинчи қисмига ўтган улушини асбобнинг ФИК орқали ифодалаш мумкин:

$$q_2 = \eta q, \quad (146)$$


бунда  $\eta$  — асбобнинг ФИК.

Совиткич қабул қилган иссиқлик миқдорини энталпия айирмаси сифатида ёза оламиз:

$$q_2 = i_3 - i_4 = m_2(C'_{p_2}t_3 - C''_{p_2}t_4)$$


ёки

$$q_2 = \eta q_1 = \eta(i - i_2) = \eta n_1(C'_{p_1}t_1 - C''_{p_1}t_2), \quad (147)$$



21-расм. Иссиқлик элтувчининг иссиқлик алмашинуви асбобида түғри оқимли ҳаракати схемаси ҳамда  $t$  ва  $t$  орасида бөлганиш диаграммаси.

Диаграммадан кўриниб турнибдикни (22, 23-расмлар), иссиқлик элтувчи ва қабул қилувчи моддалар оқимларининг ҳаракати қарама-қарши. Иссиқлик алмашинадиган асбобининг девори юпқа бўлганида (рекуператив) иссиқ модданинг совуқ моддага узатган иссиқлик миқдорини тақрибан қўйидагича ифодалаш мумкин:



22-расм. Иссиқлик элткчишнинг иссиқлик алмашинуви асбобида тескари оқимли ҳаракати схемаси,  $t$  ва  $t$  нинг бөлганиш диаграммаси.


бунда  $t_1$  ва  $t_2$  — иссиқлик элтувчи модданинг асбобга киришидаги ва ундан чиқишидаги температурали;  $t_3$  ва  $t_4$  иссиқликни қабул қилувчи модданинг асбобга киришидаги ва ундан чиқишидаги температуralари.

Иссиқлик элтувчининг температураси пасайиб борса, иссиқлик ютувчининг температураси кўтарилиб боради. Иссиқлик элтувчи билан иссиқлик ютувчи моддалар оқимлари параллел бўлганда иссиқлик бирида камайса, иккинчисида ортади (21-расм).

$$q_2 = kS(t_1 - t_2) = kS\Delta t, \quad (148)$$

бунда  $k = \frac{1}{\alpha_1} + \frac{l}{\lambda} + \frac{1}{\alpha_2} )^{-1}$  — иссиқлик узатиш коэффициенти;

$\alpha_1$  ва  $\alpha_2$  — иссиқ ва совуқ суюқлик оқимиининг иссиқлик бериш коэффициентлари;  $\lambda$  — иссиқлик ўтказувчалик коэффициенти;  $l$  — юпқа девор қалинлиги



23-расм. Иссиқлик элткич (бүг) температурасининг иссиқлик алмашынуви ғсбобида ўзгариш графиги.

$s$  — юпқа девор сиртининг юзаси;  $t_1$  ва  $t_2$  — юпқа де-ворнинг ички ва ташқи сиртларидаги температуралари.

Иссиқлик элтувчининг  $t_1$  ва иссиқлик ютувчининг  $t_2$  температураларини ўзгармас сақлаш қанча мураккаб бўлганлигидан шу температуралар айримасининг ўртача қийматидан фойдаланган маъқул, яъни.

$$q_2 = kS\bar{\Delta t} = 0,5kS(\Delta t_b - \Delta t_m), \quad (149)$$

Бундэ  $\Delta t_b = t_1 - t_4$ ;  $\Delta t_m = t_2 - t_3$  (тескари оқимли ҳолат),  $\Delta t_b = t_1 - t_3$ ;  $\Delta t_m = t_2 - t_4$  (тўғри оқимли ҳолат),

$\Delta t_b = t_1 - t_4$ ;  $\Delta t_m = t_2 - t_3$  (иссиқлик элткич температураси  $t_1 = t_2 = \text{const}$  бўлган ҳолат).

Бу ифодадаги  $\left(\frac{\Delta t_b}{\Delta t_m}\right) < 2$  бўлганда юқоридаги тенглама мақсадга мувофиқ бўлади, чунки бу шарт бажарилганида ҳисоблаш хатолиги 4% дан ошмайди.

Иссиқлик әлтүвчи ва иссиқлик ютувчи моддалар оқимларининг йўналишига қараб  $\Delta t_6$  ва  $\Delta t_m$  қийматлар ўзгариади.

Иссиқлик алмашинуви асбобларидан қўпчилик ҳолларда қарама-қарши оқимли қилиб ишлатилади. Бунда уларнинг тақрибий ҳисоби осонлашади, чунки  $\Delta t$  ҳар доим тўғри оқимли иссиқлик алмашинувига нисбатан катта (21, 22 ва 23-расмларга қаранг).

Ўзаро кесишган оқимли иссиқлик алмашинуви асбоблари ҳам кенг қўлланилади. Бундай ҳолатдаги иссиқлик алмашинуви асбобидаги иссиқлик әлтүвчи ва ютувчи моддалар температуралари айрмасининг ўртacha қиймати қарама-қарши оқимли иссиқлик алмашинуви асбобидек олиниб айрим тузатишлар киритилади.

Иссиқлик алмашувчи асбоблар сиртларининг юзалирини ҳисоблашда энг аввал  $q_2$  аниқланади. Сўнгра иссиқлик әлтгич оқимининг тезлиги  $v_4$  маълум диаметрдаги труба учун топилади. Иссиқлик әлткич учун иссиқлик бериш  $\alpha$  ва узатиш  $k$  коэффициентлари қийматлари ҳисобланади.  $\Delta t$  қиймат келтирилган тенгликтан топилгандан сўнг, иссиқлик алмаштиргичнинг  $S$  юзаси ҳисобланади. Зарур бўлганда иссиқлик алмаштиргич трубасининг узунлиги ҳам топилади. Иссиқлик алмаштиргич асбоби сиртининг юзалирини аниқлашда, айрим параметрлар аниқ бўлиши керак. Ҳеч бўлмаганда иссиқлик әлткич ёки иссиқликни ютувчи моддаларнинг иссиқлик алмаштиргичдан чиқишидаги температураси маълум бўлиши шарт. Ҳисоблаш ишларида ҳозирги кунда албатта ЭХМ дан фойдаланилади.

## V б о б. ЕҚИЛҒИ

### 5.1. Еқилғи ва унинг хоссалари

Асосий таркиби қисми углероддан иборат ёнувчи моддага ёқилғи дейилади. Кимёвий реакциянинг жадал бориши натижасида ёқилғи ўзидан иссиқлик чиқаради. Еқилғига қуйидаги талаблар кўйилади: ёниш вақтида кўп миқдорда иссиқлик чиқариш; ёниш маҳсулотида табиатга зарар етказадиган моддалар миқдорининг кам бўлиши; тез ва тўла ёниши; қазиб олиш арzon бўлиши ва қайта ишлаш ҳамда транспортда бир жойдан иккинчи жойга кўчиришнинг осон бўлиши. Еқилғи қазиб олиниши ёки тайёрланишига кўра табиий ва сунъ-

иій бўлади. Табиатда ишлатишга тайёр ҳолда мавжуд бўлган ёқилғилар табиий ёқилғилар дейилади. Қазиб олинадиган тошкўмир, ёнувчи сланецлар, торф, нефть, газ, ўтин, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши чиқиндилари табиий ёқилғи ҳисобланади. Табиатдаги ёқилғиларни ёки умуман моддаларни қайта ишлаш натижасида олинадиган ёқилғилар сунъий ёқилғилар дейилади. Буларга кокс, кукун ҳолатигача майдаланган қаттиқ ёқилғи, брикетлар, ёғоч кўмири, бензин, керосин, соляр мойи; газойль, мотор мойи, мазут, домна ва кокс батареяси газлари ва табиий газни қайта ишлашда олинадиган газлар киради.

Ёқилғи қаттиқ, суюқ ва газ ҳолатида бўлади. Қаттиқ ёқилғига тошкўмир, торф, ёнувчи сланецлар, кокс, ёғоч кўмири ва ш. к. киради. Суюқ ёқилғига нефть ва нефть маҳсулотлари (бензин, керосин, соляр ва мотор мойлари, газоиль, мазут, қозон қурилмаси) ёқилғида рини киритиш мумкин. Газ ёқилғисига — кокс ва домна, генератор, нефти қайта ишлаш заводлари газлари, пропан, ацетилен, тошкўмир қазиб олишда олинадиган газлар ва ш. к. мисол бўла олади.

Ёқилғи таркиби органик ва минерал моддалардан иборат бўлади. Органик моддаларга углерод ( $C$ ), водород ( $H_2$ ), кислород ( $O_2$ ), азот ( $N_2$ ) ва олтингугурт ( $S$ ) киради. Бұз кимёвий элементлар ва улар бирикмаларининг миқдори турли хил ёқилғида турлича бўлади. Масалаң, нефть ва унинг маҳсулотлари таркиби асосан углерод ва водороддан ташкил топган.

Ёқилғининг агрегат ҳолатидан қатъи назар, унинг таркибидаги углерод ва водород асосий бўлиб, суюқ ёқилғида уларнинг миқдори 85—87%, қаттиқ ёқилғида эса 50—90% ни ташкил этади. Кислород элементининг миқдори қаттиқ ёқилғида 6,5% гача, суюқ ёқилғида эса 25% гача этади.

Газдаги водород ва углероднинг умумий миқдори 0,3 дан 95% гача. С ва  $H_2$  бирикма ҳолида, яъни метан ( $CH_4$ ) гази кўринишида кўпроқ учрайди.

Ёқилғининг табиатда ҳосил бўлиш даврида унинг таркибий қисмидаги кимёвий элементлар миқдори ҳам ўзгариб боради. Айрим кимёвий элементлар миқдори камайса, айримлариники ортади. Хусусан, ёқилғи ёнишининг ортиб бориши унинг таркибидаги углерод миқдорининг кўпайишига олиб келади. Масалан, антрацит

таркибида 93% углерод бўлса, ёғочда 40% ни ташкил этади.

Еқилғининг таркибий қисми фоиз (%) ларда ифодаланади, яъни унинг иш, қуруқ, ёнувчи, органик қисмларни ташкил қилган кимёвий элементлар йигиндиси ҳар бир ҳолат учун 100% деб қабул қилинади:

**еқилғининг иш қисми**

$$C^u + H^u + O^u + N^u + S^u + A^u + W^u = 100\%; \quad (150)$$

**қуруқ масса қисми**

$$C^e + H^e + O^e + N^e + S^e + A^e = 100\%; \quad (151)$$

**ёнувчи масса қисми**

$$C^e + H^e + O^e + N^e + S^e = 100\%; \quad (152)$$

**органик масса қисми**

$$C^o + H^o + O^o + N^o = 100\% \quad (153)$$

Еқилғи таркибида углерод қанча кўп бўлса, кислород шунча кам бўлади ва аксинча. Кислород миқдорининг ёқилғи таркибида ортиши унинг иссиқлиқ беришини пасайтиради. Еқилғи таркибидаги кимёвий элементларнинг реакцияга кириши (ёниши) да ҳар хил миқдордаги иссиқлиқ ажралади.

Турли хил ёқилғининг кимёвий таркиби турлича бўлиши мумкин (5 ва 6- жадваллар).

### 5-жадвал

#### Қаттиқ за суюқ ёқилғининг таркибий қисми

Еъзалиги тураси	Еъзалиги таркибидаги ёнувчи элементлар, %			
	C <sup>e</sup>	H <sup>e</sup>	O <sup>e</sup>	S <sup>e</sup>
Еғоч	50	6	43	0
Торф	53—62	5,2—6,2	32—37	0,1—0,3
Кўнғир кўмур	62—72	4,4—6,2	18—27	0,5—6,0
Тошкўмур	75—90	4,5—5,5	4—15	0,6—6,0
Автрацит	90—96	1,0—2,0	1—2	0,5—7,0
Нефт	83—86	11—13	1—3	0,2—4,0

## Б-жадвал

### Енүвчи газнинг таркибий қисмия

Газ турғы	Курук газ ҳажмидаги модда миқдорлари, %							
	CH <sub>4</sub>	H <sub>2</sub>	CO	C <sub>n</sub> H <sub>m</sub>	O <sub>2</sub>	CO <sub>2</sub>	H <sub>2</sub> S	N <sub>2</sub>
Табиий (Бу- хоро)	94,9	—	—	3,8	—	0,4	—	0,9
Кокс гази (то- заланган)	22,5	57,5	6,8	1,9	0,8	2,3	0,4	7,8
Домна гази Суюлтирилган газ	0,3	2,7	28	—	—	10,2	0,3	58,5
	4	қолгани бошқа газлар; пропан 79%, этан 6%, водород, изобутан 11%.						

Қам миқдорда водород гази сувни электролиз қи-  
лиш усули билан олинади ва илмий тадқиқот лаборато-  
рияларида қўлланилади. Табиий ва сунъий газ ёқилғи  
сифатида саноатнинг турли тармоқларида, автомобилда,  
авиациянда охирги ўн йил мобайнида кенг қўлланил-  
моқда.

### 5.2. Еқилғи турлари

**Қаттиқ ёқилғи.** Ёнувчи массаси ёнувчи қисмининг  
таркиби ўзгармас катталик бўлиб, унинг асосий харак-  
теристикаси ҳисобланади. Ундаги намлик ҳамда кул  
миқдори ўзгарганида ҳам унинг характеристикасига сал-  
бий таъсир қилмайди. Турли хил ёқилғиларда ёнувчи  
масса миқдори ҳар хил бўлади. Шунинг учун ҳам улар-  
нинг иссиқлик бериш хусусияти турличадир.

Ёнувчи масса таркибига кирган кимёвий элементлар  
реакцияга киришида (ёнишида) ажралиб чиқадиган ис-  
сиқлик миқдори ҳамма элемент учун бир хил эмас. 1 кг  
углерод тўла ёнгандага CO<sub>2</sub> ҳосил бўлади ва 32,8 МЖ  
иссиқлик миқдори ажралади. 1 кг водород ёнгандага  
 $12,56 \cdot 10^4$  кЖ иссиқлик ажралади ва ҳ. к.

Ёниш жараёнининг тўлалигини таъминлаш ёниш ка-  
мерасига узатиладиган атмосфера ҳавосининг миқдорига  
боғлиқ. Ҳавонинг кўп ёки камлигига қараб кимёвий ре-  
акция вақтида турли-туман заҳарли ва заҳарсиз кимё-  
вий бирикмалар ҳосил бўлади. Масалан, ҳаво етарли  
бўлмаганида углерод кислород билан тўла реакцияга ки-

риша олмаганлигидан зақарлы углерод оксиди  $\text{CO}$  ҳосил бўлади. Ёқилғидаги олтингурутнинг реакцияга киришидан эса сульфид ангидриди  $\text{SO}_2$  ҳосил бўлади. У ёқилғи таркибидаги намлиқдан вужудга келған сув буғи билан бириниб сульфат кислотаси  $\text{H}_2\text{SO}_3$  га айланади.

Ҳосил бўлган  $\text{H}_2\text{SO}_3$  металл сўртларини занглашиб емиради, бу ички ёнувдвигателларига салбий таъсир кўрсатади.

Суюқ ёқилғи асосан нефтни 300—370°C қиздиришдан ҳосил бўлган буғни ҳар хил фракцияларга ажратиш ва уларни конденсациялаш (суюқлантириш) йўли билан олинади: суюқлантирилган газ 1%, бензин 15% атрофида (суюқлантириш температураси  $t_c = 30—180^\circ\text{C}$ ), керосин 17% атрофида ( $t_c = 120—315^\circ\text{C}$ ), соляр мойи 18% атрофида ( $t_c = 180—350^\circ\text{C}$ ) ва мазут 45% (қайнаш температураси  $t_k = 330—350^\circ\text{C}$ ) ҳамда қолдиқ масса 4% атрофида бўлади.

Мазутни юқори босим остида юқори температурагача қиздириш йўли билан ундаги оғир молекулаларнинг парчаланиши натижасида енгил суюқ маҳсулотлар олинади. Мазут 84—86% гача углерод (ёқишига яроқли) ва 10—12% водороддан ташкил топган бўлиб, у мотор ёқилғиси ёки қозон қурилмаси ёқилғиси сифатида ишлатилади.

Газ ёқилғиси, асосан табиий газ бўлиб, унинг таркиби метан (ботқоқ гази)  $\text{CH}_4$ , водород  $\text{H}_2$ , азот  $\text{N}_2$ , юқори даражадаги углерод бирикмалари  $\text{CH}$ , углерод оксиди  $\text{CO}$ , карбонат ангидриди  $\text{CO}_2$  дан иборат. Бу газларнинг миқдори газ конининг ҳаммасида ҳам бир хил эмас. Турмушда ишлатиладиган газ тозалангандан сўнг, унга газнинг сирқиб чиқишини аниқлаш мақсадида маҳсус қўшилма — одоризатор қўшилади, у ўзига хос сассиқ ҳидга эга. Маълумки, турмушда ишлатиладиган газ суюлтирилган ҳолатда маҳсус баллонларда ташилади. Улар нефтни қайта ишлашда ёки нефть билан бирга чиққан ҳамроҳ газлардан олинади ва саноатда ҳамда турмушда ёқилғи сифатида кенг қўлланилади. Масалан, Сургут ГРЭС ҳамроҳ газ билан ишлайди.

Суюлтирилган газ таркибида техникавий пропан ( $\text{C}_3\text{H}_8 + \text{C}_3\text{H}_6$ ) ёки бутан ( $\text{C}_4\text{H}_{10} + \text{C}_4\text{H}_6$ ) камиди 93% атрофида бўлади. Суюлтирилган пропан ва бутан газлари ташиладиган баллонлардаги босим 2 МПа, уларнинг тенг аралашмаси солингандада босим 0,6 МПа атрофида бўлади.

Кокс ва домна газларини металлургия, саноати корхоналари беради ва уларнинг таркибида заҳарли СО гази 5—10% ни ташкил этади. Шунинг учун улар асосан завод эҳтиёжларида кўпроқ ишлатилади.

Ёқилғининг агрегат ҳолатидан қатъи назар, ҳамма ёғилғи бир хил иссиқлик миқдорини ажратмайди. Шунинг учун унинг таркиби ёнувчи ва балласт (кул ва намлик)дан иборат бўлади.

Ёқилғи тўла ёнганда ажралиб ишқадиган иссиқлик миқдори турлича бўлганлигидан, уларни бир-биридан фарқлаш мақсадида, ёқилғининг ёниш иссиқлиги тушунчаси киритилган. Иш ёқилғисининг бирлик массаси тўла ёнганда ажралган иссиқлик миқдори ёниш иссиқлиги дейилади. Ёниш иссиқлигининг ўлчови  $\text{кЖ}/\text{кг}$  ёки  $\text{кЖ}/\text{м}^3$ . Ёқилғининг ёнишида ажралдиган иссиқлик миқдори юқори ( $q_{\text{ю}}$ ) ва қўйи ( $q_{\text{к}}$ ) бўлади.

Иш ёқилғисининг бирлик массаси тўлиқ ёнганда, унинг таркибидаги намликнинг буғланишига сарф бўлган иссиқлик миқдори ҳисобга олинмайдиган ёниш жараёнида, ажралиб чиққан иссиқлик миқдори юқори ( $q_{\text{ю}}$ ) иссиқлик ажралиши дейилади. Ёқилғининг бирлик массаси ёнганда унинг таркибидаги намлик ҳамда водороднинг кислород билан реакцияга киришиши жараёнида ҳосил бўлган намлик ҳисобга олинган ҳолатда ажралган иссиқлик миқдори қўйи иссиқлик ажралиши дейилади. Шунинг учун бу исроф эътиборга олинганда ҳисоблар тўғри бўлади. Масалан, 1 кг водород кислород билан реакцияга киришиши жараёнида 9 кг сув ҳосил бўлади. Табиийки, ҳар қандай ёқилғи таркибида ва ёнишин таъминлаш учун киритиладиган атмосфера ҳавосида водород мавжуд. Ҳосил бўлган бир кг сувни буғлантириш учун  $24 \cdot 10^2$  кЖ иссиқлик миқдори сарфлаш керак, 1 кг буғ суюқликка айланиш жараёнида атрофга  $2,5 \text{ МЖ}$  ( $t=20^\circ\text{C}$ ) иссиқлик чиқаради.

Демак,  $q_{\text{ю}}$  билан  $q_{\text{к}}$  орасидаги боғланишини қўйидагича ифодалаш мумкин:

$$q_{\text{ю}} = q_{\text{к}} + 25(9H - W). \quad (154)$$

Қаттиқ ёқилғиларнинг ёниш иссиқлиги  $10 \div 28 \text{ МЖ}/\text{кг}$  оралиғида бўлиб, унинг таркибидаги намлик ва кул миқдори юнинг, ўзини балласт қисмнинг ортиши билан  $q_{\text{ю}}$  (иш ёқилғисининг иссиқлик ажратиши) камайиб боради. Суюқ ёқилғиларда  $q_{\text{ю}} = 39 \text{ МЖ}/\text{кг}$  гача бўл-

са, газларда унинг қиймати  $4 \div 88,5 \text{ МЖ}/\text{м}^3$  ни ташкил этади.

Қаттиқ ва суюқ ёқилғиларнинг иссиқлик ажратишини Д. И. Менделеевнинг эмперик формуласи асосида етарли аниқликда  $\text{Ж}/\text{кг}$  ўлчовида назарий ҳисоблаб топилади:

$$q_{\text{в}}^{\text{а}} = 10^6 [34,013C^{\text{а}} + 125,6H^{\text{а}} - 10,9(O^{\text{а}} - S^{\text{а}}) - 2,5(9H^{\text{а}} + W^{\text{а}})]. \quad (155)$$

$$q_{\text{в}}^{\text{а}} = 339C + 1250H - 109(O - S). \quad (156)$$

Газ ёқилғиси учун (155) тенглама  $\text{Ж}/\text{м}^3$  ўлчовида қўйидағича ёзилади:

$$q_{\text{в}}^{\text{а}} = 10^6 (12,8CO + 10,8H_2 + 35,8CH_4 + 56C_2H_6 + 59,5C_3H_8 + 63,4C_4H_10 + 91C_6H_6 + 120C_8H_{18} + 144C_{10}H_{22}).$$

Ёқилғининг иссиқлик ажратиши (ёниш иссиқлиги) (155), (156), (157) формулалар билан ҳисобланганда колорометрик усулга иисбатан уча катта хатоликка йўл кўйилмайди. Турли-туман ёқилғиларнинг ажратган иссиқлиги бир хил эмас.

Шартли ёқилғи сифатида иссиқлик ажратиши  $q_{\text{в}}^{\text{а}} = 29,35 \text{ МЖ}/\text{кг}$  ( $7 \cdot 10^6 \text{ ккал}/\text{кг}$ ) га тенг бўлган ёқилғи ҳабул қилинган. Шартли ёқилғи асосида бошқа ёқилғилардан иқтисодий жиҳатдан фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги ва улар сарфи аниқланади.

#### 7-жадвал


Ёқилғиларнинг  $q_{\text{в}}^{\text{а}}$  иссиқлик ажратишни

Ёқилғи	$q_{\text{в}}^{\text{а}} \cdot 10^{-6} \text{ МЖ}/\text{кг}$	Ёқилғи	$q_{\text{в}}^{\text{а}} \cdot 10^{-6} \text{ МЖ}/\text{кг}$
Елоҳ	1,05—1,47	Нефт	4,20—6,60
Торф	0,84—1,05	Мазут	4,0—4,55
Кўнгур		Керосин	4,40—4,90
аўзар	0,63—1,09	Бензин	4,40—4,70
Тонжӯжар	2,1—3,0	Табигий газ	2,70—3,60
Автрацит	2,70—3,10	Нефтанги дамроҳ газлари	4,20—7,10
Енуачи		Коқ гази	1,50—2,10
сланецлар	0,73—1,50	Домова гази	0,35—0,41
Пласта аўзар	3,0—3,40	Генератор	
Ярим коқс	2,50—3,10	гази	0,41—0,71
Кокс	2,80—3,10	Сув гази	1,05—1,17

### 5.3. Еқилғининг ёниши ва ортиқча ҳаво коэффициенти

Еқилғининг ёниши учун албатта атмосфера ҳавоси зарур бўлади. Унинг миқдори кўп ёки кам бўлишига қараб кимёвий реакция (ёниш) жадал ёки суст бўлади. Ўз навбатида, ёниш маҳсулоти таркибидаги заҳарли газларнинг миқдори ҳам кенг оралиқда бўлади.

Маълумки, ёқилғи таркибидаги С, Н реакцияга киришиб, охири  $\text{CO}_2$ ,  $\text{H}_2\text{O}$  ва  $\text{SO}_2$  ҳосил бўлиши билан туғайди



12 кг С (углерод)нинг тўлиқ реакцияга кириши учун 32 кг кислород керак бўлади. Шунда 44 кг  $\text{CO}_2$  ҳосил бўлади, 32 кг олтингуругуртнинг тўлиқ реакцияга кириши учун 32 кг кислород керак бўлади, бунда 64 кг  $\text{SO}_2$  ҳосил бўлади; 2 кг водороднинг ёниши учун 16 кг кислород зарур бўлади, шунда 18 кг сув буғи ҳосил бўлади ва ш.к.

Еқилғининг ёнишида асосий оксидловчи модда сифатида кислород ёки атмосфера ҳавоси олинади. Еқилғининг тўла ёниши учун зарур бўлган атмосфера ҳавосининг миқдори назарий жиҳатдан ҳисоблаб топилади. Маълумки, кислороднинг нормал шаронитдаги энчлиги  $\rho = 1,43 \text{ кг}/\text{м}^3$  ва унинг атмосфера ҳавосидаги улуси 23,15% ни ташкил этади.

Утхонада қаттиқ ёки суюқ ёқилғинин 1 кг тўлиқ ёниши учун зарур бўлган кислород миқдори қўйидаги тенглиқдан топилади (кислород-ёқилғи инсбатидан):

$$q_{\text{к.н}} = (2,67\text{C}^{\text{u}} + 8\text{H}^{\text{u}} + \text{S}^{\text{u}} + \text{O}^{\text{u}}) : 100, \quad (158)$$

бунда 2,67 ва 8 сонлари тегишлича 1 кг углерод ва 1 кг водороднинг тўлиқ ёниши учун зарур бўлган  $\text{O}_2$  миқдори, кг;  $q_{\text{к.н}}$ —кислороднинг назарий миқдори, кг.

1 кг ёқилғининг тўлиқ ёниши учун зарур бўлган ҳаво массаси қўйидаги ифодадан топилади:

$$m_{\text{х.н}} = \frac{q_{\text{к.н}}}{23,15} \cdot 100 = 0,115\text{C}^{\text{u}} + 0,344\text{H}^{\text{u}} + 0,043(\text{S}^{\text{u}} - \text{O}^{\text{u}}), \quad (159)$$

бунда  $m_{\text{х.н}}$ —назарий ҳисобланган ҳаво массаси, кг; 23,15—бирлик ҳажмидаги ҳаво таркибидаги кислород миқдори, %;  $\text{C}^{\text{u}} + \text{H}^{\text{u}} + \text{S}^{\text{u}} - \text{O}^{\text{u}} + \text{N} = 100\%$  иш ёқилғисининг ёнувчи кис-

ми, %;  $2,67 \cdot 23,15 = 0,115$ ;  $8/23,15 = 0,344$ ;  $1,23,15 = 0,043$  сонлар С, Н, S миқдорларининг ҳаводаги  $O_2$  улушкига нисбатлари.

Назарий ҳисобланган ҳаво массасини ҳажмий бирликларда ифодалаш учун  $V_{x,n}$  ни ҳаво зичлигига (нормал шаронтда)

$$\rho = 1,293 \text{ кг/m}^3 \text{ га бўламиз } V_{x,n} = \frac{m_{x,n}}{\rho_x} = 0,089C^u + 0,0266H^u + 0,033(S^u - O^u), \quad (160)$$

бунда  $V_{x,n} = 1$  кг ёқилғининг тўлиқ ёниши. учун зарур бўлган атмосфера ҳавосининг назарий ҳажми,  $\text{m}^3/\text{кг}$ .

Бир килограмм (ёки метр куб) ёқилғининг тўлиқ ёнишини таъминлаш учун реал шаронтларда зарур бўлган назарий ҳаво миқдори ҳисоблаб топилади. Аммо реал шаронтда ўтхоналарни жуда такомиллаштирганимизда ҳам назарий ҳаво миқдори етарли бўлмайди. Ҳаво таркибидағи кислород атомларининг ҳаммаси ёқилғи билан тўлиқ реакцияга кирнишига улгурмасдан ёниш маҳсулоти (тутун) га аралашиб ташқарига чиқиб кетади. Шунинг учун  $V_{x,n}$  га нисбатан кўпроқ ҳаво миқдори керак бўлади ва у қўйидаги тейғлиқдан ҳисоблаб топилади:

$$V_x = 0,01(2,67C^u + 8H^u + S_{otk} - O^u) : 0,21 \cdot 1,43, \quad (161)$$

бунда 0,01 — ёқилғи таркибидағи кислород улушки;  $S_{otk}$  органик ва колчедан S; 0,21 — нормал шаронтдаги қуруқ ҳаводаги кислород улушки.

Тўла ёниш учун зарур бўлган ҳақиқий ҳаво миқдорининг назарий ҳисоблаб топилган миқдорига нисбати ортиқча ҳаво коэффициенти дейилади ва у қўйидагича ифодаланади:

$$\alpha_x = V_x / V_{x,n}$$

$\alpha_x$  нинг катталиги ёқилғининг турига, агрегат ҳолатига, реакция кечадиган шаронтга, ёқиш усулига, ўтхона (камера) конструкциясига ва бошқаларга боғлиқ.  $\alpha_x$  қанча кичик бўлса, ёниш жараёни шунча тежамли бўлади, аксинча, ёқилғи чала ёнади ва ўтхонанинг ҳамда у билан боғлиқ бўлган қурилмаларнинг ФИК камаяди.

Такомиллашган ўтхоналар учун  $\alpha_x = 1,05 - 1,1$  бўлса, такомиллашмаганлари учун  $1,3 - 1,5$  га тенг.

Карбюраторли двигателлар учун  $\alpha_x = 1,0 - 1,1$  бўлса, дизелли двигателларда  $\alpha_x = 2,0 - 2,2$ , авиация двигателларида  $0,85 - 0,95$  ни ташкил этади.

$\alpha_x$  нинг қиймати ўзгарганда ёқилғининг ёниш температураси ҳам ўзгаради (8- жадвал).

8- жадвал

#### Ёқилғи ёниш температурасининг $\alpha_x$ коэффициентга боғлиқлиги

Ёқилғи номи	Ёниш температураси			
	$\alpha_x = 1.0$	$\alpha_x = 1.3$	$\alpha_x = 1.5$	$\alpha_x = 2.0$
Антрацит	2270	1845	1665	1300
Торф	1700	1510	1370	1110
Мазут	1125	1740	1580	1265
Газ (Саратов)	2000	1749	1478	1167

Демак, ёқилғининг тўла ёнишини таъминлаш учун ўтхоналарга ҳаво миқдорини ростловчи автоматик мосламалар ўрнатилади ва шу билан уларнинг ФИК ортирилади.

#### 5.4. Ёниш маҳсулоти ва унинг таркиби

Ёқилғи ёнгандаги маълум миқдордаги иссиқлик энергияси ажралади ва тутун газлари ҳамда қолдиқ кул ҳосил бўлади. Тутун газлари (садароқ қилиб айтганда тутун) ва кул ёниш маҳсулотлари дейилади.

Ёниш маҳсулотининг тарқиби ва унинг миқдори ёқилтурига ва сифатига қараб турлича бўлиши мумкин.

Амалда ёниш камераси (ўтхона)га киритилган ёқилғи массаси билан ҳаво (оксидловчи) массасининг йиғиндинси ёниш маҳсулоти массасига тенг бўлиши керак.

Ёниш маҳсулотидаги тутун қисмининг ҳажми  $V_{t.r.}$  қуруқ газлар ҳажми  $V_{k.r.}$  билан ёқилғи таркибидаги вождороднинг реакцияга кириши ва намликнинг буғланишидан ҳосил бўлган сув буғининг ҳажми  $V_{c.b.}$  йиғиндинисига тенг, яъни

$$V_{t.r.} = V_{k.r.} + V_{c.b.} \quad (163)$$

Қуруқ газларга  $\text{CO}_2 + \text{CO} + \text{SO}_2 + \text{O}_2 + \text{N}_2$  киради ва уларнинг йиғиндинси 100 фоиз деб қабул қилинади.  $\text{CO}_2 + \text{SO}_2 = \text{RO}_2$  уч атомли газлар йиғиндинси деб белгиланади.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, ёқилғининг тўлиқ ёнишини таъминлаш учун назарий ҳисоблаб топилган ҳавонинг  $V_{x.h}$  ҳажми ҳақиқий зарур бўлган  $V_x$  ҳажмдан кичик бўлади. Шунинг учун ҳам  $V_{x.h} > V_x$  шарти асоси-

да айрим ҳисоб-китобларни 10—25% хатолик билан амалга ошириш мүмкин.

Демак,  $V_{\text{т.г.}}$  ҳажми қуийдәгіча ёзиш мүмкин:

$$V_{\text{т.г.}} = V_{\text{RO}_2} + V_{\text{H}_2\text{O}} + 0,79\alpha_x \cdot V_x + 0,23(\alpha_x - 1)V_x, \quad (164)$$

бунда  $0,79\alpha_x V_x$  — атмосфера ҳавоси таркибидаги, реакцияға кирмаган «транзит» — ўткінчи, азот миқдори;  $\alpha_x$  — ортиқча ҳаво коэффициенти;  $V_x$  — ҳақиқий ҳаво миқдорининг ҳажми; 0,79 — азотнинг ҳаводаги улуси; 0,23 — қуруқ ҳавонинг ҳажм бирлигидаги кислород улуси;  $0,23(\alpha_x - 1)V_x$  — реакцияға кирмасдан тутунга құшилиб атмосферага чиқып кетадиган ҳаводаги ортиқча ўткінчи кислород миқдори.

Нормал шароитда идеал газнинг  $22,4 \text{ м}^3$  ҳажмини 1 қмоль газ әгаллади. Уч атомли газлар  $V_{\text{RO}_2}$ , ҳажми қуийдәгі ифодадан ҳисоблаб топылади:

$$V_{\text{RO}_2} = V_{\text{CO}_2} + V_{\text{SO}_2} = \left( \frac{C^u}{12} \cdot 10^{-2} + \frac{S_{0+k}^u}{32} \cdot 10^{-2} \right) 22,4 = (165)$$

$$= 0,0168(C^u - 0,375S_{0+k}),$$

бунда  $S_{0+k}$  — ёнувчи олтингугуртнинг органик ва колчедон қисми; 12 ва 32 — углерод ва олтингугуртнинг моляр массалари.

Сув буғини идеал газга яқинроқ деб қабул қилинса, уннинг зычлигі (нормал шароитда)  $\rho = 18/22,4 = 0,805 \text{ кг}/\text{м}^3$  бўлади. Агарда атмосфера ҳавосидаги сув буғи зычлиги (нормал шароитда)  $\rho_{c,0} = 0,01 \text{ кг}/\text{м}^3$  ҳам ҳисобга олинса, ёқилғининг ёнишида ҳосил бўлган сув буғи ҳажмини қуийдаги ифодадан ҳисоблаб топиш мүмкин:

$$V_{\text{H}_2\text{O}} = \frac{0,01 H^u \cdot 9}{80,5 \cdot 10^{-2}} + \frac{W^u}{80,5 \cdot 10^{-2}} = 0,111 H^u + 0,0124 W^u \quad (166)$$

Демак, ёниш маҳсулотли таркибини назарий ҳисоблаб аниқлаш ҳам мүмкин. Лекин амалда  $\text{RO}_2$ ,  $\text{O}_2$ ,  $\text{CO}$ ,  $\text{CH}_4$ ,  $\text{H}_2$  ҳажм бирлигидаги миқдорлари маҳсус газ анализаторлари ёрдамида ўлчанади.

Ички ёнув двигателларни циклидаги ёниш жараёнинг нормал ўтаётганлигини  $\text{CO}$ ,  $\text{CO}_2$ ,  $\text{SO}_2$  ва бошқа газларнинг миқдорларини ўлчаш йўли билан баҳолаш ва уларни, зарур бўлганда, ростлаш мүмкин. Масалан, Инфраплит-1100 асбоби ёрдамида  $\text{CO}$  миқдорини юқори аниқликда ўлчац мүмкин.

## **5.5. Үтхона қурилмалари ва уларда ёқилғини ёкиш усуллари**


Ёқилғининг ёниш жараёни кечадиган қурилма үтхонадилади. Ёниш жараёнининг боришини таъминлайдиган ва бошқарадиган ускуналар мажмуй үтхона рилласи дейилади. Конструкциясига кўра үтхона қаттиқ, суюқ ва газ ёқилғилари ёқилади. Қаттиқ илғи табиатда қандай пайдо бўлган бўлса, шундайлига, бўлаклаб кукун ҳолига келтириб ёқилиши мумкин. Ҳона қурилмаларини лойиҳалашда энг аввал ёқилғинг тежаб ёқилишига, ёниш маҳсулотидаги тутун ва оксидловчи ҳаво оқими йўлларининг тўғри ташкил қилишига ҳамда үтхонани ишга тушириш, ишлатиш ишрининг механизациялашганлигига ва автоматлаштишига асосий эътибор қаратилади.

Үтхоналар қатламли, камерали (машъалали, уюрли) турларга бўлинади.


**Қаттиқ ёқилғини ёкиш.** Ёқилғини қатламли ёкиш ўтнасининг асосини панжарали чўғдон ташкил этади. Инжарали чўғдон устига маълум қалинликда қаттиқ илғи текис жойлаштирилади ва панжара остидан атмосфера ҳавоси оқими табиий равишда ёки мажбурий илғи оралаб ўтиб туради. Оксидловчи газ (атмосфера ҳавоси) қаттиқ ёқилғи билан таъсирлашиб ёнишини ўминлайди ва ҳосил бўлган алланга ҳисобига иссиқлик ергияси ҳамда ёниш маҳсулотлари ҳосил бўлади. Ёниш маҳсулоти билан ёқилғи зарралари атмосферага учиб чиб кетмаслиги ва тўлиқ ёниши ҳамда кўпроқ иссиқлик сралиши учун үтхонада ҳосил бўлган газ оқимининг тарлиш кучи ёқилғи бўлакчасининг оғирлик кучин кичик бўлиши керак. Ёқилғи бўлакчаларининг ўлми 20—30 мм дан кичик бўлмаслиги лозим.

Панжарали чўғдон ёқилғини тутиб турибгина қолисдан, ёқилғига ҳавони ўтказиш, кул ва шлакни кулна томонга узлуксиз ўтказиб туриш вазифасини ҳам жаради. Чўғдондаги ҳамма тешик ва тирқишиларининг ндаланг кесимлари йигинидиси панжаранинг жонли сими дейилади. Панжарали чўғдон ўлчамлари ёқилғири ва унинг бўлакларининг катта-кичиклигига мос ражда танланади.


Чўғдон, ёасан чўяндан қуйиб ишланади ва юзаси тта бўлганда, у бир неча бўлакдан ташкил топади. Ҳона чўғдони горизонтал, қия зинапояли, тебранма зи-



а



б



с.

24-расм. Еқілғини ёқиш усуллари: а) қатламли; б) машъалали; в) уюрмали; г) қайновчи қатламли.

напояли (Тейлор схемаси), ҳаракатланувчан занжирилі (горизонтал ёки қия) қилиб жойлаштирилади. Үтхона қандай қурилганлығига ва еқілғи турига қараб чүйдон құзғалмас ёки махсус механизмлар таъсиринда тебранадиган, илгарилама-айланма ҳаракат қиладиган бўлиши

мумкин. Чўғдон устидаги ёқилғига бу тартибдаги ҳарақатларни беришдан асосий мақсад, унинг тўлиқроқ ёнишини, кулнинг яхши ажралишини ва ҳаво оқимининг тўғон ўтишини таъминлаш ҳамда ўтхона шларини механизациялашдан иборат.

**Машъалали ёқиш.** Утхонанинг ФИК ни орттириш ва ёқилғининг тўлиқ ёнишини таъминлашда қаттиқ ёқилғи маҳсус тегирмонларда кукун ҳолатига келтирилиб, ҳаво оқими билан биргаликда ўтхонага узатилади. Бундай ёниш машъалали ёниш дейилади (24-расм, б).

**Машъалали ёқишнинг асосий афзаллиги ёқилғи исрофсиз ёнади ва катта миқдорда иссиқлик ажратиб чиқади. Газ-ҳаво оқимида зарраларнинг суйрилик даражаси кичик бўлганлигидан машъалали ёқиш жадаллигининг чегараланганлиги ҳамда оқим ўзгариши ёнишга тез таъсир этиши бу усуlda ёқишнинг асосий камчилиги ҳисобланади.**

**Уюрмали ёқиш.** Утхона бўшлиғида кучли, уюрмали оқим ҳосил қилиш усули билан ёқилғи ёқилганда ёқилғи зарралари узоқ вақт ўтхонада бўлади ва тўлиқ ёнади (24-расм). Ҳаво оқими ёқилғи зарраларини уюрма траекторияси бўйлаб отиб ўтади ва жадал ёнишни таъминлайди. Ёқилғи зарраларининг ўлчами 3—5 мм ни ташкил этса ҳам ўтхонада улар анча муддат давомида учиб юрганлигидан тўлиқ ёнади ва катта миқдордаги иссиқликни ажратади. Кул ва шлак ўтхона охиридан учиб ва экиб чиқади.

Чангсимон ҳолатта келтирилган қаттиқ ёқилғилари бу усулларда ёқишнинг ўзига хос афзалликлари бор:

а) паст навли кўмирни, кўмир қазиб олишда ва уни бойитишдаги қолдиқ чиқиндиларни катта қувватли қозон қурилмалари ўтхоналарида ёқиш мумкин;

б) ортиқча ҳаво коэффициенти  $\alpha_x = 1,2 - 1,25$  қилиб олинганда чала ёнишда вужудга келадиган исрофлар жуда кам ва ўтхона самарадорлиги иқтисодий жиҳатдан юқори бўлади;


в) ёниш жараёнини тўла механизациялаштириш ва автоматлаштириш мумкин;

г) паст қувватларни осонгина олиш мумкин.

Бундай афзалликлари билан бирга қурилмаларнинг нархи қиммат, тегирмон ва вентиляторларга қўшимча электр энергияси талаб этилади, газ-ҳаво оқими кучлилигидан ёниш маҳсулотининг кул қисмининг 80% га яқини

атмосферага учиб чиқади ва атроф-муҳитни ифлослантиради.



**Суюқ ва газ ёқилғиларини ёқишида махсус мосламалар — горелка ва форсунка** (ингл. force — дам, бермоқ) қўлланилади. Горелка ва форсункаларниң тузилиши камера, ўтхоналарнинг қуввати ва уларнинг турига қараб ҳар хил бўлади. Суюқ ва газ ёқилғиларидан фақат камера ва ўтхоналардагина ёқилмасдан, ички ёнув двигателларида, реактив двигателларда ҳам иш ёқилғиси сифатида кенг фойдаланилади. Горелка ёки форсунка ёниш камералари (ўтхоналари) нинг асосий қисми ҳисобланади. Суюқ ёқилғилар ёқилганда улар форсунка орқали камерага пуркалади. Ёқилгини форсунка майдарзарраларга айлантириб, камерага тўзғитиб пуркайди ва пуркалган ёқилғи ҳаво билан яхши аралашиб, тўлиқ ёнади.



25-расм. Форсунка турлари: а) механик; б) пневматик; в) ротацион

Қозон қурилмаларида форсунка қўлланилганда асосий ёқилғи мазут ёки ишлатиб бўлинган турли-туман техник мойлар, яъни нефть маҳсулотлари чиқиндиси ёқилади. Бунда буғ форсункаси қўлланилади (25-расм, б). Мазутни ёқишда Бобкок ва Вилькокснинг механик форсункасидан (25-расм, а) фойдаланилади. Мазут юқори (10 атм) босим остида форсункага узатилади. Форсункага узатилаётган мазут температураси қамида 80—115° С бўлганинг учун унинг қовушқоқлиги камайиб бир текис тўзғийди. Механик форсунка анча тежамли ишлайди ва уни ростлаш оддий.

Газ ёқилғисини ёқишида ўзига хос техник талаблар бажарилади. Шунинг учун горелка (25-расм) ҳамда форсунканинг тузилиши содда ва ишлатиш осон бўли-



25-расм. Газ горелкасининг схемаси: а) инжекторли; б) катта қувватли (Тербек системаси).

ши керак. Домна, кокс батареялари, камераларда мәттәллургия заводлари гази ва табиий газ ёқилади. Утхона нага ҳаво ва газ горелкалар орқали узатилади.

Горелкалар юқори ва паст калорияли газ ёқилғисини ёқишга мүлжалланган. Қозон қурилмалари ўтхоналаридан газни ёқиш ишлари ҳозирги вақтда маҳсус электр учқунлари ёрдамида амалга оширилади ва автоматик назорат қилиб турилади. Сунъий газлар асосий қисмнинг калорияси паст, табиий газларники юқори бўлади.

Газ горелкаси қуйндагича ишлайди. Газ горелка ўқи бўйлаб ҳаракатланиб, аввал сопло I га киради. Соплонинг олд қисмидаги ҳалқасимон тирқиш орқали унга ҳаво сўрилади. Соплонинг давоми газ ва ҳавони аралаштиргич вазифасини бажарганлигидан унда иш ёқилғиси (газ ва ҳаво аралашмаси) ҳосил бўлади. Утхона ичида жойлашган горелканинг тешикли қисмидан иш аралашмаси камерага киради ва ёнади. Газ ёки ҳаво оқимининг миқдори заслонка (тўсик) ва клапанлар ёрдамида ростланади.

Ёқилғандан кул ҳосил бўлмаслиги ва маълум шартшароит яратилганда юқори температурани ҳосил қилиш мумкинлиги газнинг муҳим афзаллиги ҳисобланади. Ёқиш жараёнини осон механизациялаштириш ва автоматаштириш мумкин.

**Ички ёнув двигателларида (ИЕД) ёқилғи** сифатида нефтни қайта ишлаш йўли билан олинадиган бензин, керосин, соляр мойи ҳамда қайта ишланган табиий газ, ҳозирча лаборатория шаронтларида олинадиган ва тадқиқот қурилмаларида қўлланиладиган водород газидан фойдаланилади.

Карбюраторли ички ёнув двигателларида, асосан бензин, лигроин ва газ; дизель ички ёнув двигателларида газойль ва соляр мойи; реактив двигателларда керосин-газойль фракциялари ишлатилади. Бензин (франц bnezine — хушбўй модда) углерод ва водород биринчларидан иборат бўлиб 30—205°C қайнайди. Унинг зичлиги  $\rho = 700—800 \text{ кг}/\text{м}^3$ . Нефтдан олинадиган А-66, А-72, А-76, АН-91, АИ-92, АИ-93, АИ-98 маркали бензинлар карбюраторли двигателларда қўлланилади. Авіацияда сифати юқорироқ бўлган Б-100/130, Б-95/130, Б-31/115 маркали ёқилғи ишлатилади. Бензин автомобиль двигателида энг кам сарфланади: 260 г/кВт·соат.

Газойль (газ ва ингл. oil — мой) дизель двигатели

ёқилғиси 200—400°C да қайнайды. Газойль қайта ишланса яна ҳам яхшироқ ёқилғи олиниши мүмкін.

**Соляр мойи.** Нефтни қайта ишлаш жараёнда, уни ҳайдаш, фракцияларга ажратышда олинадиган дизель двигателларининг ёқилғиси. Қайнаш температурасы 240—400°C, қовушқоқлиги 5—9 сст, 50°C да қотиш температурасы — 20°C, очиқ ҳавода алангаланиш температурасы 125°C дан юқори.

**Керосин** (юнон. Keros — мум) — суюқ углеводородлар аралашмаси бўлиб, реактив ва дизель двигателларининг ёқилғиси ҳисобланади. Керосин нефтни тўғри ҳайдаш ёки нефть маҳсулотларини крекинглаш йўли билан олинадиган тиниқ ёки сарғиш-зангари тусдаги суюқлик бўлиб, тез алангаланади. Қайнаш температураси 180—320°C, зичлиги  $\rho = 775—850 \text{ кг}/\text{м}^3$ .

**Лигронин** (офир бензин) — нефть ёки нефть-газни ишлашда ҳосил бўладиган конденсат фракцияси бўлиб, 120—240°C да ажратиб олинади ва дизель двигателли ёқилғиси сифатида ишлатилади. Лигронин рангсиз, тиниқ ёки сарғиш суюқлик, зичлиги  $\rho = 785—795 \text{ кг}/\text{м}^3$ .

Турли хил ёқилғиларнинг таркиби қисми ва уларнинг иссиқлик чиқариш хусусиятлари турлича (9-жадвал).

#### 9-жадвал

#### Айрим ёқилғиларнинг таркиби ва уларнинг иссиқлик чиқариш хусусиятлари

Ёқилғи Номи	Оғирлли, бўйича таркиби				Солишли меба сирпалиги, $H_2O$	Иссиқлик чиқариш хусусияти, кал.кг	150°C ва 1 атм хайонинг назария сарғи. $\text{м}^3/\text{кг}$
	C, %	H, %	O + N, %	S, %			
Бензин	85,0	15,0	—	—	0,70	10200	12,5
Керосин	85,5	14,0	0,5	—	0,82	10300	12,5
Бензол	91,0	7,5	1,0	0,5	0,88	9600	11,1
Соляр мойи	85,5	12,2	1,5	0,8	0,82	10000	11,8
Спирт	52,0	13,0	35,0	—	0,80	6000	7,6

**Сурков мойлар.** Ички ёнув двигателлари деталларининг сирпанувчи сиртлари орасидаги ишқаланишини камайтириш учун турли-туман мойлаш материалдари ишлатилади: Автол, ТАД-17, Литол-24, Филол-1, Техник вазелин ВТВ-1 ва ҳ. к.

## VI бөб. ИЧКИ ЁНУВ ДВИГАТЕЛЛАРИ

### 6.1. Ички ёнув двигателлари ҳақида умумий тушунча ва уларнинг таснифи

Иш ёқилғиси маҳсус қурилма ичида ёнадиган ёниш жараённада ажралиб чиқсан иссиқлик миқдорини маълум қисмини механик энергияга айлантириб бе оладиган иссиқлик машинасига ички ёнув двигатели (ИЕД) дейилади. Барча термодинамик жараёлар цикл давомида цилиндрнинг иш ҳажмида кетма-ғечадиган поршени; иш жисми ҳаво компрессорида қиласидиган, маҳсус ёниш камерасида ёнадиган ва ёни маҳсулоти газ турбинасида кенгайдиган газ турбинали ёниш маҳсулоти соплода кенгайишидан реактив куч ҳуждга келадиган реактив двигателлар мавжуд ва ул инсон фаолиятининг турли соҳаларида кенг қўллашлади.


Ички ёнув двигателлари ёқилғи турига қараб, ёқилғисида (газ двигатели), суюқ ёқилғида (бензин, ляр мойи, керосин, лигроин ва ҳ. к.), бинар (суюқ ва га ёқилғида ишлайдиган двигателларга бўлинади. Иш цилиндра қараб икки ва тўрт тактли; ёқилғининг камера киритилишига қараб босимли ва босимсиз; иш арала масининг тайёрлананишига кўра иш жисми ташқарида ичкарида тайёрланадиган двигателларга бўлинади. Ўзаралашмасини ўт олдириш усулига қараб ташқи элем манбаидан (электр учқуни, ўт олдириш шари—калоритор) ва цилиндрда сиқилган ҳавонинг қизиши (дизель двигатели) ҳисобига ўт олдириладиган двигателлар мавжуд. ИЕД лари автомобиль, авиация, газ турбинали реактив двигателларга бўлинади.

Автомобиль учун ИЕД ларининг яратилиши ўти асрнинг 60-ийн.ларига тўғри келади. Бу даврда Лену (1860 й.) Францияда, Н. Отто ва Э. Ленген (1867) Германияда тадқиқотлар олиб борган. Н. Оттонинг тұтактли двигатели (1867 й.) Бо-де-Роша томонидан (1862 й.) таклиф этилган схема бўйича ясалди. 19-а да нефтни қайта ишлашдан олинган бензин, керосинларни электр учқуни ёрдамида ёқилиши ИЕД ларини кенг тарқалишига сабаб бўлди.

Россияда биринчи марта бензинда ишлайдиган И. (Костович двигатель) 1889 йил ясалган. Немис мухдиси Р. Дизель томонидан ихтиро этилган (1897 й.) қилиш ҳисобига қизиган ҳавога пуркалган ёқилғини

ёниши натижасида ишлайдыган ИЕД нинг тақомиллашынан жонструкцияси 1899 й. Петербургда ясалади. Кейин чалык компрессорсиз дизель двигателини 1901 йилда Г. В. Тринклер ва 1910 йилда Я. В. Мамин яратадилар. Дизель двигателларининг назарияси тұлароқ ўрганилыш даврида, уициг конструкциялари ҳам тақомиллашиб борди.

Дизель двигателі тежамли бўлғанлиги учун у кенг тарқала бошлади. Ҳозирги вақтда энг яхши дизель двигателининг солиштирма ёқилги сарфи таҳминан



27-расм. Поршекти ИЕДдинг принципиал схемаси: 1 — картер; 2 ва 6 — киритиш вәчиқариш клапанлари; 3 — үт олдириш свечаси; 4 — цилиндр; 5 — поршень; 7 — шатунъ; 8 — кривошинъ; 9 — киритиш трубаси.

190 г/кВт-шат, бошқа турлари учун эса ўртача 270 г/кВт-шоатни ташкил этади. Дизель двигательларида ёқилғи сарфийиг ФИК 31—44% бўлса, карбюраторли двигателларда одатда, 25—30% дан ошмайди. Газ ёқилғисида ишлайдиган газодизель двигателлари ҳам мавжуд.


Поршенли двигателлар тежамли ишланганини, кам металл сарфланганлиги, ишга тушириш осонлини, ишончили ишлаши, мустаҳкамлиги ҳамда узоқ муддат ишлаши, ихчамлиги туфайли транспортда етакчи ўринини эгаллайди. Бундан ташқари у кичик ва катта қувватли электр стансияларида (20 кВт дан 20 МВт гача) ҳам ишлатилиди.

ИЕД нинг принципиал схемаси 27-расмда көлтирилган. Поршенли ИЕД нинг асосини цилиндр № 4 ва унга киритилган поршень № 5 ташкил этади. Поршень кривошип-шатунли механизм орқали тирсак валига ёниш маҳсулли газлари вужудга көлтирган босим кучини узагади. Цилиндрлар блокининг остики қисмига тирсак вали, устки қисмига тирсак вали, устки қисмига киритиш № 2 ва чиқариш № 6 клапандари жойлаштирилган цилиндр каллагига каллағи ўрнатилади. Цилиндрлар блоки каллагига карбюраторли двигателларда свеча № 3, дизель двигателларидан эса форсункалар ўрнатилади. Поршень цилиндрда илгариланма-қайтма ҳаракат қилади. Цилиндрда поршень ЮУН (юқори ўт олиш нуқтаси) ва КУН (куйи ўт олиш нуқтаси) оралиғида ҳаракатланади ва бу оралиқ (l) поршень йўли дейилади. Цилиндрнинг иш ҳажми  $V_u \frac{\pi d^3}{4} l$  поршень диаметрига ва унинг йўлига боғлиқ. Цилиндрнинг тўла ҳажми иш ҳажми билан ёниш камераси ҳажмлари йиғинидисига тейг.  $V_u V_u^2 - V_k$  Иш ёқилғисининг сиқилиш даражаси поршенинг цилиндрдаги ҳолатига боғлиқ ва қуйидагича ифодаланади:

$$\varepsilon = V_k^f 1 - \frac{V_u}{V_k} \quad (167)$$

## 6.2. Ички ёнув двигателлари циклида кечадиган термодинамик жараёнлар

**ИЕД ларнинг идеал цикллари.** Тўрт тактли ИЕД нинг цикли киритиш (ёқилғи билан ҳаво аралашмасининг ёниш камерасига киритилиши), сиқиш (иш ёқилғисининг сиқилиши), кенгайиш (ёниш маҳсулларининг кен-



28-расм. ИЕД ининг термодинамик шиктага  $V = \text{const}$  бўлгандаги иссиқлик киритиладиган жараёнинг PV ва TS диаграммалари.

гайниши) ва чиқариш (кенгайиб бўлган ёниш маҳсулотининг сиқиб чиқарилиши) тақтларидан иборат.

Соддороқ қилиб уларни биринчи (киритиш), үккинчи (сиқиши), учинчичи (кенгайиш) ва тўртиничи (чиқариш) тақтлар деб юритилади.

Ҳар бир тақтда поршенинг цилиндрдаги ҳолати тўғрисида батафсул тўхтамаймиз.

Қарбюраторли тўрт тақтли ИЕД назарий цикличаги жараёnlарни қараб чиқамиз. Циклга  $V = \text{const}$  бўлгандаги иссиқлик киритилиши (Отто цикли) жараёнида иш жисми параметрларининг ўзгаришини ўргацамиз. Поршень ҚҰНдан то ЮҰН гача (28-расм, 1, 2 нуқталар оралиғида) цилиндрга киритилган иш ёқилғисини адабатик ( $dq = 0$ ) сиқиш жараёнида, термодинамик система (иш ёқилғиси) параметрлари ( $P, V, T$ ) ўзгаради. Иш ёқилғиси ҳажмининг камайиб бориши натижасида унинг температураси, термодинамиканинг биринчи қонунига мувофиқ, система ички энергияси ҳисобига ортади, яъни ёқилғи аралашмаси исийди. ИЕД да бензол, бензин, керосин ишлатилганда сиқиши такти охиридаги босим 5—10 атм; газ қўлланилганда 9—14 атм га етади.

Иш ёқилғиси тўла сиқилгандан сўнг, унга ташқаридан  $q_1$  иссиқлик миқдори киритилади, яъни свеча контакtlари оралиғида электр учқуни чиқаради. Киритилган  $q_1$  иссиқ ҳисобига иш аралашмаси кучли кимёвий реакцияга киришади (портлаб ёнади) ва ёниш маҳсулоти

(термодинамик система)нинг  $P$  ва  $T$  параметрлари (29-расм, нүқталар 2, 3 оралигига) сакраб ўзгаради, яъни  $P=25-30$  атм. га,  $T=2200, 2300$  К га етади. Елиш жараёнининг охирда поршень ЮНдан КУН га томон ёниш маҳсулотининг босим кучи таъсиридан ҳаракатлашиди. Шундай термодинамик система адабаттик ( $dq=0$ ; 28-расм, 3—4 нүқталар оралиги) кейганди, яъни параметрлар  $P, V, T$  нинг ўзгарышини ҳисобига иш бажарлади. Поршень КУН га етиши олдидан чиқараш клапани очилади ва фойдали ишга айланасдан қолган иссиқлик миқдори  $q_2$  ёниш маҳсулот тазларий, ёнжасдан қолган ёқилиги ва реакцияга киришмаган ҳаво билан ташқарига (совиткичга) чиқарилади (4—1 нүқталар оралиги).

Демак, циклическігі PV диаграммасидаги нүқталар 1—2 ва 3—4 оралигидаги жараёлдар адабаттик; 2—3 ва 4—1 нүқталары оралигіда эса изохорик бўлади. Шундай циклб. и сиқилик термодинамик системага  $V=c_{p,m}$  бўлгич ҳолатда киритилганда сўнг ёниш жараёни содир бўладиган циклинг. TV диаграммаси иккита адабаталан ва иккита изохорадан ташкил топар экан. Циклнинг TS диаграммасидан кўриниб турибдикни, системага иссиқлик киритилганда ёки ундан чиқарилгандан система энтропияси ўзгарувчан бўлар экан. Лекин система ишнинг абсолют температураси изохорик жараёнда кескин оғради, адабаттик жараёнда эса текис камайди.

Демак, иш ёқилигининг сиқилицини, яъни поршенининг сиқиши дарежасини  $PV$  — диаграмма асосидә кўйицдаги чи инфодалаш мумкин.

$$\epsilon = \frac{V_1}{V_2}, \quad (168)$$

бўнда  $V_1$  ва  $V_2$  — цилиндрнинг тўла иш ва ёниш камерраси ҳажмлари, м<sup>3</sup>.

Худди шундай ёниш камерасидаги иш ёқилигисига иссиқлик миқдори киритилгандан кейинига босимни, сиқиши тақтигининг охиридаги босимга нисбатан неча марта ортганинг қўйидагинча ёзиш мумкин:

$$\lambda = P_3/P_2, \quad (169)$$

Демак, киритилган  $q_1$  иссиқлик миқдори иш ёқилигисининг тўлиқ ёнишлга ижобий таъсири кўрсатиши билан циклинг фойдали ишини ортиради. Циклнинг бажарган фойдали иши нүқталар 1—2—3—4 билан чегаралашган юзага сон ҳиймати жиҳатидан тенг. Тўлиқ бажа-

рилган иш мусбат ва манфий ишларнинг йигинидиңга, яъни нуқталар  $V_1 - O - P_3 - 4 - 1 - V_1$  билан чегараланган юзага сон қиймати жиҳатидан тенг. Унда фойдалан иш қўйидагича ифодаланади:

$$A = (V_1 - O - P_3 - 3 - 4 - 1 - V_1) - (V_1 - O - P_3 - 3 - 2 - 1 - V_1) = 1 - 2 - 3 - 4 - 1.$$

Отто циклининг термик ФИК қўйидагича ифодаланади:


$$\eta_t = 1 - \frac{1}{e^{n-1}}, \quad (170)$$

унда  $n$  — адиабата кўрсаткичи.

**Иссиқлик  $P = \text{const}$  бўлганда киритиладиган цикл** (Дизель цикли). Юқорида кўриб ўтилган  $V = \text{const}$  бўлган циклдан карбюраторли ИЕД ни олиб, унинг циклини қараб чиқамиз. Поршень ҚУН даг ЮУН томони силжигандан иш ёқилғиси  $1-2$  нуқталар оралиғида адиабатик ( $q_a = 0$ ) сиқилади, яъни термодинамик система параметрлари система ички энергиясининг ўзгариши ҳисобига бошқа қийматларни қабул қиласди. Дизель двигателларидан сиқиш тактигининг охиридаги босим 30—35 атм. га етади. Карбюраторли двигателларидан сиқиш дарражаси  $e = 6-9$  (айримларидан  $e = 11$ ), тант охиридаги босим  $P_3 = 0.0-1.5$  МПа ва иш ёқилғиси температураси  $T_3 = 550-750$  К га етади.  $PV$ -диаграммадаги нуқталарга мос равишда (28 ва 29-расмлар) 3 нуқтадаги  $P_3$  ва  $T_3$  қийматлар қўйидаги тенгламалардан фойдаланиб ҳисобланishi мумкин:

$$\frac{P_3}{T_3} = \frac{P_1 e^n}{T_1 e^{n-1}}, \quad (171)$$

унда  $P_1 = 0.09$  МПа;  $T_1 = 323$  К;  $n = 1.40$ . Поршень ЮУН етганда, яъни сиқиш тактигининг охирда  $q_1$  иссиқлик миқдори киритилади (сиқилган ҳаво температураси ёқилғининг ўз-ўзидан ёниш температурасидан юқори бўлган  $T = 1000-1200$  К га етказилади ёки электр учқуни чақнайди). Поршень каллаги ва ёниш камераси деворлари билан чегараланган ҳажмда ёнаётган иш ёқилғисининг ёниш маҳсулот босимини  $P = \text{const}$  да сақлаб турниш учун жуда тез бўлмаса-да, поршень ҚУН томон ҳаракатланади. Шунда маълум вақт оралиғида  $V_2$  ўзгарса-да, босим  $P = \text{const}$  сақланади (29-расм, 2—3 нуқталар оралиғи). Системанинг абсолют температураси озгина ортади. Иш ёқилғиси тўлиқ ёниб бўлгандан сўнг, адиаба-



29-расм. Циклга  $P=\text{const}$  бұлғанда иссиқтік кирилладыган жараённинг  $PV$  ва  $TS$  диаграммалары.

тик кенгаяғынан өніш маҳсулотининг босымы таъсирінде поршень ЮНдан ҚҰНдан томон ҳаракатланады (нуқталар 3—4 оралиғи). Бу кенгайниш жараённанда өніш маҳсулеті иш бажаради. Өніш маҳсулотидаги қолдық иссиқтік энергиясы  $q_2$  тутун газлары билан ташқарига чиқарылады (нуқталар 4—1 оралиғи). Цикл яна тақорланаади.

Циклнинг бажарған тұла пши  $V_1-O-P_2-3-4-V_1$  нуқталар билан чегаралған юзага сон қиймати жиҳатидан тенг.

Циклда иштирок этган иш жисмі устида бажарылған манфий, яна сиқиши тақтининг иши  $V_1-O-P_2-2-1-V_1$  нуқталар ҳосил қылған юзага сон қиймати жиҳатидан тенг. Циклнинг бажарған фойдалы иши эса юқорида келтирілған тұла юзадан манфий иш юзасини айрмасы  $1-2-3-4-1$  га тенг.

Циклнинг  $TS$  — диаграммасыдан күрініб түрібдіки, энтропияннанғы үзгариши  $dS = S_4 - S_1$ ,  $V = \text{const}$  бұлған ҳолатда циклга иссиқтік кирилладыган жараёнға нисбатан күчсизроқ үзгәрар экан. Чунқы циклга иссиқтік кириллігінде иш өқілғиси өніши билан шу вақтнінг үзінде поршень ҳам ҳаракатта кела бошлайды, яғни сиқиши тақти ҳосил қылған босым остида өніш жараённи кечади ва босым иш өқілғиси өнгандан ҳам үзгармайды.

Цикл иккита адабата ва биттадан изобара ҳамда изохоралардан ташкил топади. Иш өқілғисининг сиқиличиши даражасы цикл тақтининг сиқиши коэффициенті орқали ифодаланади:

$$\varepsilon = \frac{V_1}{V}.$$

Сиқишиң тақтида босым ортошыннинг нуқталар 1 ва 2 ( $PV$  диаграмма) оралығыда  $P$  қийматыннан үзгариши  $\lambda = P_2/P_1$  орқали ифодаланади. Маълумки, ёниш жараёни  $P = \text{const}$  да кечгандыктын сабабынан иссиқлик миқдори  $q_1$  киритилиши даврида иш өқиленеси ҳажманиннан үзгаришини қўйидагича ёза оламиш:

$$\frac{V_1}{V}.$$

Ёниш маҳсулоти адиабатик кенгайиши давомида ўз параметрлари ( $P, V, T$ ) ли үзгартыради ва шу ўзгариш жараёнида иссиқлик энергиясы фойдалы ишга айланади. Нуқталар 3 ва 4 ( $PV$  диаграмма) оралығыда ёниш маҳсулоти ҳажманиннан үзгаришини ифодалоған коэффициентни  $\delta = \frac{A}{V}$  — нисбатдан ашиқлаш мумкин, чунки  $V_1 - V_4$  бўлганинидан  $\delta = \frac{\varepsilon}{\rho}$  кўринишда ёза оламиш. Циклнинг термик фойдалы иш коэффициентини адиабатик сиқиши ва кенгайиши жараёниларидаги адиабата кўрсаткичи, ҳамда коэффициентлар  $\rho$  ва  $\varepsilon$  орқали қўйидагича ёзиш мумкин:


$$\eta_t = 1 - \frac{\rho^\kappa - 1}{(\rho - 1)} = \frac{1}{\varepsilon^{\kappa - 1}} \quad (172)$$

Демак,  $P = \text{const}$  бўлганда ҳолатда иш өқиленесига ташқаридан иссиқлик миқдори  $q_1$  киритилганида термик ФИК  $V_3$  ва  $K$  — адиабата кўрсаткичларига кўпроқ боғлиқ бўлар экан.

**Циклга  $V = \text{const}$  ва  $P = \text{const}'$  бўлганда аралаш (кетма-кет) иссиқлик киритлиши (Тринклер—Сабатэ цикли).**

Бу цикл Отто ва Дизель циклининг бирлаштирилганни бўлиб, иш өқиленесининг маълум қисми  $V = \text{const}$  (изохора) бўлганда ёнса, қолган қисми  $P = \text{const}$  (изобара) бўлганда ёнади. Циклда кечадиган термодинамик жараёниларни ва унинг  $PV$  ва  $TS$  диаграммаларини қараб чиқамиш (30- расм).

Цилиндрга киритилган өқиленеси ва ҳаво аралашмаси сиқишиң тақтида ўз параметрларини нуқта 1 га нисбатан нуқта 2 таға адиабата бўйича үзгартыриб боради, яъни термодинамик система мувозанатда бўлмайди. Сиқиши



30-расм. Ёниш  $V = \text{const}$  ва  $P = \text{const}$  бўлганда содир бўладиган циклнагу  $PV$  (а) ва  $TS$  (б) диаграммалари.

такти охирида бу термодинамик системага иссиқлик миқдори  $q_1$  киритилиши билан система параметрларидан  $P$ ,  $T$  қийматлар ортади, яъни ёниш маҳсулотининг босими ва температураси нуқта 3 ҳолатига етади. Чунки ёниш  $V = \text{const}$  ҳолатига кечади. Изохора бўйича ёниш содир бўлганда (нуқталар 2 ва 3 оралиғи) қабул қилинган иссиқлик миқдори  $q$  ни қўйидагича ифодалаш мумкин:

$$q_1 = m c_v (T_3 - T_2). \quad (173)$$

Ёқилғи изохора бўйича тўлиқ ёниб улгурмасдан унга  $q_1'$  иссиқлик миқдори киритилади. Ёниш жараёнигиннинг давоми изобара бўйича кечади, яъни тўлиқ ёнмасдан қолган ёқилғи  $P = \text{const}$  остида ёндирилади. Поршень ЮҲН да бўлганлиги сабабли у ёқилғи тўлиқ ёниб бўлгандан сўнг ёниш маҳсали адиабата ( $dq = 0$ ) бўйича кенгайиб поршени КЎҲН га силжитиш жараёнида иш бажаради ва унинг қиймати юқорида қараб чиқилган ўсулдагидай аниқланади. Сиқиши даражаси  $\varepsilon = \frac{V_1}{V_2}$  худди Отто циклидагидай бўлса, жараён  $P = \text{const}$  бўлганда ҳажмнинг олдиндан кенгайиши Дизель циклидагидай бўлади. Босимнинг ортиш даражаси  $\lambda = \frac{P_3}{P_2}$  ҳам Отто циклидагидай бўлади..

Циклнинг  $TS$  диаграммаси (30-расм, б) таҳлил қилинса, системанинг температураси бир текис ўзгармасдан маълум даражада сакраб-сакраб ўзгаради, энтро-

пияснинги ўзгарувчанлиги  $V=\text{const}$  ва  $R=\text{const}$  бўлган цикллардагидай қолади.

Юқоридаги фикрлар асосида циклнинг термик ФИКни қўйидагича ифодалаш мумкин.

$$\eta_t = 1 - \frac{\lambda \rho^k - 1}{\lambda - 1 + K(\rho - 1)} \cdot \frac{1}{e^{k-1}}. \quad (174)$$

### 6.3. ИЕД индикатор иши қуввати ва ФИК

Юқорида қараб чиқилган цикллар идеал бўлиб, уларда турли хил қаршилик, истрофлар ҳисобга олинмайди.

Реал двигателларнинг иш циклини таҳлил қилиш ба уларнинг ишини, қувватини, фойдали иш коэффициентини аниқлаш мақсадида двигателнинг индикатор диаграммаси (цилиндрдаги босимнинг поршень каллаги устидаги ҳажмга боғлиқлиги) индикатор асбоби ёрдамда  $PV$  координатасида қурилади.


Индикатор диаграмма асосида двигателнинг индикатор иши  $A_i$  аниқланади. Унинг қиймати  $a-a'-f-k-z_1'-e-b_1-a$  нуқталар билан чегараланган (31-расм, a) юзага сон қиймати жиҳатидан тенг. Ҳар қандай ИЕД да ёниш маҳсулоти — тутун ҳосил бўлади. Агар газларни ҳосил бўлишишга сарфланган иш ҳам ҳисобга олинса, унда двигателнинг (тўрт тактли карбюраторли) тўла индикатор ишини қўйидагича ифодалаш мумкин:

$$A_{tg} = A_i - A_{izaz}. \quad (175)$$

Иш  $A_i$  миқдори турли-туман деталлар орасидаги ишқалинишни камайтиради ва уларни механик истрофлар  $A_m$  — дейилади. Механик истрофларга яна мой, ёқилғи насосларни юртишга сарфланган қувватнинг миқдори ҳам қўшилади. Унда истеъмолчи двигателнинг валидан оладиган эфектив (самарали) иш қўйидагича ифодаланади: Тўрт тактли ИЕД ларида  $A_{izaz}$  га механик истрофларни ҳисобга олувчи  $A_m$  ҳам қўшилиб кетади. ИЕД нинг индикатор диаграммасини идеал цикл диаграммасига солиштирганда, унда бир жараёндан иккинчисига равон (бурчаксиз) ўтилади.

Реал ишлайдиган двигателдаги жараёнларнинг бошланиш ва охирги нуқталари аниқ бўлганда, яъни уларнинг чегаралари бир-бирига қўшилиб кетмаганда двигатель равон ишлай олмасди.

Индикатор диаграммаларидан кўриниб туривдикни,  $a-c-z-b-a$  (31-расм, a) ва  $a-c-z,-z-b-a$  (31-



31-расм. Түрт тактты карбюратортын (а) ва дизель (б) двигателлары иедал циклицинг индикатор ва ўртача индикатор босимини анықлаш (в) диаграммалари

расм, б) чегараланган юзалар назарий ҳисобланган индикатор иши  $A_{1b}$  га тенг. Ҳақиқий иш эса  $a-a'-f-k-z'-l-b_1-a$  (31-расм, а) ва  $a-c'-c''-z''-l-b'-a$  (31-расм, б) нүқталар билан чегараланган юзага сон қиймати жиҳатидан тенг бўлади. Диаграммалардан кўриниб, турибдики,  $f-c-k-z-z'_1-k-f$  ва  $z'-c''-c-c''-z''-z'$  ҳамда  $z''-k-z-z''$  нүқталар билан белгиланган ўтрихланган юзалар қийматига тенг бўлган катталикка двигателининг назарий ҳисобланган индикатор иши  $A_i$  фарқ қилас экан.

Дизель двигателининг индикатор диаграммаси (31-расм, б)  $V=\text{const}$  ва  $P=\text{const}$  бўлганда системага ташқаридан иссиқлик узатилган ҳолатга мос келади. Бу индикатор диаграммаси асосида дизель двигателининг бажарган ишини ёза оламиз:

$$A_i = A_{z'-z} - A_{z-b} - A_{a-c}. \quad (176)$$

$z'-z$  нүқталари оралиғида  $P=\text{const}$  бўлганда двигателининг бажарган иши

$$\begin{aligned} A_{z'-z} &= P_z V_z - P_z V_c \text{ ёки } A_{z'-z} = P_z V_z (\varphi - 1) = \\ &= \varphi P_c V_c (\varphi - 1). \end{aligned} \quad (177)$$

Ениш маҳсулоти адабатиқ кенгайин шараёнида системанинг бир неча параметрлари ўзгаринши мумкинлиги асосида  $z-b$  нүқталар оралиғида бажарилган ишни политропик кенгайишдаги иш орқали ифодалаб,  $\varphi = \frac{V_z}{V_c}$

$$\delta = \frac{V_b}{V_z}; \quad \lambda = \frac{P_z}{P_c}$$

эканлигини ҳамдэ айрим соддалаштиришлардан сўнг ёзамиз:

$$\begin{aligned} A_{z-b} &= \frac{P_z V_z}{n_2-1} \left[ 1 - \left( \frac{V_z}{V_b} \right)^{n_2-1} \right] = \\ &= \frac{P_z V_z}{(n_2-1)} \cdot \frac{V_c}{V_c} \left[ 1 - \left( \frac{V_z}{V_b} \right)^{n_2-1} \right] = \\ &= P_c V_c \frac{\varphi}{(n_2-1)} \left[ 1 - \frac{1}{\varphi^{n_2-1}} \right]. \end{aligned} \quad (178)$$

Сиқиши тактида (нүқталар  $a-c$  оралиғи) бажарилган ишни ҳам политропик сиқилиши деб қабул қилинса, унга қўйидагича ифодалаш мумкин:

$$A_{a-c} = \frac{P_c V_c}{n_1-1} \left[ 1 - \left( \frac{V_c}{V_a} \right)^{n_1-1} \right] = \frac{P_c V_c}{n_1-1} \left[ 1 - \frac{1}{\varphi^{n_1-1}} \right]. \quad (179)$$

бунда  $\frac{V_a}{V_c}$  сиқиши даражасы.

Тұла бажарылған индикатор иш цикли жарабынларидан бажарылған ишларнинт алгебраик йығындысига тенг, яғни

$$A_i = P_e V_c \left[ (n - 1) + \frac{\lambda_p}{n_2 - 1} \left( 1 - \frac{1}{\eta_2^{n-1}} \right) - \frac{1}{n_1 - 1} \left( 1 - \frac{1}{\varepsilon_1^{n-1}} \right) \right]. \quad (180)$$

**ИЕД нинг индикатор құвваты** — бу цилиндр ичида эришилділген индикатор диаграммасыдан ҳисоблаб топыладынан құвват. Индикатор-құвват цилиндрдаги ўртача босимга ва сиқиши такты ҳажмігә, цилиндрлар сонига, циклда поршень йүлиниң сонига бағылғып, яғни

$$N_{i_1} = \frac{2\pi}{\tau} P_i V_h = \frac{2\pi}{\tau} A_i, \quad (181)$$

бунда  $\frac{2\pi}{\tau}$  — дінгателнинг 1 сеқунддагы иш цикли сони:

$n$  — тирсак валинин гайланышлар частотасы, айл/с;  $i$  — циклдеги поршень йүлиниң сони;  $A_i = P_i V_h$  — движателнинг индикатор иши (бунда,  $P_i$  — ўртача индикатор босим, Па;  $V_h = \frac{\pi d^2 l}{4}$  — цилиндрнинг иш ҳажми;  $d$  — цилиндр диаметри;  $l$  — поршень йүли, м).

Цилиндр сони  $i$  бўлганда индикатор құввати қўйидагича ифодаланади:

$$N_i = \frac{2\pi}{\tau} P_i V_h. \quad (182)$$

Бу тенгламани ҳисоблашларда қўллаш осон бўлиши ва құвватни квт чиқариш учун  $P_i$  ни МПа да,  $V_h$  ни литрда,  $n$  ни айл/мин да ифодалаб, қўйидаги кўринишга келтирамиз:

$$N_i = \frac{2\pi}{\tau} \cdot \frac{P_i V_h}{60} i. \quad (183)$$

Тўрт тактли ИЕД ларда  $\tau=4$  бўлганлиги учун (183) тенгламага қийматини қўйиб ёзамиш:

$$N_i = \frac{2\pi}{4} \cdot \frac{P_i V_h}{60} i = \frac{\pi \cdot i \cdot P_i V_h}{120}. \quad (184)$$

Икки тактли ИЕД лари учун (183) тенглама қуйидаги ғүрнишга келади:

$$N_t = \frac{n \cdot i \cdot P_t V_h}{60}. \quad (185)$$

**ИЕД нинг индикатор ФИК ҳақиқий циклдаги иссиқ-микдоридан фойдаланиш даражасини кўрсатадиган қатталик бўлиб, циклнинг бажарган тўла иши  $A_1$ ни шу циклда ёқилган ёқилғи ажратган жами иссиқлик миқдори  $q$  га нисбати билдирилганади:**

$$\eta_i = \frac{A_1}{q}, \quad (186)$$

Ёқилғининг бирлик массаси ёнгайде циклда бажарилган индикатор иш орқали ИЕД нинг индикатор фикни ёзиш мумкин.

$$\eta_i = \frac{A_1}{q_k^u} \quad (187)$$

бунда  $q_k^u$  — ёқилғи ажратган қуйи иссиқлик миқдори.

Реал двигателнинг индикатор диаграммаси (31-расм, в) электропневматик индикатор (масалан, МАЙ-2) ёки катодли инерцион бўлмаган осциллограф (квази-датчили) ёрдамида ёзиб олинади ва диаграмма контури ҳосил қилган юза аниқланади. Ҳар бир миллиметрга мос келадиган босимни МПа ифодалайди ва шу асосида ўртача индикатор босим аниқланади:

$$P_i = \frac{S}{l \cdot P_m}, \quad (18)$$

бунда  $l$  — поршень йўли узунлигига мос келувчи (миллиметрда ифодаланган) узунлик;  $m$  — масштабининг ҳар бир миллиметрига мос келадиган босим, мм/МПа.

Агар двигателнинг қуввати  $N_i$  ва вақт бирлиги (соат) давомида сарфланган ёқилғи миқдори аниқ бўлса, у ҳолда ёқилғининг солиштирма сарфи (г/кВт·соат) қуйидаги ифодадан аниқланади:

$$q_i = \frac{M_n}{N_i} \cdot 10^3, \quad (189)$$

бунда  $M_n$  — двигателнинг аниқ тартибда (яъни  $N_i = \text{const}$ ;  $n = \text{const}$ ;  $P = \text{const}$ ) ишлашини таъминланган ҳолда хисобланган (иззарий) ёқилғи миқдори, кг/соат. Унда: юқоридаги тенгламалар асосида ИЕД индикатор фикни қуйидагича ифодадаймиз:

$$\eta_i = \frac{1}{q_k^u \cdot q_i} \quad (190)$$

бунда  $q_k^u$  нинг ўлчов бирлиги  $\text{Ж}/\text{кг}$ ;  $q_i$  — ники  $\text{кг}/\text{Ж}$ . Амалий ҳисоблашларда  $q_k^u$  ни  $\text{МЖ}/\text{кг}$  ва  $q_i$  ни  $\text{г}/\text{кВт}$ , соат ўлчаб  $\eta_i$  қўйидаги ифодадан топилади:

$$\eta_i = \frac{3.6 \cdot 10^3}{q_k^u \cdot q_i} \quad (191)$$

Газ двигателларида ёқилғи сарфи  $\text{м}^3$  да ўлчаниб  $\eta_i$  юқоридагилардан фойдаланиб ёзилади,

$$\eta_i = \frac{1}{q_k^u \cdot V_i} \quad (192)$$

бунда  $q_k^u$  ва'  $V_i$  ларнинг ўлчов бирлиги мос равишда  $\text{Ж}/\text{м}^3$  ва  $\text{м}^3/\text{Ж}$  да ифодаланади.  $q_k^u$  ва  $g_i$  амалий ҳисоб-китобларда, мос равишда  $\text{МЖ}/\text{м}^3$  ва  $\text{м}^3/\text{кВт}\cdot\text{соатда}$  ифодаланганлиги учун  $\eta_i$  ни қўйидагича ёзамиз:

$$\eta_i = \frac{3.6}{q_k^u \cdot V_i} \quad (193)$$

Турли хил ёқилғиларнинг қўйи иссиқлик ажратиш хусусияти турлича (уларнинг сон қийматлари әдабиётларда көлтирилган).

#### 6.4. ИЁД нинг эффектив қуввати ва ФИК

Двигателинг тирсак валдан оладиган қуввати эффектив қувват дейилади. Ҳар доим  $N_{\text{эф}}$ ,  $N_i$  дан кичик бўлади, чунки механик истрофларга қувватнинг маълум қисми сарфланади ва у қўйидагича ифодаланади:

$$N_{\text{эф}} = N_i - N_m \quad (194)$$

Механик истрофга сарфланган қувватни қўйидагича ифодалаш мумкин:

$$N_m = \frac{2n \cdot i}{60} \cdot \frac{P_m \cdot V_h}{\tau} = \frac{n \cdot i \cdot P_m}{30} V_h \quad (195)$$

(195) тенгликтан механик истрофга сарф бўлган ўртача босим  $P_m$  ни топамиз:

$$P_m = \frac{30 N_m \cdot \tau}{i \cdot n \cdot V_h} \quad (196)$$

Үртача эфектив  $P_{\text{эф}}$  босим индикатор босим билан меканик истроф учун бўлган босим айнрмасига тенг, яъни

$$P_{\text{эф}} = P_I - P_m. \quad (197)$$

Унда, эфектив қувватни кВт ифодалаш учун  $P_{\text{эф}}$  ни МПа да,  $V_h$  ни литрда,  $n$  ни айл/мин. ўлчов бирлигига олиб  $N_{\text{эф}}$  ни қайта ёзамиш:

$$N_{\text{эф}} = \frac{2\pi \cdot l}{60} \cdot \frac{N_{\text{эф}}}{\pi} V_h, \quad (198)$$

бунда  $i$  — цилиндрлар сони.

Энди (198) тенгликдан  $P_{\text{эф}}$  (МПА) ни топамиш:

$$P_{\text{эф}} = \frac{30 \cdot \pi}{i \cdot n} \cdot \frac{N_{\text{эф}}}{V_h}. \quad (199)$$

ИЕД нинг эфектив фик ни ашиқлашда энг аввал ёнишда ҳосил бўлган иссиқлик миқдоридан ва ёқилгининг содиштирма эфектив сарфидан қандай фойдаланганиги билиб олинади. 1 кг ёқилгининг ёнишида ажралган иссиқлик миқдорини эфектив ши орқали ифодалаш мумкин:

$$A_{\text{эф}} = A_I - A_m. \quad (200)$$

Демак, ИЕД нинг эфективи ФИК ши қуйидагича ёзиш мумкин:

$$\eta_{\text{эф}} = \frac{A_{\text{эф}}}{q''_h}. \quad (201)$$

У жолда эфектив ишнинг индикатор ишига нисбати ФИК га тенг бўлади,

$$\frac{A_{\text{эф}}}{A_I} = 1 - \frac{A_m}{A_I} \eta_m. \quad (202)$$

Бундан  $A_{\text{эф}} = \eta_m \cdot A_I$  тенглик зосида  $\eta_{\text{эф}}$  ни механикавий ва индикатор ФИК орқали ифодаташ мумкин:

$$\eta_{\text{эф}} = \eta_m \cdot \eta. \quad (203)$$

Ёқилгининг қуви ёнишида ажралган иссиқлик миқдорини эътиборга олсак, суюқ ёқилғида ишлайдиган ИЕД учун эфектив ФИК ифодасини қуйидагича ёзамиш:

$$\eta_{\text{эф}} = \frac{\alpha I_0 \eta_m \rho_I}{q''_h \cdot \eta_V \rho_V} = \frac{\alpha \cdot I_0}{q''_h \cdot \rho_h \cdot \eta_V} P_{\text{эф}}. \quad (204)$$

**ИЕДларнинг механик ФИК ва цилиндрдаги ўртача эффектив босим қийматлари**

ИЕД тури	$P_{\text{эфф.}}, \text{МПа}$	$\eta_{\text{ eff}}$
4 тактли карбюр.	0,6—0,95	0,7—0,85
4 тактли дизель	0,55—0,85	0,7—0,82
Газ билан пулланадиган	0,5—0,75	0,75—0,85
Пулланадиган тўрт тактли дизель	0,7—2,0	0,8—0,9
Тезюарар икки тактли дизель	0,4—0,75	0,7—0,85

Юқорида қараб чиқилган усулга ўхшаш ёқилгининг солиштирма эффектив сарфи  $\eta_{\text{ eff}}$  орқали аниқланади:

$$g_{\text{eff.}} = \frac{1}{\eta_{\text{eff.}} \cdot q_k^{\alpha}}. \quad (205)$$

(205) тенглилкка  $\eta_{\text{ eff.}}$  қийматни қўйиб, уйни қайта ёзамиш:

$$g_{\text{eff.}} = \frac{p_{\text{v}, t_0}}{c \cdot l_v \cdot P_{\text{eff.}}}. \quad (206)$$

$P_{\text{eff.}}$  ни МПа да,  $g_{\text{eff.}}$  ни г кВт. соятда ифодаласак, у ҳолда (206) тенгламани қўйидагича ёзамиш:

$$g_{\text{eff.}} = \frac{3,6 \cdot p_{\text{v}} \cdot T_k \cdot 10^3}{\sigma \cdot l_v \cdot P_{\text{eff.}}} \quad (207)$$

Албатта, ёқилги тури ўзгаришидан  $g_{\text{eff.}}$  ва  $\eta_{\text{eff.}}$  қийматлар бошқачарақ кўринишга келади. Мааслан, газ ёқилгисида ишлайдиган ИЕД нинг эффектив фик  $\eta_{\text{eff.}}$  ва ёқилгининг солиштирма эффектив сарфи  $V'_{\text{eff.}}$  қўйидаги кўринишда ифодаланади:

$$\eta_{\text{eff.}} = \frac{371,15 \cdot M \cdot T_k \cdot P_{\text{eff.}}}{\eta_v \cdot q_k^{\alpha} \cdot P_k} \quad (208)$$

ва

$$V'_{\text{eff.}} = \frac{9700 \cdot l_v \cdot P_k}{M \cdot T_k \cdot P_{\text{eff.}}}, \quad (209)$$

бунда  $M$  ва  $T_k$  — янги киритилган ёқилгининг массаси ва сиқиши такти охиридаги температураси;  $P_k$  — насос ёки компрессор ҳосил қилган босим.

Маълумки, ҳар қандай ИЕД нинг ёниш камерасида ёқилгининг ёнишидан ажралган иссиқлик миқдорининг

ҳаммаси ишга сарфланмайди. Агарда, қуйп иссиқлик ажратишни  $M\text{ж}/\text{м}^3$ -да, ёқилгининг солиштирма эффектив сарфини  $\text{м}^3/\text{kВт}\cdot\text{соат}$ да ифодаласак, унда иссиқликкинг солиштирма сарфи қуйидаги күриншілдә өзилади:

$$q_{\text{эф.}}^r = 9700 \frac{\tau_{\text{к}} \cdot P_{\text{к}} \cdot q_i^3}{\Delta i \cdot I_{\text{к}} \cdot P_{\text{эф.}}}. \quad (210)$$

$q_i^r = 17 - 14,4 \text{ Мж кВт. соат атрофыда бўлади.}$

ИЕД ларнинг  $\tau_{\text{к}}$ ,  $I_{\text{к}}$  ва  $g_{\text{эф.}}$  қийматлари кенг оралиқда бўлади (11-жадвал).

11-жадвал

**ИЕДларнинг солиштирма ёқилғи сарфи ва ФИК**

ИЕДнинг турлари	$\tau_{\text{к}}$	$I_{\text{к}}$	$g_{\text{эф.}}$	$g_{\text{эф.}}^r$ — црут соат	$g_{\text{эф.}}^r$ — кВ соат
Карбюраторли автомобилъ двигатели	0,28—0,39	0,25—0,33	245—300	300—325	
Тезюорар дизель	0,42—0,48	0,35—0,40	175—205	217—238	
Газ двигатель	0,28—0,33	0,23—0,28	—	—	

### 6.5. ИЕД нинг иссиқлик баланси

Маълумки, двигателнинг ёниш камерасига киритилган ёқилгининг ёницидан ҳосил бўлган иссиқлик миқдори тўлалигича фойдали ишга сарфланмайди. ИЕД циклининг таҳлили шуни кўрсатадики, двигателнинг эффектив ишига жами иссиқлик миқдориниң бир қисми сарфланар экан. Шунинг учун қолган иссиқлик миқдори нималарга сарфланшини ва совитиш системасини ҳисоблашда киритилган ёқилғидан қай даражада фойдаланиш мумкинлигини билиш зарур. Шу сабабли иссиқлик балағси тенгламаси тузилади:

$$q_y = q_{\text{экв}} + q_c + q_t + q_{t.e} + q_{m.e} + q_{\text{мол.}}, \quad (211)$$

бунда  $q_y$  — двигателга маълум иш тартибида киритилган ёқилгининг умумий иссиқлик миқдори;  $q_{\text{экв}}$  — двигателнинг эффектив ишига эквивалент бўлган иссиқлик миқдори;  $q_c$  — совитувчи муҳитга узатилган иссиқлик миқдори;  $q_t$  — тутуннинг двигателдан олиб чиқсан иссиқлик миқдори;  $q_{t.e}$  — тўла ёнмаган ёқилғи ҳисобига сарф бўлган иссиқлик миқдори;  $q_{\text{мол.}}$  — мойлаш мойла-

ри олган иссиқлик миқдори;  $q_{\text{кин}}$  — иссиқлик балансида ҳисобга олинмай қолған иссиқлик миқдори.

ИЕД га киритилған тұла иссиқлик миқдорига нисбатан унинг ташкыл әтүвчиларини фоизларда ифодалаш мүмкін:

$$Q_{\text{еке}} = \frac{q_{\text{кин}}}{q_y \cdot 100}; \quad Q_c = \frac{q_c}{q_y \cdot 100}; \quad Q_r = \frac{q_r}{q_y \cdot 100} \\ Q_{t,e} = \frac{q_{t,e}}{q_y \cdot 100}; \quad Q_{m,0} = \frac{q_{m,0}}{q_y \cdot 100}; \quad Q_{o,0} = \frac{q_{o,0}}{q_y \cdot 100}. \quad (212)$$

Үнда

$$Q_{\text{еке}} + Q_c + Q_r + Q_{t,e} + Q_{m,0} + Q_{o,0} = 100\% \quad (213)$$

У ҳолда  $M_e$  ни кг с.  $q_k^u$ -ни Ж кг да ифодаласақ, 1 с да сарф бўлған иссиқлик миқдорини куйидагича ёзиш мүмкін:

$$q_y = q_k^u M_e, \quad (214)$$

бунда  $M_e$  — сарф бўлған ёқилти массаси.

Двигателнинг эффектив қувватига тенг бўлған иссиқлик миқдори ифодасини қуйидагича ёзамиз:

$$q_{\text{еке}} = N_{\text{эф}}. \quad (215)$$

ИЕД нинг цилинтри, цилиндрлар блокининг каллаги, поршень ва унинг ҳалқалари деворлари орқали совиткичдаги суюқликка узатиладиган иссиқлик миқдори қуйидагича ифодаланади:

$$q_c = M_c C_c (t_{\text{кин}} - t_{\text{кир}}), \quad (216)$$

бунда  $M_c$  — двигатель орқали ўтадиган совитувчи модда (суюқлик) миқдори, кг/с;  $C_c$  — совиткичнинг солиштирма иссиқлик сиғими (масалан, сув учун  $C_c = 4186 \text{ Ж}/\text{кг}$ );  $t_{\text{кин}}$  ва  $t_{\text{кир}}$  — совиткичнинг двигателдан чиқшидаги ва киришидаги температуралари,  $^{\circ}\text{C}$ .

Тутуннинг двигателдан ташқарига олиб чиқсан иссиқлик миқдори қуйидаги формуладан фойдаланиб аниқланади:

$$q_r = M_e (m_2 \mu C_p t_r - m_1 \mu C_p t_0), \quad (217)$$

бунда  $M_c m_2 C_p t_r$  иш бажарыб бўлғай газларнинг цилиндрдан ташқарига чиқарған иссиқлик миқдори,  $\text{Ж}/\text{с}$ ;  $M_e m_1 \mu C_p t_0$  янги ёқилти билан цилиндрга киритилған иссиқлик миқдори,  $\text{Ж}/\text{с}$  —  $\mu C_p$  — ёниш маҳсулни ва янги иш ёқилғисининг ўзгармас босим ( $P = \text{const}$ ) остидаги

молир иссиқлик сифимлари. Ж'кмоль·с,  $t_r$  — газларнинг иш бажаргандан кейин чиқиб кетадиган труба ортидаги температураси,  $^{\circ}\text{C}$ ;  $t_e$  — цилиндрга кирилладиган янги иш ёқилғиси температураси,  $^{\circ}\text{C}$ .

$\alpha > 1$  бўлганда тўла ёнмаган ёқилғига сарфланган иссиқлик миқдори  $q_{t,e}$  ни маҳсус ҳисобламасдан, унинг қийматини кўпчилик ҳолларда  $q_{k,0}$  га қўшиб юбориб қўйидаги ифодадан аниқланади:

$$q_{k,0} = q_y - (q_{\text{жв}} + q_c + q_r + q_{\text{мой}}). \quad (218)$$

$\alpha < 1$  бўлганда тўла ёнмаган ёқилғи чиқаридиган иссиқлик миқдори қўйидаги тенгликтан топилади:

$$q_{t,e} = (\Delta q_{t,e}^n)_{\text{хим}} \cdot M_e. \quad (219)$$

бунда

$$(\Delta q_{t,e}^n)_{\text{хим}} \cdot A(1 - \alpha)V_n = (228 - 383) \cdot 10^6.$$

$V_n$  — назарий ҳисобланган ҳаво ҳажми.  $q_{k,0}$  ишнг ўлчов бирлиги  $\text{Ж}/\text{с}$ ;  $q_{\text{мой}}$  — мойнинг сувга узатган иссиқлик миқдори бўлиб, мой советкичда ўлчаб аниқланади.

ИЕД ишнг иссиқлик баланси тенгламасига кирилган катталикларининг айrim қийматлари 12- жадвалда келтирилган.

12-жадвал

Двигатель түри	$\frac{h_{\text{кв}}}{= t_{\text{кв}}} =$	$q_c$	$q_r$	$q_{t,e}$	$q_{k,0}$
Электр учқуни билан ўт олдириладиган	21—28	12—27	30—55	0—45	3—10
Дизель двигатели: пуфлаш усули қўлланилмаганда	29—42	15—35	20—45	0—5	2—5
пуфлаш усули қўлланилтганда	35—45	10—25	25—40	0—5	2—5

Жадвалдан кўриниб турибдики, пуфлаш усули қолганларига нисбатан анча фойдалироқ экан.

## 6.6. Пуфлаш ва двигателларни ишлаб чиқаришда унинг аҳамияти

ИЕД ишнг цилиндрини ёниш маҳсали қолдиқларидан тозалаш ва уни янги иш аралашмаси билан тўлдириш жараёни пуллаш дейилади. Бу жараён поршенинг иш йўли өхирда ва сиқиш тактининг бошланишида амалга оширилади. Пуфлаш усули билан цилиндрга ки-

ритиладиган иш аралашмаси зичлигини ва ҳаво босимини орттириш мумкин. Чунки цилиндрдаги иш аралашмаси зичлиги өр ортиши билан унга мос равиша  $P_{\text{эф}}$  ҳам ортади, ўз иавбатида, ИҶД нинг листраж қуввати кўтарилади. Двигателларда пуллаш жараёнидаги механик қаршиликлар пулланмагандаги ҳолатга нисбатан ортади, аммо механик ФИК нинг эффектив қуввати кўтарилади. Эффектив босим  $P_{\text{эф}}$  компрессорда ёки поршень ёрдамида цилиндрда ҳосил қилинади.

Пуллаш ҳисобига двигатель қувватини орттириш пуллаш даражаси билан баҳоланади:

$$\overline{P}_{\text{эф.п.}} = \frac{P_{\text{эф.и.}}}{P_{\text{эф}}}, \quad (220)$$

бунда  $P_{\text{эф.и.}}$  — двигателда пуллаш усулини қўллаш билан ҳосил қилинган ўртача эффектив босим,  $P_{\text{эф}}$  — эффектив босим.

Пуллашда сиқиш тақтининг охирида ҳаво температураси ва босими ортади. Карбюраторли двигателларда бу ҳолат детонация (франц. *detonator* — портлаш) га сабаб бўлганинидан бу турдаги двигателларда пуллаш кенг тарқалган. Пуллаш усули дизель двигателларида қўлланилса, детонациянинг вужудга келиш хавфи йўқолади, чунки цилиндрга киритилаётган ҳаво босими  $P_{\text{кир}}$  ортганда детонацияли ёниш кузатилмайди. Бунда дизель двигатели листраж қувватининг ортишига имкон яратилади. Булардан ташқари, дизель двигателининг бошқа параметрлари ҳам яхшиланади. Мана шу ижобий кўрсаткичлар автомобиль ва тракторда дизель двигателларининг кенг қўлланишига асосий сабаб бўла олади. Пуллаш усули билан автотракторларда дизель двигателлариг қўлланилганда улардаги босим  $P_{\text{эф}}$  ни 30% гача кўтариши (паст даражадаги пуллаш) мумкин. Юқори даражадаги ўтиш хосасига эта бўлган дизель двигателларда эффектив босимни 40—50% гача орттириш мумкин. Пуллаш компрессорли, турбокомпрессорли ва аралаш (уйгунаштирилган) юритмали бўлади.

## 6.7. Ташқи ёнув двигателлари

Бундай двигателларда иш ёқилғиси двигатель ташқарисида ёқилиб ҳосил бўлган иссиқлик унинг иш бажарувчи қисмига йўналтирилади. Ташқи ёнув двигатели (ТЕД) — ташқаридан киритиладиган ва регенерацияланадиган иссиқлик энергиясини фойдали механик иш-

га айлантириб берувчи иссиқлик машинаси. Бундай двигательни инглиз инженерини Р. Стирлинг яратган (1816 й.) Күпчиллик адабиётларда ТЕД ни Стирлинг двигатели деб юртишади. Стирлинг двигатели қыздырылган ҳавонинг иссиқлик энергиясини 10—20 МПа босим остидаги гелий

( $\text{He}^4$ ) ёки водород ( $\text{H}_2$ ) га регенерация йўли билан узатиш ҳисобига ишлайди. Бу двигателнинг асосий иш жисмлари берк бўшлиқда жойлашган.

Гелий ёки водород берк бўшлиқда (атмосфера ҳавоси ўрнига гелий ёки водород тўлдирилган ҳажм) 10—20 МПа босим остида бўлади. Бу берк ҳажмни регенератор иккига ажратиб турди. Унинг юқориги (иссиқ) ва пастки (совуқ) қисмларига мос равишда иссиқлик келтирилади ва чиқарилади. Қиздирилган ҳаво оқими иссиқлик кејитирувчи вазифасини, совуқ сув совиткич вазифасини бажаради. Стирлинг двигателида иккита (иш ва сиқиб чиқарувчи) поршень мавжуд. Поршенинг илгариланма-қайта ҳаракатини ромб механизм айланма ҳаракатга келтиради. ТЕД ҳам тўрт тактли (сиқиши, қиздириш, иш йўли ва совитиш) бўлиб, унинг назарий цикли иккита изотермик ва иккита изохорик жараёнлардан ташкил топади.

ТЕД нинг ФИК худди Карно циклоникидай қўйилади ги тенглиқдан аниқланади:

$$\eta = 2 - \frac{T_1}{T_2}, \quad (221)$$

Стирлинг двигателининг индикатор диаграммаси эллипс шаклида. ТЕД юқори ФИК эга бўлибгина қолмасдан, атмосферага заҳарли газларни чиқаргайди, шовқин даражаси 20 децибел (дб) дан кам, мойлаш мойлари кам эскиради ва оз ишлатилади, турли хил ёқилғиларда ишлайверади. Шунинг учун ТЕД лари оғир юк автомобилларнда, қемаларда кеңг қўлланилади.

## ИККИНЧИ ҚИСМ

### ИССИҚЛИК КУЧ ҚУРИЛМАЛАРИ

Энергетиканың бирламчи табиий бойликлари — ёқилғи, сув, шамол ва бошқалардан фойдаланиб механик энергия ҳосил қыладиган двигателлар ва ёрдамчи ускуналар мәжмаси күч қурилмалари дейнләди. Фоғдаланиладиган энергия турига күра иссиқлик, гидравлик, атом ва ш. к. күч қурилмалари бўлади.

Иссиқлик күч қурилмалари маҳсус энергетик иншот бўлиб, у қозон қурилмаси, насослар, конденсаторлар, буғ турбиналари электр генераторлар, қувурлар ва шунга ўхшаш асосий ускуналардан ташкил топган. Буғ күч қурилмалари, буғ турбиналари, газ турбиналари, реактив двигателлар, умумаш ҳамма турдаги катта қувватли иссиқлик двигателлари иссиқлик күч қурилмаларига мисол бўла олади.

Иссиқлик двигатели иссиқлик энергиясини механик энергияга айлантириб берувчи қурилмадир. Унинг иш цикли кетма-кет содир бўладиган термодинамик жараёнлардан иборат. Бу циклда иссиқлик киритилади, маълум миқдордаги иш шу иссиқлик ҳисобига бажарилгандан сўнг қолдиқ иссиқлик миқдори совиткичга чиқарилади. Циклдаги киритилган иссиқлик миқдори  $q_1$  албатта чиқарилган иссиқлик  $q_2$  дан катта, яъни  $q_1 > q_2$  бўлади.

Иссиқлик двигателлари асосан буғ машинаси, буғ турбинаси, ИЕД лардан ташкил топган, ИЕД ларига ракета (нем. rakete, итал. Rocchetta gosca — урчуқ) двигателларини ҳам киритиш мумкин. Ракета двигатели реактив двигатель бўлиб, унга кимёвий ракета двигатели (КРД), ядро ракета двигатели (ЯРД), электродинамик ракета двигатели (ЭРД), суюқ ёқилғили ракета двигатели (СЕРД), қаттиқ ёқилғили ракета двигатели (ҚЕРД) киради.

## VII бөб. БҮГ-КУЧ ҚУРИЛМАЛАРЫ

### 7.1. Иссиқлик энергетикасининг иш жисми— сув буги

Иссиқлик энергетикасида сув буги (сувнинг газсимон агрегат ҳолатга ўтиши) кенг қўлланилади. Сув маълум температурада (ташқи босимга нисбатан  $0^{\circ}\text{C}$  дан юқори бўлганда) газсимон ҳолатга ўтади, яъни бугланади. Ташқи босим қанча паст, яъни сув устидаги ҳаво босими кичик бўлса, шунча тезроқ бугланади ва, аксинча.

Агар газ ҳосил қилған сув буги сув билан мувоза-натда, бўлса, яъни сувнинг қанча миқдори сув бугига айланаб бугнинг шунчак миқдори конденсашияланиб сувга айланадиган ҳолат ўринли бўлганда, бундай буғ тўйингани буғ дейилади. Тўйинган буғ температурасини орттирганимизда, сув молекулаларининг томчи-си ягона молекула даражасигача майдалашиб аввал қиздирилган, сўнгра ўт-қиздирилган буғ ҳолатига ўтади.

Техник эҳтиёжларни таъминлаш учун зарур бўлган сув буги буғ қозонларнда тайёрланади ва аниқ цара-метрли тўйинган, қиздирилган, ўт-қиздирилган буғ даражасига етказилади ҳамда буғ қувурлари орқали иштэймолчига узатилади. Буғ қозонида ҳосил қилинган буғ босими, температураси имкони борича ўзгармас сақланади. Шундагина истеъмолчи керакли миқдорларги сув бугини олиб ишлаб чиқаришни ташкил қила олади. Сув буги ҳамма турдаги иссиқлик электр марказларида ясасий иш модасидан бирор ҳисобланади. Чунки сув бугини ҳосил қилиш осон, арzon ва экологик жиҳатдан тоза. Шунинг учун конденсацион электр станциясида, иссиқлик электр станцияларида, регенератив иссиқлик алмашинувида ва шу каби иншоот ва қурилмаларда ёқилғи ёқилиб, ясасан сув буги ҳосил қилинади, сўнгра бу буғ яна қиздирилиб, иш бажарадиган даражадаги па-раметрларгача етказилади.

### 7.2. Бүг-куч қурилмасининг назарий цикли


Бүг-куч қурилмалари қозон агрегати, буғ турбинаси, конденсатор, насос, электр генератор ва бошқа ёрдамчи ускуналардан ташкил толган. Қозон агрегати, ўз наебатида ўзоқ, буғлатиш сиртлари, буғ қиздиригичлар

(ұта қыздиргич), сув экономайзери, ақво иситгіч, мұри ва түрлі хил вентиляторлардан ташкил топған.


Бұғ-күч қурилмаларида ишлатиладын иш жисми — сув буғи параметрларининг ўзгаришини қараб чиқамиз.

Бұғ-күч қурилмаларининг назарий цикли Ренкин цикли ҳисобланады (32-расм).

Ренкин цикли қуйидагича көтөді: қозон қурилмасы (I) дан юқори босим ва температурадаги қыздырылған буғ буғ турбинаси (II) га узатылады. Шунда буғ ташқаридан ортиқча иессиқлик миқдорини олмасдан ( $dq=0$ ) буғ турбинасіда көнгайиш жараёнида фойдалы иш баражады (нуқталар 1 ва 2 оралығыда, 33-расм, a). Турбинада иш баражиб бўлған сув буғи ўзидағы қолдиқ иссиқлик энергиясінің конденсатор (III) дан (нуқталар 2 ва 3 оралығыда, 33-расм, a) совиткічга узатады. Буғ конденсацияланыш патижасыда сувда айланады. Ташқи күч (электр энергиясы) таъсирінде насос (IV) ишга тушады ва конденсат (хосил бўлған сув) қозон агрегатына узатылады (нуқталар 3 ва 4). Гидравлика фанидағы таъдумки, насосының ҳайдаш каналидаги босим упиниң сүриш қисміндагидан катта бўлади. Шунинг учун диаграммада нуқталар 3 ва 4 оралығыда босим ортади, ҳажм ўзгармас бўлади.



32-расм. Ренкин циклиниң бұғ-күч қурилмасы.



33-расм Редкин циклишинг  $PV$ ,  $TS$  ва  $iS$  диаграммалари.

Демак, сув буғи иш бажарыб бұлғандан сүйг үзидаги қолдик иссиқлик энергиясини чиқарыб (2 ва 4 нұқталар оралығы) битта изобарик ва битта изохорик термодинамик жарабәnlар орқали үзининг мувозанат ҳолатыга қайтар-әкан.

Реал шароғларда, насоедан үтгап сув албатта экономайзердан үтиб, сүнгра қозон агрегатига қуйлади. Қозон агрегати үтхоналарда ёқилған ёқиғасыннан өніш, маңсулоти ташқарига олиб чиқып кетаётган, фойдаланилмаётган қолдик иссиқлик миқдоридан самараған фойдаланыш мақсадида, тутун йүлларига экономайзер үрнатылади. Тутун үзидаги қолдик иссиқликни-экономайзер орқали үтәётган конденсатға беради ва шу қолдик иссиқлик (тутундаги) яна қозон агрегатига қайтарылади. Шунда сув қолдик иссиқлик ҳисобига ўз ҳажмини, температурасини үзгармас босим остида үзгартыради (4 ва 5 нұқталар оралығы, 33-расм а, б).

Қозон агрегатининг үтхонаасида ёқилған ёқиғаси ажратған асосий иссиқлик миқдори қозонға қуйилған сувга берилади. Бу сув аввал экономайзер орқали үтиш жарабәніда то қозонғача, маълум даражада исиган бўлади (бу нұқта 5 га мос келади). Асосий иссиқлик миқдори 5 ва 6 нұқталар оралығида киритилади. Шунда сув үзининг агрегат ҳолатини үзгартыради, яъни буғланади. Сувнинг буғланиши үзгармас босим остида кечади, лекин шу ютилған иссиқлик ҳисобига буғ ўз ҳажмини бртиради, яъни қизийди. Бу қиздирилган буғнинг параметрарини иш бажарадиган даражагача күтарыш учун қўшимча иссиқлик миқдори киритилади. Бундай жарабән қозон агрегатининг буғ қиздиригич қисмидаги амалга

оширилади. Шунда қызиган бүг ўта қиздирилган бүг ҳолатига ўтади (6 ва 1 нұқталар оралиғи, 33-расм а). Цикл тақрорланади.

Ренкин циклида сув буғининг бажарған иши 1, 2, 3, 4, 5, 6, 1 нұқталар билан чегараланған юзага сон қиймати жиҳатидан тенг бўлади. Сув буғининг  $TS$  диаграммасида буғиниг абсолют төмператураси билан унинг энтропияси орасидаги боғланиш ифодаланған (33-расм, б). Жараёнинг  $TS$  диаграммасидан кўриниб турібдики, 1 кг бүг бажарған фойдалы ишининг катталиги Ренкин циклининг бажарған ишига тенг экан. Бу фойдалы ишининг қиймати  $P_1$  диаграммасидагидек  $T_s$  диаграммасидан юзалар айрмасидан аниқланади, яъни  $A = P_1 T_s - 0a32S_10 = 356123$  бўлади. Бунда  $0a561S_10$  юза эса буғиниг кенгая бошлаган ҳолатини, яъни 1 нұқта энталпиясига тенглигини характерлайди. Худди шундай  $0a32S_10$  юза эса буғиниг кенгайиб бўлгандан кейинги ҳолатини, яъни 2 нұқта энталпиясига тенглигини ифодалайди. Шунинг учун 1 ва 2 нұқталар энталпияси тенг айрмаси циклининг бажарған ишига тенг бўлади.

$$A_u = i_1 - i_2. \quad (222)$$

Демак, энталпияниң ўзгариши учун 3 ва 4 нұқталар оралиғида сувнинг ҳажми ўзгармасдан босими ортади. Бу босимининг ортишига сарф бўлган иш  $d\cdot34 ed$  нұқталар билан чегараланған юзага тенг бўлади. Бу ишни босимни ортиши орқали ифодалаш мумкин:

$$A_u = V_3(P_4 - P_3) \cong 0 \quad (223)$$

Иш  $A_u$  нинг 0-нин асосий ишга ниебатан жуда кичик бўлганилигидан уни нолга тенглаштириш мумкин.

Шундай ишни, қозон қурилмасига қайтарилган конденсаторлар иссиқлик миқдори яна ташқаридан кирпичларди ва сув шу иссиқлик ҳисобинга буғга айланади, сўнгра қиздирилган ва ўта қиздирилган буғга айлантирилиб, буг турбинасига узатилади (нуқталар 4 ва 1 оралиғи, 33-расм, а). Бу нұқталар оралиғида босим ўзгармас, ҳажм эса ўзгарувчан бўлади. Бундай идеал цикл Ренкин цикли дейилади. Цикл бажарған ишининг ифодаси юқорида келтирилған бўлиб, у мусбат ва манфий ишларининг алгебраик йиғиндинсига тенг. Лекин бундай идеал цикл бўлмайди.

Ренкин циклининг (идеал цикл) термик фик цикл

бажарған ишнинг шу циклга киритилған иссиқлик миқдорига нисбатига тенг:

$$\eta_t = \frac{A_u}{q_1}. \quad (224)$$

Циклга келтирілған иссиқлик миқдори  $q_1$  сон қийматы жиҳатидан  $T\dot{S}$  диаграммасидаги  $S_3 - 34561 S_1 S_3$  нүкталар ҳосил қилған юзага тенг (33-расм, б).

Қозоң агрегатига конденсат (буғ-сув аралашмаси) ишнинг киришига қадар бұлған энтальпия  $i_3$  сон қийматы жиҳатидан  $Oa\dot{Z}S_3O$  нүкталар ҳосил қилған юзага тенг бўлади. Унда, сув буғини ҳосил қилиш учун сарф бўлған иссиқлик миқдори  $I$  ва  $\dot{Z}$  нүкталар энтальпиялари ишнинг айримасига тенг:

$$q_1 = I_1 - i_3. \quad (225)$$

Демак, циклниң ФИК ни эңтальпиялар айрималари нисбатлари кўринишида ёзиш мумкин:

$$\eta_t = \frac{i_1 - i_2}{i_1 - i_3}. \quad (226)$$

Термодинамик жараёш 2 ва  $\dot{Z}$  нүкталар оралғандай изобарик-изотермик бўлғанлиги сабабли шу нүкталар температураларини  $t_2 = t_3 = t_k$  — конденсат температура расига тенглиги асосида ва сувиниң иссиқлик спидими 4,1868 кЖ/кг·К эканлигини эътироф этсак, у ҳолда  $\eta_t$  ни қўйидағича ёзиш мумкин:

$$\eta_t = \frac{i_1 - i_2}{i_1 - 4,1868 t_k}. \quad (227)$$

Реңкин циклида иш бажарыб бўлған буғда қолған иссиқлик миқдорининг 60—70% совиткичга узатилади. Бунда қолдиқ иссиқлик миқдорининг совиткичга узатишдаги термик ФИК 30—40% га яқин. Маълумки, циклда ишлайдиган турли-туман қурилмалар ва асбоб-ускуналарда иссиқлик сарфланади.


Замонавий буғ куч қурилмалари ўта мураккаб бўлишига қарамасдан уларниң ФИК 90—98% ни ташкил қиласади.

Буғ куч қурилмаларида қўлланиладиган турбиналар буғ иссиқлигидан ўз босқичларида фойдаланиш даражасига қараб, буғдаги ишга айланмасдан қолған иссиқлик миқдоридан тўлароқ фойдаланиш мақсадида регенерация циклига эга бўлған қурилмалар ҳам қўлланилади.

Бундаі қурилмаларда бұғ турбинада иш бажарыб бүлганидан сүнгі бүгнің маълум қисми турбинаның би-рор босқынчидан ажратилиб қозон агрегатига узатилаётгап янын союқ сувни шу ажратылған бұғ билаň қыздыришда құллапаплади. Бунга **регенерация цикли** дейилади. Регенерация (лат. regeneratio — тиклаш) — советқичга чиқиб кетаётгап иссиқлик миқдорини янгитдан узатилаётгап бирламчи иш моддасига (сув, буг-сув ара-лашмаси, газ ёки ҳаво оқымы, әқиленген ва әқиленген ҳаво ара-лашмаси) киритишдан иборат бүлган усул (34-расм).

Қурилмалардың қисмларында кеңадаған термодинамик жарабайлар Ренкин циклидан мутлақо фарқ қиласы. Шуннан үчүн бұғ-күч қурилмасының регенерация цикли усулида сув қозон қурилмасына олдиндан иситиб берилғандағы сабаблы қурилмалардың термик ФИК Ренкин циклиниң иштеп катта бўлади.

Әлемдеги сөзиткіңгә чиқарыладын иссиқлик миқдоридан самаралироқ фойдаланылғанды регенератив бұғ-күч қурилмасының ФИК ортади. Регенератив циклінде күч қурилмасының  $iS$  — диаграммасынан шундай худоса чиқарыши мүмкін. 1 ва 2 нүкталар оралығыда сув буғинин энталпиясын үзгаратылған. Чунки системадаги иссиқлик миқдори иш бажарышга сарфланади. Маълумки, системадан иссиқлик миқдори чиқарылса ёки унга ки-



34-расм. Регенерация циклін бұғ-күч қурилмасы үшіннег  $iS$  диаграммасы: I — қозон қурилмасы; II — бұғ турбинасы; III — конденсатор; IV — конденсат насосы; V һәм VI — регенерация қурилмалары.

ритилса, системанинг энтропияси ўзгарувчан бўлади. Бу ҳолатда  $I$  ва  $2$  нуқталар оралиғида иссиқлик миқдори иш бажаради, шунинг учун унинг энтропияси ўзгармайди. Демак,  $2-3-4-5-6-7-I$  нуқталар оралиғида иш моддаси (сув буғ — термодинамик система) ҳолати, энтропияси ва энталпияси ўзгарувчан бўлади. Бўнга асосий сабаб системага (сув, буғ-сув конденсати, буғ, қиздирилган буғ) ташқаридан маълум миқдордаги иссиқлик миқдори киритилади ва ундан чиқарилади.

Демак, ресегенерация циклига эга бўлган буғ куч қурилмасининг термик ФИК ни қўйидагича ифодалаш мумкин:

$$\eta_t' = \frac{A_u}{q_1}, \quad (228)$$

бунда  $A$  — циклиниг тўла бажарган иши;

$$q_1' = i_1 - 4, 1868t_b$$


системага киритилган иссиқлик миқдори бўлиб, у энталпиянинг ўзгаришига тенг.

### 7.3. Оралиқ буғ қиздиригичли буғ-куч қурилмаси

Бир неча турбинада ё унинг босқичида иш бажариб бўлган буғнинг намлиги ортиб кетганида, буғнинг параметрларини роствлаш мақсадида, оралиқ буғ қиздиригичли усул қўлланилади. Буғ намлигининг ортиб кетиши турбинанинг ёмон ишлашига ва унинг қисмларини тезроқ занглаш ишдан чиқишига сабаб бўлади. Бу камчиликни тузатиш мақсадида биринчи турбинада иш бажариб бўлган, аммо намлиги юқори бўлган буғ қайтадан қозон агрегатида жойлашган буг қиздиригичда қиздирилади, унинг қуруқлик даражаси ортирилади ва шу билан буғнинг иш бажариш параметрлари яхшиланади.

Бундай турдаги буғ-куч қурилмаси (35-расм, а) асосан битта ўқда жойлашган иккита мустақил буғ турбинаси, иккиласми буғ қиздиригичдан ташкил топган бўлиб, бошқа турдаги буғ-куч қурилмаларида фарқ қиласиди.

Буғни қайтадан қиздириб, уни такфоран ишлатадиган буғ-куч қурилмасининг  $PV$  ва  $TS$  диаграммалари юқорида қараб чиқилган циклларникига ўхшаш бўлсада, айрим ўзгаришларга эга. Оралиқ буғ қиздиригичли буғ-куч қурилмаси циклида содир бўладиган термодинамик жараёнларнинг  $iS$  — диаграммаси 35-расм, б да



35-расм. Оралиқ буғ қыздырғычлы бүг-күч қурилмасының схемаси ва  $iS$  диаграммасы.

келтирилган. Циклнинг  $iS$ -диаграммасидан күриниб турибдикі, 1 ва 2, 3, ва 4 ҳамда 5 ва 6 нүкталар оралиғида, яғни биринчи ва иккінчи турбиналарда ва насосда, термодинамик системанинг энтропияси ўзгармас бўлади. Чунки циклнинг шу нүкталарига мос келувчи ҳолатларида системага иссиқлик келтирилмайди. Диаграмма таҳлилидан шуни айтиш мүмкінки, 4 ва 5, 5 ва 1, 2 ва 3 нүкталар оралиғида содир бўладиган жараёнларда термодинамик системанинг энтропияси ва энталпияси ўзгарувчан бўлади. Чунки системада иш бажармасдан қолған иссиқлик миқдори совиткичга чиқарилади (4—5 нүкталар оралиғи) ҳамда системага ташқаридан иссиқлик миқдори (2 ва 3 ҳамда 6 ва 1 нүкталар оралиғи) келтирилади.

Бундай услубда кечадиган циклнинг термик ФИК қуйидагича ифодаланади:

$$\eta_t' = \frac{A'_a}{q_1}, \quad (229)$$

бунда  $q_1' = (i_1 - i_5) + (i_3 - i_2)$  — бир кг буғ олиш учун иккинчи маротаба қыздырыш даврида сарфланадиган иссиқлик миқдори;  $A'_a$  — циклнинг бажарган иши.

Тенгламадан күриниб турибдикі, буғ адабатик кенгайгандан ( $1-2$  ва  $3-4$  нүкталар оралиғи) ва конденсат сиқылганда ( $5$  ва  $6$  нүкталар оралиғи) системада ташқаридан иссиқлик миқдори келтирилмаган бўлса ҳам турбиналарда мусбат, насосда манфий ишорали иш бажарилар экан. Шунинг учун иккала (II ва III) тур-

Бинада адиабатик көнгайиб ўтган буғ эшталпиялари ўз-  
тарышларининг йиғиндиси насоедан ўтадиған конденсат  
эшталпиялари ўзгарышидан катта бўлади. Тўла фойда-  
ли ишни 1—2 ва 3—4 нуқталар оралигида бугнинг кен-  
гайншида бажарган ишига тенглаштириш мумкин ва бу  
иш оддий циклда 1 ва 4 нуқталар (32-расм, а; РV  
диаграммаси) оралигидаги ишдан катта. Шунинг учун  
оралиқ буғ қиздириш услубига эга бўлган буғ-куч қу-  
рилмалари қўлланилади.

#### 7.4. Бинар циклли буғ-куч қурилмаси

Иш жисми сифатида иккита моддадан фойдалани-  
ладиган ва улар мутлақо бир-бирига аралашмайдиган  
ҳамда мустақил циклларга эга бўлган иссиқлик-куч қу-  
рилмаси бинар (лот. binarus — қўш) циклли куч қурил-  
маси дейилади. Симоб-сув бинар куч қурилмаси . бунга  
мисол бўла олади (36-расм). Қурилманинг бирламчи  
берк контурида иш жисми сифатида симоб олинган ва  
махсус конструкциядаги турбина-конденсатор қўлланил-  
ган. Симоб заҳарли модда, унинг критик нуқтасининг тем-  
ператураси  $T = 1673,15 \text{ K}$ , шу нуқтадаги босим  $P = 980 \cdot 10^5 \text{ Па}$ . Иссиқлик алмаштиргичда (конденсатор) симоб  
юқори температурада ҳам тўйиниш ҳолатига ( $T = 498,35 \text{ K}$ ) ўта олади. Сув бундай хоссага паст темпе-  
ратурада ( $T = 306,03 \text{ K}$ ) ўтади. Сув буғини қайтадан қиз-  
дириш температураси  $T = 873,15 \text{ K}$ , бундан юқори темпе-  
ратураларга қиздиришга қўлланилган ўтга чидамли ма-  
териаллар бардош бера олмайди. Оқибатда сув буғи-  
нинг юқори температураларидан фойдаланиб бўлмайти.  
Бу камчиликни туратиш мақсадида бинар циклли куч  
қурилмаларидан фойдаланишади. Схемадан кўриниб ту-  
рибдики, иссиқлик бирламчи берк контурдан (иш жис-  
ми—симоб) иккиламчисига (иш жисми—сув буғи) махсус  
қурилма — симоб турбинасининг конденсаторида регене-  
ратив иссиқлик алмашинуви орқали келтирилади. Си-  
мобли конденсатор тўйинган сув буғининг қозони вази-  
фасини бажаради. Тўйинган сув буғи симобли конден-  
саторда ҳосил бўлгандан сўнг, яна қўшимча симобли  
турбина контуридаги қозон қурилмасининг буғ қиздири-  
гичида иссиқ газ оқими ёрдамида қиздирилиб, босими  
ва температураси керакли қийматларга етказилади.  
Шундан кейин иккинчи берк контурдаги буғ турбинаси-  
га узатилади. Турбинада, буғ кенгайиб иш бажариш жа-

раенида, иссиқлик алмашинуви ҳисобига суюқликка айланади. Ҳосил бўлган сув, яъни конденсат, сув насоси ёрдамида симобли конденсаторга узатилади. Унда буғланиб бўлгандан еўнг бўғ қиздирғич орқали бўғ турбинасига узатилади. Цикл тақорланади.

Бинар циклнинг  $TS$  диаграммасини қараб чиқамиз; биринчи берк контурнинг бажарган иши  $1-2-3-4-1$  нуқталар ҳосил қилган юзага сон қиймати жиҳатидан тенг бўлиб, система (симоб)нинг термодинамик параметрлари сув буғиникига нисбатан юқори, масалан, нуқта  $3$  нинг абсолют тэмператураси нуқта  $3'$  никидан катта, яъни  $T_3 > T_3'$ .

Циклнинг  $TS$  диаграммасидан кўриниб турибдики, цикл  $T_1-T_2$  температуralар оралиғида содир бўлади ва  $1$  кг сув буғининг бажарган иши  $3-4-5-1-2-3$  нуқталар ҳосил қилган юзага сон қиймати жиҳатидан тенг. Масалан, Карно цикли нуқтаи қазаридан қаралса, шу температуralар ўзгаришида бажарилган иш сон қиймати жиҳатидан  $36123$  нуқталар ҳосил қилган тўртбурчак юзага тенг бўлар эди. Ренкин циклиниң Карно циклига яқинлашувини билиш учун тоҳо шу циклларда бажарилган ишларнинг нисбатлари аниқланади. Бу нисбатдан ҳосил бўлган коэффициент циклнинг **карнолаштириш коэффициенти** дейлади:

$$\alpha = \frac{A_u}{A_{u'}^k}. \quad (230)$$

$1$  кг сув буғини симоб қозонининг бўғ қиздиргичида қиздирис учун сарф бўлган иссиқлик миқдори симоб сув бинар системасининг энталпиялари айрмалари йиғинидиси кўринишида ифодаланади:


$$q_1^{\text{бнн}} = m(i_1 - i_3) + (i_1 - i_5). \quad (231)$$

Бинар циклда бажарилган ишни симоб турбинасида ва бўғ турбинасида иш жиҳсларининг аднабатик кенгайнишидаги энталпиялари ўзгаришларининг йиғинидиси кўринишида ифодалаш мумкин:


$$A_{u'}^{\text{бнн.}} = i_1 - i_2.. \quad (232)$$

Бинар циклнинг тёрмик ФИК қуйидагига тенг:

$$\eta_t^{\text{бнн.}} = \frac{A_{u'}^{\text{бнн.}}}{q_1^{\text{бнн.}}}. \quad (233)$$



*a*



*b*

36-расм. Симб-сув бинар күч қурилмаси ва унинг иш циклиниңг TS диаграммаси: I — қозоп қурилмаси; II ва III — симб турбинаси ва конденсатори; IV — бүг турбинаси; V — конденсатор; VI — кондесат насоси; VII — бүг үтә қиздиргичи.

Бинар циклнинг термик ФИК бошқа циклларнидан катта:


$$\eta_t^{\text{ши}} > \eta_t.$$

### 7.5 Қозон қурилмаси, унинг тузилиши ва ишлаш тартиби

Учоқда ёқилган ёқилғидан ажралган иссиқлик ҳисобига босим остида иссиқ сув ва буғ ҳосил бўладиган ускунашар мажмуй қозон агрегати дейилади. Қозон агрегати ўчиқ, буғлатиш сиртлари — экран, буғ қиздиргич, сув экономайзери ва ҳаво иситкичлардан ташкил топади. Қозон қурилмаси тайёрланадиган маҳсулот турига кўра буғ қозонлари ва сув иситадиган қозонларга бўлинади. Технология жараёнларининг чиқнидиларини ёқиб ёки металлургия заводларидан ва домна печларидан чиқкан тутун-газ аралашмалари иссиқлигидан фойдаланиб ишлайдиган қозонларга утилизатор қозони дейилади. Қозон агрегати ва ёрдамчи ускуналар мажмуй қозон қурилмаси дейилади. Қозон қурилмалари ишлатилишига кўра энергетик, ишлаб чиқариш ва иситиш турларига бўлинади. Фақат иссиқлик электр станцияларининг буғ турбиналарини буғ билан таъминлайдиган қозон қурилмалари энергетик қозон қурилмаси дейилади.

Саноатни ва аҳоли яшайдиган жойларни ҳамда идораларни иссиқ сув ёки буғ билан таъминлайдиган қозонлар ишлаб чиқариш ва иситиш қозонлари дейилади.

Қозон қурилмасининг схематик тасвири 37-расмда келтирилган. Қозон қурилмасининг технологик схемасидан кўриниб турибдики, қурилма ўтхона ва тутун йўли, иссиқ сув-буғ аралашмаси йиғиладиган цилиндри-мон ёпиқ идиш — барабан ( $h=0,9\div1,8$  м,  $l=35\div40$  м,  $P=20$  МПа гача), иситиш сиртлари (босим остидаги сув ёки буғ трубалари), ҳаво иситкич, экономайзер, буғ қиздиргич, кул туткич, тутун, кул ва шлак чиқарувчи мосламалар, мўри ҳамда ёрдамчи асбоб-ускуналардан ташкил топган. Иситиш сиртларига босим остида ҳаракатланадиган сув ва буғ трубаларидан ташқари ўтхона экранни (ўтхона девори бўйлаб жойлаштирилган трубалар дастаси), буғ қиздиргич ва сув экономайзери киради. Қозон қурилмасини енгиллаштириш ва унинг иситиш сирт-



37-расм. Қозон қурилмасининг технологик схемаси: а — сув йўли; б — қиздирилган бүг йўли; в — ёқилгини ўтхонага узатниш йўли; г — ҳаво оқимининг ҳаракатланниш йўли; д — ёниш маҳсулотини ташқарига чиқариш йўли; е — ўтхона ва кул туткичдан чиқсан шлак ва кулни ташқарига чиқариш йўли; 1 — ёқилги бушкери; 2 — кўмир майдалайдиган тегирмон; 3 — тегирмон вентилятори; 4 — горелка; 5 — қозон агрегатининг ўтхонаси ва тутун-аз қўлларининг кесимда кўриниши; 6 — трубалардан ташкил топган экран (ўтхона экрани); 7 — цистернасимон идиш (барабан); 8 — бүг қиздиригич; 9 — сув экономайзери; 10 — ҳаво иенитич; 11 — десаэрацияли сув фамлайдиган идиш; 12 — таъминловчи насос; 13 — вентилятор; 14 — қозон қурилмаси ўрнатилган бино; 15 — кул туткич мослама; 16 — тутун газаларини сургич; 17 — тутун трубаси — мўри; 18 — кул-шлак (аралашмаси) бўтқасини ҳайдовчи насос станцияси; 19 — коллектор.

ларини орттириш мақсадида иситилиши зарур бўлган ҳамма асбоблар, асосан трубалардан ясалади. Катта қувватли қозон қурилмаларида сув экономайзери, ҳаво иситиш асбоблари қуйиб ишланади. Бүг ҳосил қилувчи трубалар, ўтхона экрани ва уларга сув келтирувчи трубалар барабанга уланади. Уларда сув-буғ аралашмаси берк контур бўйича ҳаракатланади, яъни ўтхона ташқарисидаги трубадан сув оқиб тушиб, 19-коллекторга қийилади ва ундан алганга ва тутун газлари билан иссиқлик алмашинувчи ўтхона экранига ўтиб, у ерда буғланади. Коллектор ўтхонанинг совук воронкаси, яъни кул ва шлак тушадиган қисми жойлашган. Иссиқлик тутун газлари йўлидаги сув экономайзери ва ҳаво иситкичга конвектив иссиқлик алмашиниш усулида узатилади. Шунинг учун ўтхонанинг бу қисми конвекция шах-

таси дейилади. Тутун газларининг темперагураси конвекция шахтасидан ўтиш вақтида 800—900 К дан 300—400 К гача пасаяди.

Утхона деворининг ички қисмига ўтга чидамли гишталар (иссиқбардош шамот, динас, магнезит ва ш. к.) терилади. Ташқи томонидан металл қоплама билан ўралади. Бу утхона мустаҳкамлигини оширибгина қолмасдан, унинг ичига девор орқали ортиқча ҳавонинг сўрилишидан ва газларнинг ташқарига чиқишидан сақлайди.

Сув бугини ҳосил қилишда маҳсус конструкциядаги қозон қурилмаларидан — сув тайёрлаш, буғ қиздиргич, буғ генераторларидан фойдаланилади. Ҳосил қилинган буғ ёрдамида бир ва кўп босқичли (қувватига қараб) буғ турбинаси электр генераторидан фойдаланиб, электр энергияси ишлаб чиқарилади. Ишлатиб бўлинган буғнинг қолдиқ иссиқлигидан тўла фойдаланиш мақсадида иссиқлик конденсатор орқали чиқарилиб истеъмолчига (турар жой бинолари, саноат корхоналари, маший хизмат идоралари, мактаб, касалхона, боғча ва ш. к.) узатилади. Истеъмолчилар қўллаган иситиш аппаратлари ўз навбатида совиткич вазифасини ҳам бажаради. Ишлатилиб бўлинган буғнинг асосий қисми конденсаторда иссиқлик алмашинуви натижасида совитилиб, сувга айлантирилади ва у насос ёрдамида яна қозон агрегатига ёки буғ генераторига қайтарилади.

Қозон қурилмасининг асосий ёқилғиси сифатида тошкўмир, торф ва унинг оғир фракциялари, домна ва табиий газ, ёнувчи сланецлар ишлатилади. Айрим куч қурилмаларида иссиқлик энергияси манбаи сифатида қуёш энергиясидан, актиноидлар гуруҳидаги уран, плутоний элементларининг занжирли ядро реакцияси вақтида ажralадиган иссиқлик энергиясидан фойдаланади.

Қозон қурилмасига ёқилғи маҳсус ёқилғи сақланадиган омборхоналардан турли-туман узаткичлар орқали майдалаб ёки бутунлигича, маҳсус қўшимчалар қўшиб ё қўшмасдан бункерга узатилади. Қаттиқ ёқилғини чанг ҳолатигача майдалаб, ёқиладиган қозон қурилмасини қараб чиқайлик. Унинг технологик схемаси 37-расмда келтирилган. Кўмир омборхонада майдаланганидан сўнг, узлуксиз ҳўл кўмирни қабул қилувчи ёқилғи бункери 1 га ва ундан кўмир тегирмони 2 га йўналтирилади. Тегирмонда тайёрланган чангсимон кўмир маҳсус вентилятор 3 ҳосил қилган ҳаво оқими ёрдамида,

трубопровод орқали, қозон қурилмаси оноси *ж* ичидә жойлашган ўтхона 5 нинг горелкаси 4 га узатилади. Ёнишни тўла таъминлаш мақсадида иситкич 10 орқали атмосфера ҳавоси иситилиб пуфлаш вентилятори 13 ёрдамида горелкага узатилади. Қозонни сув билан таъминлайдиган цилиндрсизмон барабан 7 га сув деаэрация (юнонча *de* — ажратиб олиш ва *aer* — ҳаво) ли сув ғамлайдиган идиш 11 дан таъминлаш насоси 12 ёрдамида узатилади. Ҳайдалган сув, албатта сув экономайзери 9 орқали ўтгандан сўнг барабан 7 га қуилади. Сув буғи, ўтхона экранни 6 вазифасини бажарувчи трубаларда ҳосил бўлади ва босим остида барабан 7 га ўтади. Трубаларда ҳосил бўлган қуруқ тўйинган буғ барабан орқали ўта қиздиргич 8 га ва ундан истеъмолчига узатилади.


Ёқилгининг ёнишидан машъалали аланга пайдо бўлади ва унинг температураси 1700—1800 К га етади. Бу юқори температурали аланга ўтхона ичидә унинг девори бўйлаб вертикал жойлашган труба сиртларини ялаб иситиши натижасида унинг температураси 1200—1300 К гача пасаяди. Тутун газлари ўтхонанинг юқори қисмida газ йўлида жойлашган буғни ўтақиздиргич 8 ни иситиб ўтгандан сўнг сув экономайзери 9 ва ҳаво иситкич 10 орқали тутунни ташқарига тозалаб чиқариш асбобларига ўтади. Заҳарли айрим маҳсулотлардан тутун-газ аралашмаси култуткич 15 да тозаланиб, мўри 17 орқали атмосферага чиқариб юборилади. Атмосферага чиқарилган тутун газларининг температураси 350—380 К ва ундан ортиқроқ бўлиши мумкин.

Қаттиқ ёқилғи чангига ёки майдаси ёқилганида ҳам кул ва шлак ҳосил бўлади. Тутун газларига нисбатан кул ва шлакнинг учувчанлиги кам бўлганлигидан улар чўкинди сифатида ўтхона остига тушади. Кулнинг ўта майда зарралари култуткич 15 да ушланиб қолинади ва сувли маҳсус ариқчада оқизилиб, кул ва шлак бўтқасини ҳайдовчи насос станцияси 18 ёрдамида қозон қурилмасидан чиқарилади.

## 7.6. Буғ қозонлари

Иссиқлик энергиясига саноат, майший хизмат, идоралари ва аҳоли яшайдиган турар жойларда талаб ортган сайнн буғ ва иссиқ сув тайёрлайдиган қозонлар тузилиши ва уларда тайёрланадиган буғ параметрлари

ўзгариб борди. Энг аввал, буғ қозонининг тузилиши содда, ишончли ва хавфсиз ишлаши, уни тайёрлашга металл кам сарфланиши ва ФИК юқори бўлишига ёътибор берилади. Янги турдаги буғ қозонлари лойиҳаланди, сўнгра қурилди ва синааб кўрилди, (38-расм). Тайёрланадиган буғ босими атмосфера босимидан юқори бўлган ҳамма турдаги қозонларда ёқилғининг ёнишида ажралиб чиқсан иссиқлик миқдоридан самарали фойдаланиш масаласи асосий масаладир. Тузилиши жиҳатидан улар бир-биридан фарқланса-да, уларнинг вазифаси битта—буғ тайёрлашдан иборат. Масалан, оддий цилиндрическимон буғ қозони икки йўналишда такомиллаштирилган: а) газ трубали, яъни буғланадиган сув ичидан катта диаметрдаги 2—3 та ўт қувурлари ўтиб, унинг охири кичик диаметрли тутун қувурларига ажралади;



38-расм. Буғ қозонларининг турлари: а — цилиндрическимон; б — батареяли; в — ўт трубали; г — ўт ва тутун трубали; д — камерали горизонтал сув трубали; е — камерали горизонтал (В. Г Шухов лойиҳаси) сув трубали; ж — икки тарамли қия трубали; з — сув трубалари қия жойлашган; и — сув трубаси П шаклида жойлашган; к — сув трубаси вертикал жойлашган Г-симон қозон; л — тўғри оқимли (Л. К. Рамзин лойиҳаси); м — ТПП-210А туридаги тўғри оқимли қозон.

б) сув трубы, яъни катта диаметрдаги сув қувурларининг ташқи сиртларини аланга — тутун газлари ялабювиб ўтади.

Бу лойиҳа такомиллаштирилиб, катта диаметрли сув қувурлари (3—9 та) ўрнинг тўплам-тўплам қилиб жойлаштирилган кичик диаметрли горизонтал, қия ( $12^{\circ}$  гача бурчак остида) ва вертикал сув қувурли қозонлар яратилди. Бу сув қувурларининг пастки учи коллекторга, юқори учи барабанга бирлаштирилиши натижасида буғ йигувчи барабанлар сони 1 ёки 2 тадан ошмайдиган қозонлар даражасигача такомиллаштирилди. Буғ қозонларнинг энг аввалгиларининг ФИК 30%, буғ босими 1 МПа атрофида бўлса, замонавий буғ қозонларининг ФИК 93—95%, ишлаб чиқариладиган буғ миқдори 4000 т/соат, иш буғ босими 25,5 МПа га етади.

Энергетика соҳасида қўлланиладиган буғ қозонларида тайёрланадиган сув буғи юқори кўрсаткичларга эга бўлиб, катта (1200 МВт гача) қувватдаги буғ турбиналарини буғ билан таъминлайди. Бунда ўта қиздирилган буғ босими 25,5 МПа, температураси 750—850 К гача етади. Ишлаб чиқариш технологик буғ қозонлари паст босимли (0,3—0,7 МПа, айрим ҳолатлардагина 1,3 МПа гача) буғ тайёрлайди, иситиш тармоқларида қўлланиладиган буғ қозонлари 0,13 МПа дан 0,3 МПа гача бўлған босимдаги буғни истеъмолчига етказиб беради.

## 7.6. Сув-буғ тайёрлаш ва сув иситиш қозонларидаги жараёнлар

Қозонларга сув тайёрлаб беришдан асосий мақсад қозонга узатиладиган сувни қайта ишлаш йўли билан унинг физик хоссаларини яхшилаш, қозон агрегатининг иш унумини ва самарадорлигини оширишни таъминлашдан иборат. Маълумки, табиатдаги сувда турли-туман кимёвий элементлар ва уларнинг тузлари эриган ҳолда учрайди. Буларга сув газлари, минерал тузлар, органик моддалар, қаттиқ (қум) зарралар киради. Бу моддаларнинг сувда бўлиши қозон деворларини тез занглашади, уларда қаттиқ чўкма—қуйқа (қасмоқ) қолади. Натижада қозоннинг иш унуми пасайиб кетади ва тезда чиқади.

Масалан, сувда эриган газлар (кислород ва карбонат ангирид) металлни кучли занглатади, қаттиқ зарралар қозон бўшлигининг фойдали ҳажмини эгаллайди ва

иссиқлик үтказувчанликни пасайтиради, ғұз навбатида, әриган минерал түzlардан кальций ва магний түzlари сувнинг қайнази жараёнида қозон деворларида қасмоқ ҳосил қлади.


Сувнинг қаттиқ ёки юмшоқлиги, унинг таркибидаги кальций ва магний түzlари  $\text{Ca}(\text{HCO}_3)_2$ ,  $\text{Mg}(\text{HCO}_3)_2$ ,  $\text{CaSO}_4$ ,  $\text{MgSO}_4$ ,  $\text{CaCl}_2$ ,  $\text{MgCl}_2$  ва ш. к. миқдори билан баҳоланади. Масалан, 1 мг әкв/л сувнинг қаттиқлик бирлиги бўлиб, 1 л сувдаги магний (12,16 мг) ёки кальций (20,04 мг) миқдори олинади. Кальций ва магний миқдори кимёвий анализ йўли билан аниқланади. Сувнинг қаттиқлиги таркибидаги  $\text{Ca}^{2+}$  ва  $\text{Mg}^{2+}$  ионлари миқдорига қараб ўзгаради. Сувнинг қаттиқлиги икки хил: сувда  $\text{Ca}$  ва  $\text{Mg}$  сульфатлари эришдан *нокарбононт* қаттиқлик ҳосил бўлади. Худди шундай, сувда  $\text{Ca}$  ва  $\text{Mg}$  бикарбонатлари эришидан *карбонат* қаттиқлик пайдо бўлади. Дарё ва кўл сувнинг қаттиқлиги 0,1—0,2 мг·әкв/л, ер ости, денгиз ва океан сувиники 80—100 мг·әкв/л. Сув таъминотидаги сувнинг қаттиқлиги 7 мг·әкв/л гача етади.

Сувнинг қаттиқлигини пасайтириш (юмшатиш) учун қозонларга сувни узатишдан аввал, унга сода, натрий фосфат, айрим ҳолларда бошқа түzlар қўшилади. Шундай  $\text{Ca}$  ва  $\text{Mg}$  қўшилган моддалар билан кимёвий реакцияга киришиб,  $\text{CaCO}_3$ ,  $\text{MgCO}_3$ ,  $\text{Ca}(\text{PO}_4)_2$  түzlарини ҳосил қилиб қозон тубига чўқади ва сув юмшайди. Сувни юмшатишнинг *ионит* усули қўлланилганда, унга сувда эримайдиган табиий ва сунъий материаллар қўшилади. Масалан, сульфат кислотаси билан ишлов берилган кўмир, сунъий алюмосиликатлар ва ҳ. к.

Сувни *термик* усул билан ҳам юмшатиш мумкин. Бу усулда сув буғидан дистилланган сув олинади. Дистилланган сув билан тўғри оқимили, юқори ва ўта юқори босимли қозонлар таъминланади.

Қаттиқ механик аралашмалардан сувни тозалашда тиндириш, фильтрлаш усулларидан кенг фойдаланилади. Паст босимли (1,5 МПа гача) қозонларга сувни узатишда уни аввал юмшатиш учун ўювчи натрий (каустик сода) —  $\text{NaOH}$ , натрий уч фосфат ( $\text{Na}_3\text{PO}_4$ ) ҳам ишлатилади.

Сув иситиш қозонлари асосан маълум температура ва босимдаги иссиқ сув ёки иссиқ сув-буғ аралашмаси тайёрлашга мўлжалланган. Идоралар, айрим корхоналар ва аҳоли яшайдиган уйлар ва уларда ўрнатилган



39-расм. Газ ва мазутда иштайдиган сув иситиш қозони. 1—горелка; 2—экран; 3—конвективный зонд ожига үйлидаги құвурлаудастан; 4—фестон (ожига үйлидаги әгри құвурлар); 5—коллектор; 6—бункер; 7—сивиц; 8—сочиладиган материал солидандыған бункер; 9—сачраткин материал; 10—портлаткин клапан; 11—қозон қопламасы.

иситиш аппаратлари (батареялар) да иссиқ сувдан фойдаланилади ва улар орқали иссиқлик энергияси алмашинади ва узатиласи. Иссиқ сув тайёрлайдын қозонлар түғри ожимли бўлиб, сув узлуксиз оқиб туради, яъни ҳар доим янги сув қозонга оқиб кириб, ундан исиб чиқади ва чиқарилган сувнинг асосий массаси қозонга қайтиб келмайди.

Қозондан чиқадиган сув температураси ва босими бир хил сақлангани учун иситиш жойларидаги хоналар ҳа-

рорати кескин ўзгармайды. Атмосфера ҳавосининг температураси пасайганида қозондан чиқадиган иссиқ сув температураси күтарилади ва аксинча. Сув иситиш қозонларидаги иссиқ сув температураси  $340\text{--}380$  К дан  $420\text{--}450$  К гача бўлади. Кейинги йилларда иссиқ сувни узоқ масофага ва мураккаб қувурлар орқали узатилаётганлиги сабабли унинг температураси  $480$  К гача етказилмоқда.

Сув иситиш қозонларига қайтариленган ёки янги узатилаётган сув температураси  $340$  К дан паст бўлса, қозон деворлари ва сув узатиш қувурлари тез занглайди. Шунинг учун қозон табиий газ билан иситилганда унга киритиладиган сув температураси  $340$  К дан паст бўлмаслиги керак. Агар қозон ёқилғиси сифатида, таркибида олtingугурти кам бўлган мазут ишлатилса, сув температураси  $T=340\text{--}345$  К дан, олtingугурт кўп бўлганда эса  $380\text{--}385$  К дан кам бўлмаслиги керак.

Қайтган иссиқ сув температураси турли хил таъсирлар ҳисобига юқорида кўрсатилган қийматлардан паст бўлса, унга аввал қозондан тайёр иссиқ сув қўшилади, сўнгра қозоннинг киритиш ҳисмига узатилади. Сув иситиш қозонининг схематик тасвири 39-расмда келтирилгай.


Буғ қозонлар ўтхонали ва ўтхонасиз бўлиши мумкин: ўтхонали буғ қозонларда ҳамма асбоб-ускуналар иссиқлик манбани бўлган ўтхонада ва унинг атрофига жойлаштирилади. Ўтхонасиз буғ қозонлари турига қозон утилизаторни киритиш мумкин (39-расм). Бу қозон утилизаторда, асосан ёниш маҳсулоти таркибидаги тутун газлари иссиқлигидан фойдаланилади.

Ўтхонали буғ қозонининг буғ ҳосил қилувчи элементи, асосан буғ экранни ҳисобланади. Сув-буғ циркуляцияси табиий ёки мажбурий бўлиши мумкин.


Буғ тайёрловчи экран (трубалар) билан иссиқлик алмашинуви, хусусан ўтхонада, радиация (нурли) иссиқлик алмашинуви инфрақизил нурланиш ҳисобига устувор бўлади. Экранда, ёниш вақтида ҳосил бўлган аланга билан контактлашгандаги иссиқлик алмашинуви асосий ҳисобланмайди. Ёниш маҳсулоти билан ўтхонанинг чиқиш ҳисмидаги контактлашувда иссиқлик алмашинуви кўпроқ бўлади.

Ўтхона ичидаги буғ тайёрловчи экран (трубалар) ишларни кўрсатадиганда тутун газлари табиий конвекциясининг бир текис ўтиши таъминланади. Экран трубала-

рииниң ички диаметри 30—60 мм, улар оралығы 4—6 мм қилиб танланады. Қозон түзилиши ва бошқа параметрларiga қараб, бұғ экраны трубаларыннан қойыла алады; мос равишда, коллектор ва барабанларга уланады; айримларда юқори коллектор вазифасини барабан бажарады. Бұғ қозони ўлчамини кичрайтириш ва қувватини орттириш мақсадыда ўтхона ўртасидан уни иккиге ажратувлы экраныннан ўрнатылады. Экраннинг ҳар иккала томонидан ҳам аланга ялаб иссиқлик алмашинаады (40-расм).



40-расм. Бұғ қозони ўтхонасида экранларының жойлашиши (горизонтал кесими): 1—4 экран трубалари; 5 — горелкалар; 6 — ўтхона танасы.



41-расм. Горизонтал тутун-газ йўлида конвектив ғул ўтакиздиргичининг жойлашуви: 1 — ёниш маҳсул; 2 — қарама-қарши оқимли; 3 — тўғри оқимли; 4 — аралаш оқимли.

Буғ қозонларининг бир қисми буғни ўтақиздиргичлар бўлиб, улар қозонда ҳосил қилинган буғ температурасини, босимини яна кўтаришга мўлжалланади. Қозон агрегатида буғ ҳосил қилиш учун сарфлаған жами иссиқлик миқдорининг тақрибан 60% буғни ўтақиздиргичга тўғри келади. Шунинг учун буғни ўтақиздиргич трубалари мустаҳкамлиги юқори бўлган қотишмалардан тайёрланади.

Иссиқлик алмашиниш зонасида жойлашган буғни ўтақиздиргич трубаларининг ўрнатилишига қараб, улар конвектив, нур ёрдамида ва қисман нур ёрдамида иссиқлик алмашиниш усуслари билан иссиқлик энергиясини қабул қиласди.

Нур ёрдамида иссиқлик алмашиниш усули билан ўтақиздирилган буғ тайёрлашда діаметри 22—54 мм ли металл трубалар ўтхонада жойлаштирилади ва ёқилғи алангасининг бевосита таъсири ҳисобига улarda ўтақиздирилган буғ ҳосил бўлади.

Конвектив усулда ўтақиздирилган буғ тайёрлашда трубалар тарам-тарам ёки илонизисимон қилиб жойлаштирилади.

Илонизисимон трубаларда буғ, тутун ҳаракатига нисбатан тўғри, қарама-қарши, аралаш оқимда ҳаракатлашиши мумкин (41-расем)

Тайёрланадиган буғ параметрлари ва унинг сарфи бир текис сақланади, бу билан исғемолчи талаби бажарилади.

Буғ тайёрлаш қозонларига узатиладиган сув, албатта аввал сув юмшаткич ва сув экономайзеридан ўтказилади, қозонга ҳаво эса ҳаво иситкич орқали узатилади.

## 7.8. Сув буғининг ҳосил бўлишида айрим физик жараёнлар

Суюқликнинг ташқи таъсир натижасида газ ҳолатига ўтиши буғланиш дейилади. Сувнинг буғ ҳолатига ўтиши учун унинг сиртидаги босимни ўзгармас ёки ўзгарувчан ҳолатда сақлаб, унга маълум миқдордаги иссиқликни киритиш керак. Шунда сув молекулалари орасидаги тутуниш кучлари камаяди ва молекулаларнинг кинетик энергияси ортади. Молекуланинг мувозанаг ҳолатидаги кинетик энергияси унинг  $q$  иссиқлик миқдорини ютгандан кейинги кинетик энергиясидан анча кичик бўлгандагина суюқлик газ ҳолатига ўта бошлий.

ди, яъни буғланади. Аксинча, бўлганда конденсация ҳодисаси кузатилади. Суюқлик сиртидан қанча молекула узилиб чиқиб газ ҳолатига ўтса ва худди шунча молекула конденсацияланиб суюқлик ҳолатига қайтса, бундай ҳодиса тўйиниш ҳолати деб қабул қилинган, яъни буғ сув билан мувозанатда бўлади. Суюқлик билан динамик мувозанатдаги буғ тўйинган буғ дейилади. Суюқликнинг эркин сирти устидаги бўшлиқни тўйинтирадиган буғ қисми нам буғ дейилади. Тўйинган нам буғда майда сув томчилари бўлади.

Суюқликка узатиладиган иссиқлик миқдори ортиб бориши билан унинг температураси ҳам кўтарилади ва суюқлик молекулаларининг газ ҳолатига ўтиши кузатилади. Натижада жадал равишда буғ пуфакчалари идиш деворларида суюқлик ҳажмида пайдо бўлади ва каталашиб суюқлик сиртига қалқиб чиқиб ёрилади. Бундай ҳодиса қайнаш дейилади.

Қайнаш суюқлик сиртидаги босимга боғлиқ, яъни босим ортса, қайнаш температураси ҳам ортади ва, аксинча.



Ҳосил қилинган нам буғга яна қўшимча иссиқлик миқдори узатилса, унинг таркибидаги жуда майда сув томчилари буғ ҳолатига ўтади ва тўйинган қуруқ буғ ҳосил бўлади. Буғнинг қуруқлик ва намлик даражаси тўйинган қуруқ буғ таркибидаги буғ ва сув томчилари миқдори билан баҳоланади.

Буғнинг қуруқлик даражаси қанча катта бўлса, уни ишлатиш ҳам шунча қулай.

Тўйинган қуруқ буғни яна қиздирсак, у ўта қиздирилган буғ ҳолатига ўтади, яъни суюқлик буғи молекула даражасигача майдалашиб боради.

Сув бугининг  $PV$  диаграммасини қараб чиқамиз (42-расм). Диаграммадан кўриниб турибдик, сувга ташқаридан  $q$  иссиқлик миқдори узатилганда, унинг температураси ортиб боради: аввал ҳажми ортади, сўнгра жадал буғланиш даражаси (қайнаш)га етади ( $a' - b'$  нуқталар оралиғи,  $tV$  координаталарида;  $a - b$  нуқталар оралиғи,  $PV$  координаталарида). Ташқаридан бериладиган иссиқлик миқдори  $q$  ортиб борган сайин, сув жадал буғга айланади ва нам буғ пайдо бўлади ( $b - d$  ва  $b' - d'$  нуқталари оралиғи). Ҳажмдаги ҳамма сув миқдори нуқталар  $d$  ва  $d'$  оралиғида тўла газ ҳолатига ўтади, яъни тўйинган қуруқ буғ ҳосил бўлади.

Жадал буғланиш ўзгармас босим ( $P = \text{const}$ ) ости-



42-расч. Сув буғининг  $PV$  диаграммаси.

да содир бўлганда жараён ҳам изобарик, ҳам изотермик бўлади ( $b-d$  ва  $b'-d'$  нуқталар оралиғи).

Тўйинган қуруқ буғга  $q$  иссиқлик миқдори киритилса, унинг параметрлари ўзгаради, яъни  $T$  ва  $V$  ортади, чунки жараён  $P=\text{const}$  да содир бўлади. Тўйинган буғ  $d$  ва  $d'$  нуқталардан ўнг томонда ўта қиздирилган буғ ҳолатига ўтади.

Сув сирти устидаги босим бир хилда тутилмаса,  $b$  ва  $d$  нуқталар аста-секин бир-бирига яқинлашиб,  $K$  (критик) нуқтада маълум босим ва ҳажмда устма-уст тушади. Критик нуқтадан чап томонда сув буғи таркибида майда сув томчилари бўлган ўта қизиган буғ ҳолатида бўлади; шу  $K$  нуқтадан ўнг томонда сув буғи

таркибидаги сув томчилари йўқ даражада, яъни идеал газга яқин бўлади. Сув буғининг критик нуқтасидаги параметрлари қўйидагича:  $P_{kp} = 221,29$  бар =  $22,12 \text{ МПа}$ ;  $\Lambda_{kp} = 3,26 \cdot 10^{-3} \text{ м}^3/\text{кг}$ ;  $T_{kp} = 647,3 \text{ К}$ .

Сув буғини ўрганиш ва ундан фойдаланишда изохорик, изобарик, изотермик ва адабатик жараёнлар ўринли бўлади.

### 7.9. Сув буғи ва уни тайёрлашдаги асосий термодинамик жараёнлар

Содир бўладиган термодинамик жараёнларни билмасдан туриб сув буғидан буғ-куч қурилмаларида самарали фойдаланиб бўлмайди. Бу жараёнларни қисқагина қараб чиқамиз.

**Изохорик жараён.** Ўзгармас ҳажмда ( $V=const$ ) жойлашган сув буғига иссиқлик миқдори узатиб, бу тўйинган буғни тўйинган қуруқ ва ўта қиздирилган буғга айлантириш мумкин. Лекин, ҳар қандай температурадаги буғни совутганимизда конденсацияланиш даврида суюқ фаза миқдори ортиб борса-да, буғ 100% суюқликка айланмасдан суюқлик устида маълум миқдорда буғ қолади. Шунинг учун изохорик жараённинг  $PV$  диаграммаси нолдан бошланмайди (43-расм, 1 ва 2 нуқталар оралиғи).

Ҳар қандай паст босимда ҳам суюқлик сирти устида маълум миқдордаги тўйинган буғ бўлади.


Демак, термодинамиканинг биринчи қонунига мувафиқ  $V=const$  бўлганда сув буғининг бажарган иши  $A=0$  бўлади. Буғга узатилган  $q$  иссиқлик миқдори унинг ички энергиясининг ўзгаришига сарф бўлади:

$$q = \int_1^2 dq = \int_1^a dU = U_2 - U_1 \quad (234)$$

ёки

$$q = (i - PV)_2 - (i - PV)_1.$$

Сув буғининг  $TS$  диаграммасидан кўриниб турибдики, буғга узатилган иссиқлик миқдори  $a12b$  нуқталар билан чегараланган юзага сон қиймати жиҳатидан тенг. Сув буғиниң  $V=const$  бўлган жараёндаги  $P$ ,  $T$  параметрлари ўзгарганда, унинг энтропияси ва энтальпияси ўзгарувчан бўлади (43-расм,  $iS$  диаграмма).



43-расм. Сув бугининг изохорик жараёвдаги  $PV$  (а),  $TS$  (б) ва  $iS$  (с) диаграммалари.

**Изобарик жараён.** Үзгармас босим остидаги буғга ташаридан  $q$  иссиқлик киритилса, унинг  $V$ ,  $T$  параметрлари ўзгариши натижасида буғ иш бажаради ва унинг сон қиймати  $d$  12  $b$  нүқталар билан чегараланган юзага тенг бўлади.

Сарфланган иссиқлик миқдори  $a$  12  $b$  нүқталари ҳосил қилган юзага сон қиймати жиҳатидан тенг бўлади (144-расм, а, б). Бу иссиқлик миқдори бугнинг ички энергиясини ўзgartирибгина қолмасдан фойдали иш ҳам бажаради:


$$q = \int_1^2 dq = \int_1^2 di = i_2 - i_1 \quad (235)$$

еки

$$q = u_2 - u_1 = (i - PV)_2 - (i - PV)_1, \\ [A = P(V_2 - V_1)] \quad (236)$$

Сув буғига узатилган иссиқлик миқдорининг ютилиши натижасида тўйинган ҳўл бугнинг қуруқлик даражаси аввалига ортади, сўнгра бу қуруқ буғ қуруқ ҳолатдан ўта қиздирилган даражага ўтади. Бунда, албатта бугнинг температураси кўтарилиб боради.

**Изотермик жараён.** Сув бугининг температураси ўз-




44-расм. Сув буғининг изобарик жарабендаги  $PV$  (а),  $TS$  (б) ва  $iS$  (в) диаграммалари.

гармас сақланиши учун унга иссиқлик берилади. Лекин, берилган иссиқлик таъсиридан сув буғининг  $P$ ,  $V$  параметрлари ўзгаради. Ҳажм ўзгарувчан бўлганлиги сабабли босимни бир текис сақлаб бўлмайди. Демак, сув буғи иш бажаради, унинг ифодаси термодинамика-нинг биринчи қонунидан топилади:

$$A = q - du.$$

Бу ишнинг қиймати  $PV$  диаграммадаги  $a12ba$  нуқталар ҳосил қилган юзага сон қиймати жиҳатидан тенг бўлса, иссиқлик миқдори эса  $S_112S_2$  нуқталар билан чегараланган юзага тенг бўлади (45- расм).



45-расм. Сув буғининг изотермик жарабендаги  $PV$  (а),  $TS$  (б) ва  $iS$  (в) диаграммалари.


Демак, сув буғига  $T = \text{const}$  бўлган жараёнда келтирилган иссиқлик миқдори унинг энтропиясининг ўзгаришига сарфланар экан:

$$q = T(S_2 - S_1) \text{ ёки } q = (t = 273,15) \cdot (S_2 - S_1) \quad (238)$$

**Адиабатик жараён.** Сув буғига ташқаридан иссиқлик берилмаган ҳолда уни кенгайтирганимизда буғ совийди, яъни буғнинг температураси ва босими пасаяди. Буғнинг ички энергияси камаяди.

Маълумки, идеал газнинг иссиқлик сифимларининг нисбати ( $k_r = C_p/C_v$ ) сув буғнинг иссиқлик сифимлари нисбати ( $k = C_p/C_v$ ) га тенг эмас. Шу сабабли  $PV^k = \text{const}$  тенгламасини буғнинг аниқ соҳаларига жорий қилиш мумкин. Чунки адиабата кўрсаткичи  $k$  ҳар хил қийматларни қабул қиласди. Масалан, ўта қиздирилган буғ соҳаси учун  $C_p/C_v$  нинг ўртача қиймати  $k = 1,3$  бўлса, нам буғ соҳасидаги қиймати  $k = 1,035 - 0,1x$  кўринишида қабул қилинади. Бунда,  $x$  — буғнинг қуруқлик даражасини билдиради. Кўпчилик ҳолатларда (буғнинг кенгайиши бошланишида ёки сиқилиши охирида) адиабатанинг энг юқори чўққисида  $x = 1,0$  бўлса, нам буғ соҳасида унинг қийматини  $x = 1,135$  деб қабул қилиш мумкин. Шу сабабли, адиабатик кенгайиш паст босимда содир бўлаётган бўлса,  $PV = \text{const}$  тенгламани тахминий ҳисоблашларда қўллаш мумкин.

Сув буғнинг  $PV^k$  (а),  $TS$  (б) ва  $iS$  (в) диаграммалари 46-расмда келтирилган.  $PV$  диаграммадан кўриниб турибдики, буғнинг адиабатик кенгайишида бажарган ишининг катталиги  $a12b$  нуқталар билан чегаралangan юзага сон қиймати жиҳатидан teng. Аммо адиаба-



46-расм. Сув буғнинг адиабатик жараёндаги  $PV$  (а),  $TS$  (б) ва  $iS$  (в) диаграммалари.

тик жараён тенгламасидан фойдаланиб бу ишни ҳисоблаш адиабата кўрсаткичининг ҳар хил нуқталаридағи қиймати ўзгарувчан бўлганлигидан, анчагина ноаниқликларга олиб келади. Шунинг учун иш қийматини термодинамиканинг биринчи қонунидан фойдаланиб аниқлаган маъқул. Чунки сув буғи кенгайгандада унинг ички энергияси камаяди.

Демак, бажарилган иш ички энергиянинг камайиши ҳисобига бажарилади:

$$dq = du + dA$$

$$dA = -du, \text{ чунки } dq = 0$$


$$A = u_1 - u_2 = (i - PV)_1 - (i - PV)_2. \quad (239)$$

$S = \text{const}$  бўлгани учун буғ кенгайгандада унинг абсолют температураси ва энталпияси адиабатик жараёнининг  $TS$  ва  $iS$  диаграммаларида пасайиб борувчи вертикал чизиқлардан иборат бўлади.


**Замонавий қозон агрегатлари** асосан табиий ёки сунъий газда, мазутда, чангсиюон кўмирда ишлайди. Улар асосан, барабан, экран сув иситкич, ҳаво иситкичдан ташкил топган. Замонавий қозон агрегатларининг ишлаб чиқарадиган буғининг сарфи 400—450 т/соат, босими 25,5 МПа гача, температураси 700—850 К га етади. Қурилиши жиҳатидан замонавий қозон агрегатларига кам металл сарфланган, бошқариш етарли даражада механизациялаштирилган ва автоматлаштирилган, экологик нуқтан назардан атроф-муҳитга заҳарли газларни камроқ чиқаради. Бунга 47-расмда келтирилган газ-мазутда ишлайдиган табиий циркуляцияли ТГМ-84Б маркали қозон агрегати мисол бўла олади.

Бундай буғ қозонлари унча катта эмас (баландлиги 30 м атрофида). Трубалардан ташкил топган экран ёрдамида ўтхона икки бўлакка бўлинади ва ҳар бирин ўтхона томонидан иситилади.

Буғ экранни (буғ генератори) ўтхона девори бўйлаб жойлаштирилган трубалардан ташкил топган бўлиб, уларнинг жойлашган қисми экран майдони деб юритилади. Ўтхона шифтига ҳам трубалар зич қилиб жойлаштирилган ва улар шифт экранни ёки шифтнинг радиацияли буғ ўта қиздиргичи дейилади. Буғ ўта қиздиргичининг яна бир қисми труба пардаси ҳисобланади. Ўта қиздиргичининг яна бир қисми тутун газлари йўлида жойлашган бўлиб, ў конвектив бўлма дейилади.



47-расм. Газ-мазутда ишлайдиган ТГМ-84Б бүг қозони: а — бүг лама кесими; б — күндалап кесими; 1 — ўтхона; 2 — горелма; 3 — экран — бүг қыздыргыч; 4 — барабан; 5 — циклонлар; 6 — бүг қыздыргыч пардалари; 7 — бүг қыздыргычнинг конвектив қисми; 8 — сув экономайзери; 9 — майдада зарраларни тутиб қолувчи қурилма туткынч; 10 — бүглатгышнинг ёш экранлари; 11 — устма-уст жойлашган экран.



Замонавий буғ қозонларида иссиқлик энергиясининг 60% дан ортиқроғи радиацияли иссиқлик алмашинуви йўли билан буғ генераторларига, буғ ўта қиздиргичларига узатилади.

Утхонанинг юқори қисмидаги тутун йўлининг пастки қисмидаги ёниш маҳсулни оқимининг аэродинамик хусусиятини яхшилаш мақсадида маҳсус геометрик шаклдаги қайтаргичлар ўрнатилади. Натижада тутун оқими труба пардали буғ ўта қиздиргичларини тўлиқ ялаб ўтади ва жадал иссиқлик алмашинувини таъминлайди.


Замонавий газ-музутда ишлайдиган буғ қозонларида соатига 25—30 тонна мазут ёки 30 минг м<sup>3</sup> табиий газ ёқилади. Қозонга узатиладиган сув тэмператураси 500 К дан кам бўлмайди. Ишлатилиб бўлинган ёниш маҳсулоти газларининг атмосферага чиқарилаётган қисмининг температураси 390—410 К дан паст бўлмайди. Бу қозонларнинг ФИК 90—92% атрофига.

Замонавий буғ қозонларининг циклида регенератив иссиқлик алмашинуви ҳам кенг табтиқ этилди. Буғ тайёрловчи қозонларсиз ҳозирги замон ишлаб чиқаришини ва энергетикасини тасаввур этиб бўлмайди. Шунинг учун буғ қозонлари кенг жорий этилмоқда ва янги лойиҳалари яратиляпти.

## 7.1. Сув агрегати ҳолатининг ўзгаришида иссиқлик алмашинуви

Буғ қозонидаги сувга бирор миқдордаги иссиқлик узатилса, унинг агрегат ҳолати ўзгаради. Сувнинг қайнаш температураси тўйинган буғники  $T_{t.b}$  га teng, яъни  $T_c = T_{t.b}$  бўлганда сув ҳажмида буғ бўлиши мумкин эмас ва иссиқликнинг узатилиши табиий конвекция бўйича рўй бера олмайди. Чунки суюқлик ҳажмидаги сув буғи пуфакчаси ичидаги босим  $P_n$  пуфакча сиртига таъсир қилаётган сув босими  $P_c$  ва сирт таранглик кучи йигиндисига teng бўлади.

Маълумки,  $P_n > P_{t.b}$  бўлса,  $T_n > T_{t.b}$  шарти бажарилганда, ҳеч бўлмагандан  $T_n = T_c$  бўлади. Сувнинг қайнashi учун  $T_c > T_{t.b}$  шарт бажарилиши керак. Шунда сирт таранглик кучи асосий бўлиб, пуфакча босимининг ортирасига қайнаш боғлиқ бўлади, яъни  $\Delta P$  қанча катта бўлса, сув шунча тез қайнайди. Шунда  $\Delta T_c = T_c - T_{t.b}$  ҳам катта бўлади. 48-расмдан кўриниб турибдики, буғ пуфакчаси кесимининг периметри бўйлаб



48-расм. Қайнаётган сув ичидаги пуфакчага таъсир этувчи күчлар (а), қыздырылаётган идиш сиртидаги микроёриқтарда сув буғи пуфакчаларининг пайдо бўлиши (б) ва қайнаётган сув қалинлиги бўйича температуранинг тақсимланиши (в).

сирт таранглик кучи таъсир этади. Унинг катталиги босим қўчининг вертикаль йўналишдаги проекциясига тенг:

$$2\pi R^3 = (P_c - \Delta P) \pi R^2 - P_c \pi R^2 \quad (240)$$

Бу тенгламани ихчамлаб ундан  $\Delta P$  ни топамиз:

$$\Delta P = \frac{2\sigma}{R}, \quad (241)$$

бунда  $\sigma$  — сирт таранглиги кучи;  $R$  — пуфакчанинг ички радиуси, м.

Демак, буғ пуфакчасыннинг радиуси қанча кичрайтирилишидан қатын назар, маълум  $R_{kp}$  (критик радиус)да пуфакча ичидаги  $P_c + \Delta P$  босимлар йифинидиси бирор  $T_c = T_{t.b.} + \Delta T_c$  температурада  $P_{t.b.}$  босимга тенглашади. Шунда  $P_n > P_c + \Delta P$  бўлганлигидан пуфакча радиуси ортиб боради, яъни шишади.  $R_{kp} > R$  бўлганда пуфаклар сирт таранглик кучи ҳисобига сиқилади ва улар суюқлик билан қўшилиб кетади. Таҳлилдан шундай фикр келиб чиқади: *пуфаклар радиуси нолдан бошланганда, суюқлик ҳеч вақт қайнамаган бўлар эди.*

Сувнинг қайнashi бу, албатта, сув газларининг ажралиши, яъни буғ пуфакларининг пайдо бўлишидан бошланади. Сув буғи учун  $R_{kp}$  мавжуд эмас. Чунки сув буғи ғуфакчasi ҳосил бўлганидан сўнг унга ташқаридан иссиқлик узатилиши натижасида унинг радиуси ортиб боради ва маълум вақтдан сўнг девордан ажралиб сув ҳалкимида сузиб, юқорига чиқиб ёрилади.

Сув тўлдирилган идишининг иссиқлик узатиладиган сиртидаги микрёриқлар ва ғадир-будурлар газ пуфакчаларининг пайдо бўлиш мәрказлари ҳисобланади. Иссиқ сиртда пайдо бўлган газ пуфакчалари иссиқлик таъсири ҳисобига тезда катталашиб сиртдан узилади, суюқлик бўйлаб юқорига кўтарилади ва иссиқлик алмашинувини жадаллаштиради. Сиртдан ажралмасдан қолган газ пуфакчалари, ўз навбатида, янги пуфакчаларнинг ҳосил бўлишида манба ҳисобланади.

Иссиқ сиртга бериладиган иссиқлик миқдори ортиб борганида газ пуфакчаларининг ҳосил бўлиши жадаллашади ва маълум температурада суюқлик ва иссиқ сирт ўртасида буғ парда пайдо бўлади. Шундай ҳолат ўринли бўлганда иссиқ сирт билан суюқлик ўртасида буғ пуфакчалари орқали иссиқлик алмашинуви ва буғ ҳосил бўлиши жадаллашади. Лекин, буғ пуфакчаларининг иссиқлик ўтказувчанлиги ёмон бўлганлигидан буғ пардаси иссиқлик алмашинувига тўсқинлик қиласи. Иссиқ сирт температураси жуда кўтарилиб ( $1000^{\circ}\text{C}$ ) кетиши оқибатида аппаратлар ишдан чиқиши мумкин. Шунинг учун буғ парда ҳосил бўлишига йўл қўйилмайди. Бундай ҳолатда, у қозонга келтириладиган иссиқлик миқдорини кескин камайтириш зарур бўлади. Бу эса қозон агрегатига зўр келади. Шунинг учун буғ пуфакчали қайнаш жараёни ўринли бўлишини таъминлаш мақсадида, маҳсус тажрибада аниқланган эмпирик форму-

лалардан фойдаланиб, иссиқлик узатиш коэффициенти  $\alpha$  ҳисобланади.

Масалан, сув буғининг босими 0,1—0,3 МПа оралығыда бўлганда иссиқлик узатиш коэффициентини

$$\alpha = 0,38q^{2,3}p^1 \quad (242)$$

деб қабул қилиш мумкин.

Сув буғидаги  $q$  иссиқлик миқдори бошқа мұхитга узатилганда (үтказилганида) у совиди, натижада конденсация ҳодисаси (буғининг сувга айланниши) устувор бўлади. Бу ҳолат сув буғининг температурасига нисбатан иссиқлик алмаштиргич сирти температураси кичик бўлганда ( $T_{t.b} > T_{n.z}$ ) содир бўлади. Конденсация икки хил — томчисимон ва пардасимон бўлади. Симоб буғи ёки идиш деворини ҳўлламайдиган суюқликларда томчисимон конденсация кузатилади. Идиш деворини ҳўллайдиган суюқликларда пардасимон конденсация ўринли бўлади. Пардасимон конденсация ҳаётда ва техникада кўпроқ учрайди.

Иссиқлик алмаштиргич сиртидаги температура  $T_{n.z}$ , тўйинган буғ температурасига тенг. Конденсацияловчи сирт температураси қанча паст бўлса, конденсатнинг ҳосил бўлиши жадаллашади.

Сув буғининг суюқлика айланыш жараёнидаги иссиқлик алмашинувида иссиқлик узатиш коэффициенти  $\alpha = 5000 \text{ Вт}/\text{м}^2 \cdot \text{К}$  атрофида бўлади. Идиш деворининг юқорисидан пастки қисми томон конденсат (ҳосил булған сув) қалинлиги ортиб боради. Аммо пардасимон конденсация ўринли бўлганда идиш деворининг юқори қисмida иссиқлик узатилиши яхши бўлса, пастки қисмida ёмонлашади. Пардасимон қатламда иссиқлик алмашинуви жадаллашиш ўрнига секин-аста сусаяди, чунки парда қалинлашиб боради.

Конденсатнинг ламинар оқиб тушиш жараёнидаги маҳаллий иссиқлик узатиш коэффициентини В. Нуссельт конвектив иссиқлик алмашинуви учун қўйидагича ифодалаган:

$$\alpha = \sqrt[4]{\frac{\rho q^{2,3}}{4\mu(T_{t.b} - T_g)x}} \quad (243)$$

бунда  $\rho$  — буғ ҳосил бўлиш иссиқлиги,  $\text{кЖ}/\text{кг}$ ;  $\mu$  — молекуляр масса;  $\lambda$  — иссиқлик үтказувчанлик коэффициенти;  $\rho$  — конденсат зичлиги;  $x$  — девор баландлиги;  $T_{t.b}$  — тўйинган буғ температураси;  $T_g$  — девор температураси,  $g$  — конденсат сарфи.

Юқорида таъкидлаганимиздек, конденсат қалинлиги юқоридан пастга томон ортиб боради ва иссиқликнинг узатилиши камаяди. Бундай боғланишларни тик девор учун қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$\bar{z} = \frac{1}{H} \int_0^H z dx = 0.943 \sqrt{\frac{r^2 p^2 g \lambda^3}{\mu (T_{t.b.} - T_g) H}} \quad (244)$$

бунда  $\alpha$  — иссиқлик узатиш коэффициентининг ўртача қиймати;  $H$  — девор баландлиги;  $dx$  — элементар баландлик. Бу тенглик горизонтал жойлашган  $d$  диаметрли қувур учун қуйидагича ифодаланади:

$$\bar{z} = 0.728 \sqrt{\frac{r p^2 g \lambda^3}{\mu (T_{t.b.} - T_g) d}} \cdot \epsilon_T, \quad (245)$$

бунда

$$\epsilon_T = \left[ \left( \frac{\lambda_g}{\lambda} \right)^3 \cdot \left( \frac{\mu}{\mu_g} \right) \right]^{1/8} — \text{тузиш коэффициенти.}$$

## 7.11. Буғ қозонининг иссиқлик баланси ва ФИК

Буғ қозонига бериладиган иссиқлик миқдори сарғланганига тенг, яъни  $q_{кел} = q_{сарғ}$  бўлиши керак. Иссиқлик баланси тенгламаси, одатда 1 м<sup>3</sup> суюқлик ёки газ, 1 кг қаттиқ ёқилгининг мұйтадыл (нормал) шароитда (273,15 К; 0,1030 МПа) ёнган ҳолати учун тузилади. Буннинг учун узатиладиган ихтиёrimиздаги иссиқлик  $q_{и.и}$  тушунчасидан фойдаланилади. Иссиқлик балансининг келтирилган (кирим берилган) қисми дейилганда ҳам  $q_{и.и}$  тушунилади.

Демак, келтирилган иссиқлик миқдори қуйидагилар йиғиндисидан ташкил топади:

$$q_{кел} = q_{и.и} = q_{к}^e + q_{Ф.и} + q_{с.ж} + q_{б.и}, \quad (246)$$

бунда  $q_{к}^e$  — ёқилгининг қуи ёниш иссиқлиги;  $q_{Ф.и}$  — ёқилгининг физик иссиқлиги;  $q_{с.ж}$  — ҳаво иситкичга ва тирқишилардан ўтхонага сүрилган совуқ ҳаво иссиқлиги;  $q_{б.и}$  — буғ иссиқлиги.

Маълумки, бу иссиқлик миқдорларининг ҳар бирини соддалаштирилган ҳолда ифодалаш мумкин, яъни:

$$q_{Ф.и} = C_e T_e; \quad q_{с.ж} = \alpha_{о.ж} V_n C_{ж} \cdot T_{с.ж}; \\ q_{б.и} = g_{б.и} (i_b - 2750), \quad (247)$$

бунда  $C_e$  ва  $C_{ж}$  — ёқилги ва ҳавонинг солиштирма иссиқлик сифимлари;  $T_e$  ва  $T_{с.ж}$  — ёқилги ва совуқ ҳаво-

нинг абсолют температуралари;  $V_n$  — 1 кг ёки 1 м<sup>3</sup> ёқилғининг ёниши учун зарур бўлган ҳавоининг назарий ҳисобланган ҳажми;  $\alpha_{c,x}$  — ортиқча ҳаво коэффициенти;  $g_{b,c}$  — пуфланадиган буғнинг солиштирма сарфи (масалан, ўтхонада мазут ёқилғанда 1 кг мазутга 0,3 кг буғ пуркалади);  $i_b$  — сув буғнинг энтальпияси, кЖ/кг; 2750 кЖ/кг — чиқиб кетаётган аниқ температурали ( $T=400-410$  К) газлар таркибидағи сув буғнинг энталпияси.

Юқорида келтирилган тенгламадаги  $q_k^e$  да  $q_{n,n}$  — иссиқлик миқдорларида ёқилғининг ёниши жараёнида сув буғнинг конденсацияланишида ажраладиган иссиқлик эътиборга олинмаган. Келтирилган баланс тенгламасида ҳавонинг келтирилган иссиқлик миқдори ҳам ҳисобга олинмаганлигига асосий сабаб атмосферага чиқарилиши зарур бўлган иссиқликни ҳаво қайтариб ўтхонага узатади, деб фара兹 қилинади.

Баланс тенгламасидаги  $q_{\phi,n} + q_{c,x} + q_3$  йиғинди  $q_k^e$  га нисбатан жуда кичик бўлганлыги сабабли уларни айрим тақрибий ҳисоблашларда эътиборга олинмаса ҳам бўлади. Унда (216) тенглама қўйидаги кўринишга келади:

$$q_{\text{кея}} = q_{n,n} \approx q_k^e.$$

Қозон агрегатида сувній иситишга, буғланишга ва буғнинг ўта қиздирилиши учун зарур бўлган иссиқлик фойдаланилган иссиқлик миқдори  $q_1$ , қодган иссиқлик миқдорлари ( $q_2 + q_3 + q_4 + q_5 + q_6 = q_{n,\phi}$ ) исроф бўлган иссиқлик миқдори бўлади. Демак,  $q_1 + q_{n,\phi} = q_{\text{ариф}}$  бунда  $q_2$  — тутун газлари олиб чиқадиган иссиқлик миқдори;

$q_3$  — ёқилғининг тўла ёнмаслигилан юзага келадиган исроф;

$q_4$  — механик жиҳатдан тўла ёнмасликка олиб келадиган исроф;

$q_5$  — тутуннинг конвектив йўлларидаги исрофи;

$q_6$  — қозон агрегатидан ташқарига чиқариладиган шлак иссиқлигига ҳисобига бўладиган исроф.

Демак, қозоннинг иссиқлик баланси тенгламасини ўйидагича ёзиш мумкин:

$$q_{n,n}^e = q_1 + q_2 + q_3 + q_4 + q_5 + q_6. \quad (248)$$

Қозонга келтирилган тўла иссиқликни 100% деб олинса,


у ҳолда баланс тенгламасини қойнадагича ифодалаш мүмкін.

$$Q_1 + Q_2 + Q_3 + Q_4 + Q_5 + Q_6 = 100\%. \quad (249)$$

Бұғ қозонидаги иссиқлик балансини схематик\* усул-да тасвирлаш мүмкін (49-расм).

Схематик тасвирдан мағлұмки,  $q_{и,х}$  — иссиқ ҳаво оқимидаги иссиқлик миқдори ёниш маңсулидан олина-диган, ёпиқ контур бўйича ҳаракатланадиган иссиқлик энергиясидир, Албатта, бу иссиқлик тутун газларидан олиниб яна ўтхонага ҳаво орқали қайтади. Бұғ қозони агрегатининг ўзига сарф бўладиган иссиқлик миқдори-ни ҳисобга олмасдан ҳисобланган ФИК қозоннинг брутто ФИК дейилади.

$$\eta_{и,б} = \frac{q_1 \cdot 100}{q_{и,и}} = Q_1 \quad (250)$$



49-расм. Бұғ қозоннинг иссиқлик баланси.

$$\text{еши} \quad \eta_{k,6} = 100 - (Q_2 + Q_3 + Q_4 + Q_5 + Q_6), \quad (251)$$

бунда  $q_1$  — қозон агрегатидаги сув ва буғнинг қабул қилган иссиқлиги (узлуксиз-пуфлаш усули қўлланилган ҳолат учун). Агарда, барабандаги буғнинг бир қисми истеъмолчига узатилиб, буғ тақороран иккинчи марта ўта қиздирилса,  $q_1$  ни қўйидаги ифодадан аниқлаш мумкин:

$$q_1 = \frac{1}{B} \left[ D(i_{g,k,6} - i_{t,c}) + D_{n.c}(i' - i_{t,c}) + D_{r,6}(i'' - i_{t,c}) + D_{n.y,k,6}(i''_{n,6,4} - i'_{n,6,k}), \quad (252) \right]$$

бунда  $D$  — қозон агрегатининг иш унуми;  $D_{n.c.}$ ,  $D_{r,6}$  ва  $D_{n.y,k,6}$  — пуфлашга ишлатиладиган сув, тўйинган буғ ва иккиламчи ўта қиздирилган буғ сарфлари;  $i_{g,k,6}$  ва  $i''$ ,  $i_{t,c}$ ,  $i'$  — ўта қиздирилган ва тўйинган буғ, таъминлаш ҳамда қозон сувиning энталпияси;  $i_{n,6,k}$  — иккиламчи буғнинг киришдаги энталпияси;  $i'$  ва  $i''$  — тўйинган буғ ва қозон сувининг энталпияси  $i''_{n,6,4}$  — иккиламчи буғнинг чиқишидаги ва  $i$  — иккиламчи буғнинг кириш қисмларидағи энталпиялари;  $B$  — ёқилғи сарфи, у қўйидагича аниқланади:

$$B = \frac{D(i_{g,k,6} - i_{n,6,k}) + D_{n.c}(i' - i_{t,c}) + D_{r,6}(i'' - i_{t,c}) + D_{n.y,k,6}}{\frac{q_{n.y} \cdot \eta_{k,6}}{(i''_{n,6,4} - i_{n,6,k})}}. \quad (253)$$

Қозоннинг ФИК (250) баланс тенгламаси натижалари асосида ҳисобланади. Қозон агрегатининг лойиҳадаги ФИК тенглама (251) дан топилади. Бу ҳисоблашларда, албатта  $q_1$  синаладиган лойиҳадаги қозон агрегати учун шунга ўхашларида аниқланган натижалардан олинади.


Замонавий қозон агрегатларининг ФИК 90—95% атрофида бўлиб, улар саноатнинг турли соҳаларини буғ ва сув билан таъминлайди ҳамда буғ турбинаси билан қамкорликда электр энергияси ишлаб чиқаради.

## 7.12. Қозон қурилмаларининг ёрдамчи ускуналари

Бу ускуналарга қаттиқ ёқилғини чангсимон ҳолатга келтириб, уни ўтхонага узатувчи қурилма, сўриш-пуфлаш қурилмаси, тутун газларини зарарли моддалар ( $\text{CO}_2$ ,  $\text{CO}_3$ , кул зарралари)дан тозалайдиган қурилматар (ЦН циклони, батареяли кул туткич, марказдан ёчма ВТИ скруббери, электр фильтрлар) ва қозон қурилмасини автоматик бошқариш ва назорат қилиш ас-

боб-ускуналари киради. Қаттиқ ёнилғини чангсимон ҳолатга келтириб ёқишидан асосий мақсад ёқилғининг тұла ёнишини, уни ўтхонага осон узатилишици ҳамда узатиш миқдориниң турғун сақлашни\* таъминлашдан иборат бўлибгина қолмасдан, оғир ишларнинг асосий қисми механизациялашади ва автоматлашади. Тайёрланган чангсимон ёқилғи тегирмондан тұғри ўтхонанинг горелкасига пуллаш йўли билан узатилиши мумкин (50-расм). Чангсимон ёқилғи тайёрловчи қурилма ҳўл кўмир бункеридан 1, кўмир узаткич 2, очилиб-ёпилиб турувчи тескари клапанлар 3, чангсимон ёқилғи трубаси 4, горелка 5, ҳаво иситкич 6, иссиқ ҳаво трубаси 7, иккиламчи иссиқ ҳаво трубаси 8 ва инерцияли ажратгичли болғаси бор тегирмон 9 дан ташкил топган. Чангсимон ёқилғи зарраларининг ўлчами 40 мкм (микрон) атрофика бўлиб, ҳаво билан таъсирлашувчи ёқилғи сиртинг умумий юзаси майдаланмаганинга нисбатан таҳминан 500 марта катта. Бу эса ёқилғининг тұла ёнишига самарали таъсир кўрсатади ва қозон қурилмасининг тежамли ишлашини таъминлайди.

Утхонада ёқилғининг ёнишидан ҳосил бўлган ёниш маҳсулларини атмосферага ва қурилмадан ташқарига чиқарышда ҳамда ҳавони горелкага узлуксиз бир текис узатиб туришда сўриш-пуфлаш усулидан фойлаланила-



50-расм. Чангсимон ёқилғи тайёрловчи ва уни пуллаш усули билан узатувчи қурилма схемаси.

ди. Ҳавони горелкаларга етказиб беришда ва тутунни атмосферага чиқаришда марказдан қочмә вентиляторлар қўлланилади. Сўриш-пушлаш машиналари мустаҳкам қилиб ишланади, чунки улар узоқ муддат давомида юқори температура:ни (380—420 К) муҳитда ва зарарли газлар аралашмасида ишлади.

Сўриб чиқариш қурилмалари айрим ҳолларда баланд мўрилар билан алмаштирилади.


Қозон қурилмалари атроф-муҳитга ортиқча миқдорда зарарли тутун газлари ва кулни чиқармаслиги учун улар маҳсус ёрдамчи қурилмалар билан жиҳозланади. Ёқилғининг таркибий қисми ўта мураккаб бўлганлигидан уни мутлақо тўла ёқиб бўлмайди. Натижада тутун газлари билан атмосферага заҳарли маргимуш (*As*), фторли бирикмалар, ванадий бирикмалари, азот оксиди, олтингугурт оксиди, карбонат ангидриди ва кул зарралари чиқарилади. Бу зарарли газлар инсоният ва тирик организмга, ўсимликлар, ҳайвонот оламига, санъат обидаларига салбий таъсир кўрсатади.

Ҳар йили жаҳонда органик ёқилғиларнинг ёқилишидан атмосферага ўртача 100 млн. т кул ва 150 млн. т. карбонат ангидрид гази чиқарилади. Масалан, майда антрацит ёқиладиган қуввати 950 т/соат бўлган буғ генератори мўрисидан бир кечаю кундузда 60 тоннагача азот оксиди атмосферага чиқарилади. Шунинг учун қозон қурилмаларининг мўътадил ишлашини таъминлаш мақсадида электрон ҳисоблаш машиналаридан фойдаланилади. Автоматик системаларнинг иши ва қозон қурилмасининг ҳамма параметрлари ЭҲМ ёрдамида таузорат қилиб борилади. Чунки горелкадаги аланганинг ўчиб қолиши оқибатида озгина вақтдан сўнг йифилиб қолган ёқилғининг бирдан ёнишидан авария юз бериши ёки кўпгина асбоб-ускуналар ишдан чиқиши мумкин. Таъминловчи сув етарли бўлмаса экран трубалари деформацияланиши, ҳимоя клапанлари ишламай қолса барaban ёрилиши ва ш. к. ҳолатлар содир бўлиши мумкин.

## VIII б о б. БУҒ ТУРБИНАСИ

### 8.1. Буғ турбинасининг таснифи, тузилиши, ишлаш тартиби ва унда кечадиган термодинамик жараёнлар

Буғнинг иссиқлик энергиясини босқичма-босқич механик энергияга айлантириб берувчи иссиқлик машина-



51-расм. Куракли (а) ва ковшли (б) бүг турбиналары.

Си бүг турбинаси дейилади. Ҳосил қилинган энергия бошқа турдаги энергияга ёки механик энергия (ишга) айлантирилади.

Италиялик олим Д. Бранка бүг турбинаси модели ҳос бўлган бүг фиддирагини 1629 йилда яратган, унг бүг оқимининг кинетик энергияси уйғотган импульс куракли фиддиракни айлантиришга сарфланган.

Эрамиздан олдинги даврда, Герон Александрийски томонидан бүғнинг реакция кучи ҳисобига айланадига шар шаклидаги асбоб яратилган. У «Герон шари» де юритилади. Бранка фиддираги ва Герон шари ҳеч қаеъ да қўлланилмаса-да, улар бүг энергиясини механик энергияга айлантириш мумкинлигини исботлаб бергацлар.

Кейинчалик бүг энергиясини механик энергияга айлантириш бўйича кўпгина олим ва ихтирочилар иш оли бордилар. Масалан, инглиз ихтирочиси Жеймс Уат 1774 й. ишга яроқли бүг машинасини яратди. Ундан оз динроқ 1766 й. бүг машинасининг қисмларини И. И. Ползунов ясаган эди.

Сув бүғнинг кинетик энергиясини механик энергияг айлантириш мумкинлигини швед муҳандиси Г. П. де Лаваль 1888 й. (биринчи бүг турбинаси) исботлади (52-расм, а). Шундай қилиб, бүг турбинаси яратилганда сўнг, уни такомиллаштириш тадқиқотлари ривож топди. Натижада бир, икки, уч ва кўп босқичли бүг турбиналари яратилди (52-расм).


Бүғнинг потенциал энергиясини (Бранка ва де-Лаваль услубига асоссан) механик энергияга айлантирувчи бүг турбинаси актив турбина дейилади. Бүг

нинг потенциал энергияси буғнинг соплода, йўналтирувчи аппаратда ва кураклар оралиғида тез қенгайишидан унинг кинетик энергиясиңиг ортиши ҳисобига ишлайдиган буғ турбинаси **реактив** турбина дейилади. Реактив турбинани 1884 й. инглиз мұхандиси Парсонс яраттган, ушинг қуввати 10 от кучига (18 минг айл/мин) тенг эди.


Кейинчалик буғ турбиналарининг номинал қуввати 60 МВт, босими 12,8 МПа га етказилган, у күлчилек иссиқлик электр станцияларыда құлланилади. Замонавий турбиналарнинг қуввати 1200 МВт дан ишлаб кетган. Турбина роторининг айланишлар сони 2000—50000 айл/мин оралиғида.

**Буғ турбиналаридан кечадиган иссиқлик жарабайларининг турига күра, уларин құйидаги гуруұлтарға бўлиш мумкин.**


Конденсацион турбиналар (босими ростланадиган ва



52-рәм. Урта қувватдаги реактив буғ турбинаси кесимменинг схематик тасвири.



*a*



*b*

53-расм. Актив буг турбиналарнинг схематик тасвири: *a* — бир босқичли де-Лаваль турбинаси; *b* — икки босқичли турбина.

**ростланмайдиган) ва қарши босимли турбиналар. Уларнинг актив ва реактив турлари бўлади.**

Конденсацион турбиналарда иш бажаріб бўлган буғниң босими атмосфера босимидан кичик бўлади ва буғ конденсаторда тўлиқ сувга айланади. Конденсация вақтида чиқарилган иссиқлик миқдори иссиқлик алмашинуви усули билан системадан ташқарига тўлиқ чиқарилади, яъни бошқа мұхитга узатилади.

Иссиқлик алмашинуви асбоблари сифатида регенерация усулида ишлайдиган аппаратлар қўлланилади, яъни қозонга узатиладиган совуқ сув турбинада ишлатиб бўлинган буғ билан иситилади.

Босими ростланадиган конденсацион буғ турбиналарига йўналтирилайдиган буғниң маълум қисми тўғри саноат марказларига ва аҳоли яшайдиган жойларга юборилади.

Қарши босимли буғ турбиналарида эса ишлатилиб бўлган буғниң қолдик иссиқлигидан ишлаб чиқаришда ва иситиш тармоқларида ишлатилади.


Буғ турбиналари бир, икки ва кўп босқичли ҳамда мос равишда наст, ўртача ва юқори босимли бўлади.

Буғ турбинаси, буғни ҳалқасимон киритилиш камераси 1, енгиллаштириш поршени 2, бирлаштирувчи буғ трубыси 3, ротор барабани 4, иш кураклари 5 ва 8, йўналтирувчи кураклар 6 ва 9, тана 7 дан ташкил топган (52-расм). Буғ турбинаси компрессорга ниҳбатан тескари жарабошли иссиқлик машинаси бўлиб, стационар (иссиқлик электр станцияларида) ва кўчма (кемаларда) ҳолида ишлатилади. Шунингдек, буғ турбинаси катта қувватдаги марказдан қочма ҳаво ҳайдагичлар, компрессорлар ва насосларни ишлатишда асосий куч манбани ҳисобланади. 53-расмда бир босқичли де-Лаваль ҳамда икки тезлик босқичли актив буғ турбиналарининг схематик тасвири келтирилган. Расмдан кўриниб турибдики, актив буғ турбинаси вал 1, кураклар 5, маҳкамланадиган диск 2, буғниң кириш канали ҳисобланган сопло 3, турбина танаси 6 ва босқичли турбиналарда эса қўшимча йўналтирувчи кураклар 4 дан ташкил топган. Иш бажарувчи куракларда иссиқликнинг пасайиши  $\Delta i_k$  ни маълум тезликка мос келувчи имконияти бўлган иссиқликнинг пасайиши  $\Delta i_u$  га нисбати билан ўлчанадиган катталик буғ турбинаси босқичининг асосий тавсифи бўлиб ҳисобланади ва у **босқич реактивлиги дейилади:**

$$\Omega = \frac{\Delta t_k}{\Delta t_n}. \quad (254)$$

Агар  $\Omega=0$  бўлса, имконияти бўлган иссиқлик пасайишининг ҳаммаси, яъни босимишнинг ўзгариши, соплома тезлик босими ( $C_2 - C_1$ ) га айланади. Бундай жараён актив буг турбинаси куракларида содир бўлади. Буғ оқими турбина бўшлиғидай босқичма-босқич оқиб ўтишида унинг тезлиги, босими, температураси ўзгаради (51-расм). Агар  $\Omega=1$  бўлса, унда имконияти бўлган иссиқликнинг пасайиши фақат турбина куракларида юз беради. Бундай жараён ўринли бўлганида турбина реактив дейилади.

Одатда, реактив турбиналарни қуриш анча мураккаб. Шунинг учун комбинациялаштирилган турбиналар қурилади. Де-Лаваль томонидан яратилган турбина ҳам битта актив босқичдан иборат бўлган.



51-расм. Турбина босқичидан буг оқимининг ўтиш кинематикаси.

Турбинанинг актив босқичида буғ бирданинг бир ё бир неча сопло 3 га йўналтирилади. Сопиода буғ ўзининг тезлигини маълум даражада орттирганидан кейин иш кураклари 5 га бориб урилади ва ўз импульсини беради. Иш бажариб бўлган буғ чиқариш трубаси орқали чиқарилади. Турбина танаси 6 ичидаги вал 1 га куракли ротор 2 ўрнатилган. Буғнинг ташқарига чиқиб кетишидан сақлаш мақсадида куракли ротор махсус лабиринт валининг боши ва охирига ўрнатилган. Де-Лаваль турбинасида, буғ битта босшичда ишлаганилиги сабабли, унинг тезлиги кураклардан чиқишида ортади. Масалан, киришдаги босими 1 МПа, температураси 780 К бўлган буғнинг ишлаши натижасида унинг босими 10 кПа га тушади. Бунда иссиқлик 980 кЖ/кг гача пасаяди. Бу турбина куракларидан буғ зарраларининг 1400 м/с тезлинида учиб чиқишига тўғри келади.

Демак, турбина ротори дискининг гардишидаги тезлиги 700 м/с бўлиши талаб этилади. Чунки гардишдаги айланма тезлик буғнинг оқиб чиқиш тезлигининг ярмига тенг бўлганда турбина юқори ФИК эга бўлади. Лекин турбина деталлари бундай тезликка бардош бера олмайди. Тақрибан 300 м/с атрофидаги тезлик турбина учун зўриқишиларни уича уйғотмайди. Шу сабабли асосан актив турбина ўз даврида кўироқ кўлланилган, чунки актив турбина куракларига иш буғи йўналтирилгунга қадар, унинг кенгайиши ҳисобига температураси анча пасаяди. Албатта, актив турбина кураклари сонини орттириш ва йўналтирувчи куракларни кўллаш йўли билан унинг ФИК ий кўтариш мумкин.

Замонавий, кўп босқичли буғ турбиналарининг биринчи босқичида иккى чамбаракли Кертис дискидан фойдаланилади. Иккى чамбаракли Кертис дискининг ўрта қисми очиқ бўлиб, уни турбина танасида (статор) жойлашган йўналтирувчи кураклар тўлдиради ва буғни куракларга бўриб йўналтириб узатиш вазифасини бажаради. Бундай усул қўлланилганда турбинанинг ФИК ортади.

Актив турбиналар босим босқичли, тезлик босқичли ҳамда аралаш (ҳам босим ва ҳам тезлик) босқичли турларга бўлинади. Босқичлар оралиғи диафрагма билан ажратилган. Иш кураклари ўрнатилган диск ягона умумий валга мәҳкамланган.

Буғ турбиналарининг ҳаммасига ҳам босим остидаги юқори температурали буғ сопло орқали киритилади.

Күндаланг кесими  $S$  бўлган соплага киришидаги буф босими  $P_1$  бўлса, ундан (сопло, турбина қураклари) ўтатиганда ҳажмининг кенгайиши ҳисобига буф зарраларининг тезлиги ортади ва босими  $P_2$  гача тушади. Буф зарраларининг бошлангич тезлигини  $C_0$ , охирги босим  $P_2$  га мос келувчи тезлигини  $C_1$  деб қабул қилинади. Буғнинг сопло ва қураклардан ўтиш давридаги кенгайиш жараёнини адиабатик жараён деб қараш мумкин. Чунки буф узатувчи труба ва турбина қуракларига ташқаридан иссиқлик миқдори узатилмайди ҳамда труба деворларидан ташқарига чиқариладиган иссиқлик ҳисобга олинмайдиган даражада кичик бўлади. Шунинг учун  $dq=0$  деб олиш мумкин.

Маълумкӣ, адиабатик жараён тенгламаси:

$$PV^k = \text{const.}$$

бунда  $k$  — ашабатка карсаткич бўлиб, унинг қиймати тур. и хил ҳолатлардаги газ ва буғлар учун ўзгаради. Масалан, мұлтадил температурадаги газ учун  $k=1,4$ ; ўта қиздирилган, тўйинган қуруқ ва тўйинган нам буғлар учун мос равишда  $k=1,3$ ;  $k=1,135$  ва  $k=1,035$ — $-0,1$   $x$  бўлади ( $x$  — буғнинг қуруқлик даражаси).


Буғнинг адиабатик кенгайиши  $PV$  диаграммадан кўринниб турибди, буф кенгайиши жараённада унинг ҳажми  $V_1$  дан  $V_2$  гача ва босими  $P_1$  дан  $P_2$  гача ўзгарибгина қолмасдан, мос равишда унинг температураси, энтропияси ҳам ўзгаради (55-расм).

Демак, буғнинг бундай кенгайишида унинг термодинамик параметлари ўзгарувчан бўлганлигидан у иш бажаради. 1 кг буғнинг эгаллаган  $P_1 AB V_2 OP_1$  юзаси босимнинг потенциал энергияси бўлиб, сон қиймати жиҳатидан буғнинг кинетик энергиясига тенг. Чунки буф соплодан кейин турбина қуракларидан оқиб чиқиши жараённада тезлигини бирор  $C_0$  дан  $C_1$  гача ўзғартираади. Бу кинетик энергиянинг ўзгаришини қўйидагича ифодалаш мумкин:

$$\frac{C_1^2}{2g} - \frac{C_0^2}{2g} = S_1, \text{ яъни } S_1 = P_1 AB V_2 OP_1. \quad (255)$$

Буғнинг адиабатик кенгайишида бажарган иши  $ABV_2V_1A$  юза  $S_2$  га сон қиймати жиҳатидан тенглиги асосида адиабатик жараён тенгламаларидан фойдаланиб тенглама (255) ни қўйидагича ифодалаш мумкин:

$$S_1 = \frac{1}{\kappa - 1} (P_1 V_1 - P_2 V_2). \quad (256)$$



55-расм. Бугшинг сөзіб чиқпаш жарёни PV диаграммасы.

Бүгнинг соплога оқиб кириш тезлиги анча кичиктігінің, яғни  $C_0=0$  эканлығының эътиборга олсак, у ҳолда

$$\frac{C_1^2}{2g} - P_1 V_1 - \frac{1}{\kappa-1} (P_1 V_1 - P_2 V_2) = P_2 V_2 \quad (257)$$

Чунки

$S = P_1 ABDP_1$ ;  $S_1 = P_1 AV_1 OP_1$ ;  $S_2 = ABEV_2V_1A$ ;  $S_3 = DBEV_2P$  бўлганлиги асосида юзаларнинг алгебраик йигиндиси қўйидагича ифодаланади:

$$S = S_1 + S_2 - S_3. \quad (258)$$

Демак,

$$S_1 = P_1 V_1; S_2 = \frac{1}{\kappa-1} (V_1 P_1 - V_2 P_2); S_3 = P_2 V_2.$$

Юқорида келтирилган тенгламани соддалаштириб ҳосил қиласиз:

$$\frac{C_1^2}{2g} = \frac{P_2}{\kappa-1} (P_1 V_1 - P_2 V_2). \quad (259)$$

Адиабатик жараёндан маълумки, ҳажмлар нисбатларига оид қўйидаги тенгламадан:

$$P_1 V_1^\kappa = P_2 V_2^\kappa \text{ ёки } \frac{V_2}{V_1} = \left( \frac{P_1}{P_2} \right)^{\frac{1}{\kappa}}$$

Фойдаланиб жараёнда қатишаётган буғнинг кенгайишидаги кинетик энергиясини қўйидагича ифодалаш мумкин:

$$\frac{C_1^2}{2g} = \frac{k}{k-1} \cdot P_1 V_1 \left[ 1 - \left( \frac{P_2}{P_1} \right)^{\frac{k-1}{k}} \right]. \quad (260)$$

Охирги тенглик (260) дан буғ заррасининг учиб чиқиш тезлигини топамиз:

$$C_1 = \sqrt{2g \cdot \frac{k}{k-1} \cdot P_1 V_1 \left[ 1 - \left( \frac{P_2}{P_1} \right)^{\frac{k-1}{k}} \right]}, \quad (261)$$

Буғ турбинасининг маълум вақт давомида сарфлаган буғ миқдори ишлатилиб бўлинган буғнинг солиштирма оғирлигига, буғ оқиб чиқадиган қувур кесимнинг юзасига ва буг оғими тезлигига боғлиқ:

$$G = S_{V_2} C_2 = S \frac{C_1}{V_2}. \quad (262)$$

Сарф тенгламасига  $V_2$  ва  $C_1$  кийматларини қўйиб, уни соддалаштириб, қўйидагини ҳосил қиласмиш:

$$G = \sqrt{2g \frac{k}{k-1} \cdot \frac{P_1}{V_1} \left[ \left( \frac{P_2}{P_1} \right)^{\frac{2}{k}} - \left( \frac{P_2}{P_1} \right)^{\frac{k+1}{k}} \right]}. \quad (263)$$


Сарф тенгламасига  $V_2$  ва  $C_1$  кийматларини қўйиб, мумкин: агар  $P_2/P_1 > 1$  шарт бажарилса, у ҳолда ташқи босим  $P_2$  ички босим  $P_1$ дан катта бўлади, яъни буғ оқиб чиқмайди; агар  $P_2/P_1 = 1$  бўлса, у ҳолда  $G = 0$  бўлади ва нисбат  $P_2/P_1$  нинг камайиши билан  $G$  ортиб боради; агарда  $P_2/P_1 = 0$ , яъни  $P_2 = 0$  бўлса, у ҳолда турбинадан ташқарида абсолют бўшлиқ ҳосил бўлиши мумкин. Демак, сарф  $G = 0$  бўлади. Лекин, мантиқан таҳлил қилинса, бундай бўлиш эҳтимоллиги йўқ. Чунки турбинадан ташқаридаги босим йўқ даражада бўлганда, буғ албатта жуда катта тезликда оқиб чиқиши керак. Аммо назарий жиҳатдан қаралса, буғ ташқарига оқиб чиқа олмасдан унинг сарфи нолга яқинлашади. Бундай бўлиши учун ташқи босим турбинада иш бажараётган буғ босимидан катта бўлиши керак. Амалий тажриба натижалари шуни кўрсатадики, маълум шартлар бажарилганда, яъни  $P_2/P_1 = 1$  ва  $P_2/P_1 = 0$  бўлганда, сарф нолга тенг бўлган қийматлар қабул қилинади. Лекин, бу нолга тенг қийматлар оралиғида, албатта ҳеч бўлмаганида,

Битта энг катта қийматни қабул қилиши керак (56-расм). Келтирилгандык график шаклидаги тасвир  $P_2/P_1$  нисбатта ассоланган сарфнинг ўзгариш қонуияти бўлиб, у тўнкарилган қозон кесими шаклида бўлади. Тасвирдан кўриниб турибиди,  $P_2/P_1$  нисбат қиймати яримга тенг бўлганда сарф энг юқори бўлар экан. Лекин, графикнинг  $tk$  қисми тажрибада тасдиқланса-да,  $OK$  бўлаги ўз исботини топмаган. Бу зиддиятни аниқлаш учун Ванцел ва Сен-Венан томонидан гипотеза таклиф этилган: чиқиш кесимидағи газ ёки буғ босими ҳамма вақт ҳам ташқи муҳит босимиға тенг бўла олмайди. Демак, турбина соплосининг чиқиш қисмидағи  $P_2$  босим маълум қийматларгача ташқи муҳит босимиға тенг бўлса-да, ташқи муҳит босими пасайганида  $P_2$  шунг қиймати ҳам пасайиб боради. Чунки буғнинг оқиб чиқиш тезлиги ортиб кетади ( $tk$  нуқталар орални) ва маълум критик қийматга эришади. Лекин, ташқи муҳит босими ни яна ҳам пасайтириб борганимизда, график юқорига қараб ўсмайди, яъни  $P_2$  ортмайди ва  $OK$  чизиги бўйлаб ўзгармасдан қолади. Натижада  $G = \text{const}$  бўлади.

Критик ҳолат ( $k$  нуқта) учун сарф тенгламасини  $P_2 = P^k$  бўлганлиги учун қўйидагича ёза оламиз:

$$G = S \sqrt{2 \frac{k}{k-1} \cdot \frac{P_K}{V_1} \left( \frac{P_K}{P_1} \right)^{\frac{1}{k}} - \left( \frac{P_K}{P_1} \right)^{\frac{k-1}{k}}} \quad (264)$$

Радикал остидаги ўзгарувчи қиймат (катта қавс ичида-ги) юқори бўлгандагина буғ сарфи энг катта қийматга эришади. Радикал остидаги ўзгарувчидан биринчи да-



56-расм. Буғ сарфнинг тезликлар нисбатига боғлиқлик график.

ражали ҳосила олиб ва уни нолга тенглаштириб сүнгра тенглик ҳосил қилингандан кейин унинг ҳар иккала

• 13-жадвал

Буғ ёки газ номи	$\kappa$	$P_k P_1$	$\alpha$	
Тўйинган қуруқ буғ	1,135	0,577	3,23	1,990
Ута қиздирилган буғ	1,30	0,546	3,33	2,090
Атмосфера ҳавоси	1,40	0,528	3,38	2,145

қисмини ҳам  $(k+1) \cdot \left(\frac{P_k}{P_1}\right)^{\frac{2-k}{k}}$  га бўлиб ҳосил қиласиз:

$$\frac{2}{k-1} = \left(\frac{P_k}{P_1}\right)^{\frac{k-1}{k}}$$

Бундан

$$\frac{P_k}{P_1} = \left(\frac{2}{k-1}\right)^{\frac{k-1}{k}} \quad (265)$$

бўлади.

Бу тёнглик критик ва бошлангич босимлар нисбатининг қиймати бўлиб, унга мос келувчи энг юқори сарф  $G$  ни ифодалайди. Демак, ташқи муҳитдаги босим  $P_2$  босим  $P_1$ дан катта, яъни  $P_2 > P_1$  бўлган ҳамма ҳолатларда турбинанинг чиқариш кесимидағи газ ёки буғ оқимининг босими ташқи муҳит босимига тенг бўлади ва сарф критик қийматга етмайди. Аксинча, яъни  $P_2 < P_1$  бўлганда, чиқариш кесимидағи газ ёки буғ оқимининг босими ташқи муҳит босимига тенг бўлади ва оқим тезлигининг қиймати ортади ҳамда юқори сарф  $G_{\max}$  таъминланади.

Агарда, ҳисоблашларда критик тезлик  $C_k$  ни ва сарфни аниқлаш зарур бўлса, юқорида келтирилган  $C_1$  ни аниқлаш ифодаси (261) даги  $P_2/P_1$  ўрнига  $P_k/P_1$  қийматни охирги тенглик (265) дан олиб қўйилади ва айрим алмаштириш ҳамда ўзгартиришлардан сўнг  $C_k$  ва  $G_{\max}$  ифодаси ҳосил қилинади:

$$C_k = \sqrt{2g \frac{k}{k-1} P_1 V_1};$$

$$G_{\max} = S \sqrt{2g \frac{k}{k+1} \left( \frac{2}{k+1} \right)^{\frac{2}{k-1}} \cdot \frac{P_1}{V_1}}. \quad (266)$$

Бу тенгламаларни яна ҳам соддалаштириш учун айрим коэффициентлар билан радикал остидаги ўзгармас кўпайтиувчилар алмаштирилиб улар илдиз остидан чиқарилади:

$$C_2 = \alpha \sqrt{P_1 V_1}, \quad G_{\max} = S \cdot \beta \sqrt{\frac{P_1}{V_1}}. \quad (267)$$

Буг ёки ҳаво учун критик ҳолатдаги коэффициентлар юқоридаги 13- жадвалда келтирилган. Жадвалдан кўриниб турибдики,  $P_k$  тақрібан боштанғич  $P_1$  нинг ярмига тенг, яъни  $P_k = P_1/2$ .

## 8.2. Буг турбинасидаги истрофлар

Икки хил ички ва ташқи истрофлар бўлади. Ички истрофларга қўйидагиларни киритиш мумкин:

а) сопло ва иш кураклари деворларига буг оқими-нинг ишқаланиши, уормалар ҳосил бўлиши натижасида оқимнинг кинетик энергияси истрофи. Ишқаланишсиз оқимга нисбатан бу энергия жараёш охирида иссиқлик энергиясига айланаб, иш бугини орттиради;

б) иш бажариб бўлгани буғнинг оқиб чиқишида тезликинг камайиши ҳисобига кинетик энергия истрофи;

в) иш кураклари ва турбина танасининг ички деворлари ҳамда дифрагма ва вал оралигидаги тирқишлардан иш буғнинг оқиб ўтиши ҳисобига бўладиган истрофлар;

г) буғнинг намлиги ҳисобига, турбинанинг охирги босқичида сув томчилари куракларга урилиб роторнинг айланishiiga қаршилик кўрсатиши натижасида пайдо бўладиган истрофлар.

Ташқи истрофларга қўйидагиларни киритиш мумкин:

а) турбина танасининг икки елкасида, яъни вал таянадиган нуқталарида мавжуд бўлган тирқишлардан иш буғнинг сирқиб чиқиши ҳисобига бўладиган истрофлар ташқарига сирқиб чиқсан буғ турбина кўрсаткичларига кучли салбий таъсир кўрсатмаса-да, буғнинг сарфини орттиради;

б) турбина ротори елкаларидаги подшипниклардаги ишқаланишни енгишга ва ёрдамчи механизмларни юритишга сарфланадиган энергия ҳисобига бўладиган механик истрофлар.

### 8.3. Буғ турбинаснинг қуввати ва ФИК

Иссиқлик двигателларидан буғ турбинаси ичи ҳам куракларда уйғотилган индикатор (ички) ва ротор валида ҳосил бўлган эффектив қувватлар орқали ифодаланади. Маълумки, турбинанинг эффектив қуввати  $N_{\text{эф}}$  унинг индикатори  $N_i$ , қувватидан механик истрофлар қиймати катталигича кичик бўлади.

Индикатор (ички) қуввати эса истрофсиз ишлайдиган турбина қувватидан ички истрофлар қиймати катталигича кичик бўлади.

Буғ турбинаси шешибий индикатор ФИК ни, унинг ички истрофлари ҳисобга олинганда, қўйидагича ифодалаш мумкин:

$$\eta_i = \frac{N_i}{N_0} \quad (268)$$

Худди шунга ўхшаш механик истрофлар ҳам ҳисобга олинадиган механик, яъни турбина валидаги (эффектив) қувватини ички қувватга нисбати билан ўтчандаган, ФИК қўйидагича ифодаланади:

$$\eta_{\text{ex}} = \frac{N_{\text{эф}}}{N_i}. \quad (269)$$

Замонавий буғ турбиналарининг  $\eta_i$  ва  $\eta_{\text{ex}}$  мос равиша 0.7—0.88 ва 0.99—0.995 атрофида бўлади.

Ҳозирги пайтда ишлаб чиқаришда электр, иссиқлик энергияларининг қўлтанилиши кун сайин ортиб бормоқда. Чунки мукаммаллашган технологик услубларсиз тақомиллашган саноат ишлаб чиқаришини тасаввур этиш қийини.

Демак, буғ турбиналарини қуриш ва уларнинг энг қулай конструкцияларини қуввати бўйича танлаш дол зарб масалалардан бирни бўлишига асосий сабаб, бу иссиқлик машиналарини ишлатиш осон, катта қувватларни олиш мумкин ҳамда экологик жиҳатдан тоза ҳисобланади. Замонавий буғ турбиналарининг паст қувватларини қуриш ҳар томонлама мақсадга мувофиқ эмас. Шунинг учун катта қувватдаги кўп босқичли буғ турбиналари қурилади.

Буғ турбина ва қозон қурилмаси блоклари системасининг иқтисодий самарадорлигини ортиришда қуввати 300 МВт дағ ортиқ бўлган буғ турбиналарини қуриш

техник жиҳатдан мақсадга мувофиқдир. Шу сабабли, ҳозирги вақтда қуввати 300, 500, 800, 1200 МВт бўлган турбиналар қурилмоқда. Бундай қувватдаги турбиналарга узатиладиган иш буғи температураси  $T=800$ — $850$  К, босими  $P=23,5$ — $25,5$  МПа атрофида бўлади. Иш бажариб бўлган буғ температураси  $300$ — $400$  К, босими  $3$ — $7$  кПа атрофида бўлади.

## IX. 606. ГАЗ ТУРБИНАСИ

### 9.1. Газ турбинасининг таснифи, тузилиши ва ишлаш тартиби


Юқори босим ва температура остидаги ёниш маҳсули (газ) энергиясини кураклар ёрдамида ротор валишинг механик энергиясига айлантирувчи иссиқлик машинаси газ турбинаси дейилади. Актив ва реактив газ турбиналари бўлади.

Газ турбиналари газ двигателларига мансуб бўлиб, иш моддасининг ёқилиш услубига кўра  $V=\text{const}$ ,  $P=\text{const}$  ва аралаш ҳамда босқичли бўлади.

Газ турбинаси сопло аппаратининг кетма-кет жойлашган кўзгалмас (йўналтирувчи) курак тожлари ва унинг оқим кесимини ҳосил қиласидиган иш гилдирагининг айланувчи тожларидан ташкил топган (57-расм).

Газ турбинаси вал 1, статорда жойлашган сопло аппаратининг йўналтирувчи кураклари 2, турбина диски (лаппак) 3 ҳамда роторининг иш кураклари 4дан ташкил топган. Сопло аппаратининг йўналтирувчи кураклар билан роторга ўрнатилган иш кураклари турбина босқичини ташкил қиласиди. Одатда газ турбиналари кўп босқичли бўлиб, қуввати 100 МВт дан катта бўлади.

Газ турбинаси газ




57-расм. Бир босқичли газ турбинаси.

турбиналари қурилмаларининг асосини ташкил этади ва иссиқлик энергиясини механик энергияга айлантиришда кенг қўлланилади. Газ турбиналари ҳам буғ турбиналаридай бўлиб, фақат уларда буғ ўрнига ёниш маҳсулоти — тутун асосий иш жисми ҳисобланади. Газ турбинасида газ зарраларининг кинетик энергияси механик энергияга (ҳаракат миқдорининг сақланиш қонунига мувофиқ) айланади. Тутун газлари босимининг потенциал энергияси соплода кинетик энергиянинг ортишига олиб келса, кинетик энергия роторнинг механик энергиясига айланади.

## 9.2. Газ турбиналари қурилмалари ва уларнинг циклидаги термодинамик жараёнлар

Газ турбинасининг таркибий қисми ёниш камераси б. ёниш маҳсулоти оқимидағи иссиқлик энергиясини механик энергияга айлантирувчи газ турбинаси 2, атмосфера ҳавосини сўриб ва сиқиб узатувчи компрессор 3, ёқилғи насоси 5 ва бак 4, электр генератори 1, сопло 11, ёниш камераси 9 ва бошқа ёрдамчи қисмлардан ташкил топган (58- расм). Тузилиши ва ёқилғининг ёқилиш услубига кўра, газ турбинаси қурилмаси ( $\Gamma\mathrm{T}\mathcal{K}$ ) таркибиغا электр свеча, иш моддаси (ҳаво ва ёқилғи) ни ёниш камерасига киритиш ҳамда ёниш маҳсулини камерадан чиқа-



58-расм. Ёқилғи  $P=\text{const}$  бўлганда ёқиладиган  $\Gamma\mathrm{T}\mathcal{K}$ нинг схемаси: 1 — электр генератор; 2 — газ турбинаси; 3 — ҳаво компрессори; 4 ва 5 — ёқилғи баки ва насоси; 6 — ёқилғи трубаси; 7 — форсунка; 8 — сиқилган ҳаво трубаси; 9 — ёниш камераси; 10 — ёниш маҳсулти оқимили йўналтирувчи аппарат; 11 — газ турбинаси кураклари; 12 — сопло.

риш клапанлари, регенерация бўлмаси, бирламчи ва иккиламчи босқичли ёниш камералари ҳамда турбиналари, шуунингдек, иккиламчи компрессор киради. ГТҚ ларда иш моддасини ёкиш услубига кўра  $V=\text{const}$ ,  $P=\text{const}$  ва аралаш босқичли бўлади. ГТҚ ларда ёқилги сифатида табиий газ, тозаланган кокс, домна ва генератор газлари, махсус дизель ва соляр мойлари ишлатилади.

Газ турбинаси қурилмасидаги турбина, электр генератори, ҳаво компрессори ва ёқилги насоси ягона умумий валда жойлаштирилади. Иш ёқилгисининг  $V=\text{const}$  да ёнадиган ГТҚ циклидаги термодинамик жараёнларни қараб чиқамиз (58-расм. Давоми). Атмосфера ҳавосин компрессор 3 га сўрилиб унда сиқилади ( $PV$  диаграммада 1 ва 2 нуқталар оралиғи) ва аниқ параметрга ( $T$ ,  $P$ ,  $V$ ) эга бўлгандан сўнг аввал ҳавони киритиш, кейин ёқилгини киритиш клапанлари очилиб ёниш камерасига мос равишда, сиқилган ҳаво ва ёқилги узатилади. Шунда ҳосил бўлган иш ёқилгисига ташқаридан  $q_1$  иссиқлик миқдори киритилади, яъни свёча контактлари орасида электр учқуни чақнайди. Шу электр учқуни  $q_1$  иссиқлик манбаи ҳисобланади ва иш ёқилгисини ёндиради. Бу ёниш натижасида ёниш камерасидаги босим кескин ортади ( $PV$  — диаграммада 2 ва 3 нуқталар оралиғи). Иш ёқилгиси тўла (камида 95%) ёнгандан сўнг, унинг температураси 2300 К га кўтарилади, шунда ёниш камерасидаги босим энг юқори қийматга етади. Ана шундагина ёниш маҳсулотини газ турбинаси куракларига йўналтирувчи каналда жойлашган чиқариш клапани очилади. Шунда ёниш маҳсулоти температурасини 1000—1400 К гача пасайтириш мақсадида унга махсус йўллар орқали совуқ ҳаво узатилади (чунки газ турбинаси ўта юқори температуранарга чидамайди). Ҳосил бўлган аралашма катта босим остида турбина куракларига таъсир кўрсатиб, унинг роторини айлантиради, яъни иссиқлик энергияси механик энергияга айланади. Демак, ёниш маҳсулоти ташқаридан иссиқлик энергиясини олмаган ҳолда, яъни  $dq=0$  да турбинада адабатик кенгайиб ( $PV$  диаграммада 3 ва 4 нуқталар оралиғи) иш бажаради. Газ турбинасида иш бажариб чиқсан ёниш маҳсулоти сопло орқали атмосферага чиқарилади. Система ўзининг мувозанат ҳолатига, атмосферага чиқарилган ёниш маҳсулотидаги қоъдиқ иссиқлик миқдорини совиткичга (атмосферага) узатиб бўлгандан сўнг қайтади ( $PV$  — диаграммадаги 4 ва 1 нуқталар оралиғи). Цикл такрорланади.

Демак, ГТҚ да ўтадиган циклга  $V=\text{const}$  остида иссиқлик берилганды, у иккита адабатик ( $1-2$  ва  $3-4$  нүқталар оралиғи), битта изохора ( $2-3$  нүқталар оралиғи) дан ұамда битта изобара ( $4-1$  нүқталар оралиғи) дан иборат бўлган термодинамик жараёнлардан ташкил топар экан.


Циклнинг бажарган фойдали иши  $1-2-3-4-1$  нүқталар билан чегараланган юзага сон қиймати жиҳатдан тенг.

Циклнинг  $TS$  — диаграммасидан кўриниб турибдники, системанинг энтропияси иш мөддаси ўзгармас ҳажмда ёнганды ва ўзгармас босимда тўла кенгайганды, ўзгарувчан бўлади. Бунга асосий сабаб термодинамик система га ташқаридан иссиқлик миқдори  $q_1$  киритилади ва ундан иссиқлик миқдори  $q_2$  совиткичга (атмосферага) чиқарилади.


Демак термодинамик системадан иссиқлик чиқарилганида ёки унга киритилганида система энтропияси ва абсолют температураси ўзгарувчан бўлади.

ГТҚ келтирилгани тўла иссиқлик миқдорини ишга айлантириш мураккаб физик ва қимёвий, газодинамик ва термодинамик жараёнларда кечадиган ҳодисаларга боғлиқ бўлиб, уларниң ҳаммасини ҳисобга олиш жуда қийин ва аниқ тажрибалар натижаларини эътиборга олиш зарур бўлади.

Шунинг учун соддалаштириш мақсадида жараёнларни ва унинг иш жисмини идеаллаштириб қабул қилинади. Иссиқлик машиналари цикли таҳлил қилинса, уларда кечадиган жараёнлар шартли цикл қисмларидан



58-расм. Даюми. Иссиклик  $V=\text{const}$  бўлганды узатиладиган ГТҚ циклидаги термодинамик жараёнларнинг  $PV$  ва  $TS$  диаграммалари.



59-расм Иссиклик күч машиналарининг умумлашган термодинамик циклининг  $PV$  ва  $TS$  диаграммалари.

ташкыл топади ва уларнинг диаграммалари  $PV$  ва  $TS$  координаталарда ифодаланади. Циклинг термик ФИҚ ни аниқлашда умумлаштирилган цикл диаграммаларидан фойдаланилади. Масалан, иш жисмининг сиқилиши адиабатик жараён ( $dq=0$ ) деб қабул қилинади. Иш жисмига иссиқлик миқдори ( $q$  ва  $d_1'$ )  $V=\text{const}$  ёки  $P=\text{const}$  бўлганда ҳамда кетма-кет аввал изохорик, кейин изобарик жараёнларда келтирилади деб қаралади. Иш жисмининг иш бажариши учун унинг кенгайиши адиабатик ( $dq=0$ ) жараён деб қаралади. Қолдиқ иссиқлик миқдори  $q_2$  иш жисмидан  $V=\text{const}$  бўлган ҳолатда чиқарилади. Тўлалигича иш жисмидан чиқмасдан қолган иссиқлик миқдори ( $q_2'$ )  $P=\text{const}$  бўлганда ундан чиқарилади, деб фараз қилинади.

Умумлашган цикл параметрлари тавсифи қўйидагича белгилаб олинади (59-расм):

$$\varepsilon = \frac{V_1}{V_2} \text{ — сиқиш даражаси;}$$

$$\lambda = \frac{P_3}{P_4} \text{ — босимнинг ортиш даражаси;}$$

$$\rho = \frac{V_1}{V_2} \text{ — ҳажмнинг дастлабки кенгайиши даражаси;}$$

$$\lambda_p = \frac{P_5}{P_6} \text{ — босимнинг пасайиши даражаси;}$$

$$\varepsilon_v = \frac{V_5}{V_6} \text{ — ҳажмнинг қисқариши даражаси.}$$

$q_1 = q_1' + q_1''$  — умумлашган циклдаги 1 кг иш жисмига келтирилган иссиқлик миқдори;

$q_2 = q_2' + q_2''$  — умумлашган циклдаги 1 кг иш жисминг советкичга узатган иссиқлик миқдори.

Циклдаги иш моддасининг иссиқлик сифими ва ҳолатлардаги температураналар орқали иссиқлик миқдорлари  $q_1$  ва  $q_2$  ни ифодалаш мумкин:

$$\begin{aligned} q_1 &= C_v(T_3 - T_2) + [C_p(T_1) - T_3] \\ q_2 &= C_v(T_5) - T_6) + C_p(T_6 - T_1) \end{aligned} \quad (270)$$

Циклга келтирилган ва ундан чиқарилган иссиқлик миқдорларини цикл параметрлари орқали ҳисоблаш учун албатта цикл ҳолатларига мос келувчи ҳамма нуқталар температуранарини бирор шуқта температураси билан ифодалаш зарур бўлади.

Масалан, сиқиши трактида  $dq = 0$  бўлса, жараён адабатик бўлади. Келтирилган  $PV$  — диаграммада бу I—2 нуқталарга мос келади. Демак, жараёни унинг ҳолат параметрлари орқали ифодалаш мумкин, яъни

$$\frac{T_2}{T_1} = \left( \frac{V_1}{V_2} \right)^{\kappa-1} = \varepsilon$$

еки

$$T_2 = T_1 \varepsilon^{\kappa-1} \quad (271)$$

Худди шундай  $V = \text{const}$  жараёни учун қўйидагини ёзиш мумкин:

$$\frac{T_3}{T_1} = \frac{P_1}{P_3} = \gamma,$$

бундан

$$T_3 = \lambda T_1, \quad (272)$$

(271) даги  $T_2$  қийматини (272) га қўйсак

$$T_2 = T_1 \lambda \varepsilon^{\kappa-1} \quad (273)$$

ҳосил бўлади.

Изобарик жараён параметрлари 3—4 нуқталар ҳолатлари орқали ифодаланади, яъни

$$\frac{T_4}{T_3} = \frac{V_1}{V} = \rho \quad (274)$$

еки

$$T_4 = \rho T_3$$

еки  $T_3$  қийматини юқорида келтирилган формуладан олиб (274) га қўйсак, қўйидаги ҳосил бўлади:

$$T_4 = \rho \lambda T_1 \varepsilon^{\kappa-1} \quad (275)$$

Термодинамик системада иш бажармасдан қолган қолдик иссиқлик миқдори  $P = \text{const}$  да советкичга чиқари-

лади, унинг тенгламасини қўйидагича ифодалаш мумкин:

$$\frac{T_5}{T_6} = \frac{P_5}{P_6} = \lambda_p,$$

бўндан

$$T_5 = \lambda_p T_6. \quad (276)$$

Системадан тўла чиқарилмасдан қолган иссиқлик миқдорининг қолдиқ қисми улушини 6—1 нуқталарга мос келувчи ҳолатлар параметрлари орқали, жараён изобарик бўлганлиги учун, қўйидагича ифодалаш мумкин:

$$\frac{T_6}{T_1} = \frac{V_6}{V_1} = \varepsilon_v,$$

еки

$$T_6 = \varepsilon_v T_1. \quad (277)$$

Юқоридаги тенгламалардаги  $T_6$  қийматни (276) тенгламага қўйсак, қўйидаги ҳосил бўлади:

$$T = \lambda_p \varepsilon_v T_1, \quad (278)$$

Циклнинг маълум нуқталарига мос келувчи (271), (272) ва (275) тенгламалардан фойдаланиб, иссиқлик миқдорлари  $q_1$  ва  $q_2$  ни қўйидагича ифодалаймиз:

$$\begin{aligned} q_1 &= C_v(T_1 \lambda \varepsilon^{k-1} - T_1 \varepsilon^{k-1}) + C_p(\lambda T_1 \varepsilon^{k-1} - T_1 \lambda \varepsilon^{k-1}) = \\ &= C_v T_1 \varepsilon^{k-1} (\lambda - 1) + C_p T_1 \lambda \varepsilon^{k-1} (\mu - 1) = \\ &= T_1 \varepsilon^{k-1} [C_v (\lambda - 1) + C_p (\mu - 1)]. \end{aligned} \quad (279)$$

Маълумки,  $k = \frac{C_p}{C_v}$  бўлганлиги асосида (279) ни қайта ёзамиш:

$$q_1 = T_1 \varepsilon^{k-1} [C_v (\lambda - 1) + k \lambda (\mu - 1)]. \quad (280)$$

Худди шу услубда ташқарига, яъни совиткичга чиқарилган иссиқлик миқдорини топамиш, яъни

$$q_2 = C_v T_1 [\varepsilon_v (\lambda_p - 1) + \kappa (\varepsilon_v - 1)]. \quad (281)$$

Циклга көлтирилган  $q$  ва ундан совиткичга чиқарилган  $q_2$  иссиқлик миқдорларини топишнинг аҳамияти шундан иборатки, улар ёрдамида циклнинг термик фойдали иш коэффициентини ва бажарган ишини аниқлаш мумкин.

Маълумки, циклиниг ФИК термодинамиканинг иккичи қонуни ифодасидан аниқланади, яъни

$$\eta_t = \frac{q_1 - q_2}{q_1} = 1 - \frac{q_2}{q_1}.$$

Бу ифодадаги иссиқлик миқдорлари  $q_1$  ва  $q_2$  ўрнига юқорида қараб чиқилган умумлашган цикл учун топилган қийматларин қўйиб, ҳосил қиласмиш:

$$\eta_t = 1 - \frac{1}{\varepsilon^{\kappa-1}} \cdot \frac{C_v(\lambda_p - 1) - \kappa(\varepsilon_v - 1)}{(\lambda - 1) + \kappa(\lambda_p - 1)}. \quad (282)$$

Умумлашган циклиниг бажарган иши  $q_1$  ва  $q_2$  айир масидан топилади:

$$A = q_1 - q_2 = C_v T_1 \varepsilon^{\kappa-1} [(\lambda - 1) + \kappa(\lambda_p - 1) - \frac{\varepsilon_v}{\varepsilon^{\kappa-1}} (\lambda_p - 1) - \frac{\kappa}{\varepsilon^{\kappa-1}} (\varepsilon_v - 1)] \quad (283)$$

екин

$$A = \eta_t \cdot q_1 = \eta_t \cdot C_v T_1 \varepsilon^{\kappa-1} [(\lambda - 1) - \lambda \kappa (\lambda_p - i)] \quad (284)$$

Юқорида келтирилган умумлашган цикл тенглама, ларини аниқ циклга татбиқ этиб, шу ўрганилаётган цикл даги  $\eta_t$  ва  $A$  ни аниқлаш мумкин бўлади.

ГТК циклдаги термодинамик жараёнлар учун худди шундай тенгламаларни тузиб, уларни ишлаб, соддалаштирилиб иссиқлик миқдорлари  $q_1$  ва  $q_2$  ни аниқлаб, улај асосида ГТК нинг ФИК аниқланади:

$$\eta_t = 1 - \frac{\frac{1}{\lambda^{\kappa}-1}}{\lambda-1} \cdot \frac{1}{\frac{\kappa-1}{\varepsilon^{\kappa-1}}}, \quad (285)$$

бунда  $\lambda = P_2 / P_1$  — босимнинг ортиш даражаси;


$$\varepsilon = \pi = P_2 / P_1 = \frac{V_1}{V_2}, \text{ — сиқиш даражаси.}$$

Демак, юқорида келтирилган ГТК си циклининг диаграммасидан кўринниб турибдики, унинг термик ФИК атмосфера ҳавосининг компрессорда сиқилиш даражасига ва ёниш камерасидаги иш моддасининг ёниш маҳсулни ҳосил қиласган босимнинг ортиш даражасига боғлиқ бўлар экан.


### 9.3. Иссиклик $P = \text{const}$ да узатиладиган газ турбинаси қурилмаси (ГТК)

Газ турбинаси қурилмаси циклида иш ёқиленеси ўзгармас босим остида ёқилганда циклга ташқаридан иссиқлик миқдори келтирилмайды. Бундай турдаги циклда ёниш камерасидаги юқори температуралы сиқилган ҳаввога ёқилғи форсунка ёрдамда пуркалади. Ёниш  $P = \text{const}$  остида кечадиган ГТК циклдеги термодинамик жараёнларнинг  $PV$  диаграммаси иккита аднабата ( $1-2$  ва  $3-4$  нүкталар оралықлари) дан иборат (60-расм). Диаграммадан кўриниб турибдикى, ГТК инг термик ФИК иш бир хил қийматда сақлаш учун албатта ёниш камерасидаги босим ўзгармас бўлишини таъминлаш керак. Буни амалга ошириш учун, биринчидан, компрессордан узатиладиган сиқилган ҳавонинг термодинамик параметрлари ва минқдори бир хил сақланади; иккинчидан, ёқилғи насоси узатадиган ёқилғи миқдори ҳам ҳаво миқдорига мос равишда ростланади.

Демак, бир хил миқдордаги ёниш маҳсул оқимининг босими турбина куракларига таъсир этади ва буровчи моментин юзага келтиради, яъни иссиқлик энергиясининг механик энергияга айланиш самарадорлилигига эришилади.



60-расм. Ёқилғини ўзармас ҳажмда ( $V = \text{const}$ ) ёқадиган турбина қурилмасининг схемаси: 1 — электр генератор; 2 — газ турбинаси; 3 — компрессор; 4 ва 5 — ёқилғи баки ва насоси; 6 — ёқилғи йўли; 7 ва 8 — ёқилғи ва ҳаво клапанлари; 9 — ёниш камераси; 10 — йўналтирувчى аппарат; 11 — иш кураклари; 12 — сопло; 13 — чиқариш клапани; 14 — ўт олдириш свечаси.



61-расм. Еқилғи  $P=\text{const}$  бўлганда ёнадиган ГТҚ циклидаги термо-дипамик жараёцларнинг  $PV$  ва  $TS$  диаграммалари.

Мазкур қараб чиқилаётган циклнинг  $PV$  ва  $TS$  диаграммаларидан кўриниб турнибдикки (61-расм), иш жисми аввал компрессорда адиабатик сиқилади (шу жараёни ёқилғи насосида ҳам содир бўлади), сўнгра унга  $q_1$  иссиқлик миқдори келтирилади. Шу иссиқлик миқдорини келтиришда ёниш камерасидаги босим ( $P=\text{const}$ ) сақланади. Киритилган иссиқлик иш ичкни энергияси ҳисобига пайдо бўлади, яъни компрессорда спиқилган ҳаво қизиб, унинг температураси ёқилғининг ёниш температурасидан катта бўлади. Сиқилган юқори температурали ва босимли ҳавога ёқилғи пуркалганда кучли кимёвий реакция содир бўлади, яъни у ёнади. Бунда ёниш ўзгармас босим остида юз беради. Шундан сўнг ҳосил бўлган ёниш маҳсулни адиабатик кенгайиб (3—4 нуқталар оралиги,  $PV$  диаграмма) иш бажаради. Циклнинг бажарган фойдали ишини диаграммалардан аниқласак, у 1—2—3—4—1 нуқталар билан чегаралангандай сонқиймати жиҳатидан тенг. Бу адиабатик кенгайнин даврида иш жисми ташқи муҳит билан иссиқлик алмашмайди деб, фараз қилинади.

Ишга айланмасдан қолган қолдиқ иссиқлик миқдори  $q_2$  атроф-муҳитга чиқарилади.

Термодинамик циклда ёқилғи  $P=\text{const}$  ёнганлиги, яъни киритилганлигини ва қолдиқ иссиқлик  $q_2$  совиткичга чиқарилганлиги ҳисобга олинса, босимнинг ортиш даражаси λ ҳамда пасайиш даражаси  $\lambda_p$  ўзаро тенг бўлади:  $\lambda = \lambda_p = 1$ , чунки  $PV$  диаграммада 2—3 ва 4—1

нүкталар оралиғида  $P = \text{const}$  бўлади.  $q_1$ - циклга  $P = \text{const}$  остида киритилса, иш моддаси энтропияси 2—3 ва 4—I нүкталарда ўзгарувчан, қолган ҳолатларда  $S = \text{const}$  бўлади.

Демак, ГТҚ си ( $P = \text{const}$ ) циклиниң термик ФИК асосан компрессорда атмосфера ҳавосининг сиқилиш дарражасига, яъни система ички энергиясининг ўзгаришига боғлиқ бўлар экан. Шу сабабли умумлашган цикл учун ёзилган ФИК тенгламасини тўғридан-тўғри қўллаб бўлмайди, чунки  $\lambda = \lambda_p = 1$ .

Демак, ёқилғи  $P = \text{const}$  остида ёқиладиган цикл учун  $\eta_t$  ни қўйидагича ёза оламиз:

$$\eta_t = 1 - \frac{1}{\varepsilon^{\kappa-1}} \cdot \frac{\varepsilon_v - 1}{p - 1} \quad (286)$$

Бу циклда дастлабки кенгайниш даражаси ( $E_v$ ) ва ҳажмишин камайиш даражаси ( $p$ ) нисбатлари ўзаро боғлиқ бўлганлиги учун юқорида келтирилган тенгликни шу циклга татбиқ этиб ёза оламиз:

$$= \frac{V_3}{V_1} = \frac{V_1}{V_2}.$$

Шунинг учун айрим ўзгартиришларни амалга оширамиз.

$$\varepsilon_v = \frac{V_1}{V_2} \cdot \frac{V_3}{V_1} = \left( \frac{P_3}{P_1} \right)^{\frac{1}{\kappa}} \cdot \frac{V_1}{V_2} \cdot \frac{V_2}{V_1} = \left( \frac{P_1}{P_2} \cdot \frac{P_2}{P_1} \right)^{\frac{1}{\kappa}} \frac{V_3}{V_1} \cdot \frac{V_2}{V_1},$$

бунда

$$\frac{V_3}{V_1} = \varepsilon; \quad \frac{V_2}{V_1} = \frac{1}{\varepsilon}; \quad \frac{V_1}{V_2} = \varepsilon; \quad \frac{P_3}{P_1} = \lambda = 1;$$

$$\frac{P_2}{P_1} = \frac{P_1}{P_3} = \left( \frac{V_1}{V_2} \right)^\kappa = \varepsilon^\kappa \text{ тенглиги асосида}$$

$$\varepsilon_v = p. \quad (287)$$

ёзамиз.


Юқорида келтирилган тенгликларни эътиборга олиб, термик ФИК тенгламасини қўйидагича ифодалаш мумкин:

$$\eta_t = 1 - \frac{1}{\varepsilon^{\kappa-1}}. \quad (288)$$


Хақиқатан ҳам ГТҚ циклининг  $\eta_t$  катталиги ҳавони компрессорда сиқилиш даражаси  $\varepsilon$  га боғлиқ бўлар экан.

#### 9.4. Регенерациялы газ турбинали қурилма

Регенерация усулининг асосий мазмунин иш бажарыб бўлган ёниш маҳсали таркибидаги иссиқлик миқдорини атмосферага (совиткичга) чиқармасдан ундаги қолдиқ иссиқликдан фойдаланиб қурилма ФИК ортиришдан иборат. Регенерация услубига эга бўлган ГТҚ га ҳам иссиқлик  $P=\text{const}$  остида келтирилади. Фақат компрессорда сиқилган атмосфера ҳавоси регенерация бўлмаси (блоки) дан ўтиш вақтида унга атмосферага чиқарилиб юборилаётган ёниш маҳсали — тутундаги қолдиқ иссиқлик миқдори қисман узатилади. Шунда газ ҳажми яна ҳам ортади, босими эса ўзгармас сақланади, яъни термодинамика нуқтаи назаридан системанинг параметрлари, киритилган иссиқлик  $dq$  ҳисобига бошқа қийматларни қабул қиласи (2 ва 3 нуқталар оралиғида  $V$  ҳамда  $S$  ўзгарувчан бўлади). Регенерацияли услубга эга бўлган ГТҚ нинг схематик тасвири 62-расмда келтирилган. Циклда регенерация услуби қўлланилган ГТҚ юқорида қараб чиқилганлардан фақат регенерация бўлмаси билан фарқланади. Циклда содир бўладиган тер-



62-расм. Иssiқлик  $P=\text{const}$  бўлганда иш жисмига келтириладиган регенерацияли ГТҚнинг схематик тасвири: 1 — компрессор; 2 ва 4 — ёқилиғи баки ва насоси; 3 — электр генератор; 5 — ёқилиғи тубаси; 6 — форсунка; 7 — сиқилган ҳавоси тубаси; 8 — ёниш камераси; 9 — газ турбинаси; 10 — регенерация бўлмаси; 11 — сопло.



63-расм. Иссеклик миқдори  $P = \text{const}$  бўлганда иш жисемига узатиладиган ва регенерацияли ГТҚ циклсининг  $PV$  ва  $TS$  диаграммалари.

модинамик жараёнларни қараб чиқамиз. Компрессорда сиқилган ҳаво регенерация бўлмасига узатилади ва у ерда қолдиқ иссиқлик миқдори ҳисобига яна маълум дарражагача қиздирилади (63-расм,  $PV$  диаграммадаги 2—3 нуқталар оралиғи). Аввал регенерация бўлмасида қиздириб бўлинган ҳаво ёниш камерасига юқори температурада ва ўзгармас босим ( $P = \text{const}$ ) да узатилади. Сўнгра, унга параллел равищда ёқилғи насос ёрдамида ҳайдалиб форсунка орқали ёниш камерасидаги қиздирилган ҳавога пуркалади. Шунда ҳаво ва ёқилғи ўртасида кучли кимёвий реакция кечади (ёнади). Бунда иш жисемининг (ёниш маҳсулоти) параметрларидан  $V$ ,  $P$  ва  $T$  ўзгаради ( $PV$  ва  $TS$  диаграммалардаги 2 ва 4 нуқталар оралиғи). Бу жараён изобарик ( $P = \text{const}$ ) бўлади. Регенерацияли ГТҚ циклга ва ташқаридан иссиқ  $q_1$  берилмаси ҳам ёқилғи ёнади.

Амалда компрессорга сўрилган ҳаво унда сиқилиши натижасида ҳавонинг қизиб кетиши кузатилади. Бу қизиган ҳаво регенерация бўлмасида яна қўшимча қиздириллади. Шу иссиқциклар ҳисобига иш аралашмаси ёнади ва юқори температурали ва босимли ёниш маҳсали ҳосил бўлади. Бу бутун газларининг потенциал босим энергияси ёниш камераси чиқиш қисмининг торайиши ҳисобига зарралар тезлигининг ортиб кетиши на-тижасида зарралар кинетик энергияси катталашади, яъни зарралар импульси ортади. Катта импульсли тутун газлари газ турбинаси кураклари билан таъсирлашиб

адиабатик кенгаяди ва ўзининг иссиқлик энергиясини роторнинг механик энергиясига айлантиради. Ротор валидаги бу механик энергия истеъмолчи—электр генераторига узатилади ва у ерда электр энергиясига айланади.

Демак, адабатик кенгайган тутун газлари фойдали иш бажаради. Турбина кураклари билан таъсирилашиб ўтган ёниш маҳсули (тутун газлари) регенерация бўлмаси қовурғалари орасидан ўтиш жараёнида компрессордан узатиладиган атмосфера ҳавосини қўшимча иситиб, ўзи совиткичга чиқарилади. Цикл такрорланади (62-расм).

Бундай ГТК цикли бажарган фойдали ишнинг катталиги  $1-2-3-6-1$  нуқталар билан чегараланган юзага сон қиймати жиҳатидан тенг. Регенерация услубига эга бўлган циклнинг бажарган иши ёқилғи  $V=\text{const}$  ва  $P=\text{const}$  да ёнган оддий циклларникига ишебатан катта бўлар экан. Бунга асосий сабаб регенерация услуби билан қўшимча иссиқлик миқдорини иш молласига киритилишидир.

Регенерация бўлмасида тутун газларидаги иссиқлик тўлиқлигича компрессордан ҳайдалган ҳавога узатилмайди. Агарда шу ҳавога жами иссиқлик регенерация йўли билан ўтказилса, яъни тўлиқ регенерация ўринли бўлса,  $T_7=T_2$  ва  $T_5=T_8$  бўлади (узлуқни чизиқлар изотермани ифодалайди). Шунинг учун  $T_5-T_7=T_8-T_2$  бўлади ( $TS$  диаграммага қаранг).

Демак, ёниш камерасидаги иш жисмига регенерация йўли билан келтирилган иссиқлик миқдори қуйидагича ифодаланади:

$$q_1=C_p(T_4-T_8) \quad (289)$$

Совиткичга чиқарилган иссиқлик миқдори

$$q_2=C_p(T_7-T_1) \quad \text{бўлади.}$$

Узлуқни регенерацияли циклини термик ФИК қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$\eta_t=1-\frac{T_7-T_1}{T_4-T_8}=1-\frac{T_2-T_1}{T_4-T_5}. \quad (290)$$

Маълумки,  $T_2=T_1\varepsilon^{k-1}$ ;  $T_3=T_1\lambda\cdot\varepsilon^{k-1}$ ;  $T_4=T_1\lambda_p\varepsilon_v$  ва  $\lambda_p=\lambda=1$ ;  $\varepsilon_v=\rho$  бўлганлиги асосида (290) тенгликни қуйидагича ёза оламиз:

$$\eta_t=1-\frac{1}{\rho}=1-\frac{T_1}{T_5}. \quad (291)$$

Юқоридаги ңұрт түлиқ регенерация ўринли бўлгандағына түғри. Маълумки, ҳеч қандай иссиқлик машинасидаги иссиқлик миқдори иссиқлик алмашинуви жараённида совиткичга түлиқ узатилмайды. Бу  $TS$  диаграммадан аниқ, чунки  $T_7 > T_7'$ . Регенерация бўлмасида ҳаво  $T_8$  гача қиздирилиш даврида у  $T_7$  гача совийди. Шунинг учун регенерацияли циклнинг термик ФИК бошқачароқ кўринишда ифодаланади. Бунинг учун регенерация даражасини билиш керак бўлади, яъни

$$\delta = (T_8 - T_2) : (T_8 - T_2), \quad (292)$$

бунда нүкта 2 нүкта 8 нинг яқинида (чап томонда) жойлашади. Тўлиқ регенерация ўринли бўлса,  $\sigma = 1$ . Шунинг учун тўлиқ регенерация ўринли бўлмаганлигидан регенерацияли ГТК аниқлашда  $q_1$  ва  $q_2$  ни қўйнагича ёзиш мумкин.

$$q_1 = C_p(T_4 - T_8) = C_p(T_4 - T_2 + T_2 - T_8).$$

Агар регенерация даражасини эътиборга оладиган бўлсак, у ҳолда  $q_1$  ни қўйнагича ифодалаймиз:

$$q_1 = C_p[T_4 - T_2 - \delta(T_8 - T_2)].$$

Худди шу услубда  $q_2$  ни қўйнагича ёза оламиз:


$$q_2 = C_p[T_3 - T_1 - \delta(T_8 - T_2)].$$

Демак, унда регенерацияли циклнинг ФИК.

$$\tau_t = 1 - \frac{q_2}{q_1} = 1 - \frac{T_3 - T_1 - \delta(T_8 - T_2)}{T_3 - T_2 - \delta(T_8 - T_2)} \quad (293)$$

### 9.5. Иссиқлик $P = \text{const}$ да циклга келтириладиган босқичли сиқиши, ёниш ва регенерацияли ГТК

Иш жисмига иссиқлик  $P = \text{const}$  остида берилганда, ҳаво босқичма-босқич сиқиладиган ва босқичли регенерация қўлланилган ГТК ёқилғи 2, сиқилган ва қиздирилган ҳаво 4 ва 6, ёниш маҳсулари 10, трубалар, бирламчи ва иккиламчи ёниш камералари 3 ва 12, компрессорлар 7 ва 8, турбиналар 13 ва 11 ҳамда регенерация ва совиткич бўлмалари 5 ва 9, электр генератор 1, мой идиши 15 ва насос 14 дан ташкил топган. Босқичли ёниш ва сиқиши тактларига эга бўлган ГТК юқорида қараб чиқилган ( $V = \text{const}$ ;  $P = \text{const}$ ) регенерацияли қурилмаларига нисбатан анча мураккаб қурилмадир. Мазкур қурилманинг схематик тасвири 65-расмда келти-




65

рийдан сүйкілікті  
 $P = \text{const}$  остида кир-  
 ган атмосфералық союзін  
 оралып, көбінесе терация уа-  
 моддасыга узатылады (65-расм, PV диограммадаги 1  
 ва 2 нұкталар оған түтші).

Термо-

жүйесінде атмосфера  
 рур бўлса сиқил-  
 дадиган көбінесе

атмосфера



65-расм. Несиңдик  $P = \text{const}$  бўлгандага ийкята узатыладиган босқичлик  
 сиқилдадиган көбінесе генерацияни ИТК инклининг PV ва TS диэргам-  
 малари.

ҳавоси компрессорнинг биринчи босқичида сиқилади ( $1$  ва  $1'$  нуқталар оралиғи), сүнгра совитқичда совитлади ( $1'$  ва  $1''$  нуқталар оралиғи). Совиткичдан чиққан ҳаво иккинчи компрессорда яна сиқилади ( $1''$  ва  $2$  нуқталар оралиғи), сүнгра регенератор бўлмасида қўшимча иситилган ҳаво ёниш камерасининг биринчи босқичига узатилади ( $2$  ва  $8$  нуқталар оралиғи). Ёниш камерасига узатилган сиқилган ва қиздирилган ҳаво температураси ёқилгининг ёниш температурасидан юқори бўлганилиги сабабли унга пуркалгац ёқилғи бирданига портлаб ёнади. Бу ёниш маҳсулининг температураси  $P = \text{const}$  остида ортади ( $8$  ва  $4$  нуқталар оралиғи). Бу ерда ёниш камерасидаги иш моддасига ташқаридан  $q_1$  иссиқлик миқдори киритилмайди.  $q_1$  иссиқлик компрессорда сиқилган ҳаво ички энергиясининг ортиши ҳисобига ва регенерация вақтида пайдо бўлади. Ёқилғи ёнгандан сүнг ҳосил бўлган ёниш маҳсулоти газ турбинасига йўналтириллади. Юқори температурали ва босимли ёниш маҳсулоти газ турбинаси қураклари билан таъсирлашиб, турбина роторини айлантиради, яъни иссиқлик энергияси механик энергияга айланади. Албатта турбинада ёниш маҳсулоти, адабатик кенгаяди ва фойдали иш бажаради ( $4$  ва  $4'$  нуқталар оралиғи). Ёниш камерасининг биринчи босқичида узатилган қиздирилган ҳаво ва ёқилғи тўла реакцияга киришиб улгурмайди. Шунинг учун ёниш маҳсулоти таркибида маълум миқдорда қиздирилган ҳаво ва ёқилғи бўлади. Бундан ташқари, турбина қуракларини юқори температура ( $2300$  К) дан ҳимоялаш мақсадида ёниш маҳсулини газ турбинасига киритишда олдинроқ унга совуқ атмосфера ҳавоси қўшилади (бу схематик тасвирда кўрсатилмаган) ва температураси  $1000$ — $1400$  К гача пасайтириллади. Бу қўшилган совуқ ҳаво ёниш камерасининг биринчи босқичида ёниш маҳсулоти газлари билан аралашиб қизийди, сүнгра турбинанинг биринчи босқичида иш бажариб ундан чиқади ва ёниш камерасининг иккинчи босқичинга киради. Унда янги киритилган ёқилғи билан кимёвий реакцияга киришади, яъни ёнади. Ёниш маҳсулоти ўзгармас босим остида сақланади, натижада  $4'$  ва  $4''$  нуқталар оралиғида кенгаяди. Ёниш камерасининг иккинчи босқичида ҳосил бўлган юқори температурали ва босимли бу ёниш маҳсулоти газлари оқими иккинчи газ турбинасига киритилади ва у ерда адабатик кенгайиб иш бажаради ( $4''$  ва  $5$  нуқталар оралиғи). Ёниш маҳсулоти газла-

ридаги қолданқ иссиқлик энергиясннинг маълум қисми ёниш камерасиниң биринчи босқичига узатилаётган атмосфера ҳавосига регенерация усули билан узатилади (5 ва 7 нуқталар оралиғи) қолган қисми эса атмосфераға чиқарилади. Цикл тақорорланади.

Циклнинг  $PV$  ва  $TS$  диаграммаларидан күриниб турибдики, кечадиган термодинамик жараёнлар, асосан иккитадан адабатик сиқилиш ва кенгайиш ( $1-1'$ ,  $1''-2$  ва  $4-4'$ ,  $4''-5$  нуқталар оралығи), иккитадан изобарик сиқилиш ва кенгайиш ( $1'-1''$ ,  $5-1$  ва  $2-4$ ,  $4'-4''$  нуқталар оралығи) дан иборат экан.

Циклнинг  $TS$  диаграммасидан күриниб турибдики, система ҳолати унинг ички энергиясы ҳисобига ўзгарганда ҳолат параметрларидан  $V$ ,  $P$ ,  $T$  ўзгарувчан бўлади. Иш моддаси (система) инг абсолют температураси ва энтропияси иссиқлик келтирилганда ёки чиқарилганда, мазкур ГТҚ циклида ўзгарувчан бўлади.

Ёқилғи осекичли ёнадиган, ҳаво босқичли сиқиладиган ва совитиладиган, регенерациялы иссиқлик алмашинувига эга бўлган ҳамда  $q_1$  ўзгармас босим остида циклга киритиладиган ГТҚ циклининг бажарган иши юқорида қараб чиқилган ( $V=\text{const}$ ,  $P=\text{const}$ ) циклларни кига ишебатан юқори бўлади. Бунга асосий сабаб ёнилгининг тўла ёниши ва иссиқликнинг кам истроф бўлиши дир. Циклнинг  $4-4'-4''$  ва  $1-1''-1'$  қисмлари ( $TS$  диаграммада) ўзаро ўхшашлиги, яъни кенгайиши ва сиқилишдан иборат бўлганлиги асосида  $q_1$  ва  $q_2$  ифода сини ёзамиш:

$$q_1 = T_2 \Delta S_{8-1''}; \quad q_2 = T_1 \Delta S_{7-1''}$$

Циклнинг диаграммаларидан күриниб турибдики,  $7-1''$  ва  $8-4''$  нуқталар оралығидаги жараёнлар бир хил бўлиб, йўналишлари қарама-қарши бўлганлиги учун улардаги энтропиянинг ўзгарувчанилиги тенг қийматли бўлади. Шу сабабли  $\Delta S_{8-4''} = \Delta S_{7-1''}$  бўлади. Унда  $\eta_t$  ни қўйидагича ёзиш мумкин:

$$\eta_t = 1 - \frac{q_2}{q_1} = 1 - \frac{T_1}{T_2}. \quad (294)$$

Демак, циклнинг ФИК Карно циклини кига яқинлашиб боради, яъни юқори бўлади. Умумлашган цикл тенгламаларидан фойдаланиб ва  $\lambda=1$  асосида қўйидагини ёзамиш:

$$\eta_t = 1 - \frac{1}{e^{\kappa-1}}. \quad (295)$$

## 9.6. ГТК нинг татбиқи

Охирги 24—30 йил мобайнида ГТК хусусан транспорт ва энергетикада кенг қўлланила боштанди. Энергетикада қўлланиладиган ГТК лари асосан узлукли, электр энергияси етишмасдан қолганда вақт-вақти билан, энергетик системада бузилишлар, авариялар бўлган даврда истеъмочиликнинг электр энергиясига бўлган талабини қондириш мақсадида ишлатилади. Бундай энергетик ГТК лари қуввати 1—100 МВт оралигида бўлиб, йил мобайнида 1500 соатдан ортиқ ишлатилмайди.


Денгиз кемаларидаги энергетик ГТК асосий энергия маини ҳисобланади ва уларнинг қуввати 30 кВтдан 10 МВт гача бўлади. Қимёвий, нефтни қайта ишлаш, металургия, атом энергетикаси ва ш. к. ишлаб чиқариш союзларида кенг қўлланилади. Нефтиң ҳайдашда, газ магистрални трубаларида, турли хил компрессорларни ишлатишда ГТК лари асосий механик энергия маини ҳисобланади. ГТК авиация транспортидаги турбореактив, турбовинтли реактив самолётларнинг асосий ва форсаж (франц. форсаж — жадаллаштирумок) двигателларида ҳамда дengiz кемаларида ҳам, темир йўл транспортида ги локомотив (лот. локомотиво — жойидан қўзғатаман) ларда ҳам кенг татбиқ этилган.

Замонавий турбореактив, турбовинтли реактив самолётларни, узоқ ёларда бўладиган дengiz кемаларини, темир йўл транспортини катта қувватдаги газ турбиналарини тасаввур этиш қийин. Чунки йилдан йилга бу транспорт воситаларида қўлланиладиган двигателларнинг қуввати ошиб бормоқда. Дизель ва карбюраторли двигателлар ГТК ларидай содда бўлмасдан катта қувватлар олиниши керак бўлганда уларнинг ўлчамлари ортиб кетади. Шунинг учун келажакда, катта қувватлар олинадиган газ турбиналаринингина эмас, паст қувватларни ҳам ишлаб чиқарилади.

## Х б о б. РЕАКТИВ ДВИГАТЕЛЛАР


### 10.1. Реактив двигателларнинг таснифи, турлари, тузилиши, ишлаш тартиби

Ичидан катта тезликда заррачлар оқими учиди чиқиши ҳисобига тортиш кучи ҳосил қила оладиган иссиқлик машинаси реактив двигатель дейилади. Иссиқ-



66-расм. Ракета двигателлари: а—ёкилғини турбонасос ёрдамынан узатадиган суюқлики двигатель; 1—ёкилни баки, 2—газ генератори, 3—турбонасос агрегати, 4—форсункалар, 5—ёниш камераси, 6—сопло; б—ёкилғини сиқиб чиқариш усули билан узатадиган суюқлики двигателлар; 1—суюқ газ баллони, 2—редуктор, 3—ёнилғи баклари, 4—клапандар, 5—ёниш камераси, 6—ички совитиш ёкилғи узатыш ҳалқаси, 7—сопло.


лик, кимёвий, ядро, электр, қуёш энергияларининг таъсири натижасида иш жисмий оқимининг кинетик энергияси пайдо бўлади.



66-расм. Давоми. 8 — кимёвий ракета двигателининг схематик тасвири; 1 — суюқ оксидловчи бак, 2 — насослар, 3 — суюқ ёқилғи баки, 4 — турбина, 5 — ёниш камераси, 6 — сопло, 7 — турбиналарни ҳайдаш канали; 2 — ядро ракета двигателининг схематик тасвири; 1 — суюқ водород, 2 — насос, 3 — турбина, 4 — исиқлиқ ажратувчи элементлар, 5 — турбинанинг ҳайдаш канали, 6 — сопло, 7 — бошқариш стерженлари, 8 — ҳимоя экрани.

Реактив двигателларда атмосфера ҳавосининг ишлатилишига кўра, улар икки хил бўлади: атмосфера ҳавосидаги кислороддан оксидловчи сифатида фойдалана-диган ҳаво-реактив двигателлар; оксидловчи кислород учувчи аппаратдаги маҳсус идишда сақланадиган ҳамма турдаги реактив двигателлар ракета двигателлари дейилади. Ракета двигателлари ракеталарга ўрнатилади.

**Ҳаво-реактив двигателлари (ХРД) компрессорли.**



67-расм. Турбореактив двигателнинг схематик тасвири.

(турбореактив двигателлар — ТРД) ва компрессорсиз (тўғри оқимли ва пульсацияли) двигателларга бўлинади.

Ракета двигателлари қаттиқ, суюқ ёқилғили ва кимёвий ҳамда ядро ракета двигателларига бўлинади (66-расм.)

Реактив двигателларнинг асосий кўрсаткичи бу тортиш кучидир. Тортиш кучи ёниш маҳсулининг сопломда кескин кенгайиши ҳисобига газ зарралари оқимининг тезланиши билан атмосферага отилиб чиқиши натижасида пайдо бўлади.

Энг содда турбореактив двигатель труба шаклидаги диффузорли тана ва унинг ички қисмига ўрнатилган турбокомпрессор, газ турбинаси 28, ёниш камераси 3, ёқилғи узатувчи трубалар ва форсункалар 4, сопло 18 дан ва бошқа ёрдамчи ускуналардан ташкил топган (67-расм). Ҳаво компрессори билан газ турбинаси бир валлаба маҳкамланган.


Атмосфера ҳавоси диффузор 7 орқали турбокомпрессор 5 га узатилади, унда ҳаво сиқилади. Шу сиқилган босим остидаги ҳаво турбокомпрессорнинг ҳайдаш трубаси орқали ёниш камераси 3 га ўтади, шу вақтнинг ўзида ёқилғи насосидан ҳайдалган ёқилғи ҳам труба 4 орқали камерага форсункалар ёрдамида пуркалади. Шунда ҳаво билан ёқилғи кимёвий реакцияга киришиб катта миқдордаги иссиқлик ажралади ҳамда ёниш маҳсулотининг ҳажми ва температураси ортади. Температуранинг ортиши изобарик ( $P=\text{const}$ ) жараёнда содир бўлади. Ўзгармас, юқори босимли ва температурали ёниш маҳсулоти газ турбинаси кураклари билан таъсирашиб роторни айлантиради ва у билан бирга турбокомпрес-

сор ҳам айланиб янги ҳаво оқимини сиқади. Турбина кураклари билан таъсирашып ўтган ёниш маҳсулоти қисман аднабатик кенгаяди (реал шароитда абсолют аднабатик бўлмайди, чунки оз миқдорда иссиқлик алмашинуви ўринилди). Турбина куракларидан соплонинг охиригача ёниш маҳсулоти аднабатик кенгайиб боради ва бу оралиқда тутун газлари зарралари жуда катта тезликка эришади. Ҳаракат миқдорининг сақланиш қонунига мувофиқ зарралар оқими ҳаракатига қарама-қарши йўналишда ёниш маҳсулоти жуда катта тепки кучи (импульс) ҳосил қиласди. Бу куч реакция кучи бўлиб, турбоеактив двигателни катта тезликда олдинга ҳаракатлантиради.

Демак, кураклар билан таъсирашып роторни ҳаракатлантиришда ҳосил бўлган механик энергия, асосан турбокомпрессорни ҳаракатлантиришга сарфланар экан. Реакция кучини соплодан катта тезликда отилиб чиқсан ёниш маҳсулоти газлари ҳосил қиласди. Шунинг учун ҳам бу двигателлар реактив двигателлар дейилади.

## 10.2. Реактив двигатель циклидаги термодинамик жараёнлар

Бу жараёнларни қараб чиқамиз. Атмосфера ҳавоси диффузор 7 га оқиб киришидан бошлаб аввал турбокомпрессоргача бўлган оралиқда, сўнгра компрессорда аднабатик сиқилади (68-расм, PV диаграммадаги 1—1'—2 нуқталар оралиғи), яъни ҳаво ўзининг ички энергиясининг ўзгариши ҳисобига қизийди. Сиқилиш-



68-расм. Турбоеактив двигатель циклидаги термодинамик жараёнларниң PV ва TS диаграммалари.

дан қизиган ҳаво температураси ёқилғининг ёниш температурасидан юқори бўлади. Айнаи зарур параметрларга етган қизиган ҳаво ёниш камерасига кириши билан унга ёқилғи пуркалади ва кучли ёниш содир бўлади. Ёниш камерасидаги иш моддаси  $P = \text{const}$  бўлганда ёнади ва ёниш маҳсулоти кенгаяди ( $2-4$  нуқталар оралиги). Узгармас босим остидаги ёниш маҳсулоти энг охирига етгандан сўнг, ёниш камерасидан чиқиб, аввал турбина кураклари билан ( $4-4'$  нуқталари оралиги) таъсирилашиш жараёнида кенгаяди. Бу адиабатик кенгайиш кейин соплода давом этади ( $4-5$  нуқталар оралиги) ва асосий иш бажарилади. Ёниш маҳсулоти таркибидаги қолдиқ  $q_2$  иссиқлик миқдори совиткичга (атмосфера ҳавосига) чиқарилади. Бу жараён изобарик бўлади ( $5-1$  нуқталар оралиги).

Демак, реактив двигателлар циклидаги термодинамик жараёнлар иккита адиабата ( $1-2$  ва  $4-5$  нуқталар оралиги) ва иккита изобара ( $2-4$  ва  $5-1$  нуқталар оралиги) дан ташкил топар экан. Реактив двигателларнинг турига мувофиқ уларнинг  $PV$  ва  $TS$  диаграммалари бир-биридан озгина фарқланади. Бунга асосий сабаб реактив двигателларда юз берадиган термодинамик жараёнларнинг жадаллиги ва двигатель конструкциясидир. Циклнинг  $TS$  диаграммасидан кўриниб турибидики, диффузорда ва компрессорда ҳаво сиқилганда ҳамда ёниш маҳсали турбина куракларнда ва соплода кенгайганди, иш моддаси (ёқилғи — ҳаво аралашмаси ҳамда ёниш маҳсали) таркибий қисмининг ички энергияси аввал ортиши, сўнгра мувозанат ҳолатга қайтиши даврида унинг энтропияси ўзгарувчан бўлади.

Газ турбинаси қурилмасининг термодинамик циклнинг  $PV$  ва  $TS$  диаграммаларини реактив двигатель циклиники билан таққосланса, улар жуда ҳам ўхшаш. Шуннинг учун реактив двигатель циклнинг бажарган иши ва ФИҚ ГТҚ никпидай бўлади:

$$A = \frac{P_2 V_2}{\kappa - 1} (\rho - 1) \kappa \eta_t; \\ \eta_t = 1 - \frac{1}{\varepsilon^{\kappa - 1}} \quad (296)$$

Атмосфера ҳавосини икки хил усулда, яъни маҳсус қурилма (компрессор) ва учувчи аппарат тезлигини тоувуш тезлигига яқинлаштириш ёки ундан ортириш йўли билан сиқиш мумкин. Агар учувчи аппарат тезлиги

товуш тезлигига яқинлашса, атмосфера ҳавоси диффузора киришгача сиқила бошлайды. Бундай ҳодисадан фойдаланилса, реактив двигателлардаги компрессор ва газ турбинасига җожат қолмайды.

Бундай компрессорсиз реактив двигателлар ҳаво-реактив двигателлари (ХРД) га мансуб бўлиб, улар икки хил, яъни тўғри оқимли ва пульсация (тепки) ли бўлади.


### 10.3. Тўғри оқимли ХРД ва уларнинг иш циклидаги термодинамик жараёнлар

Тўғри оқимли ХРД диффузор 1, сүйрилагич 2, уорма ҳосил қилувчи панжаралар 3 ва 4, форсункалар 5, ёниш камераси, стабилизатор 7 ва сопло 8 дан ташкил топган (69-расм).


ХРДларининг айрим конструкцияларида стабилизатор сопло билан ёниш камераси чегарасида жойлаштирилади.

Тўғри оқимли ХРДлари циклидаги термодинамик жараёнлар ҳам турбореактив двигателларнига ўхшаш.

Циклнинг  $PV$  ва  $TS$  диаграммаларидан кўрининб турибдики, дастлабки сиқилиш жараёни ( $0-1$  нуқталар оралиғи) диффузордан ташқарида содир бўлади. Сиқилишнинг давоми ( $1-2$  нуқталар оралиғи) диффузорда адабатик ( $dq=0$ ) кечади. Атмосфера ҳавосининг сиқилиши натижасида унинг температураси, босим ва ҳажми ўзгаради. Юқори босимли ва температурали ҳавонинг бир жинслилигини ва ёниш жараёнининг жадал



69-расм. Товуш тезлигига уча оладиган тўғри оқимли ХРДнинг схематик тасвири.



70-расм. Тұғри оқимлы ҲРД циклиниң  $PV$  ва  $TS$  диаграммалари.


борошини таъминлаш мақсадида сиқилған ҳаво уюрмалы оқим ҳосил қылувчы панжаралардан үтказилиб, ёниш камерасига ўзгармас ( $P=\text{const}$ ) босимда узатилади. Бу қызиган ҳавога еқілғи форсункалар 5 орқали пуркалади. Шунда кимёвий реакция жадал боради. Ёниш маҳсултининг температураси ортади, лекин босим  $P=\text{const}$  сақланади (2—3 нұқталар оралиғи), яғни жараён изобарик бўлади (70-расм).

Ёниш маҳсулоти турғунловчи панжарадан үтиб, паст босими атмосферага жуда катта тезликда учиб чиққандан кейин адиабатик кентаяди (3—4 нұқталар оралиғи). Қолдиқ иссиқлик миқдорини атмосфера ҳавосига ўзгармас босим остида берган ёниш маҳсулоти яна музозанат ҳолатига қайтади (4—0 нұқталар оралиғи). Цикл такрорланади.

Тұғри оқимлы ҲРД ли циклиниң  $TS$  диаграммасынан маълумки, энтропия 2—3 ва 4—0 нұқталар оралиғида, изобарик жараёнда ўзгарувчан бўлади, чунки иш моддасининг сиқилиши вақтида унинг ички энергияси ўзгариши ҳисобига иссиқлик пайдо бўлади ҳамда кенгайгандан эса иссиқлик чиқади.


Циклниң бажарган иши 0—1—2—3—4—0 нұқталар билан чегараланган юзага сон қиймати жиҳатидан тенг. Шу тұғри оқимлы ҲРД нинг циклида бажарилган ишни компрессорли турбореактив двигателни билан таққосланса ҲРД нинг бажарган иши каттароқ бўлади. ҲРД конструкцияси жиҳатидан анча содда ва унга кам металл сарфланади.

Товуш тезлигидан юқори бўлган тезликларда учадиган аппаратлар двигателларининг диффузори ва соп-



71-расм. Тұғри оқындау төзімдегі ұзақ оладиган ұаво реактив двигателінің схематик тасвири.

Лөсін үзіга хос геометрик шаклда бўлади. Чунки, диффузоргача дастлабки сиқилиш ҳодисаси ғовушдан тез реактив двигателларда бўлмайди. Унинг ўрнига диффузор ва соплонинг конуссимон киритиш ва чиқариш каналлари кенгроқ, уларнинг ўрта қисми торроқ қилиб ясалади. Бундай үзгартыриш ұаво оқынининг босим ва температурасини ёниш камерасигача равон кўтарилишини, система ички энергиясининг ортиши ҳисобига таъминлайди. Ёниш камерасида ёқилғи ва ұаво аралашмаси  $P = \text{const}$  да ёқилади ва сақланади. Ёниш маҳсулоти нинг температураси соплагача текис ортиб боради. Соплода адиабатик кенгайниш жараёнида ёниш маҳсулоти иш




72-расм. Тұғри оқындау төзімдегі ұзақ оладиган ХРД циклининг  $PV$  ва  $TS$  диаграммалари

бажаради. Товушдан тез уча оладиган түғри оқимли ҲРД лар циклининг  $PV$  ва  $TS$  диаграммасидан маълумки, цикл иккита адабатада иккита изобарарадан ташкил топган. Товушдан тез ҲРД лари циклида энтропияниң ўзгарувчилиги изобарик жараён үринли бўлғанда содир бўлади.


Түғри оқимли товушдан тез уча оладиган ҲРД циклида бажарилган иш ва термик ФИК юқорида қараб чиқилган реактив двигателларнига ўхшаш.

#### 10.4. Пульсацияли ҲРД ва унинг циклидаги термодинамик жараёнлар

Пульсацияли ҳаво-реактив двигатели (ПҲРД) ҳам компрессорсиз реактив двигатель бўлиб, у асосан диффузор 1, сурралигич 2, клапанли панжара 3, ёқилғини пурковчи форсункалар 4, ўт олдириш свечаси 5, ёниш камераси 6, конфузор 7 ва тутун газлари трубаси 8 дан ташкил топган (73-расм). ПҲРД циклида жараён қўйидагича кечади: диффузорда сиқилиб босими ва температураси ортган атмосфера ҳавоси, ёниш камерасига бир меъёрда узатиб турилмасдан, махсус клапанлар панжараси ёрдамида узлукли узатилади. Шунда ёниш камерасидаги ҳавога форсункалар орқали ёқилғи пуркалади ва ҳаво билан аралашиб иш моддаси ҳосил бўлади. Иш моддаси свеча контакtlари орасида ҳосил бўлган электр учқуни, яъни ташқаридан киритилган  $q_1$  иссиқлиги ҳисобига портлаб ёнади. Ёниш  $V = \text{const}$  да содир бўлади ва камерадаги ёниш маҳсулотининг босими ва температураси ортади. Чунки, панжарали клапанлар системаси ва ёниш камераси билан конфузор чегарасидаги тўсиқ очилиб, ёпилиб туради. Ёниш маҳсулоти конфузор ва тутун газлари трубасидан катта тезликда ўтиши жараёнида адабатик кенгаяди ҳамда реакция кучини ҳосил қиласди. ПҲРД циклидаги термодинамик жараёнларнинг  $PV$  ва  $TS$  диаграммасидан кўриниб турибади.



73-расм. Пульсацияли ҲРДнинг схематик тасвири



74-расм. ПХРД циклидаги термодинамик жараёнларнинг PV ва TS диаграммалари.


дики, цикл иккита адиабата, биттадан изохора ва изобарадан ташкил топган (74-расм).

ПХРД нинг диффузорига оқиб кирган ҳаво аввал унинг олд қисмида, сўнгра сүйрілагичда адиабатик сиқилади (1—2 нуқталар оралиғи). Сиқилган ҳаво ёниш камерасига клапандар панжараси орқали киритилгандан кейин унга ёқилғи пуркалади ва улар аралашиб иш ёқилғиси ҳосил қиласи (2—3 нуқталар оралиғи). Ташқаридан иссиқлик, свеча контактлари орасида ҳосил бўлган учқун сифатида, ёқилғига киритилади ва у портлаб ёнади (3—4 нуқталар оралиғи). Ёниш камераси ҳамма томондан ёпиқ бўлганлигидан ёниш жараёни изохорик бўлади. Шунда ёниш маҳсулотининг босими ва температураси ортади. Шундан сўнг конфузор билан ёниш камераси чегарасидаги тўсиқ очиласи ва юқори босимли ёниш маҳсулоти аввал конфузорда, сўнгра тутун газлари трубасида адиабатик кенгайиб (4—5 нуқталар оралиғи) атмосферага чиқади. Ёниш маҳсулотининг катта тезликда оқиб чиқиши натижасида ёниш камерасидаги газлар сийраклашади, яъни вакуум ҳосил бўлади. Бу эса панжарадаги клапандарни очади ва ёниш камерасига янги ҳаво оқими киради. Цикл такрорланади.

ПХРД циклининг бажарган иши ва ФИҚ юқорида келтирилган формулалар ёрдамида аниқланади.

### 10.5. Ракета двигателлари

Ракета двигателлари қаттиқ ва суюқ ёқилғиларда, ядро ёқилғиларда ишлайди. Ракета двигателлари (РД)




75-расм. Суюқ ёқилғида ишлайдиган РДнинг схематик тасвири.

дан бири 75-расмда тасвирланган. Ракета двигателларида атмосфера ҳавосидан оксидловчи сифатида фойдаланилмайды. Реактив куч иш моддаси (ёниш маҳсулоти, зарралар) оқимининг ортиб бориши ҳисобига пайдо бўлади. Иш жисмининг турига кўра РДлар кимёвий, электр, қаттиқ, қаттиқ ҳам суюқ ёқилғида, лазер, фотон билан ишлайдиган хиллари бўлади. Суюқ ва қаттиқ ёқилғида ишлайдиган РДлар кўпроқ тарқалған. РД ларнинг ўлчами бир неча сантиметрдан бир неча ўн метрга, массаси эса бир неча ўн граммдан бир неча юз тоннагача боради. РД бир ва бир неча босқицдан ҳамда бошқариш системаларидан тузилган.

РД лари ишлатилишига кўра ҳарбий, метеорологик (об-ҳавони кузатиш), космик турларга бўлинади. РД ларнинг асосий қисмини ёниш камераси 9, сопло 8, камерани совитувчи ракета «ғилофи» 7 ташкил этади. Ёқилғи ва оксидловчи идишлар 3 ва 2, уларнинг насослари 4 ва 13, турбина 1 ва унинг редуктори 5, иш моддаси 6 ҳамда ёқилғини оксидловчи 14 ва совитувчи 12 ни узатувчи трубалар, ёқилғи 10 ва оксидловчи 11 форсункалардан иборат аппаратлар РД нинг олд қисмida жойлашган.

РД нинг иш циклидаги термодинамик жараёнлар иккита изобара ва битта адиабатадан иборат. Чунки ёниш камерасига узатилган иш ёқилғиси ҳажми унинг ёниш маҳсулоти ҳажмига teng. Шунинг учун иш ёқилғисининг сиқишига сарфланган иши эътиборга олинмайди (суюқ ёқилғи сиқилмайди, оксидловчи идишда сиқил-



76-расм. РД циклидаги термодинамик жараёндарнинг  $PV$  ва  $TS$  диаграммалари.

ган ҳолатда сақланади). Бу ҳолат идеал циклга яқин деб қаралса, сиқиши жараёни изохорик бўлиб, унинг бошланиши координата ўқида ётади (76-расм, 1—2 нуқталар оралиғи).

Иш ёқилгиси  $P = \text{const}$  да унга киритилган  $q_1$  иссиқлик ҳисобига ёнади. Ёниш маҳсулоти ўз ҳажмни маълум параметрларгача ўзгармас босим остида, 2—3 нуқталар оралиғида ўзгартиради, сўнг соплога ўтади ва унда адиабатик тўлиқ кенгайди (3—4 нуқталар оралиғи). Атмосферага чиқарилган қолдиқ иссиқлик миқдори ҳаво билан иссиқлик алмашиниб мувозанат ҳолатига қайтади (4—1 нуқталар оралиғи). РД циклининг бажарган иши асосан ёниш маҳсулининг адиабатик кенгайишида унинг энталпиясининг ўзгаришига тенг бўлади, яъни

$$A_{ii} = i_3 - i_4 \quad (297)$$

$$\text{РД циклининг ФИК } \eta_i = \frac{A_{ii}}{q_1} = \frac{i_1 - i_4}{q_1}.$$

Иш ёқилгисига узатилган  $q$ , иссиқлик миқдори ёниш маҳсали ( $P = \text{const}$  да) энталпиясининг (2—3 нуқталар орлиғи,  $PV$  — диаграмма) ўзгаришига тенг, яъни  $i_3 - i_2 = \Delta i$ .

$$\text{Унда } \eta_i = (i_3 - i_4) / (i_3 - i_2). \quad (298)$$

Шундай қилиб, РД циклининг термик ФИК иш моддаси энталпиялари ўзгаришларининг нисбатига боғлиқ экан. Лекин газнинг соплодан оқиб чиқишидаги кинетик энергияси билан боғлиқлиги эътиборга олинса, бажарилган ишини  $\Phi = mv^2$  кўринишида ифодалаш мумкин. Унда ФИК  $\eta_i$  қўйидагича ифодаланади:

$$\eta_i = \frac{c^2}{2g}. \quad (299)$$


## ХІ бөб. ИССИҚДИК ЭЛЕКТР СТАНЦИЯЛАРИ

Органык ёқалғы ёнгандың ажырладыған иссиқдик энергиясының үзгартырыш натижасыда ҳам иссиқдик, ҳам электр энергиясы ишлаб чиқарадыға иштейт иессе қалып электр станциясы дейнелади. Иссиқдик электр станция (ИЭС)лар иш ёқалғыснин турига күра: қаттық, сұжық, газсайын ва аралаш ёқалғыларда ишлайдыган станциялар; иссиқдик двигателдарининг турига күра: бұт турбиналы, газ турбиналы, ичкі ёнуу двигателди (дизель электр станциясы) станциялар; истеммолчига узатадыган энергиясы турига қараб: конденсациялык электр станциялари ва иссиқдик электр марказлари; қувват беріш услугабага мувофиқ; асосий таъминловчи (йил давомында узлуксиз ишлайдыган) ва тиғиз (энергияны истеммол қылыш орттанды қескин ишлайдыган) станциялар бұлади. ИЭС ларга атом, гелио, геотермик электр станцияларни ҳам шартлы равишда киритиш мүмкін.

Мамлакатни электрлаштиришда ИЭС лар асосий электр манбасынан жаңынан да үлар ахоли зич яшайдыган жойларда, оғир ва енгіл саноат, металлургия комбинатлары жойлашынан жойларда күпроқ қурилади. Хозирги вақтда уларнинг 2,4—3,6 ГВт дан юқори қувватлары қурилмоқда. ИЭС ларга дунёда ишлаб чиқарыладыган электр энергиясыннан 80% түрін келади.

### 11.1. Конденсациялык электр станциясы (КЭС)

Бундай электр станциясы фақат электр энергиясын ишлаб чиқаришга мүлжалланған бұлади. КЭС истеммолчи билан фақат электр энергиясы орқали боғланған бўлиб, у ахоли яшайдыган нуқталарда, саноат марказларида ва ёқилғи қазиб олинадыган жойларда қурилади. Туман учун мүлжалланған КЭС одатда ГРЭС (государственные районные электростанции) деб юритилади. ГРЭС лар кўплаб қурилган бўлиб, ҳозирги кунда ИЭС ишлаб чиқарадыган электр энергиясыннан 2/3 қисми уларга түбери келади. ГРЭС ларнинг қуввати жуда катта. Масалан, Экибастус кўмир ҳавзасында қурилган станциянын бир гурухи 4000 МВт, Сирдарё ГРЭС ўнта блокдан иборат бўлиб, улар 3000 МВт электр энергиясини ишлаб чиқаради. ГРЭС ҳозирги кунда жуда катта қувватли (1 ГВТ дан ортиқ) ва электр ҳалқа-



77-расм. КЭСнинг схематик тасвири: 1 — қозон агрегати; 2 — буғ қизидиргич; 3 — буғ турбинаси; 4 — электр генератор; 5 — конденсат насоси; 6 — сув баки; 7 — сув насоси; 8 — сув трубалари; 9 — сув түлдіруштың сув трубаси; 10 — истроф бұлған сув үрнини түлдіруштың сув трубаси; 11 — истроф бұлған сув үрнини түлдіруштың сув трубаси; 12 — конденсаторга узатыладын сув трубаси; 13 — марказий насос; 14 — сув давзаси.

сидаги электр станциялари билан биргаликда ишлайды, ган КЭС дир.

ГРЭС лар буғининг босимдик критик босимдан (22 МПа) юқори бұлған босимларда ишлайды. Қуввати 250—300 МВт бұлған турбиналар критик босимдан юқори бұлған босимлар (24 МПа) да ишлайды. Буғининг бошланғич босими 13—14 МПа, температурасы  $T=830\text{--}850$  К бўлади. Такомиллашган КЭС ларда буғининг параметрлари  $P=16\text{--}25$  МПа,  $T=800\text{--}900$  К га етади.

КЭС лар (ГРЭС) асосан блокли бўлади, яъни буғ генератори ва турбинаси электр генератори билан бирга энергия блоки деб юритилади (77-расм).

КЭС лар иссиқлик электр марказларига нисбатан анча содда ва иқтисодий жиҳатдан самаралидир. КЭСнинг ўзига сарфланадын (электр двигателларни, насосларни ва ш. к. ёрдамчи асбоб-ускуналарни юритишга) энергияни ҳисобга олмагандан брутто ФИК қуйндагича ифодаланади:

$$\eta_{bp} = \frac{W_3}{q_c} = \frac{W_3}{B \cdot q_{k,e}}. \quad (300)$$

бунда  $W_s$  — вақт бирлигіда электр генератор ишлаб чықарған энергия, кЖ;  $q_c$  — вақт бирлигіда станция сарғлаган иссиқлик миқдори, кЖ;  $B$  — вақт бирлигидаг өңілік сарфи, кг;  $q_{k.e}^c$  — өңілғининг қуий ёниш иссиқлигі кЖ/кг.

Амалда, электр энергияси  $1 \text{ кВт}\cdot\text{соат} = 3600 \text{ кЖ}$  өзтироф этилган ҳолда  $\eta_{bp}$  һүйнідегіча ифодалаш мүмкін:


$$\eta_{bp} = \frac{3600}{q_c} \cdot W_s. \quad (301)$$

Замонавий КЭС ларнинг ФИК 30% атрофіда бұлып жуда күп энергия конденсатордан советкичга (дарә, хөвуз, денгиз сувига) чиқарилади.

Айрим КЭС ларда исроф бўладиган иссиқликин ре генерация бўлмасига ўтказиш билан ундан самарал фойдаланилади.

## 11.2. Иссиқлик электр маркази (ИЭМ)

Иссиқлик электр маркази бир вақтнинг ўзида ҳаиссиқлик, ҳам электр энергияси ишлаб чиқарадига



78-расм. ИЭМнинг схематик тасвири: а) тармоқтаги сувни иситкін учун турбина буғидан фойдаланадиган; б) қараша-қарши босимл турбина қўлланадиган; в) турбинаси кучсиз вакуум ҳосил қилувчи ҚА — қозон агрегати;  $T$  — буғ турбинаси;  $K$  — конденсатор;  $D$  — деаэратор-иситкік;  $q$  — иссиқ сув истеъмолчиси;  $H$  — технологик буистеъмолчиси;  $TH$  — тармоқ насоси;  $CT$  — сув таъминоти;  $\sim$  — ўзгаруучан ток генератори.

станциялар бўлиб, улар катта саноат марказларида ва шаҳарларда қурилади. ИЭМ ларда ёқилдиган ёқилғи иссиқлигидан икки хил (иссиқлик ва электр) энергия ишлаб чиқариш йўли билан улардан самарали фойдаланилади. Буғ турбинасида иш бажариб бўлган буғдаги қолдиқ иссиқлик миқдоридан иссиқлик алмашиниш ёки маълум иссиқлик миқдорини қозон агрегатига қайта-риш ҳамда регенерация усуллари орқали ундан тўлароқ фойдаланилади. Бу қолдиқ иссиқлик иситиш тармоқларида сув ва ҳавони иситишга сарфланади. Айрим ҳолларда конденсатордаги иссиқлик алмашиниш усули билан иситиш тармоқларидаги сувни қиздиришда фойдаланилади. Конденсаторда иссиқлик алмашинуви орқали қиздирилган сувнинг температураси 350—360 К га етади. Бундай ҳолатларда буғ турбинасида сезиларли даражада вакуум ҳосил бўлмайди. Иссиқ сувга ва буғга истеъмолчиларда талаб катта бўлганида конденсатор ишлатилмайди. Турли-туман иссиқлик алмашинуви асбоблари (сув иситгичлар, калориферлар, буғлатгичлар, автолав) конденсатор вазифасини бажаради ва ҳосил бўлган конденсат имконияти борича ИЭМ га қайтарилади. Бундай иссиқлик алмашинувининг қўлланилиши натижасида истеъмолчилардаги иссиқликка бўлган талабнинг 90% ИЭМ зиммасига тушади. Шунинг учун улар саноат марказлари ва аҳоли зич жойлашган минтақаларда қурилади.

Марказлаштирилган иссиқлик ва электр энергияси билан таъминлаш иссиқлик таъминоти (теплофикация) дейилади. ИЭС лар ишлаб чиқарилдиган энергиянинг 30% дан ортигини беради.

Катта саноат ва металургия марказларидағи умумий иссиқлик энергиясининг тақрибан 90% ини ИЭМ лар беради. ИЭМ нинг ФИК ишлаб чиқарилган электр ва иссиқлик энергиялари йиғиндисининг ёқилғи сарфи-ни унинг қути ёниш иссиқлигига кўпайтмасига нисбати орқали ифодаланади:

$$\eta_{и.э.м} = \frac{W_{и.ч.} + q_{и.ч.}}{B^e \cdot q_{к.и.б.}^e}, \quad (302)$$

бунда  $W_{и.ч.}$  ва  $q_{и.ч.}$  — ишлаб чиқарилган электр ва иссиқлик энергиялари миқдори, кЖ;  $B^e$  — ёқилғи сарфи, кг/с;  $q_{к.и.б.}^e$  — ёқилғининг қути иссиқлик бериш хусусияти.

ИЭМ ишлаб чиқарган электр ва иссиқлик энергия-

ларига мос равишда унинг брутто  $\eta_t^b$  ва  $\eta_t^u$  қуйидагича ифодаланади:

$$\eta_t^b = \frac{W_{\text{и.ч.}}^b}{B_3^b \cdot q_{\text{к.и.б.}}^b}; \quad \eta_t^u = \frac{W_{\text{и.ч.}}^u}{B_u^u \cdot q_{\text{к.и.б.}}^u}, \quad (303)$$

бунда  $W_{\text{и.ч.}}^b$  — йиллик ишлаб чиқарилган электр энергияси миқдори, кЖ;  $B_3^b$  ва  $B_u^u$  — йил давомида электр ва иссиқлик энергияларини ишлаб чиқаришга сарфланган ёқилғи миқдорлари;  $B_u^u = B - B_{\text{и}}$  иссиқлик электр маркази ишлатган йиллик ёқилғи миқдоридан иссиқлик ишлаб чиқаришга сарфланган қисмийнинг айрмаси бир йилда ишлаб чиқарилган электр энергияга сарфланган ёқилғи миқдорини беради. Бунда қозон агрегатига келтирилган ёқилғи ҳосил қилган иссиқлик тұлалигича фойдаланилади, деб фараз қилинади.

ИЭМ нині нетто ФИК ни аниқлашда, станцияни иссиқлик ва электр энергиялари билан таъминлаш учун зарур бўлган энергия ҳам ҳисобга олинади.

Замонавий ИЭМ лари 1 кВт·соат энергия ишлаб чиқаришга  $\sim 350$  г ёқилғи сарфлайди. Шунинг учун ишлаб чиқариладиган 1 кВт·соат электр энергияси 0,6—1 тийин атрофида бўлган. 1 Гигажоул иссиқлик энергиясининг җархи ИЭМлар учун 0,5 сўмга тўғри келган (1990 й).\*

Юқорида қараб чиқилган ИЭСларнинг жойлашувига қараб, шундай хуносага келинади. ИЭС лар мамлакатни электрлаштиришда ва иссиқлик таъминотини режалаштиришда, ёқилғидан тўғри фойдаланиб электр ва иссиқлик энергиялари ишлаб чиқаришда улар асосий манбалар бўлиб қолади.

Атроф-муҳитни ҳимоялашда ИЭСлар чиқиндилари табиатга маълум даражада зарар ҳам келтиради. Тутун газлари таркибидаги заҳарли кимёвий бирикмалар атмосфера ҳавосини ифлослантиради. Шунинг учун ҳам ёқилғидан тўғри фойдаланиш талаби кун сайн ортиб бормоқда. Тежамли, экологик жиҳатдан нисбатан тоғза, такомиллашган қурилмалар лойиҳаланиб қурилмоқда.

### 11.3. Магнитогидродинамик (МГД) генератор

МГД генератор иссиқлик энергиясини бевосита (айланувчи қисмларсиз тўғридан тўғри) электр энергияси-

---


\* 1990 йилгача бўлган маълумот ва у ўзгариб туради.

га айлантирувчи қурилма. МГД генератор диффузор, сопло, электродлар, магнит майдони ҳосил қилувчи ташқи индуктив ғалтаклар ва иш жисми (электролит, суюқ металл, ионлашган газ оқими—плазма)дан ташкил топган. МГД генераторнинг ишлаш принципи иш жисмийнинг ўзгармас магнит майдони куч чизиқларига кўндаланг ҳаракатланиши натижасида плазма зарраларининг шу майдонда оғиши ва электродларга ўз зарядини бериши ҳисобига шу электродлар орасида потенциаллар айримаси ҳосил бўлишига асосланган.


МГД генератордаги иссиқлик энергиясини тўғридан-тўғри электр энергиясига айлантириш икки йўналишида: юқори температурали иш жисми иссиқлик энергиясини электр энергиясига (қозон қурилмаси, электр генератори ишлатмасдан) айлантириш; иш жисмининг иссиқлик, кимёвий, ядро, термоядро, ёруғлик энергияларини физик қонунлар асосида электр энергиясига айлантириш бўйича тадқиқ этилмоқда. Бундай усулларда электр энергияси ҳосил қилувчи асбоб-ускуналарга термопаралар, электролитли аккумуляторлар, бошқариладиган термоядро синтез реакциялари қурилмаси, фотоэлементлар, фотоқаршиликлар, электрон лампалар,  $p$  ва  $n$  ўтказувчанликли ярим ўтказгичлар, қуёш батареяларини мисол қилиб олиш мумкин.

Иссиқлик энергиясини электр энергиясига машинализ айлантиришда ҳамма ҳолатларда ҳам юқори температурали иссиқлик манбай ва совиткич мавжуд бўлади.

Маълумки, машина ёрдамида электр энергиясини ҳосил қилишда ўзгармас магнит майдонида магнит куч



79-расм. МГД генератори қурилмасининг очик схемаси ва унда кечадиган термодинамик жараёнларнинг  $TS$  диаграммаси.




80-расм. Очиқ (а) ва берк (б) схемали МГД — генератор қурилмаси реал цикларининг  $TS$  диаграммалари.

Чизиқларига перпендикуляр равишда индуктив ғалтак (ротор чулғамлари) айланма ҳаракатланади. Машинасиз электр токини ҳосил қилишда индуктив ғалтаги құлланылмайды, унинг үрнига түғри оқимли иш моддаси (ионлашган газ-плазма) олинади. МГД генератор қурилмасида ишлатыладын иш моддаси ва МГДГ нинг қурилишінде күра, улар очиқ ва берк схемали бўлади (79—81-рәсмлар).

Очиқ схемали МГД генератор ҳаво компрессори, иссиқлик алмаштиргич-регенератор 3, ёниш камераси 1, МГД генератор 2, буғ генератори 5, буғ турбинаси 6, конденсатор 7, конденсат насоси 8, электр генератори 9, электромагнит чулғамлари 12 ва бошқа ёрдамчи қисмлардан ташкил топган.

МГД генератор қурилмаси иш циклидаги термодинамик жараёнларни қараб чиқамиз. Компрессорга сўрилған атмосфера ҳавоси унда аднабатик сиқилади. Термодинамиканинг биринчи қонунига мувофиқ компрессорда сиқилған ҳаво ички энергиясининг ўзгариши ҳисобига унинг параметрлари  $V$ ,  $P$ ,  $T$  ўзгаради, чунки узатилған  $dq=0$ . Шунда ҳавонинг сиқилиши ҳисобига исиган ҳаво регенераторда яна ҳам қиздирилганидан сўнг ёниш камерасига узатилади. Қиздирилған ҳавога ёқилғи пуркалади ва кучли портлаб ёниш содир бўлади; ионлар оқимини ҳосил қилиш учун иш ёқилғиси 3000 К температурада махсус ёниш камерасида ёқилади; ёниш маҳсулотининг температураси 2000—2200 К га етади. Бу температурадаги ёниш маҳсулоти таркибида ионлашған

зарралар миқдори унча катта бўлмайди. Шунинг учун гоҳо ионлар миқдорини орттириш мақсадида унга осонроқ ионлашадиган қўшимчалар сифатида калий ёки цезий тузи (1—2%) қўшилади. Шунда юқори температура остидаги ёниш маҳсулоти жадалроқ ионлашади. Шундан кейин ионлашган оқим МГД генератори диффузо-



81-расм. Берк схемали МГД генератори қурилмаси ва унинг циклидаги термодинамик жарабёнларнинг TS диаграммаси: 1 — компрессор; 2 — атом реактори; 3 — МГД генератор; 4 — бур генератори; 5 — бур турбинаси; 6 — электр генератори; 7 — конденсатор; 8 — конденсат (сув) насоси; 9 — совиткич; 10 — МГД генератори-нинг электромагнити; 11 — электродлар.

рига йўналтирилади. Унда ташқи магнит майдони таъсирида ионлашган газ оқими тезланиш олиб тезда адиабатик кенгаяди. Шу кенгайиш жараёнида газ оқимида ҳосил бўлган индукцион ток электродлар орқали искеъмолчига узатилади. Ҳосил бўлган электр токининг қиймати плазма (юонча — plasma — ясалган, шаклланган) оқимидаги зарралар сонига, уларнинг зарядига, тезлигига ва ташқи магнит майдони индукцияси катталигига боғлиқ бўлади.

МГД генератор каналида плазма оқимининг кенгайиши адиабатик бўлса-да, иш жисми кучли электр ўтказувчанилигига эгалиги билан буғнинг кенгайишидан фарқланади. Плазманинг электр ўтказувчанилиги оқимидаги ионлар сони ортиши билан ортиб боради, масалан,  $\alpha = 10^{-3}$  бўлгандан электр ўтказувчанлик тўла ўтказувчаникнинг ярмига тенг бўлади ва  $\alpha = 10^{-2}$  да бу қиймат 90% га яқинлашади. МГД генератор қурилмаси циклидаги термодинамик жараёнлар диаграммасидан кўриниб турибдики, цикл иккита адиабата ( $1-2$  ва  $4-5$  нуқталар оралиғи) ҳамда иккита изобарадан ( $2-3-4$  ва  $5-6-7-1$  нуқталар оралиғи) ташкил топган бўлиб, циклга ташқаридан иссиқлик миқдори киритилмасдан, иш моддаси ички энергиясининг ўзгариши ҳисобига ёниш жараёни амалга ошади.  $q_2'$  ёниш маҳсулоти таркибидаги ташқарига чиқарилётган қолдиқ иссиқлик миқдорининг бир қисми бўлиб, у регенерация усули билан яна иш моддасига қисман қайтарилади ва унинг ҳолат параметрларини ўзгаришига сабаб бўлади (80-расм). Иш моддаси ҳажми  $P = \text{const}$  остида ортади. Сиқилишда маълум даржада қизиган ва регенераторда қўшимча қиздирилган ҳаво ёниш камерасига узатилади ва шу пайтда камерага ёқилғи пуркалади. Қучли кимёвий реакция ўзгармас босим остида ёниш камерасида юз беради ва ёниш маҳсулти етарли даражда ионлашган газ оқимига айланади. Зарур бўлганда бу ионлашган газ оқимига қўшимчалар қўшилади. Шунда ионлашган газ-плазма оқимининг термодинамик ва физиковий хоссалири ўзгаради. Босим  $P = \text{const}$  да юқори температурали газ оқими МГД генератор канали орқали ўтаётганда адиабатик кенгаяди ( $4-5$  нуқталар оралиғи) ва таркибидаги заряд миқдори ҳисобига магнит майдони қутблари томонида ўрнатилган электродларга манфий ва мусбат ионлар (зарралар) оғиб, уларга ўз зарядларини беради ҳамда шу электродларда ЭЮК ҳосил қиласди.

Иш бажарыб бўлган ёниш маҳсул (ионлашган газ-плазма) таркибидағи зарраларнинг кинетик энергияси, яъни температураси жуда юқори бўлади, чунки улар фақат зарядини бериш даврида ўз температурасини озроқ пасайтиради, холос. Циклининг ФИК ни орттириш учун шу иссиқлик миқдоридан самарали фойдаланиш зарур. Бунинг учун иссиқ газ оқими аввал регенератордан, сўнгра буғ генераторидан, қолдиқ иссиқлик миқдорининг маълум қисмини иссиқлик алмашинуви йўли билан сиқилган атмосфера ҳавосига ва буғ турбинаси циклига ўтказилади. Шунда ҳам иш жисми аралашмасини ҳосил қилувчи сиқилган ҳаво температурасини яна орттиради ва ёпиқ циклни буғ турбинаси қурилмасида қўшимча электр ва иссиқлик энергияси ишлаб чиқаради. Бу эса, умуман МГД генератори қурилмасининг ФИК орттиради.Faқат МГД генераторнинг ФИК 10—20% (Рязандаги ишләётган МГДГ, қуввати 250 МВт), унинг буғ куч қурилмасининг ФИК 30—40% ташкил этади. Жами ФИК 50—60%.

Албатта, термодинамик жараёнлар нуқтан назаридан иш бажарыб бўлган иссиқ газ оқими қолдиқ иссиқлик миқдори ҳисобига қўшимча иш бажаради, чунки бу газ оқими тўла кенгайиб иссиқлигини узатиб бўлган эмас. Демак, ёниш маҳсулоти МГД генераторда адиабатик кенгайгандан сўнг, қолдиқ иссиқлик миқдорини аввал регенераторда, кейин буғ генераторида ва ниҳоят атмосфера ҳавоси билан иссиқлик алмашиниб мувозанат ҳолатга қайтади (4—5—6—7—I нуқталар оралиғи). Цикл тақорланади.

МГД генератор қурилмаси циклининг  $TS$  диаграммасидан кўриниб турибдики, сиқилган атмосфера ҳавосига регенерация усули билан иссиқлик келтирилганда, иш ёқилғиси кимёвий реакция ҳисобига қизигданда, регенерация бўлимидаги ёниш маҳсулидан маълум миқдордаги иссиқлик совиткичга чиқарилганда, тўла алмашиниб ултурмаган қолдиқ иссиқлик миқдори буғ генераторига ёниш маҳсулотидан ўтганда ва атмосферга чиқарилганда цикл энтропияси ўзгарувчан (2—3—4 ва 5—6—7—I нуқталар оралиғи) бўлади. МГДГ қурилмасининг буғ турбинали иссиқлик куч қурилмаси қисми циклининг  $TS$  диаграммаси юқорида сув буғи учун қўлланилган қурилмалар циклиниги ўхшашиб. МГД генераторнинг бажарган иши ионлашган газ (плазма) оқимининг МГД

генератор каналига киришидаги ва ундан чиқишидаги энталпиялари айрмасидан аниқланади:

$$A = \Delta i = i_k - i_r \quad (304)$$

Плазма назарияси анчагина мураккаб бўлса-да, Максвелл, Фарадей, Ленц, Дебай, Гиббс-Гельмгольц, Нерист, Стефан-Больцман, Лебедев П. Н. тадқиқотлари натижаларини унга қўллаб  $i_k$  ва  $i_r$  аниқланади. Албатта, плазма параметрлари  $P$ ,  $V$ ,  $T$ ,  $S$ ,  $i$  эркин энергия функциясига кирувчи катталиклар деб қаралади.

Плазма оқими икки, уч ва кўп компонент (таркибий қисм) лардан ташкил топиши мумкин. Шунинг учун плазма параметрларини аниқлашда ҳар бир компонент улушларининг йиғиндиси олинади. Юқоридагилар асосида (исботсиз) МГД генератордаги плазма энталпиялари қўйидагича ифодаланади:

$$i_k = \frac{1}{\mu_k P_k} \sum_1^n i_{lk} P_{lk}; \quad i_r = \frac{1}{\mu_r \cdot P_r} \sum_1^n i_{lr} P_{lr}, \quad (305)$$

$$\text{у нда } \mu_k = \frac{1}{P_k} \sum_1^n \mu_{lk} \cdot P_{lk} \text{ ва } \mu_r = \frac{1}{P_r} \sum_1^n \mu_{lr} \cdot P_{lr},$$

$\mu_k, P_k, i_l$  — плазма компонентларига мос рањишда уларнинг молекуляр оғирлиги, босими ва энталпияси.

Агар плазма оқими мувозанатлашган деб қабул қилинса, унинг энтропияси МГД генераторнинг киришида ва чиқишида ўзаро тенг бўлади, яъни  $S_k = S_r$ . Унда плазма параметрларидан  $P$  ва  $T$  ўзгариши эҳтимоллиги мавжуд бўлади. Лекин МГД генератор каналидаги плазма оқимининг босими ўзгармас, чунки жараён изобарик. Шу сабабли МГД генераторга кираётган ва ундан чиқаётган оқим температуралари айрмасидан энталпия ўзгарувчанигини аниқлаш мумкин:

$$\Delta i = \int_{T_k}^{T_r} C_p dT = C_p (T_r - T_k), \quad (306)$$

бунда  $C_p = \left( \frac{di}{dT} \right)_p \approx \left( \frac{\Delta i}{\Delta T} \right)_p$  — плазма оқимининг  $T_k$  ва  $T_r$  оралигидаги ўртача иссиқлик сиғими.

Биз юқорида таъкидладикки, МГД — генератордан ўтаётган плазма оқими аднабатик кенгаяди, у ҳолда температуралар нисбатини шу жараён учун ёза оламиз:

$$\frac{T_k}{T_r} = \left( \frac{P_r}{P_k} \right)^{\frac{k-1}{k}}$$

Унда, МГД генератор иши қуйидагича ифодаланади:

$$A = \Delta i = \frac{k-1}{k} RT_r \left[ \left( \frac{P_k}{P_r} \right)^{\frac{k-1}{k}} - 1 \right]. \quad (307)$$

МГД генератор қурилмаси циклидаги ФИК ни аниқлашда, албатта унинг ҳар бир жараён кечадиган қисмларига берилган (ёки ҳосил бўлган) ва ундан чиқадиган иссиқлик миқдорларини ҳисобга олиш шарт. Чунки компрессорда ҳаво сиқилганида, ёниш камерасидаги кимёвий реакцияниг боришида, МГД генератор каналидаги ионлашган газ (плазма) нинг электр ўтказувчанлиги натижасида ва ташқи муҳитга иссиқликкниг чиқишида ҳамда регенерация (иссиқлик алмашинуви) да пайдо бўлган ва чиқарилиган иссиқлик миқдорлари ҳисобга олинса, МГД генератор қурилмаси циклининг ФИК қуйидагича ифодаланади:

$$\eta_t = \frac{(q_1 + q_2 + q_3 + q_4) - (q_1 + q_2)}{(q_1 + q_2 + q_3 + q_4)}, \quad (308)$$

бунда  $q_1 = C_p (T_r - T_k) (1 - \eta_k)$  — компрессорда сиқилган атмосфера ҳавосининг қизишда вужудга келган иссиқлик миқдори;  $T_k$  ва  $T_r$  — ҳавонинг компрессорга кириши ва чиқишидаги температуралари;  $\eta_t$  — компрессорнинг ФИК;  $q_2 = C_p (T_3 - T_2)$  — регенерация вақтида сиқилган атмосфера ҳавосига келтирилган иссиқлик миқдори;  $T_2 = T_r$  — регенерация бўлмаси киришидаги сиқилган ҳаво температураси;  $T_3$  — регенерациядан чиқсан, сиқилган ва қиздирилган ҳаво температураси;  $q_3 = C_p (T_4 - T_3)$  — ёниш камерасидаги кимёвий реакция ҳисобига пайдо бўлган иссиқлик миқдори;  $T_3$  ва  $T_4$  — ёниш камерасига узатилган сиқилган ҳамда қиздирилган ҳаво ва ёниш маҳсулининг ёниш камерасини чиқишидаги температуралари;  $q_4 = C_p (T_4 - T_5)$  — МРД генератор каналидаги плазма оқимининг электр ўтказувчанлиги ҳисобига пайдо бўлган иссиқлик;  $T_4$  ва  $T_5$  — МГД генератор каналига кираётган ва ундан чиқаётган ионлашган газ (плазма) оқимининг температуралари;  $\eta_s$  — МГД генераторнинг электр ишлаб чиқариш ФИК;

$q_s = C_p (T_4 - T_5) \frac{1 - (\eta_s - \xi)}{\eta_s - \xi}$  — МГД генератор каналидаги ионлашган газ оқимининг ташқи муҳит билан ис-

сиқлилк алмашинувида исроф бўлган иссиқлилк миқдори;  $\xi$  — ионлашган газ (плазма) нинг иссиқлилк алмашинувида пайдо бўлган исрофларни ҳисобга олувчи коэффициенти;  $q_6 = C_p (T_5 - T_1)$  иссиқлилк алмашинувида (регенерация ва буғ генераторни бўлмаларида ҳамда атмосферада) муҳитнага чиқарилган иссиқлилк миқдори;  $T_5$  ва  $T_1$  — муҳитнинг (регенерация бўлмасига кираётган сиқилган ҳавонинг, буғ генераторидаги буғнинг ёки атмосфера ҳавосининг) бошлангич ва охирги температуралари:

МГД генератор қурилмаси циклининг аниқ нуқталаридаги температуралар орқали унинг ФИК ифодаланганда,  $\eta_c = \eta_s = 1$  ва  $\xi = 0$  шарт қабул қилиниб,  $q_1 = q_6$  қийматни (257) тенгламага қўйиб, сўнгра ихчамлаб қўйидагини ҳосил қиласиз:

$$\eta_t = 1 - \frac{T_5 - T_1}{T_4 - T_2}. \quad (309)$$

Реал циклларниң  $PV$  ва  $TS$  диаграммалари келтирилган цикллар диаграммаларига нисбатан маълум даражада фарқ қиласи.

МГД генератор қурилмаси циклининг ФИК иш моддаси энталпиясининг ўзгарувчанилиги орқали ифодаланса, уни қўйидаги кўринишда ёзиш мумкин:

$$\tau_{it} = \frac{m [(i_4 - i_5) - (i_2' - i_1) + (i_1 - i_{11})]}{m (i_1 - i_2)}, \quad (310)$$

бунда  $m = \frac{(i_1 - i_{11}) l}{(i_8 - i_7) \mu \delta r}$ ;

$\eta_{6r}$  — буғ генераторининг ФИК.

Берк схемали МГД генератор қурилмасининг циклида содир бўладиган жараёнлар очиқ схемалисинганинига қараганда анча мураккаб бўлиб, тузилиши жиҳатдан атом реактори ва маҳсус совиткичи билан фарқ қиласи (82-расм). Ишлатиладиган ёқилгининг тури ва унинг берк контур бўйлаб айланиши билан ажralиб туради. Кечадиган термодинамик жараёнлар очиқ схемали МГД — генераторникига ўхшашиб бўлса-да, циклга келтириладиган  $q_1$  иссиқлилк миқдори атом реакторидан олинади. Ионлашган газ — гелий температураси 2480 К га етади. Иш бажариб бўлган ионлашган газ таркибидаги қолдиқ  $q_2$  иссиқлилк миқдори, аввал буғ генераторига, сўнгра совиткичга узатилади. Натижада газ ҳолатидаги иш моддаси температураси мўътадил ва ундан

ласт ҳолаттага тушади. Цикл тақрорлаңади. Берк контури МГД генератор қурилмаси циклининг  $TS$  диаграммасидан күриниб турибдики, цикл иккита аднабатик ва иккита изобарик жараёнлардан ташкил топған бўлиб, қолдиқ иссиқлик миқдори ионлашган газдан кетма-кет буғ куч қурилмасига ва совиткичга чиқарилади. Шунинг учун берк контурли МГД генератор қурилмаси циклининг ФИК ни ҳисоблашда буғ куч қурилмасига МГД генератор циклидан узатилган иссиқлик миқдори, бажарган иши ҳам ҳисобга олинади. Буғ куч қурилмаси циклида содир бўладиган термодинамик жараёнлар тўғрисида юқорида батафсил тўхталиб ўтганмиз.

МГД генератор қурилмаси берк контури циклининг ФИК энталпиянинг ўзгарувчанлиги орқали ифодалаш мумкин:

$$\tau_{it} = \frac{m [(i_1 - i_1) - (i_2 - i_1)] - (i_1 - i_{III})}{m (i_3 - i_2)}, \quad (311)$$

бунда  $m = (i_1 - i_{III}) : (i_4 - i_5) \neq 0$

$\mu_{op}$  — буг генераторининг ФИК.

Ионлашган газ (плазма) оқимидан металлургияда, пайвандлашда, плазматронларда ва плазма двигателирида иш жисми сифатида фойдаланилади. Бу плазма водород, азот, аргон, гелий ва бошқа кимёвий элементлардан ҳосил қилинади.

#### 11.4. Термодинамик генератор

Термодинамик генератор иссиқлик ўтказгичлар учлари оралиғида ЭЮК ҳосил бўлишига асосланган физик ҳодисаларга мувофиқ ишлайди. Термодинамик генератори Зеебек, Пельтье ва Томсон эфектлари асосида қурилган. Бир жинсли бўлмаган турли хил иккита ўтказгичнинг учларида температуралар фарқи мавжуд бўлганда, шу ўтказгичларнинг совуқ учлари оралиғида ЭЮК пайдо бўлади (Зеебек эфекти); икки жинсли, бир хил температурали ўтказгичларнинг бирга кавшарланган учларидан электр токи ўтганда шу нуқталар муҳитга иссиқлик нурлайди ёки совийди (Пельтье эфекти); бир жинсли бўлмаган система ўзидан Жоуль иссиқлигидан ташқари, яна Томсон иссиқлигини ҳам нурлайди, унинг қатталити температура градиентига ва ток кучига мутаносиб бўлади (Томсон эфекти). Бу эфектларнинг математик ифодалари қуйидагича ёзилади:

$$\begin{aligned} dE &= \alpha dT; \\ dq &= \Pi dI; \\ dq &= \tau dI \frac{\partial T}{\partial x} dx, \end{aligned} \quad (312)$$

бунда  $\alpha$  — иссиқлик ЭЮК коэффициенти бўлиб, у ўтказгич материалига боғлиқ;  $\Pi$  — Пельтье коэффициенти;  $\tau$  — Томсон коэффициенти;  $x$  — ўтказгич узунлиги;  $I$  — ток кучи;  $E$  — иссиқлик ЭЮК.

Зеебек эффектини ҳосил қилишда констант-мис, висмут-мис, платина-платина-радий, вольфрам-молибден вашу кабилардан иборат берк занжир тузилади. Термопаралар шу эффект асосида олинган бўлиб, юқори температураларни ва энг кичик температуралар айрмасини ўлчашда лабораторияларда ва ишлаб чиқаришда қўлланилади. Пельтье эффектига мувофиқ кавшарланган ўтказгичлар нуқтасида ажralадиган ва ютилган иссиқлик миқдорини қўйидагича ифодалаш мумкин:

$$\begin{aligned} q_1 &= I^2 R t - q^1; \\ q_2 &= I^2 R t + q^2, \end{aligned} \quad (313)$$

бунда  $I^2 R t$  — Жоуль иссиқлиги;  $R$  — ўтказгич қаршилиги;

$I$  — ток кучи;  $t$  — токнинг ўтказгичдан ўтиш вақти,  $q' = q''$  — Пельтье иссиқлиги;  $q' = q'' = \Pi q = \Pi I t$  тенглигига кўра ўтказгичдан электр токи ўтганда ажralадиган ёки ютилдиган иссиқлик миқдори энг аввало ўтадиган ток миқдорига ва унинг йўналишига боғлиқ экан. Пельтье коэффициенти  $10^{-2}$ — $10^{-3}$  В оралигига бўлиб, материал хусусиятларига боғлиқ. Бу эффект асосида яратилган ярим ўтказгичли қиздирғич ва совиткич асбоблари космонавтикада кенг қўлланилади.

Томсон (лорд Кельвин Уильям) эффектига мувофиқ электр токи ўтказгичдан унинг бўйламасига ўтаётганда температуралар фарқи кузатилса, Жоуль-Ленц қонунига мувофиқ ажralадиган иссиқликдан ташқари, қўшимча иссиқлик ажralади (ток йўналишига қараб) ёки ютилади. Бу ажralган иссиқлик, кўпинча Томсон иссиқлиги дейилади ва соддароқ шаклда қўйидагича ифодаланади:

$$q = \tau (T_2 - T_1) I t, \quad (314)$$

бунда  $T_2 - T_1$  — температуралар фарқи;  $I$  — ўтказгичдан

ұтаётган ток күчи;  $\tau$  — Томсон коэффициенти;  $t$  — токнинг ўтиш вақти.

Бу эффект 1856 йилда Томсон лорд Кельвин Уильям томонидан аниқланған бўлиб, термоэлектр (иссиқликни тўғридан тўғри электрга айлантириш) ҳодисаларида қўлланилади.

Юқорида қисқагина таърифланган учала эффектлардан маълум бўладики, улар ўтказгич учлари оралиғида температуралар фарқи мавжуд бўлганда ўринли бўла олади. Агар берк ўтказгичдан иссиқлик контакт (иссиқлик ўтказувчанлик) усули бўйича узатилса, ҳамда  $dT$  фарқ бўлса, у ҳолда занжирдаги қувват Пельтье ва Томсон иссиқликларига сарфланади. Бу термодинамиканинг биринчи қонунига мувофиқ қўйидагича ифодаланади:

$$\alpha_{1-2} dT dI = (\tau_1 - \tau_2) dIdT + (\Pi_1 - \Pi_2) dI \quad (315)$$

Пельтье коэффициентининг температура функцияси эканлиги эътиборга олинса, у ҳолда

$$\alpha_{1-2} = (\tau_1 - \tau_2) + \frac{c\Pi_{1-2}}{dT} \quad \text{бўлади.}$$

Содир бўладиган жараён қайтар жараён деб олинса, термодинамиканинг иккинчи қонунига мувофиқ система энталпиясининг йигиндиси нолга тенг бўлади, яъни

$$\sum_i \frac{dq_i}{T_i} = 0. \quad (316)$$

Шунинг учун бу эффектларнинг йигиндиси ҳам нолдан катта бўлмайди:

$$\frac{\tau_2 - \tau_1}{T} dT dI + \frac{\Pi_1}{T_1} dI - \frac{\Pi_2}{T_2} pI = 0 \quad (317)$$

Бу тенглама айрим соддалаштиришлардан сўнг қуидаги кўринишга келади:

$$(\tau_1 - \tau_2) - \frac{\Pi_{1-2}}{T_1} + \frac{\Pi_{1-2}}{T_2} = 0, \quad (318)$$

Чунки  $\frac{\Pi_1}{T_1} - \frac{\Pi_2}{T_2} = d \left( \frac{\Pi_{1-2}}{T} \right) = \frac{d\Pi_{1-2}}{T} - \frac{\Pi_{1-2}}{T^2} dT$

Демак, юқоридагилар асосида Пельтье коэффициентини қўйидагича ёзамиз:

$$\Pi_{1-2} = \alpha_{1-2} T \quad (319)$$

Энди, иссиқлик ЭЮК билан Пельтье коэффициенти

орасидаги боғланиш асосида Томсон коэффициентини ҳам ёзиш мумкин:

$$\frac{d\alpha}{dT} = \frac{1}{T} (\tau_1 - \tau_2),$$

чунки

$$\frac{\partial P_{1-2}}{\partial T} = \alpha_{1-2} + T \frac{\partial \alpha_{1-2}}{\partial T}.$$
(320)

Юқорида қаралаётган эфектларга қайтмас термодинамик жараёнларни татбиқ этиб ҳамда Жоуль иссиқлиги ва иссиқлик ўтказувчанлиги эътиборга олинганда келтирилган эфектлар тенгламаларини яна ҳам аниқроқ ифодалаш мумкин.

Термоэлементнинг бўрк занжири учун Ом қонуни, яъни ток кучи ифодасини ёзамиш:

$$I = \frac{E}{R + r},$$
(321)

бунда  $E$  — занжирдаги ЭЮК;  $R$  ва  $r$  — занжирнинг ташқи ва ички электр қаршиликлари.

Занжирдаги ЭЮК занжирда қўлланилган ўтказгич турнига ва унинг температурасига боғлиқ бўлади. Шунинг учун уни температуralар оралиғи  $T_1$  ва  $T_2$  га мос равишда ёзамиш:

$$E = \int_{T_1}^{T_2} \alpha(T) dT$$
(322)

Агар  $\alpha = \frac{\alpha_1(T_1) + \alpha_2(T_2)}{2}$  бўлса, у ҳолда

$$E \approx \alpha (T_1 - T_2)$$

бўлади.

Шунинг учун занжирдаги иссиқлик ЭЮК қийматини ОМ қонуни ифодасига қўйиб ва  $m = \frac{R}{2}$  юкланиш даражасини (нагрузка) белгилаб, қуйидагини ҳосил қиласиз:

$$I = \frac{\alpha (T_1 - T_2)}{r(m+1)}.$$
(323)

Энди, иссиқлик ЭЮК ҳосил бўладиган занжирнинг фойдали қувватини ва контакт учларидаги потенциаллар айримасини ёзамиш:

$$N = I^2 R = \frac{\alpha^2 (T_1 - T_2)^2 \cdot m}{r(m+1)^2},$$

$$V = \frac{\alpha (T_1 - T_2) \cdot m}{(m+1)}.$$
(324)

Электр занжирининг бир қисмидаги иссиқлик ЭЮК нинг термик ФИК, конвекция ва нурли иссиқлик ўтказувчанликлар ҳисобга олинмаса, уни қўйидагида ифодалаш мумкин:

$$\eta_t = \frac{N}{\sum_k q_{\text{сарф}}} = \frac{N}{q_n(T_1) + q_{\text{исс}} - 0.5 q_{\text{ж}} \pm \Delta q_t}, \quad (325)$$

бунда  $q_{\text{исс}}$  — иссиқлик ўтказувчанлик (контакт) бўйича узатилган иссиқлик миқдори;  $q_n$ ,  $q_{\text{ж}}$  ва  $q_t$  — мос равишда Пельтье, Жоуль за Томсон иссиқлик миқдорлари бўлиб, улар қўйидагида ифодаланади:

$$q_n(T_1) = PI = \alpha T_1 I = \alpha^2 T_1 \frac{(T_1 - T_2)}{r(m+1)};$$

$$0.5 q_{\text{ж}} = 0.5 I^2 r = \frac{\alpha^2 (T_1 - T_2) \cdot 0.5}{2 r T_1 (m+1)^2};$$

$$\Delta q_t = I \int_{T_1}^{T_2} \tau''(T) dT - I \int_{T_1}^{T_2} \tau'(T) dT = I \int_{T_1}^{T_2} (\tau'' - \tau') dT,$$

агарда  $\alpha(T_1) = \alpha(T_2) = \alpha_{\text{срт}}$

тенглик эътиборга олинса, у ҳолда Томсон иссиқлиги бошқача кўринишда ифодаланади, яъни:

$$\begin{aligned} \Delta q_t &= I \int_{T_1}^{T_2} \left( -T \frac{d\alpha}{dT} \right) dT \cong IT_{\text{срт}} \int_{T_1}^{T_2} (-dx) = \\ &= IT_{\text{срт}} \left[ x(T_1) - x(T_2) \right] = 0. \end{aligned}$$

$$q_{\text{исс}} = k(T_1 - T_2) = (\lambda_1 f_1 + \lambda_2 f_2) \frac{1}{c} (T_1 - T_2), \quad (326)$$

бунда  $k$  — иссиқлик элементининг иссиқлик ўтказувчалиги.

Юқорида келтирилган эфектлар асосида ясалган иссиқлик электр генераторларининг ўлчами жуда кичик бўлиб, оғирлиги 100 гратрофида, уларнинг қуввати 100—150 вт, кучланиши 1—3 В, ФИК 7—20% ташкил этади ва замонавий автоматик бошқариш системаларида ҳамда фан ва техникада кенг татбиқ этилади.

## 11.5. Термоэмиссион генератор

Бу иссиқлик энергияси таъсирида металлар сиртидан электронларнинг учуб чиқиш ҳодисасига асосланган ге-


нератордир. Термоэмиссион (therme — иссиқлик, emanation — чиқармоқ) ҳодисаси Ричардсон эффицигига, яғни иссиқлик таъсирінде эмиссион токнинг ҳосил бўлишига асосланган бўлиб, иссиқлик энергиясини тўғридан-тўғри электр энергиясига айлантирувчи генераторларда қўлланилади. Энг содда иссиқлик электрон ўзгартич бир-бирига жуда яқин жойлаштирилган иккита металл сиртлардан иборат бўлиб, уларнинг бирни электронлар оқимини (қиздирилган сирт) ҳосил қиласа, иккинчиси шу электронларни қабул қиласиди. Тузилиши жиҳатидан диод лампага ўхшаш (82-расм).

Қиздирилладиган металл сиртлар катод, электронларни қабул қилувчи сиртлар эса анод дейилади. Катод қиздирилгандан маълум температурагача унинг сиртидан учиб чиқадиган электронлар сони ортиб боради, сўнгра тўхтайди, яғни занжирда тўйиниш токи ҳосил бўлади.

Ҳосил бўлган эмиссион тўйиниш токининг қийматини ҳисоблашда Ричардсон-Дёшман тенгламасидан фойдаланилади, яғни

$$j_s = \frac{I}{S} \sqrt{4\pi B T^2 e^{-\frac{A}{kT}}} \quad (327)$$

бунда  $I$  — ток кучи;  $S$  — электронлар чиқадиган металл сиртнинг бирлик юзаси;  $B$  — назарий ҳисоблаб аниқланган ( $1,2 \cdot 10^6 \text{ а/m}^2 \cdot \text{град}^2$ ) кўпайтирувчи — эмиссия доимийси;  $A$  — электроннинг ўрганилаётган металлдан чиқиши иши;  $k$  — Больцман доимийси;  $T$  — катоднинг абсолютнан температураси.



82-расм. Иссиклик энергиясини электр энергиясига айлантирувчи қурилмаларнинг схематик тасвирлари: *а* — ярим ўтказгичли иссиқлик электр генератори; *б* — иссиқлик (ион) генератор.

лют температураси;  $D$  — металл-вакуум чегарасидаги электрон түлкүн учун потенциал түсікнің ўртача шаффоғлиги. Занжирдаги ток зичлигини ортириш учун, албатта катод температураси 1800—2000 К гача күтарилиши зарур. Шунда занжирдаги ток зичлигі  $j = 1000 \text{ а/м}^2$  га етади.

Термоэлектрон генераторлардаги ток зичлигининг катод температурасыга ва анод-катод оралиғидаги масофа-га боғлиқлиги қуидагына ифодаланади:

$$j = \frac{7.73 \cdot 10^{-12} T^{3/2}}{d^2} [\text{а/см}^2] \quad (328)$$

$d$  қиймат (анод-катод орасидаги масофа) ортган сайнин; ток зичлиги камаяди, шунинг учун ҳам ҳозирги кунда фойдаланиб келинаётган генераторларнинг анод-катоди орасидаги масофа 10 микрондан ортмайди. Термоэмиссион генераторларнинг ФИК ни занжирга берган қувват ва катод иссиқлиги орқали ифодалаш мүмкін:

$$\eta = \frac{N}{q_k}, \quad (329)$$

бунда  $N = IV_R$ ;  $V_R$  — қаршиликларда күчланишинг тушиши;

$$q_k = I\Phi_k + I(V_{\text{тир}} + \Phi_a + V_R - \Phi) + W_t + q_{\text{исоф}};$$


$\Phi_k$  ва  $\Phi_a$  — катод ва аноднинг чиқариш потенциаллари;

$V_{\text{тир}}$  — анод-катод оралиғидаги тирқишида потенциалнинг тушиши;  $q_{\text{исоф}}$  — иссиқлик исрофи.

Иссиқлик электрон генераторининг ФИК 10% атрофина бўлса-да, улар юқори температураларда ишлайди. Шунинг учун кам қувватли ва күчланишли, юқори температурали иссиқлик машиналарида кенг қўлланилади.

## 11.6 Атом электр станцияси

Ҳозирги кунда жаҳон энергетикасида нефть ва газнинг улуши 50% атрофига, кўмирники 35% ни ташкил этади, қолган 15% энергия гидро, атом ва бошқа электр станцияларга тўғри келади. АЭС атом энергиясини электр энергиясига айлантирувчи станция бўлиб, у атом реактори, паст ва юқори босимли регенератор, паст ва юқори босимли буғ турбиналар, конденсатор, электр генератор ва бошқа ёрдамчи ускуналар ҳамда автоматик контрол-ўлчаш асбоблари ва бошқариш системасидан ташкил топган (83-расм). Ҳозир дунёда 300 га яқин АЭС ишлайти. Бунга Воронеж, Белоярск, Санкт-Петербург, Шевченко, Колъск,



83-расм. Бир ва кўп контурли АЭС схемаси: а — бир контурли; б — икки контурли; в — уч контурли; 1 — атом реактори; 2 — буғ ту бинаси; 3 — буғ генератори; 4 — конденсатор; 5 — деаэратор; 6 — сепаратор; 7 — буғ тўпланувчи идиш; 8 — ҳажмни тўлдиргич; 9 — 11 — конденсат, совиткич ва таъминловчи насослар; 12, 13 — орали иssiқлик алмаштиргич ва буғ қизdirгич.

Курск АЭС ларини, атом музёарлари ва камалар («Саванна», «Бобкок-Вилкокс» ва ш. к.) мисол бўл олади.


Табиятда уран-235 изотопининг миқдори 0,72%, уран-238 ники 99,274%, уран-234 ники эса 0,006% ташки қиласади. АЭС ларда атом реакторида кечадиган бошқа риладиган занжирли ядро реакцияси вақтида, асоса уран-233, уран-235, плутоний-239 атомлари ядролари нинг парчаланиши натижасида иssiқлик энергияси ажралади. Ядро реакциясида ажралган иssiқлик миқдор иssiқлик ташувчи (гелий, оғир сув, суюқ натрий) гузатилиади, у биринчи берк контурда, яъни реактор в ташки иssiқлик алмаштиргич оралиғида насос ёрдаме да мажбурий ҳаракатлантирилади. АЭСнинг иккинч контуридаги жараёнлар ИЭС ларидағидай кечади.

Атом электр станцияларининг сув-сув энергетик реактори (ССЭР), суюқ металли энергетик реактор (СМЭР) мавжуд бўлиб, улар сув, суюқ металл ва су юлтирилган газлар билан совитилади.

**Энергетикада, транспортда ва космонавтикада (Топаз) иссиқлик энергиясининг манбай сифагида ҳар хил қувватдаги атом реакторлари қўлланилади.**

Атом реакторлари нейтронларнинг спектрига кўра тезкор, иссиқлик ва оралиқ, яъни тез нейтронлар (100 кэВ) энергияси иссиқлик ҳаракати энергияси (0,025 эВ) га тенг бўлган нейтронлар ва энергияси 1 эВ дан бир неча кэВ гача бўлган нейтронлар таъсирида занжирли ядро реакцияси борадиган турларга бўлинади.

Атом реакторларининг иш моддаси ядро ёқилғиси бўлиб, уларга занжирли реакция вақтида парчаланадиган табиий уран-235 (иссиқлик нейтронларида парчаланади) ва сунъий уран-233, плутоний-239 (тез нейтронларда парчаланади) киради. Сунъий ядро ёқилғисининг хом аши деганда торий-232 ва уран-238 тушунилади. Чунки, ўя ядролар биттадан нейтрон ютади ва иккитадан бўстар заррасини чиқариб бошқа турдаги кимёвий элементга, яъни



анади.

Ядро куч қурилмаларининг асосини атом реактори кил этали. Ядро куч қурилмалари электр энергияси ишлаб чиқаришда (АЭС), музёар, сув ости кемаудида, самолётларда, локомотивларда, ядро реактив гателларида қўлланилади.

АЭС ларда асосан электр ва иссиқлик энергиялари ишлаб чиқарилади. Улар тузилиши жиҳатидан иссиқлик куч қурилмаларига ўхаш.

Атом реактори бошқариладиган занжирли ядро реакцияси кечадиган ва реакция бир меъерда сақлаб туладиган қурилма. У каструлкасимон зангламайдиган иш бўлиб, унинг ичига иссиқлик ажратувчи элементлар, бошқариш стерженлари, совиткич модда ҳамда нейтронларни қайтаргич маълум тартиб-қоида бўйича жойлаштирилади. Иссиқлик ажратувчи элементлар шахмат тартибида, нейтронларни қайтаргичлар (графит) ички девори реакторнинг сирти бўйлаб жойлаштирилади. Совиткич вазифасини оғир сув, суюқ металл ва сюютирилган газ (водрод, гелий) бажаради. Оғир сув ўз наватида нейтронларни сусайтиргич вазифасини ҳам ўтайни. Бошқариш стерженлари нейтронлари етишмайдиган кимёвий элементлардан ва лантаноидлар гуруҳидаги элементлар қўтишмаларидан тайёрланади ва уларнинг асосийси реактор қозони марказига қолганлари иссиқлик

ажраткич элементлари гуруҳи ўртасига шахмат тартибида жойлаштирилади. Бошқариш стерженлари кадмий, индий, самарий, европий, голъмий ва ш. к. элементлар қотишмаларидан тайёрланади. Бу стерженлар юқорига кўтарилиган сайнин занжирини ядро реакцияси жадаллашиб боради ва реакторда жуда кўп миқдорда иссиқлик ажралиб чиқади. Бу иссиқликни ташқарига биринчи берк контурда мажбурий равишда насос 10 ёрдамида айланадиган совиткич (сув, суюқ металл, суюлтирилган газ) чиқаради (83-расм). Совиткичдаги иссиқлик миқдори шу даражада юқори (550 К) бўлганлигидан у тўғри буғ генератори 3 га узатилади. Буғ генераторида ҳосил қилинган қуруқ қиздирилган буғ юқори босимли буғ турбинасига йўналтирилади. Иш бажариб бўлган ва маълум даражада босими, температураси пасайган буғ юқори босимли буғ турбинасининг чиқишидан олинниб сепаратор ва буғ қиздиригич орқали кўп босқинчили паст босимли буғ турбинасига йўналтирилади.

Умуман олганда, АЭС нинг охирги берк контурида кечадиган жараёнлар ИЭС ларники кабидир.

Биринчи берк контурдаги совиткичининг температураси реактордан чиққанда 550 К атрофида, буғ генераторидан кейин эса реактор турига қараб, 360—460 К атрофида бўлади.

АЭС лар бир, икки ва уч контурли бўлади: бир контурлида сув буғи атом реакторида ҳосил қилинади (83-расм, а) ва унда радиоактив моддалар бўлиши мумкин. Биринчи берк контурдаги радиоактив моддаларнинг иккинчи контурга ўтиш эҳтимоли йўқ (83-расм, б, в). Биринчи берк контурдаги совиткич иккинчи берк контур учун иссиқлик манбай вазифасини бажаради. Кўпчилик икки контурли АЭС ларнинг биринчи контурида иссиқлик ташувчи вазифасини оғир сув (иссиқлик нейтронларида реакция борганда) ва суюқ натрий (тез нейтронларда реакция борганда) бажаради; уч контурли АЭС да биринчи ва иккинчи берк контурлардаги иссиқлик алмаштиргич (совиткич) вазифасини суюқ натрий, учинчи контурда эса оддий сув бажаради (83-расм, б, в).

АЭС ларнинг ФИК 40% атрофида бўлиб, ишлаб чиқариладиган электр энергиясининг таннархи ИЭС лариники каби, яъни 0,5 тийин (кВт·соат. 1991 й. ҳисобида), АЭС ларининг ҳар бир агрегати 1000 ва ундан юқори МВт қувват беради.

Замонавий АЭС ларида 1 млн. кВт·соат электр энергияси ишлаб чиқарыш учун ўртача 200 г уран элементи ядро реакцияси вактида ёқилади. Худди шунча миқдордаги электр энергиясини ИЭС ишлаб чиқарыш учун тақрибан 400 т. күмір ёқиш керак бўлади.

Ҳозирги даврда совуқ минтақаларда АИЭМ (атом иссиқлик электр марказлари) ишлайдип. Бунга Россия территориясида жойлашган Чукотка, Билинск станцияларини мисол қилиш мумкин. АЭС лари ишлаб чиқарытган электр энергияси унча арzon бўлмаса-да, ёқилғи кам сарфланиши билан ажralиб туради. Иш муддати нуқтаи назаридан ишлатиб бўлинган иссиқлик ажратгич элементларини, албатта алмаштириш керак бўлади. Бу иссиқлик ажратгич элементлари радиоактив моддалардан ташкил топғанлиги сабабли улар бирор радиоактив моддалар қабристонида узоқ йиллар (1 млн. йил ва ундан ортиқ) герметик ҳолатда сақланиши керак. Ҳозирги кунда ҳам радиоактив моддаларни сақлаш мәсаласи узил-кесил ешилган эмас. Экологик нуқтаи назардан қаралганда АЭС лардан мутлақо фойдаланиш керак эмас. Турли мамлакатларда атом реакторларидан ҳар хил сабабларга кўра радиоактив моддалар чиқиб (Чернобиль, Три-Майл-Айленд АЭС ларидаги авариялар ва ш. к.). табиятга ва одамларга катта зарар етказяпти. Радиоактив чиқицилар тўпланиб қоляпти.

### 11.7. Термоядро синтез энергетикаси

Табиятда органик ёқилғи захираси камайиб бораётганлиги, атом электр станцияларининг экологик жиҳатдан талабга жавоб бермаслиги гелио ва геотермал станциялар ФИК нинг пастлиги ҳисобга олингандан экология нуқтаи назаридан тоза электр энергияси манбанинн яратиш муаммоси ўз ечимини кутмоқда.

Бу муаммонинг ечими термоядро энергетикасини яратишдан иборат. Термоядро синтез реакцияси 1930 йилларда аниқланган бўлиб, у Қуёш ва юлдузларда водород ва гелий ядроларининг қўшилиши натижасида содир бўлади.

Дунё океанларидаги водород ва дейтерий захираси 0,015% ни ташкил қиласи. Бу захира бир неча миллион йилларга етарли. Масалан, 1 г термоядро ёқилғиси 1 кг ғошкўмир энергиясига нисбатан  $5 \cdot 10^7$  марта кўпроқ энергия беради ёки ичимлик сувининг бир литри-

дан ажратилган дейтерийни ёқишдан ҳосил бўлган иссиқлик энергиясининг миқдори 300 кг нефтни ёққанда ажратилган энергияга тенг.

Бошқариладиган термоядро синтез реакцияси енгил кимёвий элемент — водород изотопларини, яъни дейтерий ва тритийни бир-бирига қўшиш (синтез қилиш) на-тижасида радиоактивликдан озод бўлган энергияни олишдан иборат.

Термоядро реакцияси экзотермик бўлганлиги учун реакция вақтида катта миқдорда иссиқлик энергияси ажралади.


Синтез реакциясини амалга ошириш учун қўшилиши керак бўлган кимёвий элементлар ядроларини бир-бирига ядро кучлари таъсир этадиган даражадаги масофагача, яъни  $r_a = 10^{-15}$  м яқинлаштириш керак. Ядролар мусбат зарядли эканлиги ҳисобга олинса, албатта улар ўртасида бир-бирини итарувчи кулон кучи мавжуд. Уларни  $10^{-15}$  м масофагача яқинлаштириш учун албатта бу кулон кучининг потенциал тўсифини енгувчи энергияни синтезланувчи изотоплар ядролари ташқаридан олиши шарт. Бундай энергия иссиқлик энергияси ҳисобланади.

Инсоният Ерда атом бомбасини, сўнгра водород бомбасини кетма-кет портлатиб, бир неча миллион градус температурани олиш мумкинлигини исботлади.

Демак, енгил элементлар изотопларининг ядроларининг температураси 100 млн. К (10 кэВ)\* ва ундан юқори бўлгандагина синтез реакциясини амалга ошириш мумкин'екан.

Бундай юқори температурани ҳосил қилиш муаммоси бундан 36 йил муқаддам пайдо бўлган эди. Темпера-тура ортиб борган сайнин ядроларининг қўшилиши (син-тез) реакцияси жадаллашиб боради ва қўшилишлар со-ни ортади, кейин сусаяди.

Синтез реакцияларини қўйидагича ёзиш мумкин:



\* 1 кэВ =  $1,16 \cdot 10^7$  К.


Плазманинг ички энергияси  $E$  дан термоядро синтез реакцияси энергияси  $E_c$  катта, яъни  $E_c > E$ , бўлиши учун плазма температураси камида 10 кэВ ва бир сантиметр куб ( $1 \text{ см}^3$ ) плазма ҳажмида  $10^{14}$  та синтез реакцияси юз бериши керак. Бундай шарт термоядро реакцияси физикавий критерийси чегараси, яъни Лоусон критерийси дейилади.

Плазмани тутиб туриш ва синтез реакциясининг узлуксизлигини таъминлаш масаласи анчагина мураккаб бўлса-да, у уч йўналишда давом этмоқда: магнит майдони ёрдамида плазма или тороид камерасида тутиб турилади. Плазмадан электр токини ўtkазиш йўли билан плазма или атрофида кучли магнит майдони ҳосил қилинади. Бу майдон плазма ипини сиқади, натижада унинг температураси бир неча ўн млн. К га етади.

Магнит майдони ёрдамида плазмани тороидал камерада тутиб туришнинг физик асосини академиклардан Л. А. Арцимович ва М. А. Леопотович таклиф қилган ва асослаганлар (84-расм).

Хозирги вақтда термоядро синтез реакцияси «ТО-КАМАК» қурилмаларида амалга оширилган бўлиб, уни бошқариш вақти секунднинг улушларини ташкил қиласи.

Лазер ёрдамида термоядро синтез реакциясини бошқариш йўналиши 1960 йили академик Н. Г. Басов ва



84-расм. Тороид шаклидаги камера: 1 — темир ўзак; 2 — биргамчи чулғам; 3 — иккигамчи чулғам; 4 — тороид камераси; 5 — плазма или.

проф. О. Н. Крохинлар томонидан таклиф қилинганды.  
Хозирги кунда термоядро синтез реакциясини амалга ошириш маңсадыда айрим қурилмаларда бу усул құлтапшылғында.

Лазер ёрдамида термоядро синтез реакциясын амалға оширишда лазер нүри импульс шаклида дейтерий-тритий «таблетка» сиға йұналтириләди. Шунда, бу таблетканиң юқори қатлами ўта қисқа вақтда, яғни  $10^{-8}$  секунд оралғыда, унинг температураси бир неча миллион градусга етады. Натижада, таблетка қатламида термоядро микропортлашлари содир бўлади. Бу термоядро микропортлашларида ажралган иссиқлик шу қадар катта бўладики, термоядро синтез реакцияси амалға ошириладиган термоядро реактори деворлари, ускуналари бундай иссиқликка чидамайди. Плазмани тутиб туриш ва уни термоядро реактори деворидан изоляциялашда кучли магнит майдонидан фойдаланиләди.

Ҳосил қилинганды микропортлаш термоядро синтез реакциясининг ёндирилиши ҳисобланади. Бу реакция вақтіда енгил элементлар ядроларининг қўшилиши (синтези) содир бўлади. Натижада бу портлашларда ўта катта босим таъсирида таблетка сиртидаги зарралар жуда ҳам катта тезликка эришиб, термоядро ёқилғисини (дейтерий-тритий таблеткаси) сиқади ва қиздиради. Бу микропортлашлар даврий содир бўлиши (йұналтирилган лазер импульсига мос равишда) эътиборга олинса, у худди ички ёнув двигатели циклидаги термодинамик жараёнларга ўхшаш бўлади. Шунда иссиқлик энергияси даврий тақрорланадиган микропортлашларда ажралади.


Аммо бошқариладиган термоядро синтез реакциясига сарфланадиган энергия миқдори, ҳозирғы кундаги илмий тадқиқотларда, синтез вақтіда ажралган энергиядан катта, яғни иқтисодий жиҳатдан зарага ишламоқда, чунки ядролар ўртасидаги ўзаро итариш (кулон) кучларини енгиш амалий тадқиқотларда осон бўлмаяпти.

Ядроларни синтез қилишнинг яна бир йұналиши — совук ядро синтез реакциясими паст температурааларда (291—293 К) амалга ошириш мүмкінлиги түғрисида 1948 йил академик А. Д. Сахаров «Мезомолекулалар ДДМ ва ДТМ ҳосил қилганда енгил ядролар синтези содир бўлади» деб айтган эди. 1989 йили америкалилар Флейшман ва Понс ҳамда тадқиқотчилар гу-

рухи (Жоунс) электролиз вақтида енгил элементлар синтези содир бўлишини эълон қиласди, яъни оғир сувни электролиз қилиш вақтида осциллограммадаги табиий шовқинга—табиний йўл билан пайдо бўладиган нейтрон оқимининг шовқинига нисбатан асбоблар ёрдамида қайд этилган нейтронлар сони кўпроқ бўлиши кузатилган. Бундай натижаларни тадқиқот тажрибаларида Флейшман, Понс, Жоунс (АҚШ, Юта штати), Р. Н. Кузьмин ва Б. Н. Швилкин (Россия, МДУ) кузатганлар.

Совуқ ядро синтез реакциясининг физик механизми тўлалигича яратилган эмас. Фақат бу олимларнинг айримлари водород атомини қабул қилиш, ютиш эҳтимоллилиги юқори бўлган палладий, титан, тантал, цирконий, ерда кам учрайдиган элементлар, ванадий қотиш масидан ясалган катод ҳамда платинадан анод сифатида фойдаланган.

Дайтерийнинг мусбат иони палладийга электролиз вақтида электролитдан ( $LiD$ , 0,1 моль/л)  $\sim 1,6 \text{ mA/cm}^2$  ток ўтганда киритилган. Шунда  $D^+$  иони қўйидаги реакцияга кириши мумкин деб ҳисобланган, яъни



Бу реакциядан кўриниб турибдик, водород изотопларининг қўшилиши натижасида водород, яъни протон ва нейтрон учуб чиқади. Ҳосил бўлган нейтронлар совуқ ядро синтези вақтида ажралади деб ҳисоблаганлар. Лекин, бошқариладиган совуқ ядро синтез реакцияси тўла ишончлилиги ҳозирча амалга оширилмаган (исба:ланмаган).

## 11.8 Гелиоэнергетика

Гелио (юнон helios — Қуёш) энергетика Ер сиртига тушадиган Қуёш нури энергиясини электр энергиясига айлантирувчи гелиоқурилмалар асосида пайдо бўлган. Бундай қурилмалардан ташкил топган ва электр энергиясини ишлаб чиқарадиган станциялар гелиоэлектр станцияси дейилади.

Гелиоэлектр станциялар иссиқлик цикли (нур қайтаргич буғ қозни — буғ двигатели) бўйича ёки фотоЭлектр генератори, термоэлектр генераторидан фойдаланиб йишлиши мумкин.


Дунёда биринчи гелиоэлектр станцияси 1912 йили

Мисерда (Қоқира яғинида) қурилган бўлиб, унинг қуввати 45 кВт ни ташкил қилган.

Замонавий гелиоэлектр станцияларидан бирни Қрим Қуёш электр станцияси ҳисобланади. Унинг қуввати 5000 кВт. Қуёш энергиясидан тўғри фойдаланилса, 1 м<sup>2</sup> Ер юзасидан 1 кВт электр энергияси ҳосил қилиш мумкин. Чунки, Ерга Қуёшдан  $1,57 \cdot 10^{18}$  кВт соат энергия бир йил давомида келиб тушади. Аммо, ҳозирги кунда Қуёшдан келадиган ёруғлик нури (радиация) энергиясини электр энергиясига айлантирувчи асбоб-ускуналарниң ФИК анча паст (10—12% кремний кристали).

Қуёш нурини электр энергиясига айлантиришда, асосан яримүтказгичлардан олтингугурт — таллий кремний кристали ( $p-n$ -ўтказувчанлик, ФИК 6%), аморф, кремний, галлий арсениди (ФИК 33—34%) ва ҳоказолардан фойдаланилади. Кремний кристалининг температураси орти ши билан унинг ФИК камаяди, масалан,  $T=291-193$  К да ФИК 28—30% бўлса, 373, К да 12—15%.

Ерда гелиоэлектр станцияларни Қуёшли кунлар кўп бўладиган минтақаларда, яъни Марказий Осиёда, Экватор атрофида, Калифорниядаги (АҚШ) қуриш мумкин.



85-расм. Қуёш сув иситгичининг схемаси: 1 — қуёш нури; 2 — иситкич бўлмаси; 3 — сув айланнишини берк контур бўйича таъминловчи труба қувур; 4 — иссиқ сув тўпланадиган идиш; 5 ва 6 — совуқ ва иссиқ сув трубалари; 7 — вентиллар.

Бундай гелиоэлектр станцияларнинг ФИК 10% атрофида бўлиши учун  $100 \text{ км} \times 100 \text{ км} = 10000 \text{ км}^2$  майдон керак бўлади. Шунда ФИК юқори бўлган яримутказгичларнинг яратилишини кутиб ўтирумасдан Қуёш энергиясидан тўғри фойдаланиш мумкин бўлади.

Ерга тушаётган Қуёш нурини лизза ва қўзгулар ёрдамида бир нуқтага тўплаш йўли билан гелиоқурилмаларнинг самараадорлигини орттириш мумкин. Бундай гелиоқурилмалар иморатларни иситишда, чорвадорлар ўтовларида, кичик қувватли насосларни ишлатишда, лабораторияларда қўлланиммоқда (85-расм).

Космик аппаратларнинг асосий электр манбаи Қуёш батареялари ҳисобланади. Шундай бўлса-да, қатта қувватли гелиоэлектр станцияларни коинотда жойлаштириш лойиҳалари истиқболли деб бўлмайди.

Ўзбекистонда Қуёш электр станциясини қуриш лойиҳаси ишланмоқда. Бундай ҚЭС лари Хоразм ва Бухоро вилоятларида қад кўтаради. Бу гелиоэлектр станцияларнинг қуввати 100 МВт атрофида бўлиб, ҳар бири 200 гектар майдонни эгаллайди.


Ўзбекистон Республикасида (Паркент тумани) «Қуёш» деб номланган кучли гелиомарказ ишламоқда. Унда Қуёш нури энергиясини тўплаб юқори температура ларда суюқланадиган қотишмалар олинмоқда.

Гелиоэлектр станциялар экологик жиҳатдан тоза, табиятга мутлақо зараар етказмайди. Ҳозирги кунда гелиоэлектромобилларни яратиш масаласи бўйича дунё олимлари илмий тадқиқотлар олиб бормоқдалар ва бу соҳада айrim ижобий натижаларга эришилган (Туркменистан, Япония, Франция ва ш. к.)

## 11.9. Геотермал электр станцияси

Ер қобиғидаги иссиқликдан самарали фойдаланиш йўли билан электр энергиясини ишлаб чиқарувчи иншоот геотермал электр станцияси дейилади.

*Гео юонча — Ер, термал юонча thermic — иссиқлик бўлиб, Ер иссиқлиги деган маънони беради. Ер иссиқлигидан фойдаланиб электр энергиясини ишлаб чиқарадиган станцияларнинг асосий иш жисми манбаи бу — қайноқ булоқлар (гейзер) дан қайнаб чиқадиган иссиқ сувдир. Яна бир усули Мантия (Ернинг ички қобиги) га яқин қатламларгача Ерни бурғулаб, шу чуқурликда ҳажм ҳосил қилинади ва унга совуқ сув ҳайдалиб, иккинчи қу-*



86-расм. Геотермал электр станциясининг схематик тасвири  
 1 — сувук сув; 2 — бүг; 3 — бүг турбинаси; 4 — иш бажары бўлган бүг; 5 — сув насоси; 6 — электр генератор; 7 — еринн юқори температурали қатламидаги сунъий ҳавзаси; 8 — су ҳавзаси.

вурдан олинадиган иссиқ сув буғи асосий иш жисм ҳи собланади (86-расм). Ер мантиясига яқинлашган сайнг Ер қобигининг температураси ортиб боради. Масалаң Ер юзидан 2000—3000 м чуқурликдаги жисмлар температураси 370—380 К дан юқори бўлади.

Ер ости сувлари турли хил йўллар билан бу иссиқ қатламларга тушиб, унда буғга ёки иссиқ сувга айланниб, Ер юзасида иссиқ булоқлар ҳосил қиласди. Бунда қайноқ булоқлар аксарият ҳолатларда вулқонлар атрофида пайдо бўлади. Масалан, Курил—Камчатка тизмасида бундай қайноқ булоқлар жуда кўп.

Замонавий геотермал станциялари Догистонда (Из бербаш шаҳри), Камчаткадаги Паужетск дарёси во дийсида ишлаб турибди.

Догистонда геотермал иссиқлик станцияси бир сут када  $10,000 \text{ m}^3$  иссиқ сув ( $t=60-70^\circ\text{C}$ ) беради.

Паужетск дарёси водийсидаги геотермал электр станциясининг қуввати 5 МВт, қуи Кошелск геоИЭС дап олинадиган қувват 94 МВт.

Температураси унча юқори ( $40^\circ-60^\circ\text{C}$ ) бўлмагаши фобахш булоқлар Марказий Осиёда ҳам жуда кўжойларда учрайди. Улар асосида иссиқлик энергетикасининг кам қувватли манбаларини ташкил қилиш мумкин.


## XII бөб. СОВИТКИЧ ҚУРИЛМАЛАР

### 12.1. Идеал совиткич қурилмаси ва унинг иш циклидаги термодинамик жараёнлар

Совиткич машиналарнинг ишлаш принципи термодинамиканинг иккинчи қонунiga асостанган бўлиб, уларга иш жисми температурасининг атроф-муҳит температурасидан пасайишидан иборат, яъни жисмдан иссиқлик миқдори ташқи муҳитга чиқарилади. Модданинг температураси кичик бўлишини таъминлаш учун албатта иш бажарилади. Бу қурилмаларда совук элитгич сифатида сув, шўр сув ( $-21.4^{\circ}\text{C}$ ), кальций хлорид ( $-55^{\circ}\text{C}$ ), этиленгликоль ( $-70^{\circ}\text{C}$ ), хладон ( $-96.7^{\circ}\text{C}$ ) ва ш. к. моддалардан фойдаланилади.

Совитиш машиналарининг цикли Карно циклига тескари бўлган циклдир. Карно циклига тескари бўлган цикл совиткич машиналарнинг идеал цикли дейилади. Идеал циклга совиткич машиналарнинг реал цикллари солишиборилиб, уларнинг иқтисодий жиҳатдан санарадорлиги аниқланади.

Карнонинг совитиш цикли (87-расм) дан кўринниб турибдики, совитувчи моддага иссиқлик миқдори совигилувчи жисмдан изотерма ( $T = \text{const}$ ) бўйича узатила-



87-расм. Карно совитиш циклининг PV ва TS диаграмчалари.

ди (2 ва 3 нүқталар оралығи). Бу жараён давомида иш жисми (реал шароитда сув буғи, аммиак, карбонат аң-гидрид, фреон-12 ва ш. к.) босими ўз ҳажмини ошириши ҳисобига пасаяди. Иш жисми ҳажми кенгайиб борган сари унинг температураси пасаяди, яъни иш жисми совийди. Шундан сұнг иш жисми аднабатик ( $dq \approx 0$ ) сиқилади. Бу сиқлиш жараёнида маълум миқдорда иш бажарилади ва иш жисми температураси күтарилади яъни исийди (3 ва 4 нүқталар оралығи).

Исиган иш жисмини изотермик сиқиш жараёнида 4 ва 1 нүқталар оралығи, ундан  $q_1$  иссиқлик миқдори муҳитта ғиқади. Сиқиш тактигинг охира иш моддаси катта босимга ва кичик ҳажмга эга бўлади (1 нүқтада). Шундан сұнг иш жисми аднабатик кенгаяди (1 ва 2 нүқталар оралығи) ва кескин совийди. Натижада ташқи муҳитлаги ортиқча иссиқлик миқдорини ютади. Цикл тақрорланади.

Совитиш циклининг бажарган иши 1—2—3—4—1 нүқталар билан чегараланган юзага сон қиймати жиҳатдан тенг, яъни

$$A_u = q_1 - q_2, \quad (332)$$

бунда  $q_1$  — иш моддасидан совитувчи жисмга узатилган иссиқлик миқдори;  $q_2$  — совитилувчи жисмдан иш моддасига узатилган иссиқлик миқдори;  $A$  — циклнинг бажарган иши.

Совитиш машиналарининг иқтисодий самарадорлиги совитиш коэффициенти  $\xi$  орқали ифодаланади:

$$\xi = \frac{q_1}{A_u} \quad (333)$$

Карнонинг совитиш цикли учун  $\xi$  коэффициентни қуйидагича өзаш мумкун:

$$\xi = \frac{c}{A_u} = \frac{\Delta S \cdot T_2}{\Delta S \cdot (T_1 - T_2)} = \frac{1}{\frac{T_1}{T_2} - 1}, \quad (334)$$

бунда  $T_1$  ва  $T_2$  — иш жисми ва ташқи муҳит температурали;  $\Delta S$  — иш жисмининг изотермик кенгайишидаги ва сиқилишидаги энтропиясининг ўзгариши.

Карнонинг совитиш циклининг  $PV$  диаграммасидан кўриниб турибдик, цикл иккита изотермик ва иккита аднабатик жараёнлардан ташкил топар экан. Бундай қурилмаларда совитиш жараёни иш жисми ички энер-

гиясининг ўзгариши ҳисобига содир бўлади. Физика курсидан маълумки, ҳар қандай газ ё суюқлик ўз ҳажмини кескин кенгайтирганда совийди. Совиткичларда шу эффектдан фойдаланилади.



## 12.2. Ҳаво билан совитиш қурилмаси

Ҳаво билан совитиш қурилмасининг асосий иш жисми атмосфера ҳавоси ҳисобланади. Бундай совитиш қурилмаси совитиш хонаси 1, компрессор 2, иссиқлик алмаштиргич 3 ва пневматик (ҳаво) двигатель 4 дан ташкил топган (89-расм). Ҳаво билан совитиш қурилмасининг цикли қўйидагича кечади: компрессор 2 совитиш хонаси 1 даги  $T_1$  температурали ҳавони сўради ва шу ҳавони адиабатик сиқиб чиқариш клапани 2 орқали иссиқлик алмаштиргич 3 га ҳайдайди. Ҳавонинг компрессордан чиқишидаги температураси совитувчи сув температурасидан юқори бўлади. Шунинг учун иссиқлик алмаштиргичдан  $q_1$  иссиқлик миқдори сиқилган ҳаводан сувга ўтади, натижада ҳаво совийди. Бу совитилган ҳаво пневматик двигателга клапан 3 орқали ҳайдалади ва унда адиабатик кенгайиб мусбат иш бажаради. Адиабатик кенгайиши жараёнида пневматик двигателдаги ҳаво совийди ва унинг температураси совитиш хонаси 1 даги температурадан паст бўлади. Совуқ ҳаво пневматик двигателдан совитиш хонаси 1 га ҳайдалади. У ерда ортиқча иссиқлик миқдори  $q_2$  ни ўтади. Совитиш хонаси 1 даги жисм совийди. Цикл такрорланади.

Компрессорда ҳавони сиқиши учун сарф бўлган иш миқдори  $4'-1-2-3'-4'$  нуқталар ( $PV$  диаграмма) билан чегараланган юзага, пневматик двигателда ҳавонинг кенгайишида бажарилган иш миқдори  $3-3-4-4-3$  нуқталар ( $PV$  диаграмма) билан чегараланган юзага сон қиймати жиҳатидан тенг бўлади. Циклнинг бажарган иши компрессордаги манфий ва пневматик двигателдаги мусбат ишларнинг айирмасига, яъни  $1-2-3-4-1$  нуқталар билан чегараланган юзага сон қиймати жиҳатидан тенг бўлади.

Иссиқлик алмаштиргичдан сувга узатилган  $q_1$  иссиқлик миқдори сон қиймати жиҳатидан  $a-3-2-a$  нуқталар билан чегараланган юзага тенг бўлади (88-расм,  $TS$  диаграмма), яъни

$$q_1 = q + A_a \quad (335)$$



88-расм. Ҳаво билан совитиш қурилмаси: а — қурилма схемаси; б ва в — ҳаво билан совитиш қурилмаси циклидаги термодинамик жарабёнларнинг  $PV$  ва  $TS$  диаграммалари.

Совитиш циклининг коэффициентини  $TS$  диаграмма орқали қўйидагича ёзиш мумкин:

$$\xi = \frac{q_2}{A_u} = \frac{1}{[(T_2 - T_1) : (T_1 - T_4)] - 1}. \quad (336)$$

$PV$  диаграммадан қўриниб турибдик, 1—2 ва 3—нуқталар оралиғида ҳаво адиябатик сиқилади ва қен гаяди. Шуни эътиборга олиб ҳаво темперуралари нисбатини қўйидагича ифодалаш мумкин:

$$\frac{T_2}{T_1} = \frac{T_3}{T_4}$$

Үнда совитиш циклининг коэффициентини компрессор за двигателнинг сўриш ва ҳайдаш каналларидаги ҳаво температуралари нисбати орқали ифодалаш мумкин бўлади, яъни

$$\xi = \frac{1}{\left(\frac{T_2}{T_1}\right) - 1} = \frac{1}{\frac{T_3}{T_4} (-1)}. \quad (337)$$

Демак, компрессорнинг ҳайдаш клапанидан ўтган сиқилган ҳаво температураси қанча кичик бўлса ёки ҳаво двигателнинг сўриш каналидаги ҳаво температураси қанча паст бўлса, совитиш қурилмасининг иқтисодий самарадорлиги шунча юқори бўлади.

Иссиқлик алмаштиргичга киртиладиган сувнинг температураси қанча паст бўлса, ҳаво билан совитиш қурилмасининг самарадорлиги шунча катта бўлади. Чунки компрессорда ҳавони юқори босимгача сиқиш учун ортиқча иш сарфлаш зарур бўлмайди.

Совитиш коэффициент  $\xi$  ни гоҳо солиширма совуқлик ишлаб чиқариш  $q_0$  деб юритилади. Совуқ манбадан иш бирлиги сарфи вақтида чиқарилган иссиқлик миқдорини билдирувчи катталик кЖ ёки Мегажоулда ўлчанди. Солиширма совуқлик ишлаб чиқаришни қўйидагича ифодалаш мумкин:

$$q_0 = 10^3 \xi.$$

Ҳаво билан совитиш қурилмалари учун  $q_0 = 950 - 1250 \text{ кЖ/МЖ}$  атрофида бўлади.

### 12.3. Сиқилган буғ билан совитиш қурилмаси

Атмосфера босими ёки шунга яқин босимларда буғ ҳолатига ўтувчи газлар моддани сиқиб совитувчи қурилмаларнинг асосий иш жисми бўлиб, улар гоҳо совитиш агенти деб ҳам юритилади. Бундай газлар ноль градусдан паст температураларда тўйиниш нуқтасига эга бўлади.

Сиқилиш ҳисобига совитувчи қурилмаларда қўлланиладиган совитиш агентлари термодинамика нуқтай назаридан қўйидаги талабларга жавоб бериши керак: а) вакуумда буғланиш юз бермаслиги ва ташқаридан совитиш хонасига ҳаво сўрилмаслиги учун нолдан паст бўлган манфий температураларда тўйиниш нуқтасига

эга бўлган совитиш агенти буғининг босими атмосфера босимидан кичик бўлмаслиги шарт; б) сиқиш камера-сидаги босим кичик бўлиши талаб қилинади (ана шундагина машина қисмлари енгил конструкциядан ташкил топади); в) паст тёмператураларда тез ва кўп буғланадиган, яъни ҳажмий совуқлик ишлаб чиқариши юқори бўлиши керак; г) суюқликнинг иссиқлик сифими паст бўлиши талаб қилинади.


Бундай талабларга тўлиқ жавоб берадиган совитиш агенти, яъни идеал газ топилганича йўқ. Лекин шунга яқинроқлари совитиш қурилмаларида қўлланилмоқда (15-жадвал).

Сиқилган буғ билан совитадиган қурилма совитиш хонаси 1, компрессор 2, буғлаткич 3, конденсатор 4 ва ростловчи (дроузелли) вентиль 5 дан ташкил топган (89-расм). Сиқилган буғ билан совитадиган қурилмада юз берадиган термодинамик жараёнларнинг  $Ts$  диаграммасидан кўринниб турибдики (89-расм), цикл совитувчи агент (иш моддаси) ни компрессорга сўриш ва уни адабатик ( $dq=0$ ) сиқишдан бошланади (1 ва 2 нуқташлар оралиғи).


15-жадвал  
Совитиш моддалари ва уларнинг тўйинниш температуралари ҳамда босимлари

№	Совитиш агентининг номи ва формуласи	1 бар босими-даги тўйинниш температура-ри, $^{\circ}\text{C}$	Тўйинниш босими, бар	
			15 $^{\circ}\text{C}$	-10 $^{\circ}\text{C}$
1	Сув буги, $\text{H}_2\text{O}$	-99,64	0,017	0,00287
2	Аммиак, $\text{NH}_3$	-33,4	7,28	2,91
3	Карбонат ангидрид, $\text{CO}_2$	-78,9	50,9	26,4
4	Олтингўфтангидрид	-10,3	2,75	1,015
5	Метил хлориди, $\text{CH}_3\text{Cl}$	-24,0	4,18	1,75
6	Фреон	-30,0	4,9	2,19

Буғлаткич 3 да ўзгармас босим ( $P=\text{const}$ ) остида ҳосил бўлган совитувчи агентнинг буғини компрессор 2 сўриб олади. Албатта, бу совитувчи агент ҳосил қилган буғининг босими атмосфера босимидан катта, температура-си эса манғий ишорали бўлади (1 нуқта, 89-расм). Сўрилган буғ 2 нуқтагача адабатик сиқилади ва унинг температураси совитувчи сув температурасидан катта бўлади. Сиқилган буғ ўзининг ички энергиясини ортиши ҳисобига исиди. Демак,  $T > T_c$  ортиқча иссиқликни совитувчи агент конденсатор (совиткич) 4 да иссиқлик



*a*



*b*

89-расій. Сиқылған бүтән сөвітиш қурилмасы: *a* — қурилма схемасы; *b* — сиқылған бүтән сөвітиш қурилмасы циклининг *TS* диаграммасы.

алмашынув йұли билан совитувчи сувга беради ва үзгартас босым остида ( $P=\text{const}$ ) совитувчи агенттің буғын тұлық конденсацияланады. Бу  $TS$  диаграммадаги 2—3—4 нұқталарға мос келади.

Хосил бұлған совитиш агенти конденсатимі яна буғланиш даражасында етказиш мақсадыда у дросселлаш вентили 5 дан үтказилады (4—5 нұқталар оралиғи). Буғланиш даражасында етказилған совитиш агенти буғлатынчы ҳайдалады ва унда кескин кенгайиб совийди. Хосил бұлған бу совуқлык миқдори совитувчи шур сувга узатылады. Бу шур сув совитиш хонасы температурасыны пасайтириб, ундағы моддаларни совитади, яғни улардан иссиқлик миқдори чиқады. Шур сув томондан ютилған иссиқлик буғлатыш хонасидаги совитувчи агентни яна ҳам күчлироқ буғланишини таъминлайды. Цикл такрорланады.

Циклнинг бажарған иши 1—2—3—4—5—1 нұқталар билан чегараланған юзага сон қиймати жиҳатидан тенг бўлиб, уни совитиш агентини адиабатик сиқишида (1 ва 2 нұқталар оралиғи) энталпиянинг үзгариши орқали ифодалаш мумкин:

$$A_u = i_2 - i'_1, \quad (338)$$

Бунда  $i_1$  ва  $i_2$  — совитиш агенттің 1 ва 2 нұқталарга (90-расм,  $TS$  диаграмма) мос келувчи энталпияларининг қиймати.

Буғлаткич хонасидаги совитувчи агентни буғлатыш учун сарф бұлған иссиқлик миқдори  $q_2$  катталиги  $TS$  диаграммада жойлашған 5—1—d—c—5 нұқталар билан чегараланған юзага сон қиймати жиҳатидан тенг, яғни 1 ва 5 нұқталар энталпиялари айрмасы кўриннишида ёзамиз:

$$q_2 = i_1 - i_5. \quad (339)$$

Қурилма совитиш коэффициенттің совитиш хонасидан чиққан иссиқлик миқдори циклнинг бажарған ишига нисбати ёки юзалар ҳамда 5—1 ва 1—2 нұқталар энталпияларининг айрмаларининг нисбати кўриннишида ифодалаш мумкин:

$$\xi = \frac{d_2}{A_u} = \frac{\text{юза } 5 - 1 - d - c - 5}{\text{юза } 1 - 2 - 3 - 4 - b - 1} = \frac{i_1 - i_5}{i_2 - i_1}. \quad (340)$$

Демак, совитиш хонасы 1 дан қанча кўп миқдорда  $q_2$  иссиқлик чиқса, компрессорни ишга тушириш учун

шунча кам иш сарфланади, натижада мазкур совитиш қурилмасининг иқтисодий самарадорлиги катта бўлади.

Циклнинг  $TS$  диаграммасидаги шўр сув чизиги  $T_p' - T_p''$  буғланиш чизиги  $2-1$  га қанча яқинлашиб келса, совитиш хонаси  $1$  дан шунча кўп иссиқлик миқдори чиқаётганлигини билдиради. Совитиш хонаси  $1$  даги температурани янада пасайтириш мақсадида гоҳо қурилмага қўшимча совитиш системаси қўшилиши мумкин. Бунда системадан (совитиш хонаси) чиқадиган  $q_2$  ортади ва қурилманинг иқтисодий самарадорлиги кўтарилади, чунки  $q_2$  га мос келувчи юза  $5'-1-d-c'-5'$  катталашади.

Яна ҳам кучлироқ совитиш учун юқори даражада дrossеллаш, яъни вентилнинг ўтказиш канали тешигини кичрайтириш усулидан фойдаланиш керак. Бунда оз миқдордаги совитиш агенти тешикчадан катта ҳажмга ўтади ва кескин кенгайиб совийди ҳамда босими тушади (89-расм,  $TS$  диаграммадаги  $5''-1'$  нуқталар ораглиги).

Сиқилган буғ ёрдамида совитадиган қурилмадан ҳаво двигатели ўрнига ростланадиган дrossелловчи вентиль қўлланилган. Бу билан қурилмадаги ҳаракатлашувчи қисмлар сони камайтирилган ва унинг ишончли ишлаши таъминланган. Иқтисодий жиҳатдан мазкур қурилма ҳаво билан совитиш қурилмасидан қимматроқ ҳисобланса-да, ишончли ишлаши таъминланган.

## 12.4. Буғ оқимли совитиш қурилмаси

Сув буғи асосий иш жисми сифатида сув оқимли совитиш қурилмаларида ишлатилиши мумкин. Бундай буғ кескин кенгайгандан совиши ҳодисасидан фойдаланади. Агар оддий сув ўрнига шўр сувдан фойдаланилса, у ҳолда —  $21,4^{\circ}\text{C}$  гача бўлган температурани атрофмуҳит температурасига нисбатан тушириш мумкин бўлади. Чунки ана шу температурада шўр сув музлай бошлайди.



Буғ оқимли совитиш қурилмаси буғ қозони  $1$ , эжектор (франц. ejesteur, ejester — отмоқ), оқимли насос  $2$  (эжектор ўз навбатида Лаваль соплоси  $3$  ва конфузор-диффузор  $4$  дан иборат), конденсатор  $5$ , дrossеллаш вентили  $6$ , буғлаткич  $7$ , совитиш хонаси  $8$ , конденсат насоси  $9$  дан ташкил топган (90-расм).

Буғ оқимли совитиш қурилмасининг иш цикли қуйидагича: қозон 1 дан буғ оқими эжекторга оқиб киради, у ердан де-Лаваль соплоси 3 орқали ўтаётганда ўз параметрларини (босими, температураси ва ҳажмини) ўзгартириши натижасида буғ оқими зарраларининг тезлиги товуш тезлигидан катта бўлади. Буғ бундай кенгайгандан сўнг у эжекторнинг аралаштиргич қисмига буғлаткич 7 дан сўрилган температураси пастроқ буғ билан биргаликда конфузор 4 да адиабатик сиқилади (1—2 нуқталар оралиғи). Бу сиқилган аралашманинг температураси унинг ички энергияси ҳисобига ортади. Бундаги сиқилиш худди компрессордагидай бўлади. Конфузордан чиқсан аралашма диффузор 4' да бирдан кенгайиб совийди. Бу совиш жараёни конденсаторда давом этади. Бу жараён TS диаграммадаги 2—3 нуқталарга мос келади. Конденсатнинг маълум қисми дрос-сеплаш вентилида катта ҳажмга ўтишда кенгайиб совийди (3—4 нуқталар оралиғи) ва совитиш хонаси 8 даги буғлаткич 7 га ўтади. Ўз навбатида, унда буғланиб совийди ва совитиш хонаси 8 да жойлашган жисмлардаги ортиқча иссиқлик миқдорини ютади, жисмлар эса совийди. Буғлаткичдаги совиткичга жисмлардаги  $q_2$  иссиқлик миқдори изотермик келтирилади ва совитувчи модда (буғ) ҳажми ортади (TS диаграммадаги 4—1 нуқталар оралиғи). Буғ қозонида узлуксиз буғ ҳосил бўлиши учун эжекторга узатилган буғ миқдорига тенг бўлган конденсат суюқлик насоси 9 орқали қозонга ҳайдалади. Цикл такрорланади.

Демак, буғ оқимли совитиш қурилмаси циклидаги термодинамик жараёнлар битта адиабатик (1—2 нуқталар оралиғи), иккита изотермик (2—3 ва 4—1 нуқталар оралиғи) ва битта изохорадан (3—4 нуқталар оралиғи) ташкил топган экан.

Циклнинг TS диаграммасидаги  $OKN$  чизиги 1 кг ва  $OK'N'$  чизиги эса  $g$  кг буғга мос келади.  $OK'N'$  эгри чизиқдаги 1'—2' нуқталар оралиғи буғнинг де-Лаваль соплосидан оқиб чиқишига мос келса, 2'—3' нуқталари оралиғи конфузор-диффузорда  $g'$  кг буғнинг сиқилишини билдиради. 3'—4' нуқталарга  $g$  кг буғнинг конденсацияланishi тўғри келади.  $g$  кг сувнинг қозонда буғланишига 4'—5'—1' нуқталар оралиғи мос келади.

Совитишнинг фойдали эффицити совитиш хонасидаги жисмлардан қанча миқдорда  $q_2$  иссиқликнинг чиққанлигига боғлиқ ва у TS диаграммадаги  $a'—4'—5'—1'—$



90-расм. Бүг оқынғылы совитиш қурилмасы: а — қурилма схемасы; б — циклнинг  $TS$  диаграммасы.

$-b'-a'$  нүқталар билан чегараланган юзага сон қиймати жиҳатидан тенг.  $TS$  диаграммадаги  $a'-4'-5'-I'-b'-a'$  нүқталар билан чегараланган юза  $g$  кг сувни буғлатышга сарф бўлган иссиқлик миқдорига сон қиймати жиҳатидан тенг.

Буғ оқимли совитиш қурилмасининг иқтисодий са-марадорлигини, насосга сарфланган иш эътиборга олин-маса, қурилмадан чиқсан  $q_2$  ва унга киритилган  $q_1$  иссиқлик миқдорлари нисбати, яъни иссиқликдан фойда-ланиш коэффициенти кўринишида ифодалаш мумкин:

$$\xi = \frac{q_2}{q_1} = \frac{\text{юза } a - 4 - I - s - a}{\text{юза } a^1 - 4^1 - 5^1 - s^1 - a}. \quad (341)$$

Циклдаги иш моддаси энталпияларининг ўзгарувчан-лиги учун  $\xi$  ни қуйидагича ёзиш мумкин:

$$\xi = \frac{i_1 - i_4}{g(i_1' - i_4')}, \quad (342)$$

бунда  $i_1 - i_4 - TS$  диаграммадаги 1 ва 4 нүқталар эн-талпиялари;  $i_1' - i_4'$  — бир кг буғнинг ( $TS$  диаграмма-даги) 1' ва 4' нүқталари энталпиялари.

Буғ оқимли совитиш қурилмаси циклидан шундай ху-лоса чиқариш мумкинки, термодинамиканинг иккинчи қонунига мувофиқ температураалар фарқи мавжуд бўл-гандаги фойдали ишни олиш мумкин экан. Бу қурилмада температураалар фарқи қозондаги буғ билан конденса-тордаги сув ўртасида пайдо бўлади.

## АДАБИЕТ

1. Баскаков А. П., Берг Б. В. и др. Технотехника. — М., «Энергоиздат», 1982, 262 с.
2. Дрижаков Е. В., Козлов Н. П. и др. Техническая термодинамика. — М., «Высшая школа», 1971, 472 с.
3. Политехника лугати (махсус муҳаррир Т. Р. Рашидов, УзССР ФА акад.). — Т., УзСЭ Бош редакцияси, 1989, 704 б.
4. Яварский Б. М. и Детлаф А. А. Справочник по физике. — М., «Наука», 1981, 944 с.
5. Бронштейн И. Н., Семеняев К. А. Справочник по математике. — М., «Наука», 1981, 720 с.
6. Узбек Совет энциклопедияси. I—14 т. — Т., УзСЭ, Бош редакцияси, 1970—1980.
7. Бекжанов Р. Б. Ядро физикаси. — Т., «Фан», 1975.
8. Энциклопедический словарь юного техника. — М., «Педагогика», 1980, 512 с.
9. Гуськов С. Ю., Розанов В. Б. Лазерный «ключ» к термоядерной энергии. — М., «Знание», «Физика»: новое в жизни, науке, технике, 1986/4, 64 с.
10. Кузьмин Р. Н., Швилкин Б. Н. Холодный ядерный синтез. — М., «Знание», «Физика»: новое в жизни, науке, технике, 1989/10, 64 с.
11. Алферов Ж. И. Гелиотехника. — М., «Наука», «Энергия»: «Экономика, техника, экология», 1988/4, 8 с.
12. Солнечная и тепловая. — М., «Знание», «Наука и жизнь», 1987/6, 54 с.
13. Кириллин В. А., Сичев В. В., Шейндин А. Е. Техникавий термодинамика. — Т., «Учитувчи», 1979, 512 б.
14. Михеев М. А., Михеев И. М. Основы теплопередачи. — М., «Энергия», 1977, 343 с.
15. Рышкин В. Я. Тепловые электрические станции. — М., «Энергия», 1976, 447 с.
16. Шляхин П. Н. Паровые и газовые турбины. — М., «Энергия», 1974, 224 с.
17. Архангельский В. М., Вихерт М. М. и др. Автомобильные двигатели. — М., «Машиностроение», 1977, 591 с.
18. Матвеев А. Н. Молекулярная физика. — М., «Высшая школа», 1981, 400 с.
19. Колодина М. З. «Энергетические ресурсы мира», № 1, 1959.
20. Ребане К. К. Энергия, энтропия, среда обитания. — М., «Знание», «Физика»: новое в жизни, науке, технике, 1985/4, 64 с.
21. Ястрембский А. С. Техническая термодинамика. Госэнергоиздат, 1960.

## S I нинг асосий бирликлари

Катталик	Улчов бир- лиги	Улчов бирлигининг <sup>*</sup>		
		номла- ниши	белгиланиши	
Узунлик	L	метр	m	m
Масса	M	кило- грамм	кг	kg
Вақт	T	секунд	s	s
Электр тоининг кучи	I	ампер	A	A
Термоди- намик температура	Θ	kelvin	K	K
Модда миқдори	N	моль	моль	mol
Ерглик кучи	J	кандела	кд	cd

**Үнга карралы ва улушли бирликларни ҳосил  
қилувчи кўпайтувчилар ва олд қўшимчалар**

Кўпайтувчи	Олд қўшимча			
	номла- ниши	белгила- ниши	ўзбекча	халқаро
$1\ 000\ 000\ 000\ 000\ 000\ 000 = 10^{18}$	э́кса	Э	Е	
$1\ 000\ 000\ 000\ 000\ 000 = 10^{15}$	пета	П	Р	
$1\ 000\ 000\ 000\ 000 = 10^{12}$	тера	Т	Т	
$1\ 000\ 000\ 000 = 10^9$	гига	Г	Г	
$1\ 000\ 000 = 10^6$	мега	М	М	
$1\ 000 = 10^3$	кило	к	k	
$100 = 10^2$	гекто	г	h	
$10 = 10^1$	дека	да	да	
$0,1 = 10^{-1}$	деци	д	d	
$0,01 = 10^{-2}$	санти	с	c	
$0,001 = 10^{-3}$	милли	м	m	
$0,000000 = 10^{-6}$	микро	мк	μ	
$0,000000000 = 10^{-9}$	нано	н	n	
$0,000000000000 = 10^{-12}$	пико	п	p	
$0,000000000000000 = 10^{-15}$	фемто	Ф	f	
$0,000000000000001 = 10^{-18}$	атто	а	a	

## **МУНДАРИЖА**

<i>Сўз боши</i>	3
<i>Муқаддима</i>	4

### **БИРИНЧИ ҚИСМ**

#### **ТЕРМОДИНАМИКА АСОСЛАРИ**

##### **I боб. Термодинамика. Асосий тушунчалар**

1.1. Иссиқлик техникаси фани, унинг мақсад ва вазифалари	6
1.2. Иссиқлик машиналарининг иш жисми ва уларнинг асосий параметрлари	9
1.3. Системанинг ҳолат тентламаси	14

##### **II боб. Термодинамиканинг биринчи қонуни**

2.1. Системанинг ички энергияси	16
2.2. Модданинг кенгайишида бажарилган иш	19
2.3. Модданинг иссиқлик сиғими.	20
2.4. Термодинамика биринчи қонунининг талқини.	23
2.5. Энтропия	24
2.6. Энталпия	25
2.7. Термодинамик жараёнлар	26
Изохорик жараён	27
Изобарик жараён	30
TS — диаграммада изохора ва изобаранинг жойлашуви	32
Изотермик жараён	33
Адиабатик жараён	35
PV ва TS диаграммаларда изотерма ва адиабата-нинг жойлашуви	39
Политропик жараён	40

##### **III боб. Термодинамиканинг иккинчи қонуни**

3.1. Айланма цикл	45
3.2. Карно цикли	48
3.3. Термодинамика иккинчи қонунининг талқини	51

##### **IV боб. Иссиқлик ўтказувчанлик**

4.1. Иссиқликнинг узатилиши ва алмашинуви	52
4.2. Иссиқлик ўтказувчанлик	52
4.3. Конвектив иссиқлик алмашинуви	56
4.4. Нур иссиқлиги алмашинуви	62

4.5. Нур иссиқлиги алмашынуvida экранларнинг қўлла- нилиши	68
4.6. Газларнинг иссиқликкни нур кўринишида тарқати- ши (нурлаши).	71
4.7. Иссиқлик алмашынуvida фойдаланиладиган асбоб- ускуналар ва уларнинг таснифи	72

#### V боб. Еқилғи

5.1. Еқилғи ва унинг хоссалари.	78
5.2. Еқилғи турлари.	81
5.3. Еқилғининг ёниши ва ортиқча ҳаво коеффициенти.	
5.4. Ениш маҳсулни ва унинг таркиби	85
5.5. Утхона қурилмалари ва уларда еқилғини ёқиши усуллари	87

#### VI боб. Ички ёнув двигателлари

6.1. Ички ёнув двигателлари ҳақида умумий тушунча ва уларнинг таснифи	89
6.2. Ички ёнув двигателлари циклида кетадиган тер- модинамик жараёнлар	98
6.3. ИЕД индикатори ишининг қуввати ва ФИК	105
6.4. ИЕД эфектив қуввати ва ФИК	110
6.5. ИЕД нинг иссиқлик баланси	
6.6. Пуфлаш ва унинг двигателларни ишлаб чиқариш- даги аҳамияти	113
6.7. Ташқи ёнув двигатели	115
	116

### ИҚКИНЧИ ҚИСМ

### ИССИҚЛИК КУЧ ҚУРИЛМАЛАРИ

#### VII боб. Буг куч қурилмалари

7.1. Иссиқлик энергетикасининг иш жисми — сув буғи.	119
7.2. Буг куч қурилмасининг назарий цикли	119
7.3. Ораліқ буг қиздиргичли буг куч қурилмаси	125
7.4. Бинар циклли буг куч қурилмаси.	127
7.5. Қозон қурилмаси, унинг тузилиши ва ишлаш тар- тиби	130
7.6. Буг қозонлари	135
7.7. Сув-буг тайёрлаш ва сув иситиш қозонларидаги жараёнлар	135
7.8. Сув буғининг ҳосил бўлишидаги айrim физик жа- раёнлар	140
7.9. Сув буғи ва уни тайёрлашдаги асосий термодина- мик жараёнлар	143
7.10. Сув агрегат ҳолатининг ўзгаришида иссиқлик ал- машинуви.	150
7.11. Буг қозонининг иссиқлик баланси ва ФИК	154
7.12. Қозон қурилмаларининг ёрдамчи ускуналари.	157

#### VIII боб. Буг турбинаси

8.1. Буг турбинасининг таснифи, тузилиши, ишлаш тар- тиби ва унда кечадиган термодинамик жараёнлар.	159
8.2. Буг турбинасидаги истрофлар	171
8.3. Буг турбинасининг қуввати ва ФИК	172

## **IX боб. Газ турбиналары**

9.1. Газ турбинасыннинг таснифи, тузилиши ва ишлаш тартиби.	173
9.2. Газ турбиналары қурилмалари ва уларнинг циклидаги термодинамик жараёнлар	174
9.3. Иссиқлик $P=const$ да узатиладиган газ тақсимлаш қурилмаси (ГТК)	181
9.4. Регенерациялы ГТК	184
9.5. Иссиқлик $P=const$ циклга келтириладиган босқычли сиқиш, ёниш ва регенерациялы ГТК	187
9.6. ГТК нинг татбиқи	191

## **XI боб. Иссиқлик электр станциялари**

10.1. Реактив двигателларнинг таснифи, турлари, тузилиши ва ишлаш тартиби	191
10.2. Реактив двигатель циклидаги термодинамик жараёнлар	195
10.3. Тұғри оқынмыл ҲРД лар ва уларнинг циклидаги термодинамик жараёнлар	197
10.4. Пульсациялы ҲРД ва уннинг циклидаги термодинамик жараёнлар	200
10.5. Ракета двигателлари	201

## **XII боб. Иссиқлик электр станциялари**

11.1. Конденсациялы электр станцияси (КЭС)	204
11.2. Иссиқлик электр марказы (ИЭМ).	206
11.3. Магнитогидродинамик (МГД) генератор	208
11.4. Термодинамик генератор	217
11.5. Термоэмиссион генератор	221
11.6. Атом электр станцияси.	223
11.7. Термоядро синтез энергетикасы	227
11.8. Гелиоэнергетика	231
11.9. Геотермал электр станцияси.	233

## **XIII боб. Советкің қурилмалар (Илова)**

12.1. Идеал советкің қурилмаси ва уннинг иш циклидаги термодинамик жараёнлар	235
12.2. Ҳаво билан советиш қурилмаси	237
12.3. Сиқылған бүг билан советиш қурилмаси.	239
12.4. Бүг оқынмыл советиш қурилмаси	243
<i>Адабиет</i>	247

**ЖУРАҚУЛ НУРМАТОВ  
НУРИДДИН АББОСОВИЧ ҲАЛИЛОВ  
ҰТКИР ҚАРШИЕВИЧ ТОЛИПОВ**

## **ИССИҚЛИК ТЕХНИКАСИ**

(ўқув қўлланма)

Тошкент «Ўқитувчи» 1998

Муҳаррир *Д. Аббосова*

Расмлар муҳаррири *Ф. Некқадамбоев*

Техник муҳаррирлар: *Э. Вильданова, С. Турсунова*  
*Мусаҳид М. Иброҳимова*

ИБ № 7308

Теришга берилди 28.05.98. Босншга рухсат этилди 26.10.98. Бицими  $84 \times 108\frac{1}{3}2$ . Кегли 10 шпонсиз. Литературная гарнитураси. Юқори босма усулидабосилди. Шартли б. т. 13,44. Шартли кр.-отт. 11,26. Нашр. т. 11,26. Тиражи 3000. Буюртма № 2004.

«Ўқитувчи» нашриёти қошидаги «Зиё-Ношир» кичик шўъба корхонаси. Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Шартнома № 11—98.

Узбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг 1-босма-хонасида босилди. 700002. Тошкент, Сағбон кўчаси, 1-берк кўча, 2-йй. 1998 й.

СГР

253

**Н 87**

**Нурматов Ж. ва бошқ.**

Иссиқлик техникаси: Олий ўқув юртлари табалары учун ўқув құлланма/Ж. Нурматов, Н. А. Ҳалилов, Ұ. Қ. Толипов. — Т.: «Ұқитувчи», 1998. — 256 б.

1.1.2 Автордош.

ББК 31.3я7

